



АМЕРИКА ҶИКОЯЛАРИ

TOSHDO'TAU



0000002202

АМЕРИКА ҲИКОЯЛАРИ



Тошкент-2011

ALISHER NAVOVIY NOMIDAGI

TashDO'TAU/1688

AXBOROT-RESURS MARKAZI

Америка ҳикоялари. — Т.: SMI-ASIA, 2011. — 256 б.

Ўзбек ўқувчилари Жек Лондон, Марк Твен, Теодор Драйзер, Уилям Фолькнер каби буюк ёзувчилар асарлари орқали Америка адабиётини яхши билади. Лекин бу мамлакатнинг замонавий адабиётидан ҳамма ҳам хабардор эмас. Қўлингиздаги китобга жамланган асарлар — америкалик замонавий ёзувчиларнинг қисса ва ҳикоялари бугунги АҚШ адабиёти ҳақида сизда озгина бўлсада тасаввур уйғотади деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-17-035-3

- © Жозеф Эпштейн
- © Беверли Женсен
- © Рой Кесей
- © СтеларКим
- © Эйрин Кайл
- © Ричард Руссо
- © Кейт Уолберт

Муҳтарам китобхонлар,

Таниқли афро-америкалик ёзувчи, нотик ва қулликни бекор қилиш тарафдори бўлган Фредерик Дуглас «Ўқишни ўргансангиз, умрбод эркин бўласиз», дея таъкидлаган эди. Бир вақтлар ўзи қул бўлган кишининг сўзлари жуда таъсирчан, лекин нишонга беҳато уради. Адабиёт — ва ўқиш — ўзаро тушунишни қарор топтириш, узоқ ўлкаларни кашф қилиш, янги фикрларни баён қилиш ва мулоқотга кўмаклашишдай ажойиб кучга эга.

Ўзбекистон халқи Эрнест Хемингуэй, Теодор Драйзер ва Марк Твейн сингари Америка мумтоз адабиёти намояндаларини биледи ва уларнинг асарларини ўқиган. Бироқ Ўзбекистонда замонавий Америка адабиётини ўқиш имконияти кам эди. АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ушбу бўшлиқни тўлдириш учун Американинг замонавий ҳикоялари тўплами таржимаси ва нашрига ҳомийлик қилаётганидан мамнун.

Ушбу китобга «Хьютон Миффлин Ҳаркорт» нашриёти чоп этган йиллик тазкира бўлмиш «Американинг 2007 йилги энг яхши ҳикоялари»дан еттига ҳикоя киритилди. Америка замонавий адабиётида етакчи ёзувчилар қаламига мансуб йилнинг энг яхши ҳикоялари 1915 йилдан бери ушбу тазкирага киритилиб келади.

Ушбу ҳикоялар сизга манзур бўлади ва Америка Қўшма Штатлари ҳаётидан янги нарсаларни билиб оласиз, деб умид қиламиз.

Самимий тилаклар ила,



Молли Стивенсон
Жамоатчилик билан алоқалар
бўйича маслаҳатчи,
АҚШ элчихонаси,
Тошкент, Ўзбекистон

ЖОЗЕФ ЭПШТЕЙН «Голдин болалари» ва «Ақл бовар қилмас яхудий болалар» деб номланган иккита ҳикоялар тўплами муаллифидир. Айни пайтда у Фред Астер ҳақидаги ва яна бир миш-мишларга бағишланган китоб устида ишляпти.

«Укагинам Илай» неча ўн йиллар давомида миямда айланиб юрган, санъаткорлар алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзларга эгами, деган саволга жавоб ўлароқ юзага келди. Микеланжело, Бетҳовен, Толстой, Пикассо сингари буюк санъаткорларнинг аянчли феъл-атворини ҳамма билади. Таассуф билан бош чайқаймиз, бироқ уларнинг буюк санъати олдида бу кечирарли ҳол. Бетҳовеннинг афти хунук бўлгани сўнги кваттетларини тинглагандан кейин билмай кетади, биз қойилмақом визуал санъат, мусиқа ва адабиёт учун ташаккурлар айтамыз.»

Бироқ истеъдоди ўзига яраша бўлган санъаткорларнинг ҳам раъйига қарашимиз керакми? Уларнинг кўпчилиги, сен шунга мажбурсан, деб билади ва ўз масъулиятсизлиги, сотқинлиги, пасткашлигини санъаткор фаолияти камчилигига йўяди. “Укагинам Илай” шу ақидага ишонган ва амал қилиб яшаган ёзувчи ҳамда бунинг оқибатлари ҳақидадир. Ушбу ҳикояни ёзаётганимда кимдир ин-

глиз ёзувчиси Хю Кингсмиллинг, ҳеч бир ёзувчи “ҳаётда ўзи эга бўлганидан ортиқ фазилатни асарларига жойлай олмайди”, деган гапни айтиб қолди. Бу унчалик янги фикр эмас, аммо ўйлаб қарасам, шунга ишонар эканман. Мен зикр этилган фазилатдан ваъз ўқийдиган, лекин ҳаётда ўзи шунга амал қилмайдиган ёзувчини қаламга олдим, қолаверса, у ўзини оддий одоб меъёрларидан юқори қўювчи санъаткор ҳақидаги ривоятдир. Назаримда, ҳам мавзу, ҳам масалани бир-бирига мос келадиган тарзда тўери қўя олдим.»

БЕВЕРЛИ ЖЕНСЕН асари ҳақида «ҳикоя опа-сингил Эйвис билан Айделланинг болалигидан кексалик давригача бўлган ҳаётини тавсирлаб беради», деб ёзган эди. Опа-сингилларнинг ҳар доим ҳам кўзга ташланавермайдиган, тилга кўчавермайдиган ўзаро меҳр ва муҳаббати қон-қонига сингиб кетганди. Уларнинг бир қарашда оддий туюладиган ҳаёти, одмигина ташқи кўриниши тарозига солиб кўрилганда ўз қадрини билиши, ҳазил-ҳузулни қанда қилмаслиги, тўлақонли ҳаёт кечиршига бўлган иштиёқи Канаданинг гадойтопмас қишлоғидаги оғир меҳнат қилиб кун кўрган ота-боболари турмушига зид келади.

Женсен хоним икки фарзандни ўстириш ва тушдан кейин ишлаш баробарида, бандлаб ёки саҳифалаб ҳикоялар ёзди. Баъзиларини бошидан-оёқ тўқиб ёзган бўлса, бошқа бирини Айделла гапириб берган воқеа асосида ёзишга киришиб, тўлақонли ҳикояга айлантирди. «Дафн маросими» 1956 йилги ҳалокатли муз ёмғири пайтида рўй берган реал воқеаларга асосланган. Б. Женсен Айделла билан Эйвиснинг суҳбатини ҳаёлида қайта тиклаб, улар гапириб берган баъзи нарсалардан ҳайратга тушганча қулиб, мазза қилиб ёзади. У қисталанг вақтини ҳикояларни бирор

жойда чоп этиш учун юборишдан кўра ёзишга ва таҳрир қилишга сарфлади. Аммо ёзувчига ошқозон ости беши саратони ташхиси қўйилганда коллеждаги хонадоши унга билдирмасдан бешта ҳикоясини адабий муҳаррир Катрина Кенисонга жўнатиб юборади, у эса мақтов ва далдалар билан жавоб қайтаради. Женсен хонимнинг ўлимидан сўнг ўқитувчиси, «Сув раққоси» муаллифи Женифер Левин Жей Силверманга ҳикояларни нашрга тайёрлаш учун беғараз ёрдам беради. Улар нашриётга юборган илк ҳикоя «Дафн маросими» эди.

РОЙ КЕСЕЙ — 2007 йил октябрь ойида «Дзанк Букс» нашриётида чоп этилиши мўлжалланаётган «Ҳар ерда» ҳикоялар тўплами ва 2005 йили «Булфайт Медиа Литтл Бук» мукофотига сазовор бўлган «Дунёдаги ҳеч нарса» китоби муаллифи. Унинг асарлари «Максуинис», «3и Нью Ингланд Ревью», «Нинс Леттер», «Азер Воисес» сингари журналларда, шунингдек, «Нью Садден Фикшн 2006»да ва бадий асарлар бериладиган «Роберт Олен Батлер» тазкирасида чоп этилди. Айни пайтда у рафиқаси билан Пекин шаҳрида яшайди ва асосий вақтини атрофга сайрга чиқиш ва шаҳарни томоша қилиш билан ўтказди.

Аэропортда тушган туман узоқ вақтдан бери менга тинчлик бермай келаётган эди, шу маънода «Куттиш» ҳужжатли асардир. Бироқ асарда тавсифланаётган аэропорт Африкада эмас, Жанубий Америкада жойлашган, унда на кимёвий модда тўкилиб кетган, на кикбоксинг, на ажойиб томоша, на метеорит қулаган ва на ромб шаклидаги гуруҳлар, шунингдек, на сўнги дақиқалардаги от ўйини бўлган эди. Аэропортда туману куттишдан бошқа ҳеч нарса бўлмаган, лекин шунинг ўзи ҳам етарли эди.

Анча тез ёзилган биринчи қўлёзма ва ўзимга ёқиб қолган воқеалар ривожини яхши эслайман. Хулио Кор-тасарнинг маҳорат билан ёзилган «*La autopista del sur*» («Жануб шоссеси») ҳикояси ҳақида ўйлаганимни, олдин уни ўзимга жуда яқин олишдан, кейинчалик эса нарига суриб ташлашдан қўрққанимни эслайман. Ҳисоб-китоб, кёрлинг ва ҳаво шари учирши бўйича тадқиқот олиб борганимни, бу билан бэкуордейшн — чегирма ва пирометр — юқори ҳароратни ўлчагич сингари турқи совуқ сўзларни излаб топиш орқали тасодифий олақуроқ парчалар ўқи-лишини назарда тутганимни эслайман. Хулоса заиф чи-қиб қолганию ақлли дўстларимнинг жўяли таклифлари ҳам ёдимда. Лекин туман, унинг ҳаракатланиши, кейин эса соатлаб жойидан жилмай туриши, совга ўрнида қа-бул қилмаганим учун ундан қанчалик нафратланганим эсимда қолган нарсалар бўлди.

СТЕЛЛАР КИМ Сеул шаҳрида туғилиб, Нью-Йорк шаҳрида вояга етди. У Бостон коллежини битирди ва Нью-Йорк шаҳри университетининг Бруклин коллежида нафис санъат магистри дастурини тамомлади. С. Ким Бруклин коллежи ва Албертус Магнус номидаги коллежда инглиз тилидан дарс берди; айна пайтда у Бостонда истиқомат қилади ва фойда олмай ишлайдиган секторда хизматчи бўлиб ишлайди. У яқинда «*3и Айова Ревью*» ва «*3и Атлан-тик Монсли*» журналларининг ёзувчиларга бериладиган мукофотига сазовор бўлди. «Натижалар ва таассуротлар» унинг илк чоп этилган ҳикоясидир.

Мен «Натижалар ва таассуротлар»ни отам оғриган саратон хасталигининг даволаб бўлмаётган қолган босқи-чига қарши курашаётган ва унинг хасталиги кундан-кунга оғирлашаётганини кўриб турган чоғимда ёзган

эдим. У киши инглизчани унча яхши билмас эди, уни икки йил давомида ҳар ҳафтада кимёвий терапия муолажаларини олиши учун касалхонага олиб борар эдим, касалхонада врачларнинг гапини у кишига таржима қилиб бериш билан бирга ҳаддан зиёд тиббий маълумотларни тушуниб олишим ва уларни отамнинг кўнглини чўктирмайдиган тарзда ўгиришим керак эди.

Ушбу ҳикоямда умидни ўлдириб қўймаслик билан одамларга ҳаётининг сўнги кунлари ва танаси нураб бораётганига гувоҳ бўлишига имкон бериш ўртасидаги қил устида юриш зарурлиги ҳиссини акс эттиришига ҳаракат қилдим. Мен ҳамisha тиббий хулосаларда адолатсиз касаллик ва шовқинларга тўла ҳаётий ҳодисада нега ҳиссиёт акс этмаётганига қойил қолганман, ушбу ҳикояни ярим радиология хулосаси шаклида ёзиш орқали ҳикоянависнинг клиник дунёси ва тили билан ҳикоя қаҳрамонларининг танаси ва руҳи ўлиши ўртасидаги тарангликни акс эттирмоқчи бўлдим. Ҳикоянинг охирини «Гилмор қизлари» деб номланган телекўрсатувнинг бир сахнасидан илҳомланиб ёздим, унда бир қаҳрамон кимнингдир дафн маросимини режалаштиради ва марҳумлар учун костюм, жумладан, ич кийим сотиб олиши керак бўлади. Бу ўта кулгили ва лаҳзалик эди, лекин у тушунарли бир кўринишда амалга оширилса, нималар рўй бериши мумкинлиги хаёлимни банд этди. Бош қаҳрамоннинг тасодифан ўлиб бораётган беморга маҳрамона гамхўрлик қилгиси келиб қолади, лекин у ўз туйғуларини — токи бемор тирик экан — бирор иш билан кўрсатиб беришининг иложини топа олмайди, ҳикоя ниҳоясида у ўша аёл билан видолашиши учун гайриоддий ва драматик, шу билан бирга, сирли ва майин ишора қилиш имконига эга бўлади. «Натижалар ва таассуротлар» муҳаббат қиссасидир,

айниқса, бирор киши ҳаётдан кўз юмишидан олдин юрагингизга бу ров соладиган кучли муҳаббат ва йўқотиши ҳисси ҳақидадир.

ЭЙРИН КАЙЛНИНГ «Ҳайвонлар илоҳи» деб номланган илк ҳикоясини 2007 йилнинг март ойида «Скрибнер» нашриёти чоп этди. Ҳикоялари «Зи Атлантик Монсли», «Зи Жоржия Ревью», «СториКвортерли» ва бошқа нашрларда босилиб чиқди. У Монтана университетига нафис санъат магистри илмий даражасини олди ҳамда бадиий адабиёт соҳасидаги «Рона Жаффе» ва «Миллий журнал» мукофотига сазовор бўлди.

Мен олий мактабни тугатишим биланоқ «Садоқат» устида ишлай бошладим. Ҳикояни тугатишим учун икки йил керак бўлди, бирор-бир ҳикоямни бунчалик узоқ ёзган эмасман, у ҳатто романимни ёзишдан ҳам кўпроқ вақт олди. Кейинчалик уни бирор жойда чоп этиши учун ҳам, тахминан, шунча вақт кетди.

Дастлаб мени бошланғич мактабнинг шафқатсиз дунёси, кўпинча омон қолиш учун амал қилинадиган «ўлдирмасанг-ўлиб кетасан» ақидаси қизиқтириб қолди. Синфда рўй берадиган қуртни бўлакларга бўлиш, микробни юқтириш сингари саҳналар ўз-ўзидан келиб қолди. Аммо вақт ўтиб борар, ҳикоянинг на ўртасини, на қўйруғини топа олар эдим. Уни бир-икки ой ташлаб қўяман-да, яна қўлга олиб, бошланишини қайтадан ёзардим. Бу худди беҳуда ишга менгзар, ҳар бир бошланманнинг қораламаси кўзимга олдингисидан яхшироқ кўринар эди. Баъзи пайтларда болаларнинг шафқатсизлиги эмас, аёллар бир-бирини ўз томонига оғдириб олиш учун нозик (ёки унчалик нозик бўлмаган) усулларни қўллаши ҳақида ёзаётганимни тушуниб қолдим. Шунга ақлим етиши ба-

робарида ҳақиқий ҳикоя Глинниснинг синф хонасида эмас, уйда рўй бериши кераклигини ҳам билар эдим. Талаб қилинган нарса, бор-йўғи, шу эди: орадан уч кун ўтиб, ҳикояга нуқта қўйилди.

Романнавис ва сценарийнавис **РИЧАРД РУССО** 2002 йили «Салтанат инқироzi» романи учун Пулитцер мукофотига сазовор бўлди. У Мэн штатида яшаб, ижод қилади.

Бир неча йил муқаддам мендан коллежда кириш нутқини сўзлаш ҳақида илтимос қилиб қолишмаганда «Отлиқ» ҳикояси ёзилмаган бўлур эди. Қизим Кейт битирув курсида ўқиётган эди, шунинг учун ҳам унинг, ҳам ўзимнинг кулги бўлишимни истамай яхши нарса ёзишга ҳаракат қилдим. Кириш нутқлари камдан-кам ҳолларда эса қоларли ёки қизиқарли бўлади, лекин менинг кимдир диққат билан тингласагина бирор аҳамият касб этадиган, ўзим ҳақиқат ва муҳим деб ишонган нарсалар ҳақида гапиргим келди. 1971 йили университетни тугатганимдан кейинги ҳаётим ўзим тасаввур қилган тарзда кечмади, шундан сўнг Кейт билан дўстларига, сизларнинг ҳаётингиз ҳам шундай бўлиши мумкин, деб айтдим, айни ҳол ўн йилларча олдин ўзим таниган бир аёл ҳақида ўйлашга мажбур қилди.

Аслида мен ўша аёлни унчалик яхши танимас эдим. У бошқа факультетда ўқитувчилик қилар, фақат бир-икки марта гуманитар фанлар бўйича комиссиялар ишида бирга қатнашганмиз. Унинг отини унутганимга, кўйида ошиғи девона бўлмаслик учун ўзимни четга тортиб юрганимга анча бўлди. У жуда ақлли ва жозибадор, аммо худди бошқа олимлар сингари қуюшқондан чиқиб кетмас эди.

У, «Юлдуз йўли» телесериали тили билан айтганда, «қалқонига келиб урилган боло-қазоларни қайтарди»,

шунинг учун бўлса керак, бир кун кечаси ҳимояси бўшашиб қолганини кўриб, қўрқиб кетдим. Мен хотиним билан университет ўқитувчиларию аспирантлар бирга ташкил қилган зиёфатга бордик, у ерда бундай зиёфатлар учун мажбурий бўлган бўчка орқа тарафда турар, идиш-товоқ ювиладиган ошхона чаногидида бир ярим литрлик арзон югослав виноси шишалари қалашиб ётарди, муסיқа варанглатиб қўйилган олдинги хонада маза қилиб, эҳтирос билан рақс тушаётган бояги аёлга кўзим тушди, бир пайт унга кулиб қараётганимни сезсам денг, у илк марта менга ёқиб қолган эди. У қанча ичимлик ичганини билмайман, лекин «роса тўйиб» билан «унчалик тўймай» ўртасида ичган бўлса керак, деб ўзимча тахмин қиляпман. Орадан бир оз фурсат ўтиб, ошхонага кириб борсам, у ўша ерда бошини қўллари орасига олиб ўтирар, елкалари беихтиёр силкинар, зиёфатбоши аёл атрофида гирдикапалак бўлиб овуттишга уринар эди. «Мен фақат рок-н-роллга озгина ўйнамоқчи эдим», деди у ҳўнграб йиғлар экан. Мен қизим билан курсдошларига орадан йигирма йил ўтиб, фақат битта ишда ишлашини ва мана бу аёлга ўхшаб қолмаслигини айтмоқчи, бир кун келиб уларни ҳам кўнгли қаттиқ туссаган ишни қилмай келгани, энди эса кеч бўлганини англаш даҳшати уйғотиб юбормаслиги учун огоҳлантириб қўймоқчи эдим.

Ўша кириш нутқидан сўнг аёлни унутмоқчи бўлдим, лекин қўлимдан келмади, кейинчалик, унга нима бўлган экан, деган қизиқиш устун келди. Албатта, бу қизиқиш, одатдагидай, аста-секин бошланди, у кўп жиҳатдан ўзим анча йиллардан бери кузатиб юрган олимларга ўхшаб кетар эди. Сиз, ақл, айниқса, гуманитар фанлар биз одамларни бахтли қилмаса ҳам тарбиялайди, деб ўйларсиз, лекин кўпинча бундай бўлмайди. Адаби-

ётни ўқиш менинг табиатимга яхши таъсир кўрсатиши, камроқ уяладиган қилади, димогимни пасайтириши, кўпроқ кўнгилчан этиб, тасаввуримни бойитиши, ҳатто меҳрибонроқ ҳам қилиши мумкин, деб ўйлар эдим. Эҳтимол, бу ўта жўн қарашдир, аммо ёшим улгайган сари ўзимга, барча буюк китоблар ўқиб чиқилса, раҳмшафқат пайдо бўлиб, кучаярмикан, деган саволни бера бошладим. Албатта, адабиёт кўнгилни чоғ қилади, йўл кўрсатади, аммо ўша йўлни ҳамдардлик томон кўрсатмаса, қайси томонга кўрсатади? Нега у ҳолда кўпроқ ақлли одамлар адабиёт ўқишдан ўзи билан ҳаёти ўртасига ошиб ўтиб бўлмайдиган тўсиқлар қўйиш, ҳақиқий истақлари ва чин маънодаги «мен»и сари саёҳат қилиш учун фойдаланади?

Мен ҳеч қачон нега одам ўзини бундай алдаши сабабининг тагига ета олмаганман, лекин бу аёлга бирор воқеани ҳикоя қилиш эркини берганимда, айниқса, унинг ҳикоясини ёлгоннинг бошқа шакли, дейлик, адабий кўчирмачиликка асосланиб қозғозга туширганимда ўша алдовни тушунтириб бериши мумкин бўлармиди, деган хаёлга ҳам борганман.

КЕЙТ УОЛБЕРТ — «Киото боғлари» ва 2004 йилги «Миллий китоб мукофоти»нинг финал танловигача етиб борган «Келиб чиқишимиз» романлари, шунингдек, «У қаерга кетди» деб номланган бир-бирига боғлиқ ҳикоялар тўплами муаллифи. Унинг ҳикоялари «Зи Нью Йоркер», «Зи Пэрис Ревью», «Зи Антиох Ревью», «ДаблТейк», «Пушкарт» мукофоти тазкираси ва «2000 йилги О'Генри номидаги мукофотга лойиқ кўрилган ҳикоялар» тўпламида бошқа асарлар қатори чоп этилган. У эри ва қизлари билан Нью-Йорк шаҳрида истиқомат қилади.

«Бир иложини қилсангиз-чи» ҳикояси ёзилишига турли суратлар туртки берди: Коннетикут штатининг Гилфорд шаҳридаги маҳаллий аҳолининг йиғилишига ҳаққи бўлган ерда — шаҳарда бунақа жойлар кўплигини тасаввур қиламан — яқшанба кунлари эрталаб беш-ўн та кампир билан бир тасодифий киши йиғилиб, «Тинчлик» деган плакатларни кўтариб тургани; Дувр ҳарбий-ҳаво базасининг Делавер штатига қарашли Реҳобот денгиз соҳилига борар йўлимдаги жинкўчали муваққат уйлари ёнидан машина ҳайдаб ўтар эканман, Ироққа бостириб кирганимиздан сўнг анча йиллар у ердан олиб келинган ўликларнинг сурати жамоатчиликка кўрсатилмагани (Делавер университетининг бир профессори ушбу сиёсатни бекор қилиш бўйича суд ишида ютиб чиққани, лекин ҳукумат бу ишга базўр рози бўлгани учун аскарларнинг сурати юзи қорага бўялиб чоп этилгани) эсимга тушгани; 2002 йили оққон хасталигидан ўлган ажойиб дўстим Памнинг кўк шолрўмолга ўралганча, госпиталнинг осуда хонасида ўтирган, унинг ортида эса шаҳар узра ботаётган қуёш сурати. Мен олдин ҳеч қачон газабимни кўрсатиш учун ҳикоя ёзмаганман, лекин буниси қаҳр билан йўғрилди. Уни ёзаётиб, бошқача ифода қилиб бўлмайдиган ҳиссиётни мушт ўқталиш билан тасвирлагандай бўлдим.

АМЕРИКА ҶИКОЯЛАРИ




УКАГИНАМ ИЛАЙ

Укам Илайннинг қўлидан ҳеч иш келмайди, дейишдан худо асрасин: у менга бешта келин, еттита (ҳисобдан адашмадим, шекилли) ўғилу қиз жиян «туҳфа» қилди, шулардан учтаси билан илк марта уни кўмиш маросимида кўришдим (Биз эр-хотиннинг фарзандимиз йўқ). Бирикки ойдан сўнг унинг хотирасига бағишланган ибодат маросимида — унда ўзим ҳам қатнашган эдим — казо-казо профессорлару ёзувчилар дейсизми, ҳатто Чикаго шаҳри мэри дейсизми — барча-барчаси Илай исмли кишининг қандай қилиб курашгани, тез хафа бўлишию ҳиссиётга берилувчанлигини бири олиб, бири қўйиб гапирди, ростини айтсам, бу мақтовларнинг қайси бирига қўшилишга ҳам ҳайрон эдим.

Бу гапларга ишонсангиз, укам Илай машҳур романнавис, адабиёт соҳасидаги бор миллию халқаро мукофотлар соҳиби, дунёнинг барча мукофотларини йиққан, (жарақ-жарақ пул, ортидан соядай эргашган хонимлар, ҳар бир жойдан янграган мақтову дунёга машҳурликни назарда тутяпман) аммо бирортасига эришганидан кўнгли яйраганини ҳеч ким кўрмаган киши бўлиб чиқади.

Илай етмиш тўққиз ёшида жонига қасд қилди. Бу ҳақда ўқигансиз — аниқ биламан. Расмий хабарда, ўзини-ўзи



Ўлдирди, дейилади, чунки унга Альцгеймер хасталиги ташхиси қўйилган эди, лекин «Беретта» тўппончасини оғзига солиб, тепкини босишига бошқа сабаб бўлмаганига ишонгим келмайди. Таъзияномаларнинг ҳаммасида ўша тўппонча тилга олинади, жаранглашини қаранг, укам ҳам бундан хурсанд бўлиши тайин эди. Илай ҳар доим «Борсилоно» шляпаларини кияр эди; қизиқ, у «Беретта»ни ҳам Римдаги чўпдай озиб кетган танасига мос, олифталарча қийшайтириб кийиб юрадиган қимматбаҳо шляпаларини сотиб оладиган жойидан харид қилганмикан?

Биз уч киши эдик: мен тўнғич фарзанд бўлсам, синглим Арлин мендан икки ёш, Илай (асл исми Илайизер Шварц) эса ундан тўрт ёш кичик эди. Бизнинг бобой Фултон кўчасидаги озиқ-овқат бозорида Шинберг деган кишининг қўлида ишлар эди. У ўн олти яшарлигида инглиз тилида ўқишни билмаган мусофир Биалистокдан бу юртга кўчиб келган эди. Америкада ҳаммага кулган омад унга тишининг оқини ҳам кўрсатмади. Бобой бу ерни ўз уйидай кўрганига ишонмайман. Ўлгудай ўжар, бўлар-бўлмасга баҳслашаврадиган, бадфеъл одам эди. Ёшлик чоғларини эслай олмаганим учун «бобой» деб атайман. У саҳарлаб соат 3 дан ишга жўнар, иккита трамвайга ўтириб, Фултон кўчасига етиб олар, кечқурун соат 4 да ишдан қайтиб, овқат ер-емас ухлагани ётар эди. Фарзандларининг ҳеч бири у билан кўпроқ бирга бўлмаганидан афсус қилганини билмайман. Отамиз шамол одамни учираман дейдиган февраль тонгларида бирида ташқарида Техас олмалари жойланган қутиларни юк машинасидан тушираётиб, қирқ тўққиз ёшида ўлиб қолади. Илайнинг ўлимидан фарқли ўларок, отамни кўмаётиб, одамлар у ҳақда илиқ сўз тополмай роса қийналган эди.

Асли киевлик бўлган онамиз оиламизнинг суянчиги эди. Бирор марта пардоз қилганини эслай олмайман, оппоқ сочини энсасига тортиб турмаклар эди. У кунига ўн олти соатлаб ишлар, овқат пиширар, кир ювар, уй тозалар, кечки овқатдан сўнг эса ошхонадаги столга ўрнатилган «Зингер» тикиш машинасини чиқариб, ўша пайтлари Франклин кўчасида жойлашган, эркакларга кўйлак тикадиган «Харт, Шаффнер ва Маркс» ширкатининг ишини қилар эди. Бўш бўлган дақиқаларини эса идиш тилидаги романларни ўқишга сарфларди. Турмуш ташвишлари адойи тамом қилгач, эллик тўрт ёшида дунёдан ўтди. Бир куни Илай менга, онам мени ҳеч қачон яхши кўрмаган, деб қолди. Мен унга, бечоранинг қачон вақти бўлган, дедим, лекин бу укам эшитмоқчи бўлган жавоб эмас эди.

Ёшимиз ўртасидаги олти йиллик фарқ орамизни яқин қилишга кўймайдиган муддат эди. Шунинг учун ҳар ким ҳаётда ўз йўлидан кетди. Мен ўрта мактабда ўқиб юрган имдаёқ Огаста бульвари яқинида жойлашган Ғарбий авенюдаги ишлатилган автомобиль эҳтиёт қисмлари қироли Вен Белински кўлида ишлай бошладим ва ўша ерда қолиб кетдим. Бир-икки йил ташқари ҳовлида поляклар ва оқтанли бўлмаган кишилар билан ишладим, кейинчалик бефарзанд жаноб Белински мени ёқтириб қолди. Қўпол, аммо дангалчи эди — ёмонлаш ниятим йўқ, у менга ҳатто эҳтиёт қисмлар савдосидай талашиб-тортишиладиган бизнесда ҳам ҳалол хулқли бўлиш ҳиссини юқтирди. Тер тўкиб ишласангиз — мен шундай қилар эдим — яхшилигингизни эсидан чиқармас эди.

У қобилиятим борлигини пайқаган бўлса ажаб эмас. Яхудий байрамларида кечқурунлари бирга овқатлангани уйига таклиф қилар эди. Ўн саккиз ёшга тўлганимда кабинетига олиб кириб, бизнесни ўргата бошлади.

— Нонингни мол сотиб топасан, — дер эди у менга. — Нархи тўғри қўйилса, ҳар қандай *Шмагегги*¹ ҳам молини ўтказа олади.

Машал номидаги ўрта мактабни битиргач, коллежга ўқишга кириб, ҳисобчиликни ўрганишни кўнглимга тугиб қўйдим.

— Ҳисобчиликни бошингга урасанми? — деди жаноб Белински. — Льюс, сен ҳисобчи бўлмайсан, уни ёллаб ишлатасан. Бу ниятни эсингдан чиқар. Ундан кўра, мендан қолма. Ишинг беш бўлади.

Шундай бўлди ҳам. Йигирма яшарлигимда бобойдан кўпроқ пул топа бошладим. Йигирма бешларга кирганимда жаноб Белински менга, истасанг, чин дилдан истасанг, бизнесим сеники бўлиши мумкин, деб айтди. Ким ҳам истамайди, дейсиз? Ўзингиз тушунасиз, булар қоғозга тушмаган қуруқ гаплар эди. Тушиши ҳам мумкин эмас эди. Бен, гарчи уни ҳеч қачон бундай деб атамаган бўлсам-да, ишончли одам эди. Ўттиз яшарлигимда энди саксонга кирган чолга, жаноб Белински, деб мурожаат қилар эдим, ўшанда ҳам у ҳафтасига беш кун ишга чиқишни канда қилмас, шанба кунлари эса ярим кун ишлар эди. Бир куни унинг ўлимидан олдинроқ эрталаб келсам, иш жойининг олдига катта қилиб «Белински ва ўғли, эҳтиёт қисмлар» деб ёзиб қўйилган неон чироқли янги пешлавҳага кўзим тушди.

— Пешлавҳадаги «Ўғил» — Льюс, — деди у. — Сенсан.

Мен узр сўрадим-да, ваннахонага кириб, йиғлаб юбордим.

Илайга ўрта мактабда ўқиб юрган пайтлари «Белински эҳтиёт қисмлари»нинг ҳовлисидан бир иш топиб бердим.

1 *Шмагегги* — комик асар қаҳрамони.

Бу унга ёқмагани ўша заҳотиёқ маълум бўлди. Огир юк кўтаришни укамнинг жини суймас эди. Жаҳли чиққанга ўшшамасди. У хаёлпараст эди. Ишга кўтариб келган китобини дам олиш пайти ўқир, бу жаноб Белинскига ёқмасди.

Илай онамдан кўрмаган меҳрни синглим Арлиндан кўрди.

У опасининг боласи эди. Одам одамга беминнат қилиб бериши мумкин бўлган нимаики бўлса, Арлин ҳаммасини Илайга қилиб берар: кўйлақларини дазмоллар, кийим харид қилишига кўмаклашар, хуш кўриб ейдиган таомларини пишириб берар, пули бўлса, бир ёки иккита юзталиқ долларни қўлига қистирар эди. Арлин билан Илай бири-бирига ўшшаб ҳам кетар, иккаласига онамнинг чиройидан юққан эди. Мен эса кўпроқ бобойга тортган эдим, катта оёғу йўгон билақлар, тоғдай кўкрагу қоп-қора соч — ҳаммаси ундан ўтган эди.

Арлиннинг ҳаёти осон кечмади. Унинг кўзларида, ўзини тутишида аллақандай заифлик ифодаси бор эди. Икки марта турмуш қурса ҳам бола кўрмади. Автомобиль савдоси билан шуғулланувчи иккинчи эри Ралф Сингер уни итдай калтаклар эди. Мен бундан то у яҳудийлар пасхаси куни уйимизга кўзи кўкариб келмагунча беҳабар эканман. Сингерга қўнғироқ қилиб, келаётган душанба куни кабинетимга келишини тайинладим. У пайдо бўлиши билан қўлига беш минг доллар солинган хатжилд тутқаздим-да, бориб синглимнинг хонадонидан нарсаларингни олиб кетасан, қайтиб унинг кўзига кўринмайсан, дедим. Гапим қуруқ бўлмаслиги учун кабинетимдан чиқмаёқ ифлос бурнини пачоқладим.

Илайга ҳеч ким Арлинчалик мухлис бўлмаган бўлса керак, у ёши ўтиб қолганда Илайннинг романлари ҳақидаги тақризлар, берган интервьюлари, газеталарда у ҳақда

нимаики чиққан бўлса — улар жуда кўп эди — ҳаммаси билан тўлиб-тошган альбом тутадиган бўлди. Эҳтимол, укам ёзган романларини синчиклаб ўқимагандирман, аммо унинг ҳаётию қилаётган ишларини узоқдан бўлса-да кузатиб туриш учун қўлимдан келган ишни қилганим рост. Лекин орадан ўн беш-йигирма йил ўтиб, Илай ўзини яхши кўрган одамларга хиёнат қилишни одат қилиб олгандай эди. У ҳеч қачон менга хиёнат қилмаган — бўлиши ҳам мумкин эмас — чунки мен унинг меҳр поездидан жуда эрта тушиб қолган эдим.

Мен аввалбошданоқ Илай аравасини қариндошларига бемехр йўсинда тортаётганини сезган эдим. Эҳтимол, отамиз қаттиққўл, онамиз эса ташвишлари билан овора бўлиб қолгандир. Лекин она шўрлик биз учун қўлидан келган ҳамма ишни қилишига ишонар эдик. Албатта, бунинг ҳозиргидай ҳар йигирма дақиқада, болам, сени яхши кўраман, деб турилмаса, унга қўл кўтарганликда айбланиб, қамоққа тушиб қолишдан фарқи бор эди. Мен ҳар доим синглимни ҳам, онамни ҳам ўзимга яқин олар, аяр эдим. Лекин Илайга бўлган меҳрим, очиғи, жуда эрта сўнди. Унинг ҳам менга меҳри товланиб турмаганини сезар эдим.

Илай Маршалл номидаги ўрта мактабни тугатгач, олдимга келиб, Нью-Йорк шаҳридаги Колумбия университети-дан қисман стипендия олаётганини, лекин харажатларини қоплаш учун кўмагимга муҳтож эканини айтди. Унга қанча пул керак бўлганини айтсам, кулиб юборишингиз тайин, чунки бугун ўша ёрдам кепак пули ҳам эмас. Лекин ўша пайтлари анча-мунча пул эди. Жигар — ҳалиям жигар, хўп бўлади, дедим-да, ҳар ой унга ўқиш билан яшаш харажатларини қоплаш учун чек юбориб турдим. Эвазига ҳеч қачон ундан раҳмат кутмаганман. Аммо кейинчалик, Илай умрида кўрмаган мўмай пул топа бошлаган кезлар

ўша пулни қайтаришни ёки муҳтож бўлган кезларда ёрдам бериб турганим учун раҳмат деб қўйишни хаёлига ҳам келтирмаганини пайқаб қолдим. Атоқли романнависнинг таълим олишига ҳиссам қўшилганидан хурсанд бўлишим керакдай эди, лекин Илайннинг таржимаи ҳолини ёзган уч кишидан бирортаси ҳам Чикагонинг Ғарбий соҳилидан бўлган бу ялангоёқ бола қандай қилиб Нью-Йоркдаги мактабда ўқиш учун пул топганини хаёлига ҳам келтирмади.

Укамнинг ҳаётига дахлдор жуда кўп нарса маълум бўлгани учун у Нью-Йоркда яшаб турганида кўришиб турган ёзувчилари қаторига қандай қўшилиб қолгани, илк хотини билан танишгани, Европа зиёратлари ва шунга ўхшаш нарсаларни ижикилаб тушунтиришим шарт эмас. Аммо Илайннинг иккинчи романи нашр қилингандан сўнггина нималардир бўлаётганини сезиб қолдим — ўша пайтлари у ёзган нарсаларнинг ҳаммасини ўқиб бораётган эдим — китоб «“Паккард” автомобили зинапояси» деб аталар эди. Ўша китобнинг қаҳрамони мен эдим, у мени Южин Зигел, жаноб Белинскини эса Фред Армитиж деб атаб, бечорани мажусийга чиқариб қўйибди.

Бадий адабиётни кам ўқийман. Лекин укам у-бу нарса чиқариб обрў орттираётган пайтлар анча-мунча ўқишга ҳаракат қилдим, лекин бунинг учун пул тўланиши хаёлимга ҳам келмабди — нима деяётганимни тушунган бўлсангиз керак. Мен Франклин Делано Рузвельт, Ҳарри Трумэн ҳамда Улкан иқтисодий инқироз ва Иккинчи жаҳон уруши сингари ўзим бошимдан кечирган тарих ҳақидаги китобларни ўқишни хуш кўраман. Илайннинг илк романи таъсирчанлигини одамлар тушунмай ўсаётган бир бола ҳақида эди, уни ўқиб чиқишим жуда оғир бўлди. Ҳар бир саҳифага, ким ҳам шунга эътибор қилиб ўтирар-

ди, деган ўй билан кўз югуртиришимга тўғри келди. Китоб қаҳрамони жуда таъсирчан, у бирга яшашга мажбур бўлган одамлар эса бунинг тескариси. Хўш, нима қипти шунга?

«Паккард» автомобили зинапояси»даги Южин образи менман, у юлдузни бенарвон уриш учун тиниб-тинчимайди, ҳайҳотдай автомобиль эҳтиёт қисмлари дўкони хўжайинига ёқсам дейди (Илай ҳеч қачон осмондаги ойни олиб беришга уринмаган). Яхудийларни жини суймайдиган хўжайини, жаноб Армитиж ёлланма ишчисининг у-бу нарсага эришиш йўлида тиниб-тинчимаётганидан завқланиб, унга 1942 йили чиқарилган «Паккард» автомобилнинг ҳайдовчи ўтирадиган тарафига зинапоя топишни буюради. Южин мавзедаги ахлат ташланадиган жойларни югуриб айланиб чиқади, лекин ҳеч нарса топмайди. Бир куни Оак-Паркдаги кўчада тўхтаб турган «42-Паккард»ни кўриб қолади ва эгасини кимлигини билиш учун ташқарида кутиб туради. У сочи оппоқ бўлишига қарамай ўзига оро беришни канда қилмайдиган, қўл-оёғи чакқон бир кампир бўлиб чиқади. Южин кампиршонинг ортидан Ривер-Форестдаги данғиллама ҳовлисигача эргашиб боради-да, теваракни айланиб юради. Қулинг ўргилсин кампирнинг оти Эмили Торнборо бўлиб, бир омадли архитекторнинг беваси эканини суриштириб билади. Гарчи машина эски бўлса-да — романда, тахминан, XX асрнинг 50-йиллари тасвирланган — кампир уни жуда яхши кўради, худди боласидай еру кўкка ишонмайди. Ҳар ҳолда Южин шу яқин атрофда ўша машинага хизмат кўрсатадиган гараж механигидан сўраб билиб, шунақа тавсиф беради.

Гапнинг пўсткаллеси, Южин ўша лаънати зинапояни ўғирламоқчи бўлаётганини англаб қолади. Китобнинг қолган қисми ўша нарсани пировардида ўғирлаш билан

боғлиқ қийинчиликлар ҳақидадир. Кейинчалик анчамунча кулгили ҳолатлар содир бўлади: у қўлга тушиб қолай дейди, сўлақмондай зинапояни қандай қилиб жамоат транспортида Чикагода олиб келишни билмай боши қотади. Ниҳоят, хўжайинига олиб келиб беради, лекин у бундан хурсанд бўлмайди ва «Сенлар мансабга эришиш учун ҳеч нарсадан тоймайсанлар» қабилида гап қилади — «сенлар» деганда, биз яҳудийларни назарда тутаяди — у шу заҳотиёқ Южинни ўғирликда айблаб, ишдан ҳайдаб юборади. Бор гап шу.

Мен бу китобни Илайннинг бирор мансабга эришиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган акаси — ўзим ҳақимдаги фикрини айтиш учун мисол қилиб келтирдим. Южиннинг олд тишлари ўртасидаги тирқиш, йирик қўллари бўғимларини қоплаган мўй, биров иш буюрса, юзи терлаши — ҳаммаси мендан олинган. Мен романда топқир, шу билан бирга уччига чиққан эзма қилиб тасвирланганман, синчиклаб ўқисангиз, фирибгар ҳам бўлиб чиқаман. Китобни ўқишим осон бўлгани йўқ.

Негалигини ўзим ҳам билмайман, лекин мен ўзимни бундай тасвирлагани учун Илай билан ҳеч қачон «санман»га борганим йўқ. Қизик, бу ҳақда унга ўша заҳоти, ўша жойнинг ўзидаёқ қўнғироқ қилганимда нотўғри қилган бўлармидим. Тасаввур қиляпман, унга, «Илай, нега мени китобингда бунчалик олабўжи қилиб тасвирладинг? Ростдан ҳам мени шунақа одам деб ўйлайсанми? Ҳозироқ тушунтириб бер», деган бўлар эдим. Ўшанда мен таҳдид шамаси билан — ёки шамадан ҳам баттароқ бир нарса — қўшиб гапиришга гўрлик қилар эдим. Ким билади дейсиз, ўша пайти шу ишни қилганимда бошқа одамларни Илайннинг кейинги китобларида кўпайиб кетган ғам-аламлардан асраб қолармидим.

Илайнинг илк никоҳ маросими Нью-Жерси штатининг Жерси шахридаги ратушада¹ бўлиб ўтди. Синглим билан мен бундан воқеа содир бўлгандан сўнг хабар топдик. У яқинлари социалистик ҳаракат пешволаридан бўлган Эмили Ленски деган қизга уйланди. Ушбу сўл қанотнинг яхудий тарафдорлари Чикагодан кўра, Нью-Йоркда кўпроқ эди. Биз бу ерда тирикчилигимиз ўтиб турганидан, озроқ бўлса-да, ҳаётни тушунганимиздан хурсандмиз. Қўлларимиз дунёни бор ҳолича эплаб турсам дейди. Гарчи керак бўлса ҳам унга вақт сарфлаб ўтирмаймиз.

Илай бу орада социалистга дўндию Лев Троцкийнинг қарашларига қизиқиб қолди. Буни хотинидан эшитдим, у бир куни кўнғироқ қилиб, олти ойлик ҳомиласи борлигини, Илай бир оғайниси билан Сталин раҳбарлигида Троцкий таълимоти қандай бузилганини ўз кўзи билан кўриш учун Шарқий Европадаги барча коммунистик мамлакатларга сафарга жўнаб кетганини гапириб берди. Унга тиббий хизматлару бошқа харажатларга пул керак эди, Илай қолдириб кетаётган пули етмай қолса, мендан олиб туришни тайинлаб кетибди. Эмилининг пули тугаган, ёрдам сўрайдиган одами йўқ эди. Унга «Уестерн Юнион» орқали минг доллар жўнатиб юбордим.

Илай нима учун ҳомиладор хотинини ташлаб, сафарга кетганини тушунмадим, лекин икки ойдан сўнг қайтиб келди ва кўнғироқ қилиб, ёрдамим учун раҳмат деди. У янги китоб устида ишлаётганини, ношири анча-мунча пул ишлаб олишни режа қилаётганини, олган қарзини қўлига пул тушиши биланоқ қайтармоқчи эканини айтди. Илай билан хотини Дэвид исмли ўгил кўрганини кимдан эшитганим ёдимда йўқ; балки буни Арлин айтгандир,

1 *Ратуша* — Ғарб давлатларида шахар кенгаши биноси. — *Тарж.*

ҳарқалай, у билан мендан кўра қалинроқ. Лекин орадан бир йил ҳам ўтмай Илай Ленскининг қизи билан ажрашди.

Укам билан кейинги сафар кўришгунимизча орадан беш ёки олти йил ўтиб кетди. Ноширларнинг ўша китобдан анча-мунча пул топмоқчи бўлган нияти амалга ошди ҳам, бу унинг обрўсини ошириб юборди ва Арлиннинг таъбири билан айтганда, замонавий ёзувчиларнинг олдинги сафига чиқиб олди. У янги хотин олди, исми Фелисия, абстракт санъат рассоми экан. Илай қимматбаҳо, аммо дидсиз кийимлар: костюм билан тор шим, қалин йўл-йўл чизиқли кўйлак, учи ўткир пойабзал кия, ёрқин галстук тақа бошлади. Сочи тўкила бошлагани учунми, ишқилиб, фақат шляпа кийиб, суратга тушадиган бўлди. У шаҳарга адабиёт соҳасидаги мукофотни олиш ва Рузвельт номидаги университетда лекция ўқиш учун келган экан.

Биз Арлин билан лекция эшитгани бордик. Аудитория лиқ тўла эди. Илай модерн ижод йўналишини ўзгартириб юборган ёзувчи деб таништирилди. Лекция Жеймс Жойс деган ирланд ҳақида бўлди, укам уни буюк ёзувчи деб билиши шундоқ кўриниб турар эди. Унчалик фарқига бормасам ҳам Илай ўша ёзувчини яхши кўришини фаҳмладим, чунки у оиласининг фаровонлиги қолиб, ижодига тўсқинлик қилувчи ҳамма нарсадан воз кечган, аммо укаси Станислосдан — адашмасам, оти шунақа эди — ҳар доим қарз олиб турган, лекин пулни қайтаришни хаёлига ҳам келтирмаган.

Илай лекциядан сўнгги қабул маросимида Арлин билан менинг олдимизга келди-да, Арлинни қучиб қўйди, менга эса қўлини чўзди.

— Ишлар қалай, Лу?

— Ёмон эмас, Илай, — дедим мен. — Лекин сеники билан солиштирганда яхши ҳам деб бўлмайди. Сен билан учрашгани анча-мунча одам йиғилибди.

— Қаловини топишга усталигимни биласан-ку, — деди у хонани кўздан кечирар экан. У юмшоқ чармдан тикилган оч кулранг костюм кийган, шимининг чўнтаклари ка-атта, шунга мос материалдан ясалган камар ва тугуни қалин яшил ипак галстук тақиб олган эди. Ўзини худди билагон дорифурушдай тутиш одати олдин ҳам бор-йўқлигини эслолмадим. Ё бу ҳам омадга қўшилиб келди-микан?

— Эҳтиёт қисмлар қандай? — деб сўради у мендан.

— Тирикчилик, — дедим-да, қўшимча қилиб қўйдим: — Жуда, зўр, энди ҳеч ким эски зинапоя сўраб бошингни қотирмайди.

— Акам китобларимни ўқийди, деб ким ҳам ўйлабди? — деди у кулиб. — Лу, менга қанчалик ёқаётганингни ўзинг ҳам билмайсан. Тўғриси, ҳайрон қоляпман.

Мен унга ўша китоби ҳақидаги фикримни айтмоқчи бўлдим-у, лекин ниятимдан қайтдим. Нима бўлганда ҳам укам, ўзим эса эплаб одамларни койишни ҳам билмайман. Қуюшқондан чиқиб кетадиган одатим бўлгани учун Илай билан орамизни бузиш ниятим йўқ эди.

Илай бизга профессор Шански деб таништирган — яҳудий, тахминан ўттиз беш ёшлардаги дўмбоққина — жувон олдимизга келди-да, Илайни ўзи билан олиб кетаётгани учун узрхоҳлик қилди, лекин укамни чоғроққина кечки зиёфатга таклиф қилиш учун университет президенти, каттакон ҳомийлар кутиб турган эди. Илай ўтмишда насиб этмаган маҳрамликдан келгусида умид бордай унга маъноли кулиб қўйди. Ўшанда у иккинчи хотинига уйланган эди.

— Яхшиси, мен бора қолай, — деб у Арлиннинг икки бетидан ўпди-да, ўнг елкамни қисиб ушлади. — Икковингиз ҳам омон бўлинг. Қўнғироқлашамиз.

— Биласанми, Лу? — деб қолди Арлин уйга қайтаётганимда. — У энди укамиз эмас, дунёнинг одами. Кенжа-тойимиз — машҳур одам.

— Тўғри айтасан, — дедим мен. — Лекин, афсуски, у менга ёқмай қоляпти.

— Ёқмай қоляпти деганинг нимаси? — деди Арлин. — Икковимизнинг ҳам укамиз-ку.

— Менимча, энди унинг на сенга, на менга укалик меҳри бор, балки мендан кўра сени кўпроқ яхши кўрар. У кўзига яхши кўринган нарсани олсам, кўнглига ёққан ишни қилсам дейди, масъулият ҳисси эса ҳаминқадар. Илай «бербер» деб яшаб ўтади.

— Лу, бунча тошбагир бўлмасанг? У ҳеч қайсимизга ўхшамайди. У — ижодкор.

— Укангиз бу бошоғриқни қаердан орттириб олганини биламан, — деди Ал Ҳирш очкўзлик ёки одамзодга хос бошқа иллатлардай тирикчилигига ярайдиган хабарни эшитиб қолган адвокатлар табассуми билан.

— Бу нима деганингиз? — деб сўрадим мен.

— Хабарингиз бўлса керак, укангиз учинчи марта ажрашмоқчи, у хотини билан яшаб турган квартирада ўзини камроқ пул ишлаб топаётган одам қилиб кўрсатиш учун сохта солиқ ҳужжатларини қолдириб кетганга ўхшайди. Мен сизга айтсам, бу — алмисоқдан қолган аҳмоқона найранг.

Тўғриси, Илайнинг яна бир марта ажрашаётганидан хабарим йўқ эди. Учинчи хотинини икки марта кўрганман, холос. Унинг оти Шэрон Лефковиц эди. У кўзларни ўйнатувчи, қорамағиз, офатижон қоматидан йил бўйи офтобда қорайган ранги аримайдиган хотин эди. Мен унга кўрқинчли, йўлбарс хотин деб таъриф берган бўлардим. Шэрон Илайнинг олдинги икки хотинига ўхшаш социалист ҳам,

рассом ҳам эмас, Чикагодаги кўчмас мулк олди-сотдисида уддабурронлиги билан танилиб қолган тиш дўхтирининг кизи эди. У ажрашишга осонликча розилик берадиганга ўхшамасди. Шэрон Илайдан, солиқ ҳужжатларини сохта-лаштирасан, деб талаб қилавериб қўрқитиб қўйган кўри-нади. Лекин бўлар иш бўлди — каллаварам укам бошини ажалнинг оғзига тиқибди-да.

— Укамнинг адвокати ким?

— Морти Силверман деган бир аблаҳ. Унинг «Ласалл»дан бошланувчи «Вашингтон» кўчасида офиси бор. Бу олифта аёл мижозларини, ҳеч қачон харажатларини ўзи тўламаслиги билан ҳаммага отнинг қашқасидай танилиб қолган.

Морти Силверманни илгари бир мавзеда яшаганимиздан бери биламан. Отасининг Рузвельт кўчасида кийимларни кимёвий йўл билан тозалаш корхонаси бор эди. Ўшанда Морти кичкина бола бўлиб, пўрим кийимлар, усти текис, соябони тепага қайрилган шляпа киярди. Қизик, нега энди қалтис вазиятга тушиб қолган Илай Морти Силвермандан фойдаланмоқчи? Менимча, буни садоқат нишонасига йўйдим.

— Укангиз жуда истеъдодли одамга ўхшайди, — деди Ал.

— Ўзига яраша, — дедим мен. — У бошқаларга, нотўғри яшайпсан, деб уқтиришга устаси фаранг, лекин ўзининг ҳаётига қолганда калтафаҳмлиқ қилади.

Илай бир неча йил олдин Чикагога кўчиб келган эди. У «Нью-Йорк Таймс»га берган ва Арлин билан менга юборган интервьюсида бундан буён Нью-Йорк шаҳрида яшагиси келмай қолганини, у ердаги ҳаёт суръатини ёқтирмаслигини, менга ҳавосида ҳақиқий ҳаёт чанги бўлган Чикаго керак деб айтган эди. Ал Ҳирш айтганидай, Илайнинг оғзига ўша чанг тўлиб қолган бўлса ажаб эмас.

Оиламизнинг доимий яраштирувчиси бўлган Арлин мени, хотиним Жеррини, Илайни, унинг Чикаго университетида профессорми бўлиб ишлайдиган янги ойимтилласини кечки овқатга таклиф қилди. Чақирилганлар орасида у билан бир бинода яшайдиган эр-хотин Вертхаймерлар ҳам бор эди. Арлин, иккаласи ҳам асли чет эллик рухшунос, озроқ асабий, лекин яхши одамлар, деб айтди. Илайнинг романлари мухлиси бўлгани учун ўзи билан учрашмоқчи бўлиб юрган экан.

Илай ҳаммамиздан кеч келди. Шунда ҳам ойимтилласи улгурмабди. У узрхоҳлик маъносида «оилага теккан касал» деб кўйди. Олтовимиз Арлиннинг меҳмон кутадиган хонасида ўтирар эдик. Илай тушқун, ҳорғин кўринар, юзи мен кўрганимдан бери осилиб, кўзлари остида қора солқилар пайдо бўлибди. Эгнида ёрқин катак-катак газламадан тикилган малла костюм. Нимчасининг чўнтагидаги шойи дастрўмол сербар галстугига мос тўқ қизил рангда эди.

Илай келгунча Вертхаймерлар укам ҳақида уч-тўрт савол берди. Улар Германиядан қочиб келган яхудийлар бўлиб, тилни бузиб гапирар, Ҳенриетта Вертмайхернинг талаффузи эри Карлникидан ҳам ёмон эди. У ижодкорларнинг болалигига жуда қизиқишини айтди ва укангизнинг тарбияси, хусусан, ёзувчи бўлиб етишишига нималар туртки бўлгани ҳақида гапириб берсангиз, деб қолди. Тўғриси, кўнглимга ҳеч қандай ёмонлик келгани йўқ. Афсуски, отам орамизда йўқ, деб ўйладим; акс ҳолда у хўмрайиб ўтириши билан Вертмайхерларга Карл «Ижодкор болалик йилларининг ривожланиш жиҳати» деб атаган нарса устида бош қотиришлари учун кўп нарса берган бўлармиди. Уларга Илайнинг отаси на унга ва на бошқа фарзандларига вақт ажратганини, Илай, онам мени яхши кўрмас эди, деганларини гапириб берсам, буни уч-тўрт кун чай-

наб юришлари мумкин эди. Лекин мен гапни қисқа қилиб, укамнинг истеъдоди болалик чоғлари — ҳар ҳолда мен билган пайтлар — бўй кўрсатмаган, фақат у жуда ақлли бола эди, деб қўя қолдим.

— Сиз Вилхелм Райх назарияси тарафдори бўлгансиз, шундайми? — деб сўради Ҳенриетта Вертмайхер Илайдан. — Ҳалиям тарафдормисиз?

Илай кулди.

— Бунга анча бўлди, — деди у. — Шу ерда акам Лу ҳам ўтирибди, у эски эҳтиёт қисмлар билан савдо қилади, оргоне кутиси 1 ҳақида умуман эшитмаган бўлиши ҳам мумкин, лекин менинг шунақа асбобим бор эди. 40-йилларнинг охирида уни Уэст кўчасидаги 106-квартирада яшаганимда катта бир қазноқда сақлар эдим. У ерда қувватимни ошираман деб соатлаб хаёл суриб ўтирар, лекин кўпинча романларимдаги фитнани кучайтириш йўллари излар эдим.

— Райх фашист бўлган, албатта, — деди Карл Вертхаймер.

— Менинг хулосам ҳам шу, — деди Илай, — лекин сизнинг Зигмундо Фрейдингизчалик шафқатсиз золим бўлмаган.

Илай нима ҳақда гапираётганини билмадим-у, лекин у Вертхаймерларни ёқтирмаётганини сезмаслик учун одам камида аҳмоқ бўлиши керак эди.

— Золим бўлса бордир, — деди Карл Вертхаймер. — Фрейд ўз асрининг кучли ғоялари билан қуролланган эди, лекин уни ўша ғояларни барбод этувчи ёки, бошқача айтганда, обрўсизлантирувчи кишилардан ҳимоя қилади-

1 Оргоне — австриялик психотерапевт Вилхелм Райх (1897–1957) назариясига кўра, тасаввурдаги бутун коинотга тақсимланган жинсий қувват ёки ҳаёт кучи; терапевтик мақсадларда фойдаланиш учун уни йигиб, (оргон кутисида) сақлаш мумкин. — *Тарж.*

ган соғлом фикрли бир кишидан ортиқ деб билиш — ғирт адолатсизлик.

— «Кучли ғоялар» дейсизми? Болаларнинг, ота-онам билан бирга ётаман, деган ўжар истагини назарда тутяп-сизми? Лу, — деди Илай мен томон ўгирилиб. — Қизик, сенинг, онам билан ётаман, деб хархаша қилганингни эслай олмаяпман. Ё нотўғри гапирдимми?

Мен жавоб бермадим. Арлин кечки зиёфат уюштирма-ман, деб анча елиб-югурган бўлса-да, гап гапга қовушмади. Дастурхонга сабзавотли шўрвадан сўнг салат тортилиши арафасида Карл Вертхаймер, ораларингиздан кимдир Шекспир асарларини немис тилида ўқиганми, деб сўраб қолди. Мен, мактабда мажбурий ўқитилган «Юлий Цезарь» трагедиясини ҳисобга олмаганда унинг асарларини инглиз тилида ўқиб тушунишим қийин бўлди, демоқчи бўлдим-у, тилимни тийдим. Доктор Вертхаймер гапини давом эттириб, бир тафаккур мактабида Шекспир асарлари Шиллер, Шлегел сингари немис таржимонлари таржимасида борлигини, уларнинг немисчаси анча дуруст эканини айтди. Илайни кузатдим, у шу пайтгача синглимиз бераётган зиёфатни бузмаслик учун ўзини зўрға босиб ўтирар эди.

— Биласизми, — деди Илай, — бу немис-яхудий сафсатаси ҳиқилдоғимга келди.

Шу гапни гапиргандан кейин у қўл сочиқни стол устига ирғитиб, стулдан туради-да, шляпа билан пальтосни олиб келишни илтимос қилади, деб ўйлагандирсиз. Лекин Илай жойидан жилмади. Бу, Вертхаймерлар туриб, кетсин дегани эди. Улар ошиқча безовталанмай шундай қилди ҳам.

— Арлин, бу учрашувимиз хато бўлганга ўхшайди, — деди Карл Вертхаймер. — Эртароқ турмоқчи эдик, маъзур тутасиз.

Ҳенриетта Вертхаймер чиқиб кетаётиб, хотиним Жерри ва мен билан кўришганидан хурсанд экани тўғрисида минғирлаб нимадир деди. Карл Вертхаймернинг кичик юмшоқ қўлини сиқиб қўйдим.

Илай шўрвани ичиб тугатаёзди. Улар хонадан чиқиб кетгач, Арлин акасининг феъли учун узр сўраб, нималар деганини худо билади.

— Нима деганини эшитдим, — деди Илай. — Кимнидир ёқтирмасанг, уни немис деб, мабодо ёмон кўриб қолсанг, уни немис аёли деб тасаввур қиласан. Буни Ҳенриетта Вертхаймер номидан айтяпман. Шундай қилинса, ўша хотин тасаввурингни ҳар хил машқлар билан зўриқтириб ўтиришга ҳожат қолдирмайди.

— Сен уларга қўполлик қилдинг, — дедим мен.

— Лу, — деди у. — Бу ҳаётда шу ёшга кириб, шунча обрў орттириб, Арлиннинг немис қўшнилари сингари руҳшуносликни билиш иддаоси билан ўзларини зиёлилардан ҳам баланд қўйиб, сафсата сотувчи кишиларнинг гапини эшитиб ўтиришим шарт эмаслигини билдим.

— Арлинга қийин бўлди, ўзингиз нима дейсиз, Илай? — деди хотиним. — Улар опангизнинг меҳмони эди.

— Мен Арлинни ўйлаётганим йўқ, — деди у. — У мени тушунади.

Арлин қайтиб келгач, Илайга унинг Вертхаймерларга муносабати ҳақида сўз ҳам очмаганини кўриб, ҳайрон бўлдим. У худди ҳеч нарса бўлмагандай қолган овқатни ҳам дастурхонга тортди ва Уэст-Сайдда кечган болалик чоғларимиз ва, албатта, Илай ҳақида гаплашиб ўтирдик.

— Янги хониминг тузукми? — деб сўради Арлин ундан.

— Ҳа, тузук, — деди Илай. — Иккаламиз баҳслашиб қолдик. У, менга уйланасан, деяпти. Ҳа, айтгандай, оти —

Карен Уилкинсон. Чикаго университетида астроном. Гуманитар соҳа мутахассиси бўлган хотинлардан — охири хотиним, Шэрон гуманитар соҳа мутахассиси эди — омадим чопмагани учун энди аниқ фанлар билан шуғулланмоқчиман.

— Қайтадан уйланмоқчимисиз? — деб сўради Жерри ундан самимий қизиқиш билан.

— Худо ҳаққи, йўқ. Уч марта омадим чопмади. Бундан ташқари, ҳозир 1974 йил бўлса, ўзингиз айтганингиздай, уйланишнинг мавриди эмас. Дарахтга тош отсанг, жонон ёғилади. Бу мамлакатда одамлар эсини еб қўйган. Истаган нарсанг муҳайё бўлса. Бугун уйланаман деган эркак жинни-пинни бўлиши керак.

Машинада уйга қайтаётганимизда хотиним, аёлларнинг нима учун ишқалчилиги билан ҳар қандай хотиннинг бошига бало бўладиган — ундан тайинли ота чиқмаслигини айтмаса ҳам бўлади — қайнимга турмушга чиққиси келишини тушунмайман, деб қолди.

— Агар уканг Вертхаймерларга қилган хурмача қилигини менинг бирорта меҳмонимга қилиб қолса, ўлдирар эдим, — деди Жерри. — Мен Арлинга ўхшаб мум тишлаб ўтира олмайман.

— Арлин Илайга содиқ. Уни даҳо деб билади. Илайнинг ўзига қўшилиб, катта одам деб ўйлайди.

— Ўзинг-чи? Сен нима дейсан?

— Унга бир гап бўлганга ўхшайди. Бошқалар айтганидай истеъдодли бўлиши мумкин, лекин эс-ҳуши жойида эмас. Нимадир етишмайди унга.

— Балки у ўзи ҳақида ёзилаётган нарсаларга ишониб қолгандир, — деди Жерри.

— Бўлса бордир, лекин бу гапларга ёзилмасидан олдин ҳам ишонган бўлиши мумкин-ку?

Орадан уч ҳафта ўтиб, доимий хабарчимиз Арлиндан Илайнинг жамият, аёллар ва бошқа нарсалар ҳақидаги гапларига қарамай, ўша астроном хотинга уйланганини эшитдик. Энди тўртинчи марта келинли бўлдим.

Боя айтганимдай, укам ёзган романларнинг ҳаммасини ҳам ўқий олмайман. Уриниб кўрдим, бўлмади. Ўзим кўрган-билган дунёдан асар ҳам йўқлиги учунми, уларда ни-ма ёзилгани билан қизиқмадим. Билишимча, улар, асосан, ҳаёт бизни омад билан сийламади, муҳит эса ўрнимизни топиш учун оғирлик қилди, деб ҳисобловчи яҳудий зи-ёлилари ҳақида эди. Жерри ёқтирмаса ҳам уларни ўқиб чиқди, ўзини ўқишга мажбурлар, тугатиб қўйишни янга сифатидаги бурчи деб билар эди. У ўқтин-ўқтин китобдаги бирор парча ёки бўлим ҳақида менга сўз очар ва Илайнинг эски мавзедаги бирор нарса ёки киши ҳақида ёзган-ёзма-гани ҳақидаги фикрим билан қизиқар, одатда тусмоллари тўғри бўлиб чиқарди.

Жерри укамнинг яқинда нашрдан чиққан «Кайзерман-нинг ажал бўсаси» китобида Лев Кайзерман деб ном ол-ган омадсиз адвокат, усти текис, соябони тепага қайрилган шляпа кийган болакай образи беадабларча тасвирланган парча ҳақида гапириб қолди. Илай қуюшқондан чиқиб кетган эди. Унинг Кайзермани бузуқ ва қизил кийинган кўринса, суйкалмасдан ўтолмайди, дуч келган хотинни йўлдан уришда ўша усуллардан фойдаланади. Уларга шеър ёки бўлмаса Бердяев деган рус кишисининг асар-ларидан ўқиб беради. Романнинг бир жойида Кайзерман касалхонага тушиб қолганида Илай уни ҳамшираларнинг кўз ўнгида асл башарасини фош қилишга мажбур эта-ди. Кайзерман дегани Морти Силверман эканига шубҳа йўқ, укам эски оғайнисини уччига чиққан тилёғламачига айлантириб қўйган.

Илай нега бундай қилди? Эҳтимол, у солиқ ҳужжатларини сохталаштириш ҳақида берган аҳмоқона маслаҳати учун ўч олгандир? Шафқатсиз ўч бўлибди ўзиям. Қизик, Морти ўқидимикан буни — ўқиганига ҳеч қандай шубҳам йўқ — нима дер экан?

Жеррининг айтишича, Илай биринчи хотини Илайзни бундан ҳам баттар қилган. «Сколник» деган романида — шунини ўқишга ҳеч вақтим бўлмаган экан — уни бошқа бир эркак билан дон олишиб, ўзига хиёнат қилган, уч яшар ўғилчасини олиб ўша одам билан қочиб кетган қилиб тасвирлайди. Лекин бу мен эшитган гапга тўғри келмас эди. Узунқулоқ гапларга қараганда, у Илайзни ижодкор даҳлизда бола боқиб ё бошқа ташвишларга андармон бўлиб, оилага боғланиб қолиши мумкин эмас, деб ташлаб кетган. Бор гапдан хабарим йўқ. Лекин Илай биринчи хотинини *нафке*¹ қилиб тасвирлагани рост. Илайз нима деб ўйлаган экан? Бу ҳозир йигирмаларга кириб қолган фарзандига қандай таъсир кўрсатади? Укам мен ҳақимда ёзганида қанчалик жаҳлим чиққанини эслайман, унинг кетига яхшилаб тешиб, ўша вақту жойнинг ўзидаёқ бунга чек қўйишим керак эди, деган фикр миямни пармалайди.

Илайнинг бу қилиқларига ҳеч ким айтарлик эътироз билдирмагани мени ҳайрон қолдирди. Жерри ҳар доим Чикаго газеталарида у ҳақда чиққан мақолаларни менга гапириб берар эди. У жуда кўп интервью берар, лекин ўзини бундай қилгиси келмаётгандай, худди биров шунга мажбурлаётгандай тутарди. Укам, асосан, мўмай нақд пулдан иборат мукофотларни қизғанчиқлик билан қабул қилаётганини сезиб қолдим. «Ушбу мукофотга сазовор

¹ Нафке — Интернетдаги баъзи форумларда айтилишича, у оромий тилидан келиб чиққан ва «фоҳиша» маъносини англатади. — *Тарж.*

бўлганимдан хурсандман, фақат...» «Ушбу мукофотни олаётганимдан миннатдорман, бу мени жуда хурсанд қилади, бироқ бир нарсадан шубҳам борки...» Гарчи бу гаплари сохтадай туюлса-да, нишонга беҳато ураётган эди. Ёзувчилиги қанчалик зўр эканини билмадим-у, лекин у одамларни лақиллатишда устаси фаранг бўлиб кетган эди.

Эҳтимол, Илай, акам ёзганларимдан унчалик таъсирланмаяпти, ёки, дунё қатори мени мақтамаяпти, ҳар куни сендан фахрланаман, деб айтмаяпти, деб ўйлаган бўлиши мумкин, лекин гарчи бир шаҳарда — биз Лейк-Шор-Драйвда¹, у эса янги хотини билан Ҳайд-Паркда — турсак ҳам Жерри билан мен уни деярли кўрмаймиз.

Бир куни мэр идорасидан Илайни Чикаго шаҳри медали билан мукофотлашмоқчи бўлган тадбирга таклифнома келиб қолди. Тадбир Ҳарбий-денгиз бандаргоҳида мукофотлаш маросимю кечки зиёфатдан иборат эди. Смокинг киймаса бўлмасди. Жин урсин, дедим мен Жеррига, юр, улар қандай яшаётганини бир кўрайлик.

— Улар деганинг ким? — деди у.

У саволни беҳуда бермаган экан. Зиёфатдан олдинги қабул маросимида шаҳарнинг борки *тухас лекерлари*² йиғилган эди. Ҳоллга киришим биланоқ кўзим Уолтер Жэкобсон деган йигитчани қучиб турган миш-мишлар рукни журналисти Ирв Купсинетга тушди, у бир пайтлар «Кабз» клубида бейсбол таёқларини кўтариб юрадиган ёрдамчи бўлган, энди эса кечкурунги маҳаллий хабарларни тайёрлайди. Улар ўзаро қучоқлашиб олганига қарамай, хонада бошқа улуғроқ кишилар йўқмикан, деган хаёл билан бири-бирининг елкаси оша атрофга мўралар

1 Лейк-Шор-Драйв (Lake Shore Drive) — Мичиган кўли бўйи ва Чикаго шаҳридан ўтадиган автомобиль йўли. — *Тағъс.*

2 Tuchas lecher (идиш тилида) — ахлоқсиз хушомадгўй маъносида.

эди. Мумтоз мусиқа эшиттирадиган радиостанциянинг интервьюлар шоуси муаллифи бўлмиш Стадз Теркел деган ғалати йигитча ҳамма билан қўл сиқиб саломлашиб у ёқдан бу ёққа югуриб юрибди. Кимлигини яхши билмайман, лекин Илай бир сафар уни «хашаки сталинчи» деб атагани ва топқирлигидан ўзи ҳам роҳатланиб кулгани эсимда бор. Бир куни Жерри, эътибор қилганмисан, Илай роса кўп кулар, лекин камдам-кам жилмаяр экан-а, деб сўраб қолди.

Голд-Костлик анча-мунча тантиқ хотинлар юзи ҳоргин, бу ердан кўра «Буллз» билан «Лейкерс» командалари ўйинини томоша қилиш учун уйда қолганида кўпроқ хурсанд бўладиган эрлари билан келган эди. Кўп ўғирлик қилмагани учун бепул зиёфатга борувчилар рўйхатига тиркаладиган уч-тўртта олдерменни¹ танидим ҳам. «Беррз»нинг собиқ тренери, юзидан қон томиб турган Майк Дитка мэр билан гаплашиб турган экан. Жерри «9-канал»даги кечки хабарларни тайёрлайдиган, офатижон занжи аёл билан гаплашиш учун энгашган Жесси Жексонни таниб қолди.

Кейин Илай хотини билан кириб келди, у укамга тўрт йил бурун теккани учун ҳориб-чарчаб қолган, кўзларида аллақандай безовталиқ билан кўрқув бор эди. Биринчи марта кўришганимиздан бери ҳам озиб кетгандай туюлади. Қизил кўйлагу баланд пошналар оёқ кийимида Илайдан беш-олти сантиметрча баланд кўринади. Илай кенг сатин ёқали смокинг ва йирик қатлари кўп кўйлак кийган, қизил белбоғ ва катта қизил капалаксимон галстук тақиб олган, мабодо қўлини қаттиқроқ силкитсангиз, галстук

¹ Олдермен (alderman) — баъзи штатларда маҳаллий қонун чиқарувчи мажлис аъзоси. — *Тарж.*

«Мени ўп» дегандай яраклаб кетиши ҳам ҳеч гап эмас эди. У Хавьер Кугатнинг эски оркестрида тромбон чаладиган яхудийга менгзарди. Енгил ва бутунлай оқариб кетган сочи бошининг калини ёпиши учун аввал унинг устига қаратиб таралиб, кейин қўл билан босиб қўйилган эди. Унда оиламизга қаерлардандир келиб қолган истеъдод бор эди, менинг қалин сочим эса бобойники эди, ундан фақат шунинг учун хурсанд бўлсам керак.

Зиёфат қуюқ эди: биринчи овқатга йирик ликопларга солинган денгиз маҳсулотлари, қорамолнинг бутунлигича пиширилган елка гўшти ёки сулаймонбалиқни танлаш имконияти, истаганча вино, ширинликка эса олча ва ликёр қўшилган таом. Таомлар тановул қилиб бўлингач, гапга унчалик уста бўлмаган мэр ўрнидан турди-да, Чикаго шаҳрида маданият ҳар доим қадрланганини, бу ерда бир қанча ёзувчилар яшаб ўтганини — номини бир-бир санаб ўтди — ва уларнинг ижодини Илай давом эттираётганини айтиб ўтди. У Илайни мақтар экан, Чикагода туғилиб ўсган бир киши улкан ёзувчига айланди, шаҳар ўз ёзувчисини шарафлайди ва мен унга адабиёт соҳасидаги медални тақдим этаётганимдан бахтиёрман, деди ва Илайга медални тақиб қўйди.

Саҳнада турган Илайнинг бўйнидаги капалаксимон катта қизил галстукдан қуйироқда қизил-оқ-қўк тасмали медаль осилиб турар эди. Шу туришида масхарабозга ўхшар эди. У қарсақлар босилишини кутиб турди. Тиржайди. Ўзимга бақамти ўтирган хотини Каренга қараб қўйдим. У дастурхондан кўз узмас эди.

— Бу, — дея сўз бошлади Илай, — катта шараф. Мэрга илиқ сўзлари учун ташаккур демоқчиман. Шаҳар маданият бошқармасидан Луис Вайсберг ва бошқаларга раҳмат

айтаман. Бугун акам ҳам шу ерда, ҳар бир гапимни ўйлаб гапиришим керак. У дангалчи одам, бир оз эркин гапиришимга рухсат берар, тўғрими, Лу?

Кейин у гапини давом эттирди.

— Ёзувчилар билан ҳокимият муносабатининг узоқ ва кўпинча ҳавас қилиб бўлмайдиган тарихи бор. Мен ушбу ажойиб медални қабул ва тансиқ таомларни тановул қилаётиб, ўша тарихга кирмай қолсам, ажабланган бўлар эдим. Адабиёт ҳақиқат тарафида, бошқалар ҳақиқатни айтишга қўрққани учун ҳам у бор гапни ҳокимиятга айтиши керак, деган ақида мавжуд.

Шу жойга етганда Илай мэрга қараб қўйди ва, қалайсиз, оғайни, деди.

— Ҳа, — давом этди у. — Ҳокимиятга ҳақиқат айтиляпти, лекин у ўша ҳақиқатни эшитяптими ёки бунинг ўрнига ўзини эшитаётган қилиб кўрсатиб, бугунги тантанадагидай унинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб ўтирибдими, деган савол туғилади. Коммунистик мамлакатларда ҳокимият ёзувчиларга жиддий муносабатда бўлади, шунчалик жиддийки, кўпинча уларни ўлдириб ҳам туради. Қўшма Штатларнинг Чикаго шаҳрида эса у ёзувчиларга қовурилган мол гўшти ёки сулаймонбалиқдан тайёрланган таомлардан бирини танлаб ейиш имконини беради. Мени нотўғри тушунманглар. Бир кун келиб, мана шу балиқ бурнимдан булоқ бўлиши аниқ. Гапларимга кулиб қарамангизлар, илтимос.

Шундан сўнг Илай гапиришдан тўхтади. Гаплари тўғри эди. Айтилди. Тугади. Дастлаб одамлар нима дейишини билмай қолди. Ҳаммининг кўзи мэрга эди, у орадан ўн сонияча вақт ўтиб, қарсақ чала бошлади, қолганлар ҳам унга қўшилди, лекин бу зўраки қарсақ эди. Мен Илайнинг хотинига қарадим, у ҳам менга қаради-да, укангизнинг

бўлгани шу, уни сиз яхшироқ биласиз, демоқчидай, кўзларини олиб қочди.

— Хўш, — деди у бизнинг столга қайтиб келиб, кейин унинг устига энгашди-да, қалай, боладимми, деди.

— Тўғриси, яхши иш қилмадинг, ука.

— Нима қипти? — деди у. — Муҳими, уларни боладим.

Жерри эртаси куни барвақт бир иши борлиги учун таксида уйга кетди, мен бир оз ушланиб қолдим. Кетмоқчи бўлиб турган эдим, Илай, менинг хотинимни ҳам уйга олиб кетмайсанми, деб илтимос қилиб қолди. Ўзи зиёфатдан кейин бир тадбирга бориши керак экан. Рози бўлдим.

Келин билан тўрт мартами кўришганман, лекин ҳеч қачон ёлғиз учрашмаганмиз. У билан нима ҳақда гаплашишни билмас эдим, лекин хавотирга ўрин йўқ экан — чакаги очилиб кетди.

— Биласизми, Луис, — деди у мен Ҳарбий-денгиз бандаргоҳи гаражидан машинани олиб чиққач. — Биз Илай билан ажрашяпмиз. Қилиқларига чидаб бўлмайди, буни ўзингиз ҳам билсангиз керак.

— Мен унга қаттиқ гапирдим, — дедим.

— Дуч келган хотиннинг бошини айлантирсам дейди. Машхурлиги уларни гангитиб қўйса керак-да. Ҳаммаси тўшакка тортгиси келади. Бир нарсани тушунолмайман, Илай бу нарсаларга нарсаларга умуман қизиқмайдиганга ўхшайди. Жуда бесабр жазман. Эпини келтириб айтолмаганим учун узр.

Ўрта қатордан чиқиб, қўшимча йўлдаги тирбанд машиналар томон ўтиб кетишимга бир баҳя қолди.

— Укангиз билан бирга яшайман, деб катта хато қилдим. Мени одамлар кўз ўнгида шарманда қилади. Ёлғиз қолганимизда эса эътибор ҳам бермайди. Аниқ биламан, у мени

бирор романига жодугар ё фоҳиша қилиб тиқади-да, гигиена билан боғлиқ одам жирканадиган бир-иккита одатни қўшиб чирмашдан ҳам тоймайди. Менга барибир. Унинг пули керак эмас. Чангалидан чиқиб кетишнинг ўзи бир мукофот. Тўртинчи Илай Блэк хоним бўлишдан қутулсам, розиман. Ҳали зодагонларнинг отига қўшиладиган қўшимчалар сингари исмининг орқасидан рақам тиркалган Илай Блэк хонимлар кўп бўлади.

Мен Каренни Илай билан унинг Клойстерсдаги уйи олдида машинадан туширганимдан сўнг эшик очиш олдидан:

— Укангиз, ижодкор бўлганим учун хоҳлаган ишимни қиламан, дейди, одамларни истаганча ҳақорат қилади. Ҳамма нарсани китоблари билан оқламоқчи бўлади. Мен астрономман, аслида Илай қанчалик майда, қанчалик бир пулга қиммат одам эканини билмайди. Бир куни билиб олар. Хайр, Луис.

У машинадан тушаётиб, қўлимни сиқиб қўйди, қайтиб уни кўрмадим.

Ўшандан сўнг орадан бир йилча вақт ўтиб, Жерри иккалаамиз Яҳудийларнинг бирлашган жамғармасида Рикк Фелдрау деган йигит билан бир столда ўтириб қолибмиз. У ҳам романлар ёзган адвокат экан; ҳаммаси зўр кино қилинибди. Жуссаси кичик, кал, лекин худди анча вақт жувозга қўшилгандай қотма эди. Танишиб олганимиздан сўнг мен Илай Блэкнинг акаси эканимини эшитганини айтди. Гапини тасдиқлаганимдан сўнг дардини ёрди, мен эса нима дейишни билмай қолдим.

— Укангизнинг асарларини қанчалик яхши кўришимни билсангиз эди, — деди у. — У — менинг қаҳрамоним, уйимизни қўриқловчи малак.

— Нега? — деб сўрадим мен.

— Чунки у малакка ўхшаб ёзади. Мамлакатда нималар бўлаётганини фаҳмлайди. Чунки унинг романлари абдий яшайди.

— Нега бунчалик ишонч билан гапиряпсиз?

— Тўгри, — деди у. — Ишончим комил дейишим қийин. Лекин у ҳозир қоғоз қоралаб юрганлар орасида китоблари бундан эллик ёки юз йил кейин ҳам ўқилишига асосий даъвогар.

— Укам билан учрашганмисиз ўзи?

— Йўқ, — деди у. — Ҳалиям учрашишга қўрқаман. Болалигимда Илай Блэрни истеъдодини менга юқтирган отам, у мени ҳаётнинг ўйдим-чуқур йўлларида олиб ўтади деб тасаввур қилар эдим. Асл касби руҳшунос бўлган отамнинг эса менга қарашга вақти бўлмас, мабодо бўлиб қолса, роса пўстагимни қоқар эди.

— Яхши иш қилмаган экан, — дедим мен. — Лекин мабодо укам Илай отангиз бўлиб қолганда ҳам аҳволингиз бундан яхши бўлмас эди.

— Ростданми? — деди у. — Бу нима деганингиз?

Жерри стол остидан оёғи билан туртиб қўйди.

— Бу жуда оғир масала, — дедим-да чап ёнимда ўтирган аёлга юзландим.

* * *

Биз Илай билан ҳеч қачон апоқ-чапоқ бўлмаганмиз. Бир-биримизга қўнғироқ қилгунимизча орадан олти, саккиз ой ўтиб кетар эди. Баъзан амакиваччамизнингми дафн маросимида учрашиб қолсак, оиламизга хос қўнгли бўшлиқ қилар эди. Бундай ҳоллар жуда кам учрайди. Лекин бир куни менга қўнғироқ қилиб, муҳим иш бўйича кўришмоқчи эканини айтиб қолди. Эртага бирга тушлик

қилсак, нима дейсан, деб бўш вақтим бор-йўқлигини су-
риштирди.

Биз «Стэндард-Клуб»да учрашдик. Илай фойеда кутиб
турган экан, эгнида ёрқин, оқ-қора катакли костюм, қалин
йўл-йўл чизиқли, оёқ ёқа ва англи кўйлак, сариқ галстук та-
қиб олган. Асосий овқатланиш хонасидаги столимиз томон
юраётсак, одамлар бизга — укам Илайга қараётганини сезиб
қолдим, чунки унинг суратлари газеталарда жуда кўп бо-
силар, шаҳарнинг машҳур кишисига айланиб улгурган эди.

Официант йигит буюртма олгандан сўнг Илай хонага
кўз югуртириб олди-да кулиб деди:

— Бу ерда бирга тушлик қилаётганимизни бобой кўрса,
ҳайрон қолмасмиди? Иккаламиз Рузвельт кўчаси билан
Кедзиедан анча-мунча йўл босиб келдик.

— Сен мендан кўра кўпроқ йўл босдинг, — дедим мен. —
Хўш, нима гапинг бор?

— Менга чорак миллион доллар қарз керак эди, — деди у.

— Анча пул-ку. Нимага кераклигини билсак бўладими?

— Албатта. Сид Гусио деган киши билан шартномамиз-
нинг ишкали чиқиб қолди. Хусусий санаторийларга сар-
моя ётқизган эдим.

— Гусиодай каллакесар билан қаерда ош-қатиқ бўла
қолдинг? — деб сўрадим мен.

— «Ривиера-Клуб»га теннис коптогини деворга уриб
ўйнагани борганимда танишиб қолган эдик. — деди
Илай. — Жуда кўнгли очиқ одам бўлиб туюлган эди.

Сид Гусио «Чикаго синдикати»нинг қимор билан фо-
ҳишалikka жавобгар одами эди, у билан ҳазиллашиб бўл-
маслиги ишининг отидан ҳам кўриниб турибди. Илай
Гусиодай одам билан қандай бизнес қилиши мумкин?
Бу — шернинг уясига кириб кетаётган сичқондай бир гап.

— Илай, у хавfli одам.

— Айтмасанг ҳам биламан, — деди Илай. — Мени яхши бир ишга қўшмоқчи эканини айтувди. Оак-Лонда қури-лаётган хусусий санаторий мажмуасига юз минг доллар сармоя ётқизиб, икки йил ичида ўша пулни, тахминан, уч баробар қилиб чиқариб олишинг мумкин деган эди. Энди эса харажатларни нотўғри ҳисоблабмиз, деб ўтирибди. Дастлабки сармойамни сақлаб қолиш учун менга яна икки юз эллик минг доллар керак бўлиб турибди. Қолаверса, Гусио бошқа иложим йўқлигини, бу ихтиёрий нарса экани очиқ-ойдин айтди. Гарчи ҳозир юз минг долларлик илк сармойадан воз кечгим келаётган бўлса-да, қўл силтаб кетолмайман-ку. Қўл силташ билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини яхши биламан.

Одамни хаёл олиб қочади: ландовур укам Илай ёзувчиликдан бошқа ишда таваккал қилса бўлди, уйи куяди, то кетига тепмагунча ҳаётнинг нима эканини билмайди-ган одам бошқаларга, ёмон яшаяпсизлар, дея танбеҳ берувчи китоблар ёзади, Илайнинг Сид Гусиога қарши чиқаётганини рақобат деб бўлмайди.

— Нега унинг сендан яна пул сўрамаслигини ишонч билан гапиряпсан?

— Унақа деяётганим йўқ. — деди Илай.

Қўрқаётганини ҳам, мушкул аҳволга тушиб қолганини ҳам сездим. Ҳамиша билағоилик қилиб қариллаб юради-ган Илай энди акасидан ёрдам сўраб келган бир бечорага айланиб қолган эди.

— Шунча пул ўзингда йўқми? — деб сўрадим мен.

— Харажатим кўп, Лу, қанча ажрашган хотинларим, болаларим, дегандай, мактаб пули бор, сен уларнинг ярмини ҳам танимайсан.

— Эй худо, қачон газета варақласам, кимдир сенга битта мукофот бераётган бўлиб чиқади, ҳар берган интервью-

юнгга ўн, йигирма минг олсанг керак. Китобларингдан келаётган даромад-чи? Сенда пул бўлмасинми?

— Лу, майда-чуйда гапларни қўйиб турайлик Гапнинг пўсткалласини айтсам, сендан бошқа ҳеч ким менга пул бермайди.

Илайга пул қарз бериб туришни кўнглимга тугиб ҳам қўйдим, лекин баъзи сабабларга кўра, осонликча бергим келмас эди. Тан олишдан ор қилсам ҳам айтай, шу иш менга ёқиб қолди.

— Сенга пул ҳам бердим дейлик, — дедим мен. — Нимангни гаровга қўясан? Пулитцер мукофоти?

— Дастлабки учта романимдан келиб турган қалам ҳақларини бериб турсам нима дейсан? — деди у жиддий тарзда.

— Пулни қайтариш жадвалини тузиб, қарз олганинг ҳақида тилхат берасан, — дедим мен. — Илай, битта бепул адабий маслаҳат берсам майлими? Ажалимдан беш кун олдин ўлиб кетмай десанг, Сид Гусиони ҳеч қачон романларингга қаҳрамон қилиб олма.

* * *

Бир куни кабинетда ўтирсам, котибам Дэвид Блэк телефон қилаётганини айтиб қолди. Дэвид Блэк деган бирор танишим борлигини эслай олмасам-да гўшакни кўтардим.

— Салом, Лу амаки, — деди овоз. — Мен укангиз Илайнинг ўғли бўламан, икки кунга Чикагога келувдим, сиз билан кўришсам бўладими?

Шундан сўнг ҳаммаси жойига тушди. Дэвид Илайнинг биринчи никоҳидан кўрган ўғли эди. Уни бола ҳолида эслайман. Ҳозир ўтгизларга киргандир. Адашмасам, у Шимолий Калифорниядаги Сант-Роза шаҳрида яшайди.

— Ҳозир қаердасан? — деб сўрадим. — Отангникида турибсанми?

— Йўқ, — деди у. — Отам шаҳарда йўқ экан. Бир иш билан келувдим. Мичиган-авенюдаги «Контитентал» меҳмонхонасида турибман. Чикагони умуман билмайман. Сиз билан бирга овқатлангани ёки у-бу нарса ичгани кўришсак бўладими?

— Албатта, болакай, — дедим мен. — Яхши бўлар эди.

Эртаси куни «Дрейк» меҳмонхонасидаги «Кок д'Ор»¹ барида учрашадиган бўлдик. У ернинг сендвичи яхши, тушки талотўпдан кейин борсангиз, ҳеч ким халақит бермайди. Лекин бу бола билан нима ҳақда гаплашишимиз мумкинлигини билмай бошим қотди.

Жияним бола эмас экан. У тепакал, озроқ қорин қўйган, бурни отасиники, бурун катаклари катта-катта, бўйи Илайникидан баландроқ, афти қорароқ экан. Бефарқ бўлмаганим, таъсирчанлигим, яна нимадир юрагимни унга мойил қилди. Эҳтимол, бу унинг отасиз ўсгани учун бўлса керак.

— Кўришишга рози бўлганингиз учун раҳмат, — деди у саломлашиш учун қўлини чўзар экан.

Биз узун девор ёнидаги столни эгалладик, пиво билан гамбургерга буюртма бердик, шундан сўнг ундан нима учун Чикагога келганини сўрадим.

— Конференцияга келувдим, — деди у. — Қурувчи муҳандисман. Калифорнияда автомобиль йўллари соҳасида ишлайман. Конференцияда автомобиль йўлларига давлат маблағини ажратиш масаласи муҳокама қилинади. Кўпчилик бунақа тадбирларни қуруқ сафсата деб ўйлайди, лекин бу менга ишим учун керак.

1 Соқ Д'ор (фр.) — Олтин хўроз.

— Шу яқин кунларда отанг билан кўришдингми?

— Бу ерга келишдан олдин кўнгироқ қилувдим, у киши бу пайтда Лондонда бўлишини айтди.

— У билан тез-тез кўришиб турасанми?

— Онда-сонда десам тўғрироқ бўлади. Баъзан кўришгунимизча бир ёки икки йил ўтиб кетади. Фақат туғилган кунда кўнгироқ қилиб тураман.

Илай Дэвиднинг онаси билан бола уч яшарлигида ажрашиб кетган эди. У болани ўзи билан Калифорнияга олиб кетди ва орадан бир-икки йил ўтиб бошқа эр қилди. Ўша пайтлари Илайнинг пули кўп бўлмагани учун ўглини кўпи билан йилига бир марта бориб кўрар эди. Кейин ўзи ҳам қайта уйланиб, яна бола-чақа орттиргач, бундан ҳам камроқ кўришадиган бўлди.

— Ҳаётда у-бу нарсага отамсиз ҳам эришишни ўргандим, — деди Дэвид. — Ўсмирлигимда у эришаётган ютуқларни газеталарни ўқиб, кузатиб бордим. Мактабда ўқиб юрган пайтларимда ҳеч ким отам машҳур ёзувчи эканини билмаганидан ҳам хурсанд эдим. Икки йил олдин қазо қилган ўғай отам яхши одам эди. Онам ундан яна иккита фарзанд кўрди, у менга ўғайлик қилмади. Шунинг учун ҳеч қандай шикоятим йўқ.

Дэвид ўзининг ҳам учта фарзанди борлигини айтди. Илай ҳали тўрт ёшга кирган энг кичик ўғил неварасини кўрмаган экан. Шунда хотиним қанчалик неvara кўргиси келганини ўйладим.

— Отамдан онамни романларида ёмон аёл қилиб тасвирлагани учун хафаман, ўша романларида онамни қасоскор, муваффақиятга эришишида оёғига тушов бўлаётган аёл деб атайди. Мен ҳар доим унга бу разил кишининг иши эканини айтмоқчи бўлганман, лекин ҳеч қачон журъатим етмаган. Ижодидан гап очилса, отам лов этиб ёниб кетади.

— Отанг ёзган романларни унча кўп ўқимаганман, — дедим мен.

— Балки уларда иғво камлиги учундир. Мен фақат муҳандислигимни биламан. Отамнинг китоблари ўзига ўхшаган одамлар, ҳаёт ўзларини теран, аммо нималиги ҳали равшан бўлмаган бир йўлга олиб кирди, деб ҳисобловчи яҳудий зиёлилари ҳақида. Тусмол қилишимча, у модерн ижодкорни ҳеч ким тушунмайди, яҳудийларни деярли ҳамма ёмон кўради, демоқчи бўлади. Лекин китоблари одамларга ёқади. У киши олмаган мукофот қолмади-ёв. Асарлари жуда кўп тилларга таржима қилинган.

Дэвид графикачи рассом хотини, болалари, ўзи қандай қилиб муҳандисликка ўқигани ҳақида гапириб берди. У менинг оилам билан бизнесим ҳақида сўраганида ҳаётим ҳақида гапириб берганимни жон қулоғи билан тинглади. Жияним вазмин йигитга ўхшаб кўринди, афсуски, укам унга ҳеч қандай ёрдам бермаганига яраша мен ҳам бирор яхшилик қила олмадим. Илай, Арлин ва менинг отамизни ҳам зўр одам деб бўлмас эди, лекин у қилғиликни уйда қилса ҳам кўчага чиқиб, онамни ҳақоратламас ёки калтакламас эди. Шунисига ҳам шукр. «Дрейк»нинг олдидаги кўчада Дэвид билан мен бир-биримизга ташрифномаларимизни бердик. У менга, мабодо, Санта-Розага бориб қолсангиз, мен билан неварани жиянларингизникида меҳмон бўлинг, хурсанд бўламиз, деди.

— Биласиз-ку, Сонома водийси — винонинг қони, — деди у.

Мен унга кўришиб туришга ҳаракат қилишимни, лекин бу ҳаётга боғлиқ эканини айтдим, тўғриси, қайта кўриша олмаслигимизга ишончим комил эди.

Орадан бир-икки ҳафта ўтиб, укамга ўғли билан кўришганимни, у яхши йигит эканини айтиш учун қўнғирок қилдим.

— Шундай яхши ўғлинг борлиги — сенинг бахтинг. Бу менинг ишим эмас-у, лекин у билан тез-тез кўришиб турсанг, яхши бўлар эди.

— Тўғри айтасан, Лу, — деди Илай. — Бу сенинг ишинг эмас. Қанақа тушунасан, билмадим-у, мен бор кучимни китобларимга сарфлаётганим учун бошқа нарсага ҳолим қолмаяпти.

— Нима ёзипсан ўзи, Тавротми? — дедим мен. — Илай, улар, бор-йўғи, роман бўлса. Биз сен билан одамлар, ўғлинг билан невараларинг ҳақида гаплашяпмиз-ку.

— Сен ижодкорнинг ҳаёти ҳақида нимани биласан ўзи? — деди у ва гапимни ҳам эшитмай гўшакни жойига қўйди.

Бир пайтлар синглим сут беши саратони билан оғриган эди, орадан тўрт йил ўтиб, бир куни кечаси ўша касаллик қайталаганини, энди миясига ҳам ўтганини йиғлаб гапириб берди. Уни операция қилиб бўлмас эди. Арлин икки марта оила қурган бўлса ҳам менга ўхшаб фарзанди йўқ эди. У институтга кириб ўқимади, Луп — Чикагонинг бизнес марказидаги «Зиммерманс Ликёрз»да ҳисобчи бўлиб ишлади. Синглим ижарада турган квартира сотиладиган бўлганда олиши учун пулдан озроқ ёрдам қилдим; унга яна сармоя солиш бўйича маслаҳат ҳам берган эдим, анча фойдаси бўлди. Лекин унинг Жерри, Мен ва Илайдан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Синглимни яхши кўрар эдим. Унинг олти ёки саккиз ойлик умри қолганди.

Арлин мен билган одамлар ичидаги энг оққўнгил инсон эди. У на қизганчиқ, на жаҳлдор ва на ҳасадгўй эди — ҳарқалай, мен бунақа одатларини кўрмаганман. Биз у билан Ал Ҳершнинг олдига васиятини муҳокама қилгани борганимизда бор мулкани Илайнинг невараларига бўлиб беришга қарор қилганини айтди. Ўшанда мен қўлида бола-

ларнинг тугилган кунлари рўйхати борлигини, ҳар йили уларнинг ҳар бирига ичига 50 долларлик пул солинган откритка юбориб турганидан хабар топдим. Арлин мени саратони қайталаб қолганини Илайга билдирмасликка ваъда беришга мажбур қилди.

— У ўлимни ёмон кўради, — деди у. — Бунга юраги дош бермаслиги мумкин. Вақт оз қолганда ўзим айтаман.

Арлин қўшнилари Вертхаймерлар билан яна бир зиёфат уюштирди. Биринчи зиёфатдан кўнгли анча хижил бўлган эди, шунинг учун яна келишимиздан умидвор бўлди. Биз, албатта, рози бўлдик. У саратони қайталиб қолганини Вертхаймерларга билдирмаганини айтиб, бизга ҳам бу ҳақда оғиз очмасликни тайинлади.

Ўтириш Илайсиз анча осон кечди. Вертхаймерлар билан Арлиннинг қўшнилари, америкаликларнинг спорт деса ўзини томдан ташлаши, чет элликларнинг Америка сиёсатига қарашлари ҳақида гаплашиб ўтирдик.

— Америка сиёсатининг яхши тарафлари кўп, — деди Карл Вертхаймер. — Мен сиёсатда дангалликни яхши кўраман. Бу билан ўзининг манфаати ва эътиқодидан келиб чиқиб овоз берган бир киши бошқаларни ўзгача овоз бергани учун ярамас ёки аҳмоқ деб ўйламаслиги керак, демоқчиман.

Арлин жуда пазанда, зиёфатни қийворибди ўзиям. Дастурхонга ширинлик — оёғи осмондан қилиб пиширилган ананасли торт — билан қаҳва тортилгандан сўнг Хенриетта, Илай ҳақида гаплашсак, йўқ демайсизларми, деб сўради. Ҳеч ким эътироз билдирмади.

— Биласизларми, укангиз ҳеч кимга ўхшамайди, аммо уни галати одам дейиш қийин, — деди у. — На омад, на хотинларию фарзандлари, на асарларини кўкларга кўтариб мақташлар — ҳеч нарсадан қувонмайдиган одам-

га менгзайди. Тўғриси, психотерапияда бундай ҳолатни тавсифлайдиган атама йўқ. Ичи танг одам эмаслиги аниқ. У билан фақат бир марта кўришган ёки матбуотга норозиларча берган сон-саноксиз интервьюларини ўқиган киши, бу ҳаёт — нима десам экан — дунё унинг ҳафсаласини пир қилаётгани экан деган хулосага келиши аниқ. Бу ҳаётдан қоникмайди.

— Унинг яқинда берган интервьюсидан англаганим шу бўлдики, — Карл Вертхаймер гапга қўшилди, — укангиз Рудольф Штайнер таълимоти ҳақида сафсата сота бошлабди. Штайнер кимлигини билсангиз керак?

У бизга нотаниш эди.

— Уччига чиққан лўттибоз, — дея гапини давом эттирди у. — Унинг таълимотига кўра, руҳлар юксакда, жонлар осмони фалакда бир-бирига қўшилади, булар бари — сиз, америкаликлар нима дер эдингиз — ҳа, эрмагу ўйинларнинг бир тури, холос. Мен учун укангизнинг яхшироқ таълимот, ғоялар системасига бўлган эҳтиёжи, аҳмоқона бўлса ҳам, қизиқ. У ёшлигида троцкийчи ҳам бўлиб кўрди, буни тушунаман, кейин Вилхелм Райх даври, бу ҳақда олдинроқ гаплашган эдик, энди эса Рудольф Штайнер. Ким билади дейсиз, балки у бора-бора католик бўлиб дунёдан кўз юмар.

Нима деб жавоб беришни билмадим. Вертхаймерлар Илайннинг зеҳнияти ҳақида мендан кўра кўпроқ билар экан. Аммо укамга берилган баҳодан у сафсатадан бу сафсатага югуриб юришлари ҳаётдан узилиб қолишига асосий сабаб бўлганини билиб олдим. У ҳам мен билан битта кўчада ўсиб улғайди. Ота-онамиз ҳам бир эди. Икки киши бир-биридан шунчалик фарқ қилса-я?

— Қайнимнинг қайта-қайта уйланиши ҳақида нима дейсиз? — деб сўради Жерри.

— Бунга турли томондан қараш мумкин, — деди Ҳенриетта Вертхаймер. — Эҳтимол, бу хатти-ҳаракатлар унинг ўтроқ ҳаёт кечиргим келяпти, деб ўйлаши, лекин аслида буни истамаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Эҳтимол, қайнингиз ҳаётининг турли босқичларида турли хотину хонимлар билан яшаган рассом Пикассо, ёки жуғрофия олими Баланчинга ўхшаб, илҳом парилари назарияси асосида кун кечираётгандир. Бу ҳам бўлиши мумкин.

— Англаганим шу бўлдики, — Карл Вертхаймер гапга қўшилди. — Илай Блэк ижодкор ҳақидаги чўпчакка ишонади. Бу, ҳамма нарса санъатга қурбон қилиниши керак, дегани бўлади. Гап Микеланжело ёки Бетховен ҳақида кетганда бу чўпчакни пуч нарса дейиш қийин. Бироқ истеъдод иддаога арзимаса, ижодкор ҳақидаги чўпчак унга ҳаддан зиёд ўралашиб қолган одамларни хонавайрон қилади.

* * *

Ниҳоят, Илайга Арлиннинг саратон касали қайталаб қолганини айтиш вақти келгач, у опасини келиб кўрди. Ўша пайтда, ўзининг айтиши бўйича, сиёсий роман ёзишни режалаштириб, Вашингтонга кўчиб кетган эди, лекин у ўша романни ёзмади (Жеррининг айтишича, Илай бунинг ўрнига ижодкорнинг шароитини тушунмаган, аксилсомийлик моҳиятини англамаган тўртинчи хотинига ҳамла қилиб, роман ёзганини айтиб қолди). У узоқ дам олиш кунлари Арлиннинг квартирасида тура турди. Улар шунча кун нима ҳақда гаплашганидан хабарим йўқ, лекин ўлим ҳақида гаплашмаганига гаров ўйнашим мумкин. Мен Арлинга керак бўладиган тузалмас хасталиклар касалхонасидан жой ва бошқа нарсалар ҳақида сўз очганимда

у ноқулай аҳволга тушиб қолди. Ўлим ҳеч кимга ёқмайди, лекин Илай уни юрагига яқин олганга ўхшайди. Бир кун келиб ўзининг ҳам вақти қазоси етиши муқаррарлигини хаёлига ҳам келтирмаётгандай, ўлимни ўзига нисбатан адолатсиз бир нарса деб ўйлаётгандай туюлар эди.

Энди, ёши етмишни қоралаб қолганда у ўлимга қарши қандай курашиш кераклигини билиб олган эди. Бизни-кига кечқурун бирга овқатлангани келганда Жеррига энди гўшт емаслигини олдиндан айтиб қўйди. Анча-мунча вақтини спорт залида ўтказар эди. Йога билан шуғуллана бошлади. Озиб-тўзиб кетгани учун янада қаримсиқ кўринадиган бўлди. «Чикаго Трибюн» журналида чоп этилган сурати териси салқиган, кўзларини юмган, қовоғи калтакесакнинг қовоғига ўхшаб буришиб қолган, бурни катта, жиннича (қизил йўл-йўлли ва ораликдаги чизиқчалари сарғиш кўк-кулранг) костюм, пушти кўйлак кийган, бўйнига ғурраси бордай рангли рўмол ўраб олган эди. Жерри уни қадимги яҳудий тўтисига ўхшатди.

Укамнинг кўнгли жуда бўшлигини мен ҳам пайқадим. Гарчи Илай, бу менга оғирлик қилади деб, Арлиннинг дафн маросимига келмаган бўлса-да, у дунёдан кўз юмиши билан, фариштадай аёл эди, деб гапирди.

— Мени фақат опам чин дилдан яхши кўрар эди, — деди у менга. — У мени бўлгани шу деб ўйлар, савол бермас эди.

У ҳатто отамни ҳам яхши сўзлар билан эслади. Илай бошқа ёзувчиларнинг пўстагини қоқар, лекин улардан бирортаси дунёдан ўтиб қолса, илиқ сўзлар айтар эди. Илайнинг ҳурматига сазовор бўлиш учун одам ўлиб кўриши керак экан-да. Бу мен тўлашим керак бўлган жуда оғир бож эди.

Илай мендан олган чорак миллон қарзини ўз вақтида қайтарди. Хаёти, ниҳоят, изга тушиб кетгандай эди.

У саккиз йилнинг нари-берисида Вашингтон шаҳридаги университет декани бўлган аёлга уйланиб, бирга яшаётган эди. Янги романини чоп эттирди. Ёзувчи сифатидаги обрўси янада ошиб кетди. Ҳарқалай, Жерри унинг сўнгги романи тўғрисидаги тақризларни ўқиб шунақа деди. Мен саксонни қоралаб қолган, укам эса етмиш уч ёшда эди.

Кейин Илай ҳали ўттизга ҳам кирмаган аспирант жувонга уйланиш учун хотинини ташлаб кетди, деб эшитдим. Демак, ўша жувон ундан қирқ ёшлар кичик. Баъзан укамни ичидаги шайтон йўлдан оздириб туради. Ўша қизнинг кимлигини билмадим, лекин у ота-онасига сизлардан қари кишига турмушга чиқмоқчиман, деганида уларнинг хаёлидан нималар ўтганини тасаввур қиламан. Мабодо, Илай ўша манманлигига бориб, ҳалиям хотинларни ўзимга ром қила оламан, ҳалиям ўйиндан чиқиб қолганим йўқ, ҳалиям ўша-ўша чавандозман, деб ўйласа, ажабланмас эдим. Жерри ҳазил аралаш, қайним билан қайлиғи «Маршал Филдз»да қайддан ўтармикан, дея сўраб қолди. Ўша қизга ачиндим.

Орадан бир йилми ёки кўпроқ вақт ўтиб, Дэвид менга қўнғироқ қилиб, отаси билан ёш хотини ақли заиф фарзанд кўрганини айтганда, бир ачинишим ўн бўлди. Ўша болага Фредерик деб исм қўйишибди. Жин урсин, Илайнинг эси жойидами? Жерри, бола кўриш фикри Илайдан эмас, ёш хотинидан чиққан бўлса керак, деди. Унинг айтишича, ёш хотиннинг қари эридан фарзанд кўргиси келгани сабаби у дунёдан ўтиб кетгандан сўнг бир нарсалик бўлиб қолиш бўлган. Бир ҳисобга Илайга ҳам ачиндим. Унинг ҳаётга қарашлари бошқа-бошқа бўлган ёш хотин, энди эса эси паст ўғли билан бирга яшашини тасаввур қилишим қийин эди.

Илай ҳеч қачон менга қўнгироқ қилиб, қайта уйланганини ёки фарзанд кўрганини айтмаган ва бу сафар орамиздаги алоқалар тўрт ёки ундан ҳам ортиқ вақтга узилиб қолди. Мен бизнесимни сотдим. Жерри билан ярим йилдан бери Бока-Рейтон шахридан сотиб олган квартирамизда яшаётган эдик. Гарчи тирсакларим билан тўпиғимдаги бўғимларимда кулиб чидашдан ўзга чора бўлмаган оғриқ бошланган бўлса-да, соғлигимиз анча дуруст эди. Ҳар куни роҳатланиб яшашга ҳаракат қиламан. Тўғриси, ўзимни жуда бахтли сезаман: ҳамиша яхши яшадим, бу ҳаётда бировнинг қўлига қарамадим, ҳалиям хотиним билан биргаман.

Бир куни Илайннинг ўғли Дэвидга ҳол-аҳвол сўраб деб қўнгироқ қилмоқчи бўлганимда — бошқа фарзандларини танийман деб айта олмайман — у билан алоқамиз узилиб қолаёзган эди.

— Ишларим ёмон эмас, Лу амаки, — деди у. — Яхшироқ ишга кўтарилдим. Фарзандларимнинг аҳволи яхши. Каттароқ уй сотиб олдик. Шикоятим йўқ.

— Отанг тузукми?

Шундан сўнг Дэвид отасининг ақли заифлик касалига чалинганини айтди.

— Аҳволи жуда оғирми? — деб сўрадим мен.

— Менимча, ақли кундан-кун заифлашиб боряпти, лекин баъзи кунлари тузук бўлиб қолади. Уни кўргани Вашингтонга бордим. Кўп ухлайди. Ҳаммани танийди, бироқ вақт ҳиссини йўқотиб қўйяпти. Гоҳида аллақачон ўлиб кетган одамларни тирик деб ўйлайди. Аҳволи бундан ҳам оғирлашиб қолишидан аввал бориб кўрсангиз бўлармиди?

Эртаси куни Илайннинг ёш хотинига қўнгироқ қилиб, укамни қачон бориб кўрганим қулай бўлади, деб сўрадим.

Истаган вақтингизда келаверинг, деди у. Аҳволини сўрасам, «Баъзи кунлари тузук бўлиб қолади. Бугун энг оғир кунларидан бири», деди.

Мен Рейган номидаги аэропортдан Илайнинг Хобан-Роаддаги уйигача таксида бордим. Хотини эшикдан салом бериб кутиб олди ва укам ухлаётганини айтди. Келинимни кўхлик деб бўлмаса-да, юзи зиёлиларга хос эди. Блэк хоним, деб мурожаат қилсам, Санди деяверинг, деб айтди.

У менга қаҳва тайёрлаб берди, катта ошхонада ўтириб бирга ичдик. Ўғли болалар боғчасидами экан. Санди менадан ақли заифлик касалига чалинган болалар ҳақида билиш-билмаслигимни сўради.

— Биласизми, уларнинг одамга ёқадиган тарафи бор, — деди у. — Фредерик — жону дилим.

— Укамнинг унга муносабати қалай?

— Касалга чалинмасидан олдин жуда яхши кўрар эди, лекин биринчи кунлари жони чиқиб, бола менинг қарилгим сабабли ногирон туғилди, деб ўзини айблаб юрди.

Илай ошхонага кириб келди. Оёғида шиппак, пижама иштони ва ёқаси V шаклида кесилган ичкўйлак кийиб олган эди. Ҳорғин кўринар эди; териси ёмон салқибди, чап кўзи юмилиб қолаёзган. Уни танимаган одам, тўқсонга кирган деса, ишониши аниқ эди.

— Лу, — деди у. — Кутилмаган иш бўлди-ку! Арлин ҳам бирга келдими? Биласанми, Арлин мени яхши кўрар эди. У менинг биринчи ва энг яхши дўстим эди.

Мен унга Арлин бундан ўн йил олдин ўлиб кетганини айтмоқчи бўлдим, лекин у бу гапдан сўнг қайта-қайта сўрайверишини ўйлаб, индамай қўя қолдим.

— Йўқ, Илай, — дедим мен. — Арлин мен билан кела олмади. Кел, биз билан қаҳва ичгин.

— Тўғри айтасан, Луи, ичсак ичибмиз-да.

У ҳеч қачон мени Луи деб атамаган эди; ҳеч ким бунақа деб чақирмаган.

— Биз ўғилли бўлдик, Луи. Мен уни Буюк Фредерик деб чақираман. Топқир бола. У сенга ҳам ёқиб қолади. Луи, бобой қалай? Ҳалиям Фултон кўчасидаги Шинбергнинг қўлида ишлаб юрибдими?

— Тузук, Илай. Ҳалиям ўша-ўша, одамови. Нималарни ўйлаётганини биласанми? Сени ёзувчи дейди. Ўзинг ҳам биларсан?

— У мени бу лаънати мамлакатда нима қилиб юрибди деб ўйлаяптими? У бу жин ургур инглиз тили кимга керак деб ўйлаяптими? У ҳаёт ифлос алдовларга тўла деб ўйлайди. У чиндан ҳам ифлос алдовларга, унинг олди-кеги йўқ кўринишларига тўлиб кетган, Луи, мен шуни сенга айтиш учун бу ерда турибман. Буни ўзинг ҳам билиб олгандирсан.

— Билмасликнинг иложи йўқ, Илай.

— Мени олиб кет, — деди у. — Мени олиб кет, Луи. Қайсидир бир жойда оёғим тойиб кетдию қайтиб йўлга туша олмадим. Бу яхши эмас. Гарчи китоблар ёзган бўлсам ҳам. Бу ниманидир англатиши керак-ку. Ҳаёт одамга бир марта берилади, қўрқиб кетяпман, энди менга бир сариқсоч сифатида ўз ҳаётимни яшаб ўтиш насиб эмаслиги аён бўляпти.

У бошида қолган бир тутам оппоқ сочига қўлини қўйди.

— Мен бу қаҳвани ича олмайман, — деди у. — Фредерик келганида мени уйготинглар. Ҳали унга кўп нарсани гапириб беришим керак. Луи, кейинги сафар Арлинни олиб кел. У — менинг ҳақиқий дўстим бўлган, шундай бўлиб қолади.

Шундан сўнг укагинам оёқларини судраб босганча хонадан чиқиб кетди, қайтиб уни кўрмадим.

Илай қандай қилиб «Беретта» тўппончасини қўлга олганию қай тариқа ўзини ўлдирганини билмайман. Шунингдек, жонига қасд қилишига нима сабаб бўлганидан ҳам хабарим йўқ. Балки, у тобора ақли заифликнинг қора туйнугига тойиб кетаётганидан даҳшатга тушгандир. Эҳтимол, ҳаётимни ёмон яшадим, деган хаёлда унга нуқта қўймоқчи бўлгандир. Ўлимдан қанчалик қўрққанини эсласам, унинг юрак ютиб, тўппончани оғзига солгани ва тепкини босганини кўз олдимга келтириб титраб кетаман. У Ҳобан кўчасидаги уйида ўша куни эрталаб, оёғим тойиб кетиб, қайтиб йўлга туша олмадим, деган эди. Бу билан нима демоқчи бўлган экан-а? Укам Илайни ҳеч қачон тушунмасам керак.

ДАФН МАРОСИМИ

Бостон шаҳри, 1956 йил январь ойи

— Эй Худо, жасадни ҳам йўқотиб қўйдик.

Эйвис кичкина чарм жомадонини ҳам қочиб кетадигандай тиззалари орасига маҳкам қисиб олган кўйи Шимолий вокзал перронида турар эди.

— Долтон, отамни йўқотиб қўйдик, энди нима қиламиз?

— Стэнга қўнғироқ қил. Менимча, у билади.

Эйвис бир соатгина олдин эриб, ботинкасига сув бўлиб кираётган қорни энди из қолдирганча кечиб борар эди. Улар ўтган кеча алламаҳалда Коннектикутга борадиган поезддан тушди. Отаси юк вағонидаги тобутда ортларидан келаётгандай эди. Канадага кетаётган поезд эрталабгача жўнамади, улар эса Долтон билган бирор меҳмонхонада мизгиб олиш учун йўлга тушди, кета-кетгунча виждон азобидан қийналиб борди. Лекин тонг отиши билан иккови вокзалга судралиб кириб келди, уларга отасини дафн қилиш учун Батерстга бир бало қилиб етиб олиш ўйи тинчлик бермас эди. Жасад алоҳида юк сифатида шу поездда келаётганига ишонч ҳосил қилиш учун қараб кўрмоқчи бўлишди, лекин на кўз ёши ва пул эвазига топса бўладиган жасад йўқ эди.

Долтон қўлтигидан тарвузи тушганча Эйвиснинг олдида, перроннинг қайси тарафида турган поездга ўтириб қочиб кетсам экан, дегандай тинимсиз у ёқдан бу ёққа бориб келар, оёқлари узун ва чиллакдай бўлгани учун сакараб-сакраб юраётганга ўхшарди. Унга перрондаги пўстинларига ўралиб-чирмалиб олган, қаерга, қандай боришини аниқ биладиган бегона кишилар оломони эмас, бўш-бўш майдон керак эди. Уларнинг ҳеч бири жасад солинган тобутни йўқотиб қўймаган.

— Юк кондуктори нима деди ўзи? — сўради Эйвис.

— Тобут вокзалнинг ҳеч қаерида йўқ эмиш. Ўтган шанбадан бери тобут кўрмабди. Ўша куни бир тобутни Толедога олиб кетишибди, айтишича, маййит аёл киши экан. У Коннектикутдаги вокзалга қўнғироқ қилмоқчи бўлди, лекин қор кўп ёғиб, иш жадвали бузилиб кетгани анчамунча вақтни олар экан, агар шу поездда Канадага етиб олмасак, бир-икки кун қолиб кетар эканмиз, чунки бугун Нью-Брунсвикка фақат шу поезд бор эмиш, эртага улов бўлмаса керак, об-ҳаво очилишидан олдин бўрон кучаяди, деб эшитдим, дейди. Ҳойнаҳой, у «56-йил бўрони» деб аталса керак, китоблар учун-да, дейди. Тобут йўқолиб қолиши — тасодиф, чунки ўлик ҳар куни ташилмайди, шунинг учун бунақа юклар эътиборсиз қолмайди, қўлларингда квитанция ёки юкни олиш ҳужжати борми, деб сўради.

У ёқдан бу ёққа юриб турган Долтон Эйвиснинг олдида тўхтади.

— Квитанция сенда эмасми?

— Эй худо, гап сотиш учун топган вақтини қаранглар. Нима бало, ўн йилдан бери ҳеч ким билан гаплашмай юрганмидинг?

Эйвис қопчиғини титиб, чипта ё квитанция ёки бирор рақами бор қоғоз парчасини қидира кетди.

— Хеч вақо йўқ.

— Қўлқопингни ҳам қараб кўр. Панжа ўрнига кириб қолгандир.

— Ўзинг ҳам лаънати қўлқопингни текшириб кўр.

— Қўлқопнинг ўзи йўғ-у.

— Биров бир нарса узатганини эслай олмаяпман. — де-ди Эйвис ҳўл бўлиб кетган қўлқопи астарини ағдарар экан. — Хеч нарса олганим йўқ. Соҳассетда поездга чиқишдан олдин ўзинг бир форма кийган киши билан гаплашган эдинг-ку, тўғрими? Бирор амалдор эмасмиди ўша? Мен ҳеч ким билан гаплашганим йўқ.

— Гаплашгандирман, лекин эсимда йўқ. Итдай чарчаган эдим.

— Афтингга одам қараб бўлмас эди.

Эйвис қўлларини пальтоси чўнтагига тикди. Биттасида сигаретдан бошқа ҳеч нарса йўқ, иккинчисининг астари эса тешилиб қолган эди. У бармоғини ўша тешикка тикди-да Долтонга кўрсатиш учун пальтоси этагини кўтарди.

— Мана, шу ердан тушиб қолган бўлса керак.

— Жин урсин, менинг чўнтагим ҳам тешик эди.

— Долтон бармоғини бошдан-оёқ чўнтаги астарига тикди-да, қимирлатиб Эйвисга кўрсатди.

— Иш ҳал бўлганга ўхшайди.

— Ҳали ҳеч нарса ҳал бўлгани йўқ. Квитанция йўқ эди. Икковимиз тобутни вокзалга олиб келдиг-у, поездга ортилган-ортилмаганини текшириб кўрмадик. Лаънати тобут ташийдиган мошин ҳайдовчиси уни туширгану қочиб қолган. Иши битса бўлди-да.

— Нима, ўликка ҳам чипта олишинг керакмиди?

— Кўзинг қаёқда эди? Жасадни оддий юкка ўхшатиб судраб юрмайсан-ку.

Долтон у ёқдан бу ёққа бориб келишини бас қилиб, бармоқларини энгагига уриб қўйди.

— Жин урсин, соқолни олиш эздан чиқибди.

— Менимча, Рожер, ўзларининг отаси, қараб кетар, деб ўйлаган. — Эйвис хўрсинди.

— У яхшироқ билиши керак эди, — Долтон бошини силкиди. — Айтганча, у сенга уйланган-а? Аҳмоқлиги шундан.

— Ўчир овозингни!

— Учаламизни ҳам поездга чиқариб юбориши керак эди. — Долтон яна у ёқдан бу ёққа юра бошлади. — У бизни мошинидан туширганга хурсанд эди. Бечора Рожер чол. Ҳиллоқлар кўп бўлса, қайси бирига қарасин.

Долтон поезднинг очиқ турган эшигига етмай ортга қайрилди.

— Ўзимга келиб олишнинг битта йўли бор.

— Нима экан у? — Эйвис пальтоси чўнтагига қўлини тикди-да, қутисидан битта сигаретни тортиб чиқарди, қутида яна учта сигарет қолганини пайпаслаб билди.

— Ичмасам бўлмайди, — деди Долтон етиб келиб, сигаретни олар экан.

— Ичиб олувдинг-ку?

— На у ёқлик, на бу ёқлик бўлди. Кайф ҳам бермади.

Эйвис яна битта сигарет олиш учун бармоқларини чўнтагига тикди. Иккита қолибди.

— Ўзингни сигаретингдан чексанг бўлмайдимиз?

— Меники қолмабди.

— Эсингни йиғиб олсанг-чи! Худди ахлат уюмига кўнган пашша билан гаплашаётганга ўхшайман. Тек тур. Нима қилишни ўйлаб кўришимиз керак.

Долтон тўхтади-да, унга қаради.

— Агар отамнинг жасадини бирга олиб кетмасак, бирор-та поездга ўтирмайман.

Эйвис унинг сигаретига тутатқи берди-да, ўзи тутунни ичига узоқ тортди, кейин пуфлаган эди, Долтоннинг қулоғи ёнидан ўтиб баландга ўрлади.

— Балки бошқа поездга ортиб юборилмай, Коннектикутдаги бирор перронда қолиб кетгандир.

— Ўша киши ўн беш дақиқа ичида қайта текшириб кўраман, деди. — Долтон сигаретини Эйвисникидан тутатиб олди.

— Айтганига қанча бўлди?

Долтон бошини кўтариб, вокзалдаги катта юмалоқ соатга қаради.

— Йигирма дақиқа. Биров олиб кетиб қолган бўлса-чи?

— Жинни-пинни бўлганмисан, одамлар келиб-келиб тобут ўғирлайдими энди?

— Бирортаси ўғирлаб, ўрнига бошқасини қолдириб кетган бўлса-чи?

Уларнинг кўзлари тўқнашди, тутунни бир-бирининг юзига пуфлади.

— Бора қол, — деди Эйвис худди унга пашша ҳайдаётгандай қўл силкитиб. — Юк кондукторини топасан.

Эйвис оломон орасидан катта қадамлар ташлаб кетиб бораётган Долтонни кузатиб турди. Гарчи у ҳозир гуноҳкорларча елка қисиб олган бўлса ҳам атрофидагилардан бир бош баланд кўринар эди.

— Ҳалифаксга, Янги Шотландияга кетаётган канадаликлар диққатига! Поезд тўққизинчи йўлдан жўнаяпти. Портленд, Люстон, Огаста, Бангор, Ҳоултон билан Сент-Жонда тўхтаб ўтади. Сўнгги манзил — Ҳалифакс. Диққат!

Эйвис сигарет тутатиб турар эди. Бу улар кетмоқчи бўлган поезд эди. У кондукторнинг одамларга вагонга чиқиб олишига ёрдам бериш учун перронга чиқиб тушганига қараб турди. Кейин вагон деразаларига тикилди, кўзи

йўлакларни банд қилиб, юкларини тепадаги юкхоналарга жойлаштираётган йўловчиларга тушди. Ким қўлқопи билан бўйинбоғини ечаётган, ким пальтосини ёнига қўяётган, ким жойини топиб, шимолга узоқ сафар олди-дан ўрнашиб ўтириб олаётган эди. Ҳадемай улар журнал, тиззасига ёйиб олиб, газет варақлайди. Кимдир поезд йўлга чиқиши билан қаҳва ичгани барли вагонга ўтади. Сигарет чўғи милтиллайди, кашандалар ўтирғичга суяниб, ташқаридаги бўронни томоша қила бошлайди.

Қани эди Эйвис улар билан бирга поездда кетса, поезд деразаси ёнида ўтириб олса. Оёқлари совуқ қотган, чарм ботинкасида билчиллаб сувга тўлган, мадори қолмаган эди. Унинг кулала бўлиб ётиб олгиси, теграсида чарх ураётган дунёдан бутунлай воз кечгиси келиб кетди.

Тунбўйи қор ёғиб чиқди, шимоли-шарқдан қаттиқ шамол турди. На у, на Долтон ёлчитиб ухлай олди. Ё тавба, ҳар сафар кимдир лиқилдоқ каравотда жиндай қимирлаб қолса бўлди, симларининг ғижирлаши оламни тутиб кетарди. Дераза ортида худди у ланг очиб қўйилгандай шамол увлар, қирчиллаган совуқ эди. Долтон ҳожатга чиқиш учун чирокни ёқди, қайтиб келаётиб, каравотга суриниб кетди, жойига етиб олиши билан лайлакникидай узун оёқлари билан бор жойни эгаллаб олди. Уйқу ҳаром бўлди. Ниҳоят, иккаласи ҳам тунни сўка-сўка, соб бўлгунча сигарет тутатди, Рожернинг қолган вискисини ичиб тугатди.

Отаси жасадни қаерга қўйганини билмай гангиб қолган иккита «лапашанг фарзанди»ни кўрса, устидан кулиши турган гап. Лекин Эйвис йиғламоқдан бери эди. Кимдир бошига гурзи билан ургандай гангиб қолди. У отасининг ўлиб қолганию энди ҳеч қачон ё эси оғиб, ё маст бўлиб ва ёки бирваракайига иккала ҳолатда ҳам шаҳарга кела

олмаслигига кўника олмаётган эди. Кўргани келган одамларнинг гапига гап қўшиб ёки ҳазил-ҳузул қилиб ўтирганлари кун бўйи қулоғига чалинади. Ўзи бўлмаса ҳам ўктам овози эшитилиб туради.

Отасининг овози кейинги уч йил ичида ўзгариб кетди; илк инсультдан сўнг бир тарафи ишламай қолди. Бир томонини ишлата олмай қолганидан, равон гапира олмаслигидан, кўйлагига сўлагини оқизмай ича олмаслигидан қаттиқ хафа бўлиб, соғ оёғи етадиган ҳамма нарсани тепадиган одат чиқарди. У Эйвисни ҳам бир-икки марта худди мебелни тепаётгандай қаттиқ тепган.

Уч ой олдин инсульт бўлдию бутунлай тилдан қолди. Шундан сўнг Эйвис унинг уйига кўчиб ўтди. Шўрлик Рожер чолнинг эса Эйвиснинг бўғжамасига тикилишу ота уйига элтиб қўйишдан ўзга чораси қолмади. Кейинги уч ой ичида отаси билан бирга яшаб, унга қаради. Эйвис отасининг нима демоқчи эканини кўзидан уқиб олар, унга бола парвариш қилаётгандай қарар, ҳар куни онаси ўрнида бир соат китоб ўқиб берарди. Хотин, она, қиз. Отаси умрининг охирги кунларида учовининг ҳам ўрнини босди.

— Опа, у Коннектикутдаги перронда ётибди. Улар тобутни шу ер — Бостонга жўнатишади. Тушгача келиб қолар экан, лекин бундай об-ҳавода бир гап айтиш қийин дейпти.

Долтон унинг қўлидаги «Лаки Страйкес» сигарет қутисини силкитди-да ичидаги сигаретларни ўзига ғамлаб олди.

— Дафн маросими маййитсиз ўтмайди, — У сигарет қолдигини перронга ташлади-да, ботинкасини айлантириб эзди. — Демак, ўзини кўмиш маросимига кеч қолган жиззаки ҳаромига ўхшаб қолишдан қўрқмасак ҳам бўлади.

— Яхшиси, Мэндан Стэнни чақирганимиз маъқул, — деди Эйвис. — У ишнинг кўзини билади.

— Ҳа-ҳа! Энди сиримиз ҳаммага дoston бўлсин, шундайми?

— Айб икковимизга тўнкалади. — Эйвис худди олишувга тайёрланаётгандай пальтосининг тугмаларини қадади. — Ҳамма бизни айблаиди. Шунақа гапларни эшитишга тайёرمىсан ўзи?

— Ҳа.

— Мана, кўрасан, итдан олиб, битга солишади.

— Тўгри.

— Стэнга қўнғироқ қиламан. — Эйвис перрондан тушди-да, зинапоялардан юқори кўтарилди.

У беш яшарлигидан бери амакиваччаси Стэнли Ҳиллокни балогардон деб билар эди. Аммо бу ёғи, ишим битди — эшагим сувдан ўтди, бўлиб кетди. У мана шу ерда сўппайиб турибди, қирқ бешни уриб қўйган, Рожер деган мўмин-қобилгина эри ҳам бор, лекин ҳамон ким дастёр — Стэн дастёр.

— Харажатдан қочмаса керак.

Бетерст, Нью-Брансуик

Айделла нима қиларини билмай темирйўл изларига тикилиб ўтирар эди. У совуқ рутубатдан сақланиш учун олмахон терисидан тикилган пўстинига маҳкам ўраниб олган, муз питралари кўзларига тегар, бурнининг учига уриларди. Бу орада шу излардан юриб келадиган поезднинг ўзи йўқ эди. Ҳозиргина жўнаб кетгани уч соат кечикиб келди, унда на тобутда ётган отаси, на Эйвис ва на Долтон бор эди. Ваҳоланки, Эйвис билан Долтон бораяпмиз, деб айтган, айтилган вақтда етиб борамиз деб ваъда ҳам берган эди. Лаънати ваъдабозлар.

Муз аралаш ёққан ёмғир темирйўлга, ёғоч дарвозаларга, Бетерст вокзалининг ёғоч черепицали томига

келиб урилиб, сакраб кетар эди. Ҳиллок фамилиялилар, собиқ фамилияси Ҳиллок бўлганлар ёки Ҳиллокларга эрга текканлар перронда тўдалашиб юрганда оёқ остидан ёғирлаган товуш эшитилар эди. Ҳаммаси ота — ёввойи Билл Ҳиллокни кутиб турибди. Раҳматли кутаётганларга шу ном билан танилган ва шундай деб чақиришларини ёқтирар эди. Бутун оила перрон четига бир қатор тизилиб олганча қора туйнукка кириб кетган темирйўл изига беҳуда тикиларди. Қор аралаш ёмғир эса забтига олар эди.

— На ҳурматли меҳмондан, на унинг художўй ҳамроҳларидан дарак бор, — деди синглиси Эмма Айделланинг ўшига келиб турар экан.

У Айделладан кичик бўлишига қарамай, Ҳиллокнинг учала қизидан ҳам энлироқ ва бўйчан эди.

— Энди нима қиламиз?

— Ҳайронман, — деди Айделла. — Гангиб қолдим.

— Энди бошқа поезд бўлмайди, Ҳиллок хоним. Ичкарига кирганингиз маъқул, — деди отамзамонлардан бери шу ерда вокзал бошлиги бўлган Жон Фарли. У Айделла ўзини Женсен хоним деб таништирганига, Эдвардга турмушга чиққанига йигирма беш йилдан ошганига қарамай ҳамон Ҳиллок хоним деб атар эди.

— Узр, йўқолиб қолгани яхши иш бўлмабди, — деди у шляпаси устидан майда муз питраларини сидириб ташлар экан.

— Биз уни, албатта, топамиз, — деди Айделла қўққисдан юрагини ваҳима босиб. — Улар қаердадир бўлиши керак-ку.

— Бу ишни иккаласига топширмаслигимиз керак эди, — деди Эмма хўрсиниб.

— Кўрни кўр етаклаб юрса... — Айделла ҳам хўрсинди.

— Улар бўрон тинишини кутиб турган бўлиши керак, — деди Эмма. — Бирор уяда жон сақлаб ўтиргандир. Мен вокзал биносига кетдим.

— Мен тоза ҳавода бирпас турай.

— Кўп туриб қолма, — деди Эмма Айделланинг пўстини елкасига қоқиб қўяр экан. — Худди айиқчадай пахмоқ бўлиб қолибсан.

Айделла Канаданинг совуқ ҳавосидан ўпкасини тўлдириб нафас олди. Эй худо, қандай ҳафта, қандай вақт эди-я. Ҳали тугаганиям йўқ. Эдди болалари билан Мэндаги уйига қайтиб кетди, худога шукр. Ҳамманинг жонига тегиб кетди ўзиям. Айниқса, ўша қулоқ воқеасидан сўнг. Ўшанда у маст ҳолича Эйвиснинг ортидан ертўлага тушаман деб зинапоянинг бир қанотини ўпириб, ўликни ҳам уйғотиб юборадиган чинқириқ билан қулаб тушди. Ҳамма бирваракайига, ишқилиб, отамиз тобутидан сакраб турмадимикан, деб юборди. Кўзойнаги зинапоя тепасидаги токча устига ўша ерга атайлаб қўйиб қўйилгандай келиб тушди, ўзи эса «гуп» этиб ерга йиқилди. Кўзойнак қаерга бориб тушганини ҳамма кўрди.

* * *

Эддининг қулоғи бўғизланган чўчқадай қонади. Бирикки еридан йиртилган эди. У қонни кўриб ирганди. Хайриятки, шошилинич ёрдам пункти яқингинада эди. Боглаб ташланганини қаранг! Айделла шуни ўйлаб кулиб юборди, унинг бошини ғалати бурчак ҳосил қилиб, ўраб-чирмаб ташлади. Шляпамни кияман, деб туриб олса бўладими. Уни богич устидан худди қуш уясидай қилиб қўндирди. Эйвис билан Долтонга худо берди — бечорани роса масхара қилди. Эрмаклари шу шляпа бўлди. Ким би-

ринчи қўл теккизари ўйнашди ўзиям. Эддининг тоқати тоқ бўлар, жаҳли чиққан сайин кулгили аҳволга тушар эди. Ҳамманинг боши айланган, ичкилик сероб, ноқулай назият ҳукмрон — ота Эйвиснинг хонаси гирдига териб қўйилган стулларга ётқизиб қўйилган эди. Одамлар ғалати қилиқлар қила бошлади. Агар ота ўша ерда бўлганда Эдвард билан хурсандчилик қилиши аниқ эди, чунки уни эрмак қилишдан осони йўқ эди.

Эйвиснинг печкани тузатишда нега айнан Эдвард ёрдам бермоқчи бўлганига ҳеч ақли етмади, чунки у захрини сочмай ҳатто лампочкани ҳам алмаштира олмайди. Унга ҳар доим нимадир ҳалақит беради: ё қўлидаги лампочка уваланиб кетар даражада нозик бўлади, ё отвёртка тўғри келмайди ёки яна нимадир ишқал чиқади. Эдвард Женсен ўзини лампочкалар атай бирор жойини кесиб олиш учун ишлаб чиқарилгандай тутуди.

Эдвард Айделланинг бу ерга келишига рухсат беришни истамади. Лекин иложи бўлмади. Коннектикутда отасининг маъракасидан сўнг ўша ерга боғланиб қолди ва унинг онаси ёнида ётганини ўз кўзи билан кўриш учун сўнгги йилларда Канадага бориш иштиёқи билан яшади.

— Мен барибир бориб келаман, — деди у. — Барибир.

Ниҳоят, Эдвард рози бўлди.

Айделла атрофга аланглади. Перронда ёлғиз ўзи қолган эди. Одам ҳам шунча бахтсиз бўладими? У пўстини ёқасини кўтарди-да, вокзалнинг кичик ёғоч биносига кириб кетди.

— Тоза ҳаводан нафас олдим, — деди у ортидан эшикни ёпар экан.

Одамлар ҳалиям пальтою этигу шляпаларига бурканиб ҳар ер-ҳар ерда ғуж бўлиб ўтирар эди. Атрофидаги одамларнинг ғўнғир-ғинғири Айделланинг қулоғига чой-

нак тўла хонадаги сувнинг биқирлашига ўхшаб эшитилар, ҳамма нима иш қилиш кераклигидан гапирар эди.

Айделла оёғидаги муз аралаш лойни силтаб тушириб ташлаб, ёғоч полдаги қорамтир кўлмакка кўшиб кўйди. Кейин пўстинига ёпишган музни эриб кетмасидан бурун қоқиб ташлади.

— Худо ҳаққи, Делия, — деди Сэм амаки. — Мен бундай катта пўстинни фақат айиқнинг устида кўрган эдим. Сенчи, Гай?

— Йўқ, кўрмаганман, Сэм, — деди Гай амаки узун оёқларини узатганча Айделлага кўз қисиб кўяр экан. — Мабодо, ўша эгнингдаги бўлмаса.

Улар вақт ўтказиш учун ўша суякни эрмак қилишди.

Сэм амаки билан Гай Айделланинг пўстинини у мошиндан тушар-тушмас ҳазил-мазах қила кетди. Ҳар ким унга ўзича эътибор қилган бўлиб, оз-оздан гап қистиран эди. Бу дунёда сотган ёки манманлик қилган одамларинг ўзинг муносиб бўлмаган эътиборни кўрсатганидан яхшироқ иш бўлмаса керак. Тўғриси, биттагина олмахон мўйнаси бор эди, уни Айделла уруш йиллари самолётсозлик заводида қисмларни йиғиш линиясида тик оёқда туриб ишлаб топган. Ҳа-ҳа, ишлаб топган.

— Анча ҳўл бўлганга ўхшайди, — гапини давом эттирди Сэм амаки. — Яхшилаб қоқиб ташлагин.

— Йўқ, уни бу ерда қоқма, — деди Гай, одамлар орасидан бошини чиқариб қарар экан.

Айделла эшикнинг ёнида пўстинини қоқди-да, ёғоч печка ёнида ўраниб ўтирган Эмманинг ёнига келди. Энг яхши жойлар Ҳиллокнинг қизларига насиб қилган эди. У олов ёнида кўлларини силтади.

— Менимча, бунинг йўли... — Сэм амакининг овози Айделланинг орқасидан эшитилди. У хонани тўлдириб ўтирган

одамларга қарата гапирар, ҳамма уни тинглар эди. — Билл ўш юрган йўлдан қайтиб келиш учун пайт пойлаб турибди. Одати шу. Биз черковга бориб, уни кутиб олишга тайёр туришимиз керак. Биллнинг арвоҳини чирқиллатмайлик.

Айделла Сэмнинг таниш юзига тикилди — нақ отасининг ўзи. Оғзида унчалик кўп тиши ҳам қолмабди, лекин кулгиси жуда ярашар эди. У келишган киши эди. Бу ерликлар тиш парваришини яхши билмайди. Тишларинг соғ бўлмаса, бориға барақа қилишдан ёки суғуриб ташлашдан бошқа иложинг йўқ.

Вокзал бошлиғи жаноб Фарли печкадаги ўтинни қўзғанган эди, олов гуриллаб кетди. У гоҳ бу гуруҳнинг, гоҳ у гуруҳнинг олдиға бориб, бош ирғаб, илжаяр эди. Жимитдай вокзалнинг уруш бошланиб, одамлар немисларни отишға жўнаган вақтдан бери илк марта гавжум бўлиши эди.

— Бу ерда истаганча тураверинглар, — жаноб Фарли ҳақиқий мезбон эди. — Охирги одам кетмагунча, эшикни ёпмайман. Вақт — бемаҳал.

Жаноб Фарли Айделлага бу ердан кетмоқчи бўлганида Штатларға етиб олиши учун поездға чиқишиға ёрдам берган эди. Шунга ҳам ўттиз йилдан ошибди. У қизнинг қўлини қандайдир воқеа рўй беришини олдиндан билгандай сиқиб, сафаринг бехатар бўлсин, деган эди. Ҳа-ҳа, айнан «сафаринг» деди. Қаттиқ қўрққанию этиги қўнжига бекитилган йигирма долларға етар-етмас пули бўлишиға қарамасдан қизнинг қарори қатъий эди. Ўша пулни ҳам отаси кимдандир — эҳтимол, Сэм амакисидандир — олган ва унинг қўлиға вокзалда поездға чиқаётган пайти тутқазган эди.

— Чегараға борганда, икки юз долларим бор деб айтгин, — деди у. — Икки юз.

Отаси қизи кетмаса бўлмаслигини билар эди.

Мана энди у келди. Эхтимол, охирги мартадир. Фермаси бир оз бўш турадиган бўлди. Кимдир яхши жойни кўриб қоладию унга кўчиб кириб олади. Бу ердаги одамларнинг кўзига эса эски ҳовли яхши нарса бўлиб кўринадди. Ҳозир баъзи қариндошлари ўша уйга ким эгалик қилишини ўзаро муҳокама қилаётган бўлса ҳам ажабланмайди.

Албатта, қонун Долтон тарафида. У оиладаги ёши энг катта эркек. Сингилларига ҳеч нарса қолгани йўқ, лекин улар ота уйидан фақат «ҳеч вақо йўқ», деган нарсанигина тилаб олиши мумкин эди.

— Юринглар, черковга борамиз, — Эмма ўрнидан турди. — Келмайдиган поездни кутгандан не фойда?

Айделла унинг гапига кўшилди:

— Мен Мэнга қўнғироқ қилиб, Эдвард бирор гап эшитган-эшитмаганини сўраб кўраман.

Улар ёнма-ён турганча, чўг милтиллаётган ёғоч печкага тикилиб қолди.

— Улар қайси гўрда юрган экан ўзи? — сўради Эмма.

Айделла хўрсинди.

— Аҳмоқлар.

— Худо урган аҳмоқлар.

Улар бошини ўзлари ҳам кутмаган ҳолда бирдай сарак-сарак қилганча пўстинига маҳкам ўраниб олди.

* * *

— Қаердамиз ўзи? — деди Эйвис Долтон билан Стэнлининг ўртасидаги олд ўриндикда қисилиб ўтирган кўйи.

— Йўл фақат битта, ўша йўлдан кетяпмиз, — деб жавоб берди Стэн. — Бангорнинг яқинидамиз.

— Кўзим илиндими?

— Ҳа. Шунақа десанг ҳам бўлади.

— Неча соат йўл босдик ўзи?

— Саккиз соатдан бери йўлдамиз. — Стэн қоронғиликда тобут ташийдиган мошин ҳайдаб борар, унинг ойна артичлари тинмай чайқалаётган стул сингари бўғиқ тикирлаб, у ёқдан бу ёққа бориб келар эди.

— Бўрон йўлбўйи тинмадимми?

— Ҳа.

— Иккита маккажўхори пояси ўртасида қисилиб қолган нўхатга ўхшайман. Оёқларимни узатадиган жой йўқ. — Эйвис ўтирган жойида у ёқдан бу ёққа қимирлаб кўйди. — Ҳаммаёғим увишиб қолди. Одамнинг кетида кет қолмади ўзиям.

— Бўпти, унда бу ерга ўтириб нима қиласан? — Долтон уйғона бошлади. — Эй худо, тирсакни кўйишга жой йўқлигидан елкам узилиб тушай деяпти.

У гарансиб деразадан ташқарига қаради.

— Ё Исо, ё Биби Марям. Ташқарида нималар бўляпти?

— Ҳар бало. Бостондан Портлендгача қор, қирғоқ бўйида ҳама ёмғир ёғибди. Бир-икки марта ёмғир музга айланиб, шитрага ўхшаб ҳам ёғди.

— Ҳаммаёқ шилта бўлиб кетди! — Эйвис олд ойнадан ташқарига тикилди.

— Йўлбўйи аралаш ёғди.

— Мен фақат об-ҳавони айтаётганим йўқ.

— Мен ҳам, — жавоб қилди Стэн.

Долтон тирноғи билан ўзи тарафидаги ён ойнани тирнади.

— Доғ бўлиб қолибди.

— Кўёш чиқиб кетса, тирнаган жойларингиз ўзингизга доғ бўлиб тегади. — Стэннинг тобут ташувчи машинанинг рул чамбараги ортидаги узун гавдаси ўткир бурчак остида букланиб қолган эди. У олд ойнадан ташқарини кўраман

деб энгашгани учун буйни калхатникидай ўркач ҳолатига келган эди.

— Ишқилиб, отамни олиб кетяпмизми? — Эйвис орқага бурилиб, кичик деразадан қарамоқчи бўлди.

— Ҳа. Биллни ортиб олдик. Бунинг учун тўртта бақувват одам керак бўлди.

— Ўшаларнинг биттаси мен бўлсам керак-а? — деди Долтон кўзларини ишқалаб.

— Йўқ.

— У бақувват одамлар деб айтди.

— Мен ҳам бақувватман-ку.

— Шимолий вокзалга етиб борганимда қайси ковакда беркиниб ётганларингни билганим йўқ. Қолиб кетмаслиги учун уни мана бу орқа ўриндиққа жойласаммикан, деган хаёлга ҳам бордим.

— Бизни анча кутдингизми? — деди Эйвис Стэнга қараб. Унинг фланел кўйлаги ёқаси буйни атрофида тик турар эди. У Стэн пальтоси остидан шимосгич тақиб олганини билар эди.

— Кутиш ҳам гапми?

— Узр, Стэн. Биз вақтни адаштириб қўйдик.

— Фақат вақтни бўлса майли-я. Вокзалда тобутни қандай судраб туширганимни эслайсизларми?

— Эсимизда йўқ, — хўрсинди Эйвис.

Долтон аста-секин вазиятни чамалар экан, бош ирғади.

— Машинани бир ўзингиз ҳайдаб кетмоқчимисиз? Ё мен ҳайдайми?

— Битта жасадни тўртта қилмоқчимисан? — Стэн Долтонга қаради.

— Нима қипти, биратўла тўрталамизни ҳам кўмиб, қутулиб қўя қолишади, — Эйвис кулди. — Эмма билан Делия бизни саройга олиб кириб осишга тайёр турибди.



Стэн олд ойнага яқинроқ эгилди.

— Ярим қарич нарини ҳам кўра олмаяпман.

— Бурнингиз шунча чиқар, — Эйвис секингина хириглади.

Стэн кулди.

— Сенлардай бўлса ҳам йўлдошдан қисмасин.

— Стэн, сиздан бошқа ким ҳам гадойтопмас шимолигарб ўртасида тобут ташийдиган машина ҳайдаб юради? — Эйвис машинанинг торпедаси — датчиклар тахтаси устидаги ёзувга қўл югуртирди: чарм қопламанинг бошдан охиригача тилла ҳарфлар билан «САТТОН ДАФН БЮРОСИ — ГОРХЭМ» деб ёзилган эди.

— Мен Саттонга, баҳор келганда битта қудуқ қазиб бераман, деб ваъда бердим, — деди Стэн. — Ишқилиб, Горхэмнинг одамлари шу бир-икки кун ичида айниб қолма-син-да.

— Мана бу Горхэмнинг одамлари учун, — Эйвис шишани олиш учун сумкасига қўл солди. — Горхэмнинг соғлиги учун ичасанми, Долтон?

— Горхэмни жиним суймайди, — Долтон Эйвиснинг қўлидан шишани олди-да, ундан қултиллади ичди.

— Мен Саттонга ҳар бир Хиллок¹ Шимолий Қутбнинг сиз тарафида, улар жуда кўп, ҳар бири сиздан қарздор бўлиб қолади, деб ваъда бердим. Вақти келганда ҳар биримизнинг сизга ишимиз тушади, деб айтдим.

— Менг вақтим қачон келишини эслаб кўрмоқчиман, — деди Долтон яна ичимлик ичар экан.

Улар узоқ вақт жим кетишди. Бўрон товушлари — қор учқунларининг келиб урилиши, сигналлар ва шамол-

1 Hillcock (ингл.) — Теналж, қирлик. Бу ерда сўз ўйини қилиняпти. «Хиллок» ҳам фамилия, ҳам тепалик маъносида келяпти. — Тарж.

нинг увлаши мошин ичини ҳам тутиб кетди. Стэннинг ис-хаёли йўлди эди. Эйвис билан Долтон олдинга тикилиб олган, ойна тозалагич гичирлаганча уларнинг кўз олдида у ёқдан бу ёққа бориб келар эди.

— Қари така ҳам ўлди-кетди, — Долтоннинг овози қўққисдан ва аниқ-тиниқ янгради.

Эйвис унга қаради.

— Хурсандга ўхшайсан?

— Энди эркин нафас олиши мумкин, тириклигида бу-нинг иложи йўқ эди.

— Ярамас, энди ферма сеники бўлади-да.

— Энди ҳаётим ўзгаради. Шамолу қояларга ўзим хўжайин бўламан.

— Битта ўғил бўлганингдан кейин ҳаммаси сенга мерос қолади.

— Биз билган битта ўғил.

— Бу билан нима демоқчисан?

— Сендан бошқа ҳам Хиллок фамилияли бирор валади зино бўлиши мумкин-ку. Унинг французча талаффузи ёки ҳиндча соч турмаги бўлса ҳечам ажабланмас эдим.

— Сен бунга қаердан биласан?

— Жин урсин, отам ўша хиллокларнинг ярмини ҳам билмаган бўлса керак. Нега бу уйга француз жононлар оқсочдай серкатнов бўлганини ҳеч ўйлаб кўрганмисан?

— Нега-нега? Уларнинг гунг сигирдан фарқи йўқ эди.

— Агар ҳадеб онангга ёпишавермасдан сал нарироқ юрганида бечора, бола туғаман, деб ўлиб кетмаган бўлар эди.

— Бу ҳамма айбни бизга ағдаришнинг қулай йўли. Агар улар сендан сўнг фарзанд кўрмаганида бундай кўргуликлар йўқ эди, тўғри айтдимми, Долтон?

— Ҳатто ундан олдинроқ ҳам, — деди Долтон юмшоқ оҳангда.

— Икковинг ҳам ухлаб ётганинда маза қилиб кетаётган эдим. Оғзим бор деб ҳар нарса гапираверадими?

* * *

— Яна бирор гапинг борми, Айделла? — деди Сэм амаки черковга кириб келган Айделлага тахта ўриндиқдан тураётиб.

— Йўқ. Рожер жавоб бермаяпти. Эдвард ҳам. Тинмай қўнғироқ қияпти. — Айделла бир соатга яқин аниқлашга уринди.

— Линиялар ишламаётган бўлса керак, — гапга қўшилди Гай амаки.

— Тинимсиз шифиллайди, тўғри, — деди Айделла. — Ҳайронман, уларга нима бўлди экан.

* * *

— Нарироқ ўтир, — Эйвис Долтонни тирсаги билан туртди.

— Нарироқ ўтиришининг бирдан-бир йўли — эшикни очиб, мошиндан тушиб қолиш.

— Бўпти, тушиб қолавер, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим.

— Шунчалик сиқилиб кетган бўлсанг, орқага ўтиб отамнинг ёнига ётиб ола қолмайсанми?

— Керак бўлса, шундай ҳам қиламан.

— Ҳа, бу биринчи марта эмас-ку...

— Бу нима деганинг?

— Нима деётганимни тушуниб турибсан.

— Сен итвачча нималарни ўйлаётганингни, нима демоқчи эканингни яхши биламан, ҳаммаси ёлғон.

— Икковинг ҳам висир-висирни бас қил. Ҳоултонга етиб қолдик. Қаҳва ичамиз-да, ўша ердан уларга қўнғироқ қи-

либ, Биллни ўзимиз билан олиб келаётганимизни айтиб қўямиз.

— Мен ҳожатга чиқмоқчиман.

— Тўғрида емакхона борга ўхшайди. Лақиллаб ҳам, мум тишлаб ҳам ўтирманглар. — Стэн машинани аста-секин олдидаги чироқ ғира-шира ёниб турган рестораннынг олдига ҳайдаб келди. — Пешлавҳалардан бири ёниб турибди, ҳарқалай, одам кўриняпти.

У эшикни очиб, ташқарига чиқди.

— Ё Парвардигор, бунча тор бўлмаса.

— Худди отнинг сийишига ўхшаб ёғишини қара, — деди Долтон узун оёқларидан бирини ерга тираб, иккинчисини машинадан чиқарар экан.

— Илтимос, мен ҳожатга бориб келгунча шунақа гап қилмай туринглар, — деди Эйвис машина ичидан. — Бировингиз мени бу ердан тортиб олинг.

— Менга қор маъқул бўлди, — деди Стэн Эйвисни машинадан тортиб олар экан. — Ўз кўзинг билан кўришинг мумкин.

* * *

— Музнинг бори ўша ерда, — деди Айделла. — Даҳшат. Мен сумалак бўлиб эрияпман.

— Бирор гап борми, Айделла? — деди Эмма черковга кириши билан оёқ кийимга ёпишган шилтани ер тепиниб қоққанича унинг олдига яқинлашар экан.

— Коннектикутдаги линиялар ишламаяпти. Оператор умуман улаб бера олмаяпти.

— Эдвард-чи?

— Ҳалигача жавоб бермаяпти. Лекин қўнғироқ қилаётганга ўхшайди.

— Ойна артгичларнинг ғичирлаши миямни ачитиб юборди, — деди Эйвис.

Улар машинада кетиб бораётган қоронғи кечада ичкарини фақат торпедада ғуж бўлиб жойлашган учта датчикнинг гирдига нур буриб турувчи яшил чироқ ёритиб турар эди. Эйвис хўрсинди-да, кўзларини юмди. У машинада тебранаётган ва йўлга зўрға тушаётган чироғи нурига хира тортиб қолган олд ойнадан қарайман деб, қаттиқ толиқди.

Долтон хуррак ота-ота, у тарафга қийшайди.

— Дунёни маёқ билан тухумдан бошқа тўғри йўлга солиб турадиган нарса йўқ. — Унинг емакхонадан чиққанларидан сўнги гапи шу бўлди. Долтон машина йўлга тушиб олиши билан яна уйқуга кетди.

— Хавотир олманг, Стэн, — деди Эйвис шивирлаб. — Мен ухламайман.

— Ғайратим жўшиб кетди. Қаҳва қўл келди. Афсуски, у ёққа тезроқ етиб олмадик. Ҳамма уйидан черковга келиб кутиб ўтирган бўлса керак. Уларга Худо меҳрибон бўлсин.

Эйвис кўзларини юмиб олган, бир қўлини иккинчиси устига қўйиб олганча атрофидаги шовқинларни — ойна артгичларнинг тинмай тиқирлаб ишлаши, ғилдиракларнинг остига тушиб қолган ёмғир билан қорни ғичирлатиб отиши, Долтоннинг ён деразага бошини қўйиб ухлаётгани, асабга тегувчи хуррагини — тинглаб борар эди. Узун танаси худди қамғоққа ўхшаб ғужанак бўлиб олган.

Эйвис совуқ, тиқилинч жой, чарчаганига қарамасдан, сафар тугаб қолишини истамаётган, чунки у яхши кўрган, уни яхши кўрган учала эркак ҳам ёнида эди. Делия билан Эмма уни опа ва сингил бўлиб яхши кўрар, лекин кечиримли эмас. Ўзича, қариб-чуриб қолган бечора Рожер мени яхши кўрса керак, деб тахмин қилар, лекин бу севги-

ни ортга қайтариб бўлмас эди. Меҳрибонлиги, ўйламай-печмай ўзига уйлангани ва бошпана бергани учун чолдан миннатдор эди. Лекин шу қарздорлик хисси сабаб ичидаги тубанлик сиртига тепчиди.

Долтон уйқусида эшилиб-буралар, тиззасини Эйвиснинг оёқлари орасига тикар эди, лекин у тиззани итариб ташлади. Долтоннинг эти йирик устихонини қоплашга зўрға етар эди. Эйвис билан Долтон ҳеч қачон бир ишни қойиллатмаган. Энди ҳамма ичкилик билан андармон бўлиб, ишнинг пачавасини чиқаради деб турганда улар «ишончни оқлаб қолса» денг.

Улар ўзаро тез-тез ғижиллашиб турганда ҳам бошқалар билан урушиб қолса, бир-бирининг ёнини олар, иккови ҳаммаша келишиб иш қилар эди. Эйвис билан Долтоннинг бири ўн, иккинчиси ўн тўрт яшарлигида Сэм амакининг мулки худудидан ўтадиган поездлардаги йўловчиларга денгиз қисқичбақаси сотадиган бўлди. Иккови сув олиш учун тўхтаган поездга чиқиб олар, Долтон ўзи ясаб олган қайиқчада нимаики тутган бўлса, ҳаммасини пуллар, Эйвис одамларни гапга солар эди. Унинг эътиборидан на нимани сўраганингиз, на сўраётган пайти қанақа ҳолатда бўлганингиз қочар эди. Улар ҳар бир қисқичбақани олти центдан сотар, имкон бўлди дегунча иши бошқаларниқидан кўра юришиб қолганини айтиб мақтанарди. Долтон қилмаган қаллоблик қолмадию бу ишга қизиқиши ҳам сўнди.

Эйвис ҳаммасини йигса, беш доллар ҳам чиқмайдиган пулини бирини иккинчисидан топиш мушкул бўлган жойларга яшириб юрар эди, лекин бир куни отаси саройдаги уруғ солинган халтани бўшатаётиб, уни топиб олди, бу пулга ичкилик олиб ичди. Эйвис бундан хабар топганча анча вақт ўтиб кетди.

— Писмиқликдан орттирган фойдаси шу бўлди, — деди Айделла. Ичи ачимади унинг. — Ўша пулингни ётадиган хонангга қўйганинда бу гаплар йўқ эди.

Унинг масхара бўлишига сабаб бу воқеани Айделладан яширгани эди.

Эйвис отаси ўзини яхши кўришини биларди. Улар бир-бирини яхши кўрар эди. Кўзларини қаттиқ юмиб олди. Унинг бу дунёда отаси билан ёлғиз қолиш, бирор хонада унинг ёнида ётиш, иккаласининг бир-бирига бадани билан ҳузур бағишлайдиган эҳтиёжига ён берган вақтлари ҳам бўлди; улар ўша ҳузурга эришди ҳам. Унинг қучоғида жимгина ётиш уйда бўлишдай бир гап эди. Ҳатто Стэн, қадрдони Стэн ҳам у билан отасини наҳса ботган деб ўйлаётган бўлиши мумкин. Лекин бундай бўлгани йўқ. У билан отаси улкан жарлик тепасида қўққайган, ҳар томондан эсадиган шамолга эрмак бўлган ташландик уйи сингари ёлғиз эди. Шунинг учун Эйвис онаси ўлгандан кейин қизалоқлигидаёқ уйдан кетди ва у билан дардлашадиган ҳеч ким қолмади. Делия-чи? Ҳар нарсадан шубҳа қилармиди? Бировнинг кўнглини олишдан ўлгудай қўрқар эди.

Отаси уйни бошига кўтарганини, бирор нарсани синдирганини кўрган, ароқ ичганини, дод-вой қилганини, кимгадир кўз қисганини эшитган одам онаси ўлганидан сўнг қанчалик қийналиб юрганларини билмайди. У дафн ва бошқа маросимлардан сўнг ичидагини ташига чиқармади. Орадан анча-мунча вақт ўтиб, одамлар яна унинг ҳаёти изига тушиб кетди, деб ўйлайдиган бўлди. Лекин Эйвис ҳаммасидан хабардор эди.

Делия ухлаб қолганидан хабар топган Эйвис чақирилмаса ҳам эниб келаверди. У Делиянинг ёнидан сирғалиб чиқди-да, зинапоядан оёқ учида юриб, отаси ётган хонага

кирди. Билдирмайгина ёнига кириб олди, у эса ўгирилиб, қизнинг мурғаккина танасини кўтарди-да, қучоқлаб олди. Шу алфозда улар уйқуга кетди. Бир оз вақт ўтгандан сўнг отаси уйғониб, уни теиага олиб чиққан бўлса керак, эрталаб опасининг ёнида қунишиб ётган ҳолда уйғонди. Уларнинг яқинлиги ўша алфозда бошланган эди.

Эйвис ўзи билан отасининг муносабатларига кимлар қизиқаётганини билар, буни уларнинг тешиб юборай деган қарашларидан сезар эди. Тили билан юрадиган канадалик кампирлар роса ғийбат қилган бўлса керак.

— Бу қамалиб чиққан, — дейишди кўзи унга тушиши билан. Эйвиснинг ғийбати билан кунни кеч қилишди. У фақат Мейзи Мур билан Донкастер хоним чой ичадиган финжонларини тақирлатганини, қотирилган нон бўлагини қитирлатганини, оғзидаги гаплари томоғига кетиб қолмай гапириб қолишга шошилаётганини эшитар эди:

— Биласанми, у эркакларнинг бошини айлантириш учун Бостондаги уйига жўнатиб юборилган.

— Бирор каллакесар билан тил топишгандир-да.

— Уни жа-а келишган деб эшитаман. Қўлга тушиб қолишгунча бунга ҳар балони қилдирган эмиш.

Эйвис хўрсинди. Томми чиндан ҳам келишган эди — тўғри айтади.

Икки йилдан сўнг отаси Бостонга бориб, уни ўғриу каллакесарлар қўлидан қутқариб келди. Буни отасидан бошқа ҳеч ким билмас, сабаби унга ўзи айтган эди. Опалари бошига тушган кўргуликларнинг ярмидан ҳам хабари йўқ эди. Ҳамма уни косметологликка ўқиб юрибди, деб юрар, гўё у мактабни битираётган эди. Айделла мактабни «меҳмонхона» деб атади.

Ҳарқалай, Айделла қип-қизил аҳмоқ Эдвардга ҳеч нарсаси демади. У шўрликка ўша ярамас Эйвиснинг этаги ос-

тига сўлақмондай қўлини неча марта тикмоқчи бўлганини айтармиди. Отаси унинг уйи меҳмонхонасига ётқизиб қўйилган, одам билан лиқ тўла ҳовлида маросим бўляпти, бу бўлса «печкани тузатишда ёрдам бериш учун» унга эргашаман деб ертўлага қулаб тушса денг. Эшшак. Олов ёқмоқчи бўлди. Печкага бўлса ҳам гўрга эди. Унга икки шиша ароқ беру урра қоч.

Эйвис кула бошлади.

— Нимага куляпсан? Биз ҳам бирга кулайлик.

Эйвис Стэннинг Ҳиллоқларга хос таниш қиёфаси, танасининг туртиб чиққан ерию нуқталарига бир-бир қараб чиқди. У энгашган қўйи йўлга қаттиқ тикилиб олган эди. У толиқа бошлаган, бўрон эса кучайгандан кучайиб борар эди.

— Эдвард эсимга тушиб кетди, шунга куляпман. У ертўла зинапоясидан оёғи осмондан бўлиб қулаб тушди, бошидаги боғичи жуда кулгили эди. Ҳар доим кийиб юрадиган айвони кенг шляпасини унинг устидан бостириб олганини кўрсангиз эди, қўққайиб қолди ўзиям — кула-кула ичагим узилай деди.

— Бечора Эдди, — қикирлади Стэн. — Одам аҳмоқлик қилса, мана шунақа бемаза балоларга дучор бўлади.

— Ўзидан кўрсин, — деди Эйвис.

— Икковингиз нимага куляпсизлар? — деди Долтон кўзини очар экан. — Жин урсин, бирор жойинг оғримаса, зарар етказди, зарар етказмаса, ўлдиради. Худди отамни тобутдан чиқариб ташлаганга ўхшайман. Қани энди у ўшанда ётмаса. — У олдинга тикилди.

— Эй худо, ҳаммаёқ қатқалоқ музми?

— Кейинги ярим соат ичида ёққан ёмғир ҳам музлаб қолди. Машинани тўхтатиб, олд ойнадаги музни қириб ташламоқчиман. — деди Стэн. — Лекин тўхтаганимиздан сўнг машина юра олмайдими, деб қўрқаман. Унинг ойна нситгичи яхши ишламаяпти.

— Ойнадаги музнинг осонликча эригиси йўқ, нима демоқчи эканимни тушунгандирсизлар, — дея «холис хизмат» таклиф қилди Долтон.

— Ҳа, балки шундай қилиш керакдир, — унинг гапига қўшилди Стэн.

— Сизларга бошқа гап қуриб қолганми? — деди Эйвис.

* * *

— Нима гап эшитдинг, Айделла? Бирон хабар борми? Аниқладингми?

Черков ўриндиқлари тўла бошлади. Одамлар яхшироқ гаплашиш учун ним бурилиб олган эди. Турли тарафдан овозлар эшитила бошлади. У тобут қўйилиши керак бўлган мўъжазгина инглиз черкови олдида турар ва ҳамма эшитиши учун бақириб гаплашар эди.

— Рожер билан боғлана олмаяпман. Линиялар ишдан чиққан. Лекин бир илож қилиб, Мэндаги Доннани топдим. Иккинчи опам. Ўша ерда Беверли билан Полеттга энагалик қилган. Эдварднинг қаерда эканини билмайман. Донна, улар тобутни йўқотиб қўйди, Стэнли бориб топиб берди, деб айтди.

Айделла Доннанинг сўзларини аниқ, дона-дона қилиб қилиб айтди.

— У бизга Стэннинг хотини Катеринанинг гапини етказиб қўйди. Эйвис ёки Долтон ва ёки иккови бирга қутини — тобутни — ичида отам ётган тобутни — бу ер билан

ўша ёқ ўртасида, ўша ёққа яқинроқ ерда йўқотиб қўйгани аниқ, Стэн тобут ташийдиган машина топиб, уларни олиб келгани кетибди. Йўлда келаётган эмиш.

«Стэн чол яхши-да», «Стэнга ишонса бўлади» деган мактов садолари черковни тутиб кетди.

— Энди биламан, — Айделла одамларни тинчлантириш учун қўллари баробарида овозини ҳам бир оз кўтарди. — Стэнли аралашган бўлса, уларни, албатта, бу ерга олиб келади.

Гапи тугаётганини билдириш учун бош силкиди. У ҳеч қачон одамларнинг олдига чиқиб гапирмаган эди.

— Ҳаммангизга келганингиз учун раҳмат. — У ҳалиям ўша ерда турган қўйи бошини кўтарди. — Нима қилишга ҳам ҳайронман.

— Йўқ, биз кетмаймиз! — деди ҳамма кутишга қарор қилганини билдириш учун ғала-говур кўтариб.

— Айделла, кел, ичиб ол, — Сэм амаки уни имлаб чиқарди.

— Йўқ, черковда ичиб бўлмайди! — деди Айделла черковдаги ўтирғичларда ичимлик шишалари худди якшанба кунги коллекция ликопларига ўхшаб юқоридан пастга, пастдан юқорига узатилаётганини кўриб.

— Жин урсин, ташқари канкиллаган муз бўлибди, — деди Гай амаки дераза ёнида туриб. — Янги суртилган бўёқдай чиппа ёпишади ўзиям.

Сэм тик турган қўйи ўтирғич оша эгилди.

— Билл учун, акам Билл Ҳиллок учун ичаман. Қаерда бўлса ҳам жойи жаннатда бўлсин.

Шишалар кўтарилиб тушди. Ҳамма ичди ҳисоби.

— Билл учун, — гўнғир-гўнғир бутун черковни тутиб кетди, баъзи овозлар бирга, баъзилари эса алоҳида янгради.

Кейин чироқлар ўчиб қолди. Қаттиқ қарс-курс эшитилди, худди қора чийдихоба парда туширилгандай ҳаммаёқни қоронғилик қоплади.

— Эй худо, — ёлғиз овоз янгради.

— Жин урсин, — жавоб қайтарди бошқа овоз қоронғиликдан.

* * *

— Жин урсин ҳаммасини, — минғирлади Долтон машининг орқа гилдираги Эйвиснинг газ педалини босишига жавобан жойида айланишига тикилар экан.

— Эйвис, оёгингни педалдан ол, — деди Стэн талаб оҳангида. — Фақат ўша орқа гилдиракни йўлга чиқариб олсак бўлди.

— Бунақа музни умримда биринчи марта кўришим, — Долтон йўлнинг иккала тарафида қорайиб кўринган нарсаларга тикилди. Дарахтлар аста-секин эриб тушаётган муз огирлигидан эгилиб қолган эди.

— Машинани тортиб чиқариш учун нимадир қилмасак бўлмайди, — деди Стэн.

— Қани энди Эдвард бир қоп қуми билан кела қолса, — Эйвис машинанинг орқасида турган Стэн билан Долтоннинг олдига келди. Улар ҳолдан тойган, совуқ қотганидан, афтода кўринар, уст-боши ивиб кетганидан аҳволига қараб бўлмасди.

— Баъзан дарахт шохи ҳам қўл келади, лекин ерга ёпишмаган ёки музлаб қолмаган шохнинг ўзи йўқ. — Стэн пастга эгилганча гилдиракнинг атрофини текшириб кўрди.

— Камар ёрдам берармикан? Менинг чарм камарим бор.

Стэн ўйлаб кўрди-да:

— Балки, — деди.

— Менинг шляпам-чи? — дея таклиф билдирди Эйвис. — Титиғи чиқиб кетган. Машина босса тузукроқ бўлармиди?

— Агар шу ёрдам берса, — деди Долтон, — ўзим ғилдиракнинг олдига ётиб олмасмидим. Ёрдадим тегадиган бир нарса бор.

Кутилмаганда уларнинг орқасидаги ўрмондан қасирлаш эшитилди.

— Жин урсин! — Эйвис қичқириб юборди.

— Улар мени нишонга олди, — деди Долтон тек турган қўйи шивирлаб.

— Дарахт синди, — деди Стэн. — Энди муз бор дарахтни синдиради.

Долтон чарм камарини пальтоси остидан тортиб чиқариб, Стэнга берди. У эса олдинга эгилди-да, камарни бир марта қатлаб шинанинг остига тикди.

— Эйвис, шляпангни бер. Ярим қарич бўлса ҳам олдинга силжишга ёрдам беради.

Қоронғидаги дарахтлар орасидан иккинчи ва учинчи қасирлаш эшитилди. Долтон машинанинг орқасида турган Стэннинг ёнига борди ва машинани итаришга ҳозирлик кўрди. Эйвис эса ғилдиракнинг орқасига эмаклаб кирди.

— Бўла қол, Эйвис, — деди Стэн. — Секин, тўхтамасдан. Агар йўлга чиқиб олсак, марра бизники. Долтон билан Стэнли машинага елкасини тутди, бармоқлари эса ғилдирак қанотларини маҳкам ушлаб олди. Ғилдирак остига тикилган чармга келиб тақалди.

— Яна озроқ, — хитоб қилди Стэн ва Долтонга деди: — Бор кучинг билан итар!

Иккови машинани камар оша, шляпа оша олдинга итариб, йўлга олиб чиқди. У олдга силтанди, узун орқаси чапга сурилди ва йўлга вақтинчалик қийшиқ туриб қолди.

— Осмонда худо бор! — дея бақирди Долтон қоронғилик томон.

— Шляпамни олинглар!

Стэн ғилдиракнинг орқасига эгилиб қаради.

— Менимча, яна уч соатдан ошиқ секин, тўхтамай йўл юрамиз. Тун ярмидан оққанда етиб борсак ҳам катта гап.

— Сизни бундай оғир аҳволга солиб қўйганимиз учун узр. — Эйвис Стэннинг кўзойнагини узун бурни устидан тепага суриб қўйди.

— Қасам ичишим мумкин, дарахтларнинг қасирлаши отам отган сўнгги ўқлар эди. — Долтон эшикни тортиб ёпиб олди.

* * *

— Ярим тундан кейин етиб келишса керак, — деди Айделла.

— Энди вақтнинг аҳамияти йўқ, — деди Эмма. — Ҳаммамиз унинг измидамиз.

Айделла ўтирғичга жойлашиб ўтириб олди. Баъзи эркаклар черковнинг орқа тарафидан фонус олиб келиб, тўсинлардан бошлаб ҳаммаёққа осиб ташлади. Узун кулранг соялар девордан шифтга кўчиб ўтди. Улар арвоҳга ўхшаса ҳам гўзал, ҳаммаси жуда бўйчан, девкор кўринар эди. Айделла олмахон терисидан тикилган пўстинига бурканиб олди. Ичкари совуқ ва рутубатли бўлгани учун пўстиннинг юмшоқлиги роҳатбахш ва башанг эди. Шу тобда у ўзини уясида гужанак бўлиб олиб, бўрон тинишини кутаётган олмахонга ўхшатди. Шамол ҳалиям атрофни, мўъжазгина черковни айланиб эсар, жомхонада мудҳиш увиллар, жомга ҳар тарафдан ҳужум қилар, баъзан ҳеч ким арқонни тортмаса ҳам уни жаранглатиб юборар эди.

— Бу — Билл, ҳозир у осмону фалакда хизматчини чақириб, қўнғироқ чалапти, — дер эди ўтирганлар ҳар сафар қўнғироқ чалинганда. — У яна вискига буюртма беряпти.

Ҳалиям муз аралаш ёмғир ёгмоқда эди. У бир оз пасаяр, тикирлаган товуш ичкари кирмоқчи бўлиб, ер, девор ва деразаларни чўқийтган минглаб жўжалардай қулоғингизга мулойим эшитилар, сўнгра яна кучаяр эди.

— Булар — у бир мавсумда тутган денгиз қисқичбақалари арвоҳи, — деди Эрнест амаки ўртага чўккан жимликни бузиб. — У қўйиб юбориши керак бўлган митти қисқичбақалар арвоҳи бинонинг ҳамма жойида юрибди.

— Олинг-а! — деди Мейзи. — Одамни қўрқитманг.

— Ҳадемай бу ерга улкан буғу келиб қолиши ҳам мумкин, — деди Гай амаки. — Эсингиздами, Билл ўша нарбуғуни қувиб чиқиш учун ўрмонга кирганида ораларингиздан бир аҳмоқ унга қарата ўқ узган эди. Буни мен тўқиганим йўқ — Биллнинг гапи.

Айделла, ўлимидан сўнг отам тинч бўлсин, деган мақсадда ўша вақт хотирланишини хушламас эди.

— Биз уни қўлга ўргатиш учун кўҳна эшикка боғлаб қўйдик, — деди Сэм амаки.

— Бунинг учун яхши-яхши чойшабларим увол бўлди, лекин миқ этмадим.

Муҳтарама кампир Донкастер хоним, деб ўйлади Айделла уни овозидан танир экан.

— Элси, Билл сиз ҳақингизда ётоғи эшигини бузиб кираиб, чойшаблари оралиғида ётганман дегувчи эди.

Ҳамма кулиб юборди.

— Йўқ, у ётоғим эшиги эмас эди, — кулди Донкастер хоним, — лекин энг яхши чойшабларим бўлгани аниқ.

— Билл қўшиб-чатиб гапиришга уста эди, — кулди Сэм амаки.

Айделла атрофида шовқинни эшитмай қўйди. У отанининг буларга қилган яхшилигини эслашга уринди. Қиш чилласидаги апельсинларни айтмайсизми? Қаердан олган экан уларни? У ҳар Исо таваллуди куни буларнинг ҳар бирини апельсин ёки бирор баданювгич билан сийларди. Баъзан Айделла сочини узун қилиб ўстиришга ваъда берганда унга тароқ олиб берар эди. Фрэнси хола у билан Эйвиснинг сочини «мўдний» қилиш учун калта қилиб қирқар эди. Отаси эса буни ёмон кўрарди. Қизларининг сочи ҳам худди онасининг сочидай ҳам узун бўлсин, дерди. Она ўлгач, ота адоий тамом бўлди. Бечорани қилган хатолари шу қўйга солди. Тўртта бола билан кирни қанақа ювишни ҳам билмай ўзи ёлғиз қолди.

— Биллнинг бир қишлоқи қизга тегажоғлиқ қилиб қўйгани учун судга тортилгани ўзи гапириб берган энг қизиқ воқеа эди. — Аҳмоқ Уилли Смитнинг ўша воқеани бутун черковни бошига кўтариб гапириб бермаса, кўнгли тинчимас эди.

— Билл судьяга нима деган эди ўшанда? — деб сўради Гай амаки.

— У туйнукдан пичанхонага чиқиб боради, — Уилли Смит — сотқин, деб ўйлади Айделла. — Қиз, у мени зўрлаб ўша ёққа кўтариб чикди, деди.

— Билл судда тик турар, ҳеч қачон бўйи бу қадар баланд бўлганини кўрган эмасман, — Эрнест амаки гапга аралашди. — ...биласизларми, у судьянинг кўзига тик қаради.

— Бўлган воқеани мен гапириб беряпман, Эрнест, — Уилл Смит унинг гапини бўлди. Шу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси бу воқеани ипидан игнасиғача билар эди. — Агар у жойидан туриб мана бундай демаган бўлса ўлай агар: «Жаноб судья, бўйчан эканимни кўриб турибсиз. У қиз

айтаётган туйнук жуда кичик эканини ўзингиз тушуна-
сиз. Сизнингча, мен уни зўрлаб, ўша туйнук орқали зина-
поядан юқоридаги пичанхонага анави бебош туриб кетган
кўйи кўтариб чиқа оламанми?»

— Судья ўтирган жойида кулиб юборди, — деди Сэм ама-
ки. — У ишни ўша ернинг ўзидаёқ ёпиб қўя қолди.

Бу воқеа Айделланинг жонига теккан эди. Отаси ким-
ники меҳмон қилса, шу воқеани гапириб берганлари,
уларни эса текин қулоқ бўлиб, ҳайратдан оҳ-воҳ қилгани
учун бепул ичимлик билан сийлаганларига чидаб ўтири-
шига тўғри келган. Ўшанда қашшоқ француз қиз денгиз
қисқичбақаси етиштирувчи корхонада ишлаб юрар эди.
Айделла кейинчалик шўрлик қизга, унинг фарзандига
нима бўлганидан беҳабар қолди.

Отаси фермада ёлғиз яшаган пайтлар аҳвол шу эди.
У бошини орқага ташлади. Итдай чарчаган эди. Худди
тушидаги сингари таниш чинқироқ овозлар қуршовида
қолди. Тобут устидаги пирпираб ёнаётган шамлардан оқа-
ётган мум унинг қопқоғини иссиққина сариеғ бўлаклари-
дай секин босиб турганини тасаввур қилди.

— Биллнинг бу ерда йўқлиги шармандалик-ку, — деди
Сэм амаки кулги тўхтагач паст овозда.

Ҳамма жимиб қолиб, ёғаётган музга қулоқ тута бош-
лади.

Айделла хўрсинди. Ҳар бир кишининг отаси ҳақида
гапириб юрадиган бир ҳикояси бор эди. У ҳам бунақа во-
қеалардан уч-тўрттасини билар, лекин бу ҳақда ҳеч ким-
га оғиз очмаган. Баъзи ҳақоратомуз воқеалар ёддагина
сақланар, улардан бирор тирик жон, айниқса, Эдвардга
ўхшаганларга оғиз очишдан худонинг ўзи асрасин. Эсида
қолган воқеалар кўп бўлгани учун санаб адоғига етолмас,
етгиси ҳам келмас эди.

Билл Ҳиллок фаришта бўлмаган — бу аниқ. У феъли бир одам, айниқса, Долтонга нисбатан жуда қаттиққўл эди. Баъзан аямай пўстагини қоқар, бутун дунёга бўлган шаҳрини шўрлик Долтонга сочар эди. Бу унга ёмон таъсир қилгани учун ғурур, манманлик нималигини билмай ўсди. Дарё-дарё ичимлигу тентирашлар. Долтон билан Эйвисга шу одатлари ундан ўтган эди. Иккови ҳам отасини хурсанд қилиш учун ичиб юрди. Ота ҳамманинг у ёки бу тарзда кўнглини олгиси, меҳрибонлик қилгиси келар, ўзи эса ташига чиқармаса ҳам кўпроқ меҳрга зор эди. Онаси қазо қилгандан сўнг Айделла ҳали бола бўла туриб унга қўлидан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилди: овқатини пиширди, уй тозалади, кийимларини тикиб берди. Бунинг учун на бирор марта раҳмат эшитди, на сийланди. Отаси ҳаммасини Эйвисга асраб юрган экан.

Нималарни асраганини ким билади? Айделла қўлларини пўстини чўнтагига тикди-да, унинг шойи астарини бошмалдоғи билан кўрсаткич бармоғи ўртасига олиб, қайта-қайта мижғилади.

* * *

— Яқинлашиб қолдик, Эйвис. Тетагучга ўн милядан озроқ қолди, — деди Стэн.

— Шу тобда ўзимни ўлди деб эълон қилишларига тайёрман, — деди Долтон.

— Делиянинг қўлига тушгунча шошмай тур, — деди Эйвис. — Ўшанда ўлим қанақа бўлишини кўрасан.

— Эддининг бу ерда йўқлиги яхши-я, — деди Эмма ним жилмайиб Айделланинг ёнига яқинроқ сурилар экан. — Кутишга умуман сабри чидамайди, ҳозир ҳам шунақами?

— Мен унга кўникиб қолганман, — деди Айделла. — Бошқалардан ёмон деб бўлмайди. Ҳеч бўлмаганда лақиллаш учун ичмайди-ку.

— Ҳаммамиз одамларга чидашга мажбур эдик, — деди Эмма.

— Отамдан кўра кўпроқ унга суянса бўлади. Мехрибонроқ. Ўша фермада кўп нарсага чидашимизга тўғри келди. Ўша одамнинг оиласида онасиз ўсаётган қизларга кун йўқ эди. Сен бўлиб ўтган гапларнинг ярмини ҳам билмайсан. Мен билганим эса Эйвис — бор-йўғи шу.

— Бўпти унда. Менинг ҳеч кимим йўқ эди, тўғрими? — деди Эмма қатъий ва дона-дона қилиб. — Ўз ҳолимча яшадим. На она, на ота, на-опа-сингил, на ака-ука мен билан бирга яшар, на ёнимни олиб уришар эди. Қиладиган ишим вақти-вақти фермада олдиларингизга бориб туриш бўлган. Биласанми, отам мендан кўрқарди. Мен эса — ундан. У жуда кўпол эди. Ҳеч қачон унинг мулоғим гапирганини кўрмаганман.

— Нега, Эмма? — Айделла ҳайратланганидан шивирлаб гапирди. Ҳеч қачон йиғламаган Эмманинг ёноқларидан дув-дув ёш оқар эди. У вазиятни юмшатиш учун ҳамиша жиндай ҳазил қилар ёки гап кўшар эди.

— Мени ҳар доим у ҳам, сизлар ҳам ёмон кўришингизни билар эдим. Эсингиздами, ўзи ҳеч қачон бунақа демас, лекин кўнглим сезарди. Ўша ерга боришим онамнинг ўлганини эслатар, шу дунёсига нега келдим деб ўзимни айбдор санар эдим. Отам буни эсидан чиқара олмади.

— Нега энди, Эмма? — Айделла унинг қўлини ушлади. Ҳаммамиз сени Бет хола билан Пол амаки олиб кетганидан хурсанд бўлса керак, деб юрувдик. Уларга ҳам бола керак эди, адашмасам. Сенинг асраб олган ота-онанг билан уйинг бор эди.

— Бировга айтиб бўлмайдиган ифлос сирларим кўп, — деди Эмма Айделлага қарамай ёноқларини артар экан. — Ҳаммамизнинг ифлос сирларимиз борлиги биргина Яратганга аён. Ўша жойдан кетганимга шуқр қиламан. Энди отамиз меҳрибонлик қилган-қилмаганини ҳеч қачон билмайди, ҳа-ҳа билмайди. Шунини тушундимки, у айтарлик яхши одам бўлмаган экан.

— Ё Парвардигор, — Айделла гапираётганда пирпираб ёнаётган шамларга тикилди. — Уятсиз эркакларнинг қарамогида қанчалик кераксиз одамлар бўлган эканмиз-а.

— Бир пайт, бир куни, маст ё ҳушимиз жойида бўлганда — қайси бири ўнг келишини айтишим қийин — ҳаммамиз Эйвисдан бу ҳақда нималарни билишини сўраймиз.

— Мен бунақа қилмайман, — деди Айделла. — Буни сўрашга журъатим етишига ишонмайман. Баъзи нарсалар ҳақида сўрамаган маъқул. Билгандан кўра билмаганим яхшироқ.

— Менга, булар — сен ўсган ҳаётнинг бир бўлаги, — деди Эмма. — Ҳар ким истаган нарсасини, сен ўсган даврнинг бир бўлагими ёки йўқми, деб сўраб ўтирмасдан олиб қўйган ёки олиб қўймоқчи бўлгани учун норозилик билдирмайсанми ёки савол бермайсанми, деб айтишган.

— Нима шовқин? — Сэм амаки жойидан турди-да, кутиб ўтирган мотамсаро кишилар қавмини тинчлантирди. Айделла бошини кўтарди. Шовқинни у ҳам эшитди.

— Машинанинг сигнали! — деди Сэм амаки.

Ҳамма деразага ёпишди, баъзилар ўтирғичлардан ошиб ўтди. Эркаклар эшикларни очиб, бўронга отилиб чиқди. Айделла машина чироқлари қаршисидаги йўл муюлишини ёритганини ва узун шоҳ кўчага йўл олганини кўрди. Тинмай сигнал чалинар эди.

Ҳамма бирдан гапира кетди.

— Эй худо, бу Билл-ку!

— Бу — Билл Хиллок! Ярим кечада шоҳ кўчадан бури-ляпти! Унга ўхшамайдими? У бунақа қилмас эди-ку?

— Эй худо, тун ярмидан ҳам огиб кетди. Соат эрталабки икки бўлди.

— Уч бўлди.

Сигнал қаттиқроқ чалина бошлади. Ҳамм бирданига турганиб-суриниб, пальтолари тугмаларини қадай-қадай кўчага югуриб чиқиб, қатор туриб олди. Улар муз бўралаб ёғаётган зим-зиё тун қўйнидаги дафн маросимига битта улов билан чиққандай эди. Одамлар худди урушдан уйига қайтаётган қўшинга ўхшаб бақир-чақир қилар, ҳайқирар, бир-бирининг елкасига қоқиб қўяр эди. Кимдир жомнинг арқонини излаб топиб, уни чала кетди. Овози ҳаммаёқни тутиб кетди.

Айделла пўстинига ўраниб олиб, черков ташқарисидаги зинага оёқ қўйди. Бўрон бир оз сусайди. Эмма келиб унинг ёнига турди.

— Аҳмоқларнинг қилган ишини қара, — деб шивирлади у.

Тобут ташийдиган машина етиб келди. Одамлар ўтиб кетаётган машинанинг дуч келган жойига ва томига уриб қўйди. Сигнал тинмас эди. Айделла уни Эйвис чалаётганини кўрди; у бечора Стэннинг устидан ошиб ўтиб, сигнал устига худди ёпишиб қолгандай ётиб олган эди.

Опа-сингил черков зинапоясидан машина олдиларига келиб тўхтаганини кузатиб турди. Ҳамма машина атрофини кино юлдузлари фильм премьерасига келгандай ўраб олди. Биринчи бўлиб Стэннинг эшиги очилди:

— Менга ичимлик беринглар.

Нариги эшик очилиб, ўзини ўққа-сувга уриб қийнамаган Долтон кўринди. У машинадан тушгач, бақирди:

— Менга икки шиша ичимлик билан сигарет олиб келинглар!

Бу оломонга ёқаётган эди.

Ниҳоят, сувга чўқиб кетган каламушга ўхшаб, Эйвис тушиб келди. У оломонга юзланди.

— Менга бир шиша тўла виски билан бир қути сигарет олиб келинглар!

Айделла Уилли Смит келиб, Эйвисни енгил бир нарсадай кўтариб олиб, елкасига ўтқазганини кузатиб турди. Кимдир Эйвисга шиша узатди, бошқа биров эса тутатилган сигарет берди.

— Дафн маросимини бошлаймиз! — қичқирди Сэм амаки.

— Ҳой, Билл-чи? Уни машинадан туширишимиз керак-ку!

Айделла машинанинг орқаси очилганини, Эйвис тобутни туширишга кўмаклашганини кузата туриб, худога шукр қилди. Бу қатқалоқ музда йиқилиб тушиб, бўйини қайириб олиш ҳеч гап эмас эди. Эйвис на опаси ва на сингисининг кўзига тик қарай олди.

Стэн билан Долтон айланиб, машинанинг орқасига ўтди.

— Биллни анча кўтаришимга тўғри келди, — деди Стэн. — Черковга ҳам уни ўзим олиб кираман.

— У анчадан бери черковга бормаган эди, — деди Долтон сигаретини чекиб бўлар экан. У ўзига узатилган ичимликни қайтариб берди-да, тобутни кўтариш учун машинага энгашди. — Мен эса ҳеч қачон бормаганман.

Одамлар икки қатор бўлиб турди-да, тобутни машинадан тортиб чиқариб, елкаларига олди.

— Муздан эҳтиёт бўлинглар, — деди аёллар уларни ўтказиб юбориш учун черков зинапоясида икки томонга чекина экан. — Зинапояда ҳозир бўлинглар!

Айделла билан Эмма энг юқори зинапояда жимгина туриб, тобут черковга олиб кирилганию ўтирғичлар ораси-

га шўнғиганини кўриб турди. Черковнинг олдини ёритиб турган шамларнинг тилларанг пирпираши томон ҳаракат қилаётган шарпаларнинг ҳаммаси қора эди. Эйвис торти нибгина опаси билан синглиси қаторига қўшилди.

— Қара, бир мушук келди, — Эмма кулиб, қўлини узатди. — Ё парвардигор, сен кела-келгунча маза қилиб келдинг.

У кула бошлади.

— Бас қилсанг-чи, эси йўқ, — деди Айделла. — Юр, бо рамиз.

Опа-сингиллар бирваракайига черковга кириб, саҳнга тушиб борди. Тобут ерга қўйилгунча бутерброд ўралган қоғозлар, тубида ҳалиям қултум-қултум виски бўлган қоз истаканлар йиғиштириб олинди. Стэн пичоқчаси билан анча урингандан сўнг қопқоқни очди-да ушлаб турди. Фонусу шамлар яқинроқ олиб келинди.

Ҳиллокнинг тўрт фарзанди биринчи бўлиб шоҳсупага қўйилган тобут атрофига йиғилди. Қавм уларнинг ортидан сафга тизилиб, маросим бошланишидан олдин Биллни кўриб қолиш учун кутиб турди. Тўртови отасига қараб турар, шам нури марҳумнинг юзидаги ботиқликлар узра даҳшатли липиллар эди. Сўнгра Айделла уларни олдинги қаторнинг тегишли жойларига ўтириши ва маросим бошланишини кутиб туриши учун белгиланган чизиқ томон бошлаб борди.

* * *

Айделланинг кўнглидан, фонусу шамлар маросимга сир-синоат бағишлар экан, деган ўй ўтди. Жасад солинган тобут олдга қўйилгандан сўнг маросим дабдабали тус олди. Билл Ҳиллок ўлган ва уни кўмиш лозим эди.

Руҳоний Жо Мейжор тобут йўқолиб қолганини уйга келгач эшитди. Энди у уйқудан туриб қайтиб келди. Қўлида олдиндан тайёрлаб қўйилган яхши бир маъруза бор эди. Аскарлардай кунбўйи кутиб ўтирган кадрдон кампирлар хори жуда соф ва дард билан куйлаб, ҳаммани йиглатди. Улар олдинга чиқиб, куйлай бошлаганида соялари деворларда лопиллай кетди. Фостер хонимнинг арғанун чалиши маросимга салобат бағишлаши баробарида юракларни тўқинлантириб юборди. Айделла ашула айтишини хаёлига ҳам келтирмаган кишилар унинг сўзларини ёд билар ва жўр бўлиб куйлар эди. Эрнест амаки, айниқса, Сэм амаки ҳаммадан баланд, теран ва томоқ қириб, аммо гўзал ашула айтар эди.

Айделла дафн маросими давомида шунчаки ушлаб турган черков мадҳиялар китобини ёпди ва орқасидаги ўтирғичга қўйди. У ашулага жўр бўлишдан кўра одамларни кузатди, атрофидагилар унга тикилар эди. Уларнинг юзи оддий, пешонаси, оғзининг атрофи ва кўзлари худди синдириб олинган цемент бўлаги сингари ўткир қиррали эди.

Ўша жойлар фонус ёриғида янада чуқурроқ кўринди. Ашула айтганда тўғрига қараган, ибодат қилаётганда олдга эгилган бу юзлар умри давомида қанчадан-қанча бўронлар, шамолларга рўпара бўлмаган дейсиз. Улар — бунга отаси билан Сэм амаки ҳам киради — маймунжону ёввойи ўтлар бошқа ҳеч нарса ўсмайдиган далаларда картошка, сабзи ва шолғом билан бирга белкурак ҳар ер ағдарганда болалаб кетадиган тошларни ковлаб олар эди. Булар бир замонлар, у қизалоқлигидан бери билган, шу ерда бирга яшаган одамлар эди. Бу одамлар овга чиқар, балиқ овлар, ер ҳисобига яшар, тили ўткир бўлиб, бу аъмоли бошқа ишларидан ҳам муҳимроқ, экинларидан-да чуқур-

роқ илдиз отган, ташқаридан қараган киши ўйлагандан кўра кескироқ эди.

Айделла анча йиллар бурун тузукроқ ҳаёт излаб Канададан кетган эди. У дастлаб оқсоч, кейинчалик оила ошпази бўлиб ишлади ва бу Эдвард билан учрашишига, оила қуришига, фарзандлар кўришига, Уэстбрукда дўкону ҳовли орттиришига сабаб бўлди. Олмаҳон терисидан тикилган пўстинига ўралиб олиб, ўзини нисбатан бой ҳис қилар, Мэнда яхши ҳовлиси ва юргизадиган баққоллик дўкони бор эди. Ишга киришдию қўлидан келганча олдга ташланди ва бу иши учун ҳам хотиржам, ҳам хафа бўлди.

Сўнги марта «Омин» сўзи янграганда барча қаторлар туриб ўтирди, Айделла бутун маросимни яқунлаётган бир киши билан ёнма-ён турган эди. У деразадан ташқари қаради. Ҳали атроф ёришмаган, лекин ҳадемай тонг отиб қолади. Бўрон бутунлай тўхтади. Энди отасини қабристонга олиб бориш вақти етди. Сэм амакининг икки ўғли тайёргарлик кўриб туриш учун олдинроқ ўша ерга кетган эди. Қабр кеча эрталаб қазилиб, усти мато билан ёпиб қўйилди.

Айделла отасининг ака-укалари, Долтон ва Стэнли тобутни елкасига олиб, эшик томон юганини кўрди.

— Кемага чиқиш тўхтатиляпти, кема йўлга чиқяпти, — минғирлади Долтон Айделланинг ёнидан ўтаётиб. Афт-ангорига қараб бўлмас, лекин Айделла уни қарғай олмаслигини тушуниб турар эди.

— Бунақасини ҳеч қачон кўрмаганман, — деди Айделла Сэмнинг машинанинг орқа ўриндигига Эйвис ва Эмма билан бирга ўтирар экан аста-секин тонг ёришиши билан пайдо бўлаётган манзарага тикилиб.

Улар отасини онасининг ёнига дафн қилиш учун Янги Бэндонга олиб кетаётган эди. Осмон туманли кулранг кафан тусидан сариқ ва пушти рангга кирди, кейин офтоб кўри-

ниш бериб, тонг ҳавосини совутди-да, биллур сир ҳосил қилди ва қаёққа қарама, кўзни қамаштирадиган бўлди, ёруғлик музга урилиб сакрар эди. Вожаб, дунё бир кечада ўзгариб қолса-я. Ҳамма нарса бегона эди. Ҳар бир қарич ер қалин муз билан қопланган. Бутаю бутазорлар, йўл четидаги ёввойи ўтлар нозик муз ҳайкалчаларга дўниб қолган. Ҳамма нарса худди ибодат қилаётгандай эгилган ёки бутунлай сийиб тушган, деҳқонлар ишни тугатиб бўлгандан хаскаш, чалғи ва белкурак сингари иш қуроолларини бир чеккага отиб юборгандай ҳар хил ҳолатда туриб қолган эди.

— Майда қушлар нима қилар экан-а? — сўраб қолди Айделла тўсатдан.

— Нима қиларди, кирадиган жойига кириб кетади, — деди Эйвис. — Худди ўзимизга ўхшаб.

— Эй Худо, Айделла, — кулди олдинда ўтирган Долтон билан Сэм амакининг ўртасига суқилиб олган Эмма. — Қушларни ўйлашни сенга топширдик.

— Қизиқиб сўрадим-да, — деди Айделла. — Ҳа, энди кимдир гапириши керак-ку.

— Бўлди, гапирма, — деди Эйвис.

Улар жим ўтириб, қабристонгача ҳар ким олдидаги деразадан ташқари қараб кетди.

* * *

Ҳамма қабр атрофида тўда бўлиб олиб, унга кўллаб қолган сувни ташқарига селпиб ташлаётган одамларга қараб турар, улар тинмай селпир эди. Ҳаммаёқ билчиллаган лой бўлди. Сувни қуритиб бўлмас эди.

— Биз уни чуқурроқ туширмасак бўлмайдиганга ўхшайди, — деди Сэм амаки ниҳоят. — Мана бу ернинг ичагига тиқин бўлади.

— Келинлар, отам билан охирги марта ичайлик, — деди Долтон пальтосининг чўнтагидан янги, бешинчи вискини такаллуф билан олар экан. Айделла у буни қаердан олганига ҳайрон эди.

— Жин урсин, бўпти, — деди Эйвис.

Ҳечқиси йўқ, ўйлади Айделла. Отаси тонгда отилса ҳам йўқ демас эди.

— Биллнинг фарзандлари, яқинроқ келинлар, — қичқирди Долтон худди руҳоний воизга ўхшаб. — Келинлар, тобутни очамиз-да, яхшилаб кузатиб қўямиз.

Стэнли билан Долтон тобутнинг қисқичларини бураб чиқарди-да, қопқоғини очди. Айделла унинг ичига қаради. Отасининг юзи тонгнинг шаффоф нурида бир ҳол бўлиб ётар эди. Юзи янада салқиган, дафн маросими хонасида қилинган пардоз — агар буни ўзи кўрганида ҳамма нарса ни тепиб, бақир-чақир қилиши аниқ эди — мумга ўхшаб ялтираб қолганди.

— У отамга ўхшамай қолибди, — деди Эйвис пастга қараганча.

— Мана бу — унинг қўллари, — деди Айделла. — Мана бу узун бармоқлари. Қўллари ўзиники.

— Ҳа, — Эмма бош ирғади.

Эйвис, Айделла, Эмма ва Долтон — тўртовлон тобутнинг бир ёнига яқин келди. Стэн тобутнинг оёқ тарафида қўли билан унинг қопқоғини ушлаб турар эди. Одамлар ўзини бир оз четга олиб, Биллнинг фарзандларига видолашиб олиш имконини берди.

— Уни костюмда кўриш, — деди Эмма, — ҳалиям ақлимга сиғмаяпти. Кийиб юрадиган қизил фланел кўйлаги билангина ўзига ўхшаб турибди.

— У хушига келганда бинойидай кийинар эди, — деди Эйвис. — Ўзиям келишган одам эди.

— Қадах сўзини ўзим бошлаб бераман, — деди Долтон. — Келинлар, уни ёшимизга қараб айтамыз.

У виски шишасини кўтарди.

— Отам учун! — У оғзи тўла вискини ютиб юборди. — Ярамас бобой учун!

У шишани Айделлага узатди.

— Отам учун, — деди Айделла бир қултум ичар экан. — Отам учун.

Шиша навбатма-навбат Эйвис билан Эммага ўтди, ҳар бири ундан бир қултум ичиш олдидан қадахсўз айтди. Долтон шишани Эмманинг қўлидан олди-да, оғзини ёпди.

Эйвис тобутга қапишиб, унинг ичига қаради. Кейин нарироқ кетди.

— Уни совуқ сувга ётқизгим келмаяпти.

— Вискини унинг ёнига қўйинг. — Долтон шишани пастда турган Стэнга узатди. — Анави ерга, оёқлари остига қўйинг, сув сизиб кира бошлаганда кўнгли тусаб қолса, олиб ичар.

— Бу — унинг уйи. — Стэн шишани тобутнинг ичига қўйди. — Уни маҳкам ёпиб, жойига қўямиз.

Ҳамма тобут аста-секин пастга энаётганини кузатиб турди, у қабр тубига етганда сув сачради. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Сэм амакининг ўғиллари ва баъзи смитваччалар белкуракларни олиб, қабр ёнидаги уюм палахсаларини майдалай бошлади. Улар сиртини қаттиқ муз қоплаб ётган сўрғичқанддай палахсаларни ушатиши керак эди. Иш мўл бўлди, аммо улар кўпчилик бўлгани учун навбати билан ишлаймиз, дейишди. Қолганлар уй-уйига қайтиб кетиши керак эди.

— Яхши, — деди Долтон Эммага дўнгалакдан машина ёнига тушиб олишига ёрдам бераётиб.

— Ҳаммаси тугади.

— Онам билан отам энди бирга. — Айделла одамлар па-
лахсаларни белкурак билан майдалаб, бир жойга тўдала-
ётганини эшитиб, орқасига қараб қўйди. У укаси билан
опаларига юзланди. — Бизлар етим қолдик — дунёда ёлғиз
қолдик.

— Анчадан бери ёлғизмиз-ку, — деди Эйвис.

— Худо ҳаққи, рост, — деди Долтон.

— Биз ҳамиша етим бўлганмиз, — деди сигарет тутатиб
олган Эйвис.

Улар Сэм амакининг машинасига ўтирди-да, икки миля
наридаги тик жарлик устида ҳаммасининг киндик қони
тўкилган кичкина хароба ҳовлисига жўнаб кетди.

КУТИШ

4-терминалнинг «Д» қанотидаги 19 «А» кутиш зали лик
тўла. Авиакомпания ходимларининг юзида табассум. Ра-
диокарнай овози самолётга чиқиш тез орада бошланиши-
ни эълон қиляпти. Эълон инглиз тилида ўқиляпти, аммо
аёл киши португалча, голландча, малайча талаффузларни
қориштириб гапиряпти.

Канадалик ҳисобчи ёпиқ портфелини қучоқлаб олган-
ча гудрон — қатрон билан қопланган майдонча устига
тушган туманга қарайди. Кулранг тусдаги қалин туман
эса тарқай демайди. У иккала ёнида ўтирган йўловчилар:
кроссворд ечиб ўтирган кекса болгар ва уйқуни ураётган
гондураслик кампирга, сўнгра дам олиш хонаси ўртаси-
да уяли телефон билан дум-думалоқ тропик мева ушлаб
турган яланғоч бола ҳайкалига тикилади.

Энди самолёт кўринмай қолди, аммо авиакомпания
ходимларининг юзидан табассум аримайди. Ҳисобчи
ўзининг фючерс бозори омонатлари нархи кўтарилгани
ёки тушгани билан қизиқди. У қалтирайди, ўриндигидан
туриб, дераза олдида борди, бармоқларини ойнага босди.

Учувчи билан команда аъзолари дам олиш хонасига
кириб келиб, авиакомпания ходимлари билан маслаҳат-
лашди-да, қайтиб чиқиб кетди. Самолётга чиқариш режа-

лаштирилган вақт етиб келди ва ўтиб ҳам кета бошлади. Радиокарнай овози туман тез орада кўтарилишини эълон қилди.

Ҳисобчи ўриндиғига қайтиб келиб, портфелидан блокнотини олди-да ниманидир чиза бошлади. Болалар рангли китобларини қўлига олди. Бошқа йўловчилар газета-журналларни варақлашга тушди. Авиакомпания ходимлари оролларни орзу қилади, қўлидаги рацияга — одамлар кўриб қўйсин дегандай — шошиб нималарнидир гапирди, уларнинг батареяси кўп йиллар ишлатилавериб, яроқсиз аҳволга келиб қолган.

Кўниши керак бўлган самолётлар тепада кўринмай айланиб учиб юрибди. Туман ойна ортида жилваланади. Болгар пешонасини ушлаб қолди, Ҳисобчи, сизга тиббий ёрдам керак эмасми, деб сўради.

— Йўқ, раҳмат.

— Ростдан ҳам керак эмасми?

— Нима, касалга ўхшайманми?

— Сал-пал.

— Ҳа. Мана бу туманнинг жилваланишини ифода қилувчи бошқа сўз топишга ҳаракат қилияпман.

Канадалик ўғринча қараб қўйди.

— Мен шоирман, — деди болгариялик.

— Их.

— Ҳа.

Болгариялик ҳам ўғринча қараб қўйди-да, елка қисиб, кроссвордни қўлига олди.

Телевизорлар шу яқин атрофдаги — Ғарб томондаги эмас, унинг нарисидаги — мамлакатда бошланаётган ёки тугаётган уруш ҳақида гўнғиллаб, чулдираб хабар берарди. Битта боладан бошқа ҳамма рангли китобларини ёпиб, пул чиқарарди; мўғул болакай эса сумкасидан

шахмат тахтасини олди ва бу билан бошқаларнинг кўзига балюдай кўринишдан кўрқди.

Ҳисобчи қўлидаги сумкасидан шарф олиб, бўйнига ўради. Залнинг нариги тарафида бир ганалик хурлиқо қиз ўтирибди; қиз ҳам ўзига тикилиб турганини сезмагунча ҳисобчи ундан кўзини узмайди. У гўё ерга сурат чизилгану ўшани тўзатмоқчидай пастга қарайди, ганалик қиз жилмаяди.

Радиокарнай самолёт жиҳозлари қайта текширилиши муносабати билан парвоз бир оз кечиктирилаётганини эълон қилди. Мўғул болакай ўзи билан ўзи дуранг ўйнапти; авиакомпания ходимлари маниокали¹ берч печенье билан бирга қизил чой тарқатмоқда, улар ҳар бир кишига энди кўп кутиб қолмаслигини, ҳавонинг авзойи эса очилмаётганини айтади.

Туман дастлаб чап томонга, сўнгра эса ўнг томонга кўчди. Телевизорлар футбол шовқинига тўлиб кетган. Шоир ҳисобчидан, қутисида абадий ёшлик олмаси бўлган кўҳна нсланд илоҳасининг отини биласизми, деб сўради. Ҳисобчи билмагани учун узр айтди. Шоир ундан, Баҳрайннинг пойтахтини биласизми, деб сўради. Ҳисобчи яна узр айтди. Шоир, печ устида қовурилаётган кўфтани² ҳидлаганмисиз, деб сўради? Ҳисобчи эса ҳайрон бўлиб, ҳид ҳам кроссворд-ни ечишда ёрдам бериши мумкинми, деб сўради, шоир бунинг бошқотирмага дахли йўқлигини, қирқ йилдан бери Болгарияга бормаганини, болалигида кўфтанинг ҳидини жуда яхши кўрганини айтди.

Ҳисобчи бош ирғади. Шоир газетани чиқинди идишига ташлаб, ухламоққа чоғланди. Ҳисобчи эса энди уйғоқ

1 Маниока — сутламадош, икки паллали ўсимликлар оиласига мансуб тропик ўсимлик меваси.

2 Кўфта — юмалоқлаб пишириладаган қийма. Форсча «куфтан» сўзидан олинган.

бўлган гондураслик кампир томон юзланди. Кампир унга табассум қилди. Ҳисобчи яна деразадан ташқари қаради.

Мўғул болакай яна ўзи билан ўзи дуранг ўйнайди, бошқа болалар эса пулни жойига солиб қўйиб, комиксли китобларини олади. Қўнолмай осмонда айланиб юрган кўринмас самолётлар бошқа аэропортларга жўнатилмоқда. Авиакомпания ходимлари туман тарқамаётгани учун самолётга чиқиш яна бир соат кечиктирилганини эълон қилди. Эрталаб нархни кўтариб қўймагани учун китоб дўкони сотувчисининг ичини ит тирнарди.

Энди йўловчилар чиқиш дарвозасига ёпирилди. Танг аҳвол — хотин ҳомиладорлиги, ота ўлим тўшагида ётгани, мушук касаллиги, собиқ эр устидан судга даъво аризаси берилаётгани — бир-бир айтилади, авиакомпания ходимлари ҳаммасини тушунишини, лекин таассуф билдиришдан ўзга иложи йўқлигини маълум қилади.

Шоир, Стокҳолм бандаргоҳида бақлажон чириб кетяпти, деган тупук аралаш қичқириқдан уйғониб кетди, юзини тирнади ва «Идуна!» деб бақирди. Ҳисобчи ўзини чет олди. Шоир чиқинди идишидан бошқотирмани излаб топиб, қайтиб олди-да, унга сўз ёзиб қўйди.

Музи тугаб қолган бар хизматчилари қўлсочиги тугаётган бошқа бар хизматчилари билан музокара қиларди. Телевизорлар ларзага келиб, чарақлаб кетди: аэропорт ташқарисида аллақандай кимёвий модда оқиб кетибди. Журналистнинг айтишича, ҳайдовчи туман сабабли чиқиш йўлини тополмай қолибди; такси сирпанибди, автобус йўлдан чиқиб кетибди, юк машинаси фалокатга учрабди, ҳозир бош йўлакдан ҳеч кимнинг ташқари чиқишига ҳам, ичкари киришига ҳам рухсат йўқ эмиш.

Одамлар сабрли ва сабрсиз йўловчилар гуруҳига бўлинади. Ҳисобчи билан шоир на сабрлилар ва сабрсизлар

қаторига кирди, бақир-чақир бошланиши билан ўзларини ўқиётганга солди.

Радиокарнай аэропортдан ташқарига кетмоқчи бўлган кишилар «Ф» терминалида жойлашган юк бўлмаси эшигидан чиқариб юборилишини эълон қилди. Бошқа йўловчилар нима қилиш кераклигини муҳокама этади. Туман аэропорт биноси ташини қоплаб олган. Гондураслик аёл ҳаммага табассум улашарди. Ҳисобчи шоирдан, нега баъзи терминаллар рақам, баъзилари эса ҳарфлар билан номланади, деб сўради.

— Манама, — деди шоир.

— Узр, тушунмадим.

— Манама. Олтита ҳарф, «М» ҳарфи билан бошланади. Ҳа, бу фақат «Манама» бўлиши мумкин.

Ганалик қиз керишди, уни қуршаб турган ҳаво ғинғиллаган товушларга тўлди. Тун яқинлашмоқда, авиакомпания ходимлари тунашга жой топиб бера олмаслигини, шаҳардаги меҳмонхоналарда жой йўқлигини айтди. Бирорта ҳам йўловчи бу гапга ишонмади. Шовқин кучайди, шу ерликлар, шу ерлик бўлмаган, аммо умидвор анча-мунча кишилар кетишга шайланди.

Кафеда сут кукуни, ресторанда эса пишлоқ етмай қолди. Авиакомпания ходимлари ҳеч қаерга кетмаётган йўловчиларга бепул маниока печенъеси билан қизил чой берилишини эълон қилди. Болалар ўзида йўқ хурсанд. Шоир авиакомпания ходимларидан, маниока хамирга қўшилишидан олдин унинг томирларидаги цианид қолдиқлари йўқ қилинганми, деб сўради ва гапига тасдиқ жавобини олди. Ташқаридаги туман тўсиб қўйган самолётдан ёстиқчаю адёл олиб келинди. Болалар ерга чўзилди. Ота-оналар пальтоларига ўраниб олди. Ганалик қиз туманга тикилди, хаёлидан, собиқ эрим мени Берекумдан олиб кетишига

неча кун керак бўлар экан, деган гап ўтди. Барларда сарриёғ ҳам тугаяпти, фаррошлар ухлаётганлару уларнинг юкларини оралаб, супур-сидир қилиб юрибди.

Шоир ҳисобчини тирсаги билан туртиб, мўғул болакайнинг сумкасидан чиқиб турган шахмат тахтасини кўрсатди. Орадан тўрт соат ўтгач, ҳисобчи 9–7 ҳисоби билан энгди, гондураслик кампир, мен ҳам ўйнасам майлими, деб сўради. У кейинги 12 та ўйиннинг ҳаммасида ютди ва сахар чоги шахмат донасини сураётди, ухлаб қолди.

Ҳисобчи тахтани болакайнинг сумкасига солиб қўйди. Бошқа йўловчилар ётган жойида қимирлади ва чўзилди. Кеча аэропортда қолиб кетмаганидан хурсанд шу ерликлар юзида табассум, шу ерлик бўлмаган бемажол кишилар эса у таксидан тушиб, бунисига миниб юрганию юк бўлмаси эшигидан кутиш залигача узоқ йўл босиб келгани тўғрисида уйдирмалар тўқиганча оёқларини судраб кириб келарди.

Болалар ҳиқиллаб йиғлайди. Авиакомпания ходимлари суюққина қаҳва билан қотиб қолган кулча келтирди ва йўловчилар бугун албатта учиб кетишига, бунинг учун соат эмас, дақиқалар қолганига ваъда берди. Туман ҳалиям қалин, ҳалиям кулранг, ҳалиям тарқай демайди. Телевизорлар оқиб кетган кимёвий модда ювиб тозаланаёзганини, яна аэропортга олиб келадиган йўлда уловлар ҳаракатига рухсат берилишини хабар қилди.

Йўловчилар эса кутади. Барларнинг ҳаммасида коньяк билан селдерй таёқчалари соб бўлди. Ҳисобчи солиқ солинмайдиган товарлар дўконига кетаётган ганалик қизга эргашди, унинг маросим ханжарларини томоша қилишига қараб турди, қисман маймун, қисман сассиққўзан, қисман какликка ўхшаш, ҳамма яхши кўрадиган маҳаллий уй ҳайвони ҳайкалчаси бор калит занжирини харид қилди.

Радиокарнай қисқагина хуштак чалди. Телевизорлар шаҳарга тарқалаётган вабо эпидемияси ҳақида бақир-чақиру ваҳима қилди, авиакомпания ходимлари эса ҳеч ким ҳеч қаерга жилмаслиги кераклигини уқтирди. Йўловчилар қайта гуруҳланди: шу ерликлар муҳожирларга қарши. Гигиена баҳона «сен-мен»га борилди, муштлар кўтарилди, лекин мўлжалига етиб бормади.

Болаларнинг бу билан иши йўқ, ўриндиқлар оралиғидаги йўлакда қувлашмачоқ ўйнайди, биттаси сумкани тепади. Иккала бола ҳам, сумка ҳам шу ерликларники, лекин улар шаҳарнинг икки чеккасидан, энди гуруҳлар муҳожирлар миллатига қараб, шу ерликлар эса мавзеси, бинобарин, синфига қараб, кичик гуруҳларга бўлинди. Ҳар бир кичик гуруҳ ўзи билан ўзи бўлиб қолди, сўнгра кўпроқ жой эгаллаш учун яна бир-икки кишини ўз қаторига қўшиб олди, на канадалик ва на болгар бирор кичик гуруҳга қўшилди, иккови ҳам тирсакларини тирсакқўйгичга маҳкам тираганча бошини ҳам қилиб ўтирибди.

Яна қичқириқлар пайдо бўлди: баъзилар кикбоксингга, кимдир таэквондога тушган. Бельгияликлар биринчи бўлиб вақтни тангликни бартараф қилиш билан ўтказиш ғоясини ўртага ташлади: қурултойдан сўнг томоша қизигандан қизиди. Кўзлар ола-кула бўлиб кетди, лекин ундан кейин айтилган фикрлар баттар бўлса бўлдики, беҳтар бўлмади. Делегатликка номзодлар кўрсатилди, улар китоб дўконида йиғилиб, киши бошига тўғри келадиган квадрат ярдни¹ аниқлаш, ёпишқоқ лентада белгилаб чиқилган жойлардан чегара тортиш бўйича келишув тайёрлади. Журналлар ўғирланди, китоб дўкони сотувчиси нима қилишини билмай дағ-даг титрарди.

1 Ярд — инглиз ўлчов бирлиги, 91,4 сантиметр.

Ажойиб томоша: ўрта синфга мансуб шу ерликлар ҳайкални бир томонга судрайди, ҳар бир кичик гуруҳ упа-элик, кийим-кечак ва маслаҳатларини бир жойга йиғади. Аёллар ҳожатхонада ўзига оро беради, кўзгу, бурчак ва чироқ таллашиб бири-бирини юмдалайди. Қўлга илинган нарсадан белбоғ боғлашлар, швед судьялари ва итальян миллатига мансуб маросим бошқарувчи, ганалик қиз сотиб олган мўл-кўл совға-салом оммани гангитиб қўйди, келишувларга путур етказди, ҳатто венесуэлаликларни ҳам норози қилди.

Тушлик ҳам дабдала бўлди: нарх-наво уч баробар ошиб кетган, дудланган чўчка эти отлиққа ҳам йўқ. Шундан сўнг болалар сумкаларидан ўйинчоқларини чиқарди. Ўғил болаларнинг пластик аскарлари, қиз болаларнинг эса Барби қўғирчоқлари бор — биргалашиб уруш-уруш ўйнайди. Баланд ва ингичка пошналар пойабзал кийиб олган қўғирчоқлар аскарлардан ўн баробар катта, улар босиб ўтган жойларда жасаду вайронагарчиликлар қолади.

Бир нарса сийраклаша бошлаган, ола-қуроқ, аммо ҳалиям кўтарилишига биров ишонмаётган туманни нимадир ёриб ўтгандай бўлди. Радиокарнай самолёт тез орада парвоз қилишини эълон қилди. Учувчи экипаж аъзолари билан кутиш залига кириб келди, ҳавони олқишлар тутиб кетди.

Журналлар жойланган сумкалар қўлга олинди, ҳамма бир-бирининг қўлини сиқди ва навбатга тизилди. Навбат сафи чўзилгандан чўзилди, лекин ҳеч ким унинг олдига суқилмади. Саф ёй ҳосил қилиб, яна тўғри бўлди. Самолётга чиқиладиган эшик бир очилиб ёпилди.

Ўзига тўқ ўрта синфга мансуб шу ерлик бола деразани имлаб кўрсатди. Туман қуюқлашиб, атроф қоронғилашди.

Учувчи билан экипаж аъзолари яна кутиш залидан чиқиб кета туриб, на «ҳа», на «йўқ» маъносида бош ир-

гади. Радиокарнай учиш бир оз кечиктирилганини эълон қилди. Кичик гуруҳлар қўлтиғидан тарвузи тушган кўйи жойларига қайтди. Болалар бир-бирини туртиб, йиғлашга тушди. Шу тариқа, бир соат, яна бир соат ва яна бир соат ўтди. Китоб дўкони сотувчиси юмшоқ муқовали китобларини текислаб қўйди. Туман бир бостириб келади, бир тўхтайди, яна бостириб келади. Мўғул болакай ҳисобчининг олдига келиб, портфелингизда нима бор, деб сўради, катта бўлсам ҳисобчи ёки матадор¹ бўлмоқчиман, деди, сўнгра уни онаси чақириб қолди ва югуриб кетди.

Гондураслик кампир чапиллатиб овқат чайнаб, хўрсинади ва ўзи ютган томошани қўмсайди, уни томоша деб ҳам бўлмайди, лекин қойилмақом, ҳа-ҳа, қойилмақом бўлган эди; у одамларга қўл силкиб қўяди, [арвоҳи] қўллаб тургани учун отасига раҳмат айтади, шоир ҳисобчи томон бурилди.

— Хабарингиз бормиди?

— Йўқ.

— Шунчаки сўраган эдим.

— Нима фарқи бор? Жавоби — йўқ.

Болгариялик елка қисди, Афғонистоннинг энг узун дарёси номи топилмайди, шу яқин атрофда нимадир портлади; болалар йиқилиб тушди, ота-оналар суринди, кутиш залининг деразалари ёрилиб кетди, шифт кошинлари ҳавода чирпирак бўлиб айланди, кутиш залининг четига чанг ёғилди, чироқ ўчиб қолди, телевизор экранлари қорайди, бақир-чақир дод-вой бошланди, қўллар бўйину кўзларни тирнади.

¹ Матадор (испанча) — коррида чоғида буқага сўнгни найзани санчувчи киши.

Генераторлар гувиллаб, бир маромда ишга тушиб, яна ҳамма жой ёруғ бўлгач, йўловчилар тинчланди.

Радиокарнай овози қўриқчилар ва фаррошлардан со-дир бўлган воқеа ҳақида ўз иш жойларига зудлик билан хабар беришни илтимос қилди. Авиакомпания ходимлари шу яқин атрофда югуриб юрибди. Йўловчилар варанглаб, живирлаб турган телевизорлар атрофига йиғилди. Кутиб-кутиб, чарчашгач, бош вестибюлга кичик метеорит келиб урилди, деган хабар эълон қилинди.

Ишониш қийин, аммо тасвирни ҳеч ким инкор қила олмайди-ку. Делегатлар самолётга чиқиладиган эшик ол-дида учрашди-ю, гапни бир жойга қўя олмади. Болалар бир-бирини тепа кетди. Ресторанларда салат тугаяпти.

Авиакомпания ходимлари йўловчиларни ваҳима қи-лишга асос йўқлиги, ўлганлар билан ярадорларнинг сони аниқ эмаслиги, «Д» қанотга жиддий зарар етмагани, учиш йўлагига ҳам, назорат минорасига ҳам ҳеч қандай зарар етмагани, гап фақат туман тарқашию учоқлар учишида қолганига ишонтиришга уринди.

Йўловчилар метеорит билан шикаст етган жойни кўриш учун ташқарига чиқди, аммо қуролланган қўриқчиларга дуч келгач, майда гуруҳларга бўлиниб, ортига қайтишга мажбур бўлди. Гондураслик кампир шимининг почасидан тўққиз кўзу йигирма икки оёқли фуксия¹ қўнғизи ўрмалаб чиқиб келаётганини кўрди ва онасининг гулзорини эслаб кетди. У қўнғизни мушти билан эзиб ўлдирди. Барларда коктейл аралаштирадиган таёқчалар, кейинчалик эса ақл бовар қилмайдиган тарзда жин² соб бўлади.

1 Фуксия — ёрқин қизил гулли декоратив ўсимлик. Табиий ҳолда Жанубий Америка, Янги Зеландия ва Таитида ўсади. Кўп турлари боғ ва хонада ўсти-рилади.

2 Жин — кучли спиртли ичимлик. Қора арча мевасидан тайёрланади.

Туман эшилиб буралади. Хожатхоналар ифлосланган, ахлат қутилари тўлиб-тошган. Қоронғилик чўқади, генераторлар тақир-туқир қилиб ўчиб қолади, авиакомпания ходимлари бошқа адеъл қолмагани учун узр сўрайди. Кичик гуруҳлар ўз-ўзича йиғилади. Ганалик қиз залда ноғоралар гумбурлатиб чалинишини орзу қилади, ҳисобчи эса жонжаҳди билан нотўғри ҳисобланган салбий амортизация жадвалига боғлиқ танг аҳволдан чиқишга интилади.

Тонгда ҳам электр келмади, кичик гуруҳлар сўкиниб, у ёқдан-бу ёққа юарди. Ўғрининг уйи куйсин деган ким, журнал йўқотган ким, пулидан айрилгани ким. Туман бир сийраклашиб, қуюқлашди, ёпишқоқ ленталар билан белгилаб қўйилган чегараларда номақбул аломату хавотирли нигоҳ излари бор.

Шу ерлик делегатлар чўзинчоқ кўлмакнинг олдида йиғилиб, ҳаммаси жонига теккани учун уйига кетмоқчи эканини, керак бўлса, эшикни бузиб чиқиб, қатрон билан қопланган майдончани кесиб ўтиб, девордан ошиш билан эркинликка чиқиш нияти борлигини айтди. Авиакомпания ходимлари, ҳадемай самолёт жўнаб қолади, деб туриб олди. Шу ерликлар нарсаларини йиғиштирди. Авиакомпания ходимлари самолётга чиқариладиган эшик олдига турди. Шу ерликлар уларни четга итаради-ю, бирдан тайсаллаб қолди: эшик ортидаги туманда кўланкага ўхшаб ўн-ўн беш чоғлиқ қуролланган аскар саф тортиб турган экан.

Шу ерликлар авиакомпания ходимларига қарайди. Улар ҳам, бизнинг ҳам ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ, дегандай елка қисди. Шу ерликлар юklarини ерга қўяди ва яна бир жойга йиғилди. Аскарлар пўписа назари билан қаради ва ғўдайганча у ёқдан-бу ёққа юрди. Авиакомпания ходимлари бўлма бошлиғини ойна ёнига имлаб чақирди

ва нималарнидир гапирди, сўзлар яхши эшитилмади, аллақандай карантинми-эй дейишди, лекин нима сабабдан бундай гаплашилаётгани номаълум: фақат «вирус» сўзи эшитилди, лекин ундан олдин нима дейилди? ОИТСми? Коинотми?

Шу ерликларнинг газаби кўзгади. Жаҳл устида бир соат ўтди. Туман бир қаричча кўтарилди-да, яна қайтиб жойига тушади. Болгар ноутбукидаги эски шеърини қайта ўқиб чиқиб, унга бир равиш қўшишни мўлжаллайди, бельгияликларнинг фикри-хаёли олимпиадада.

Голландлар, бўлди, етар, дейди. Шундан бошқа тузукроқ фикр айтилмади. Судьялар тайинланган, ҳеч бир кичик гуруҳга қўшилмаган йўловчилар янги ташкил этилган «Бошқаси»га кирди. Унинг дастури саудияликлар сотиб олган қоғоз-қаламда тузилди; америкаликларнинг бейсбол, россияликларнинг волейбол, хитойликларнинг эса стол тенниси ўйнагиси келарди, ҳаммаси хафа. Юқори-қуйи-ўрта синфга мансуб шу ерликлар болалар от ўйин ўйнаши учун ота-оналарини минсин деган таклифни ўртага ташлайди. Синхрон сузиш синхрон юриш билан алмаштирилди; сув полоси гилам полосига айланди, камондан ўқ отишнинг ўрнини эса қоғоздан ясалган коптокни узоқ масофадан чиқинди челагига ташлаш эгаллади. Норвегияликлар бойкот қиламиз, деб дўқ урмаслиги учун қишки ўйинлар ўйналмади; аравачалардаги болалар бобслейчилар деб аталди, кёрлингга юксак мавқе ва вақт ажратилди.

Кёрлинг тоши сирпанадиган йўлак чизиқлари бўрда чизилди, йўлакни тозалаб борадиган чўтка ҳожатхоналардан олинди, ғилдиракли сумкалар тош вазифасини ўтади, шотланд аравачасининг болгаси олтин медаль олиш учун икки марта бошқа кёрлинг тошини уриб, ғалаба қозониш

анжоми бўлди. Навбат соябонлар масаласи — қиличбозликка келди; сўнгра юк аравалари ва полтаёқ ёрдамида эшкак эшилди, австралияча тўрт кишилик академик эшкак эшишга эса гал етмади.

Мўғул болакайнинг отаси йўртиб юришнинг сўнги дақиқасида хатога йўл қўйган пайтда чилилик бола от мишиш мусобақасида ютиб чиқади. Кенияликлар, албатта марафон — соатлаб айланиб югуришда, кубаликлар эса боксда ютиб чиқди. Турк билан юнон дзюдо бўйича ягона бўлган ярим ўрта вазнда кураш тушди: юнон рақибни белдан ошириб ташлаш, қўл билан бўйнидан, оёқлари билан белидан бўғиш, бути орасига кириб елкадан ошириб йиқитишнинг ҳадисини олган бўлса, турк бўксадан ошириб, рақибни ерга йиқитиб олиб, бўйнидан қучоқлаб олганча елкасини ерга теккизиб ушлаб туриш, белдан ошириб йиқитиш ва оёқдан чалиб итариб йиқитиш санъатини эгаллаб, ғалаба қозонди ва Кипр масаласи ҳал бўлди, деб эълон қилди.

Латвияликларга допинг истеъмол қилди, нигерияликларга эса пора олди, деган айб қўйилди. Суринамлик тенор бадий гимнастика гуллаб-яшнаб кетар даражада қўшиқ қуйлади. Бир оз таэквондо ҳам тушилди, қуйи-юқориюқори синфга мансуб шу ерликлар ҳаммани ҳайрон, корейсларни эса хафа қилди.

Канадалик, болгар, яна қаердан эканини айтгиси келмаётган беш нафар довурак жувон, православ христиан украиналик ва покистонлик ҳуқуқшунос — «Бошқаси» гуруҳининг аъзолари. Улар ҳар доим тўртинчи бўлиб келади. Канадалик тўсиқлардан чаққон ошиб ўта олмагани учун узр сўрайди, гуруҳдошлари, хафа бўлманг, қўлингиздан келганини қилдингиз, дейди ва шу гапига ўзлари ҳам ишонади.

Ганалик қиз унга узоққа сакраш қумлоғидан ҳавойи ўпич йўллади, туман эса олақуроқ бўлиб, ўзини у ёқдан бу ёққа ташлайди. Мусобақа тун ярмидан оққунча давом этди. Тақдирлаш маросими енгил, аммо муносиб тарзда ўтказилди, солиқ олмайдиган дўконлар медаль ўрнига берган зар қоғозга ўралган шоколадли тангалар хира ёруғликда зўрға йилтиллади. «Бошқаси» аъзолари иштирокчилар тасмасига эга бўлганидан хурсанд. Авиакомпания аъзолари «19-А»ни аэропортнинг мутлақо зарар кўрмаган зали деб эълон қилди. Ҳаммага қизил чой тортилсин!

Лекин эртасига эрталаб олимпиададан сўнгги ланжлик бошланди. Беш нафар аёл бундан буён «Бошқаси» деб ном олган гуруҳга аъзо эмаслигини, бугунги кунда, бу асрда бундай яккамоҳовликка тоқат қила олмаслигини маълум қилди. Уларнинг гапига ҳеч ким қулоқ солмади. Ресторан ва барларда егулик-ичгулик қолмади ҳисоб; парвоз чоғида тановул қилиниши керак бўлган таомлар қатрон билан қопланган майдончада турган самолётнинг ўзида иситилди-да, олиб келиниб, тарқатилди. Эр-хотинлар бир-бирига шикоят қилди, бир-бирини алдади. Ота-оналар кўпинча — лекин ҳамиша ҳам эмас — ўз фарзандларини урди. Гондураслик кампир хохолаб кулди. Ҳалиям электр келмайди, ҳалиям туман кўтарилмайди.

Ҳисобчи ўрнидан туриб, ганалик қизнинг ёнидан ўтади-да, деразадан ташқари қарайди. Ганалик қиз куларди. Ҳисобчи унинг кулгиси дарз кетган ойнада акс этганини кўриб, ортига қайрилади-да, қизни гапга солади.

Улар шу кутишгача бир-бирини танимаган Янги гвинеялик киши билан гвинея-бисаулик аёлни, ҳозир уларни никоҳлаб қўяётган украиналик руҳоний, саккиз йил бирга яшашига қарамасдан беҳуда тортишиб, ўзаро нафратини яширмаётган мадридлик киши ва варшавалик аёл ҳамда

уларнинг ажрашиши учун керакли қозғаларни тайёрлаётган покистонлик ҳуқуқшунос ҳақида гаплашарди. Улар аскарлар, ҳайкал, метеорит ва туман ҳақида суҳбатлашарди. Лекин ҳеч бири на ҳозир душманга ҳужум қилаётган саркарда собиқ эридан ва на ортопед билан дон олишиб юрган собиқ хотинидан гап очарди.

Боливиялик жувоннинг китоб дўконида кўзи ёриди, сотувчининг ўзи унга доялик қилди, айна пайтда ҳожатхонада қозоқ бобойни миттигина кўк илон чақиб олди, шу ерлик киши уни қора илоннинг бир тури деса, бошқаси япалоқ бошли заҳарли илоннинг бир тури дейди. Қора илон ёки япалоқ бошли заҳарли илон кошин орасидаги ёриққа кириб кетди, қозоқ бобой ўлиб қолди ва улкан гултувакка дафн қилинди. Тун жуда узоқ чўзилди. Руҳоний ҳисобчи билан сиёҳли ручка эвазига жойини алмаштиришга рози бўлди. Ҳисобчи қизнинг елкасига қўлини қўйди ва унинг нариги елкасида ҳар хил чандиқлар борлигини пайпаслаб кўриб, ҳайрон бўлди, улар бирга ўтириб, уйқуга кетди ва хуррак ота бошлади.

Эртасига эрталаб яна суҳбат учун мавзу тайёр: масалан, кубаликлар. Улар нимадир қилмоқчи, ҳали тонг отмасиданоқ бир жойга йиғилиб, шивирлаша кетди. Яна бир-бири билан кичик гуруҳларга йиғилиб олиб, шивир-шивир қилмоқда. Ниҳоят, улардан бири ҳисобчи билан ганалик қиз ўтирган жойга келди.

— Вақт бўлди, — дея шипшиди, тахминан, тўққиз ёшлардаги озғин кубалик болакай.

— Ниманинг вақти бўлди? — деди ҳисобчи.

— Чиқиш вақти.

— Қаерга чиқиш?

— Самолётга чиқиш.

— Нима учун?

— Амаким — тажрибали учувчи. Холаваччам — тажрибали стюардесса. Самолётда ўзимиз учиб кетмоқчимиз.

— Самолётнинг ёнилғиси бор-йўқлигини қаердан биламиз? Механика билан боғлиқ муаммо чиқиб қолса-чи? Учиш вақтида қийинчиликлар бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрдингизларми?

— Ҳаммаси эътиборга олинди. Аммам — самолёт бўйича тажрибали мутахассис. Акам — кўп ўқиган файласуф, лекин ёнилғи қуйиш шохобчасида ишлаган.

— Карантин нима бўлади?

— У бизни қизиқтирмайди.

— Аскарлар-чи?

— Улар аҳдимиздан қайтмаслигимизни кўрса, йўлимизга тўғаноқ бўлмайди.

— Тўғаноқ бўлса-чи?

— Яхши иш бўлмайди. Ёмон иш бўлади. Бир нарса қурбон қилинмаса, бир иш қилиб бўлмайди. Бизга қўшилишингиз шарт эмас. Қўшилинг, деётганимиз йўқ. Қўшилсангиз, марҳамат. Хўп десангиз, қўшилишингиз мумкин, Лекин қўшилмасангиз ҳам майли. Ўзларингиз биласизлар.

Ганалик қиз ўрнидан турди, ҳисобчи унинг биллагидан тутди ва «йўқ» ишорасини қилиб бош ирғади. У жойига қайтиб ўтирди ва кубаликларга қўшилган йўловчиларни кузатди: ҳеч бирининг фарзанди йўқ, ҳаммаси медаль олган, ромб шаклидаги норозилар тўдаси. Шу ерликлар ҳам ромб ҳосил қилишди: бутунлай бўлакча ва чоғроқ ромб; улар кубаликларнинг норозилигидан фойдаланиб, режа қилинганидай, қатрон билан қопланган майдончадан ўтиб, ҳар қандай девордан ошиб қочмоқчига ўхшарди.

Аскарларнинг юз ифодаси туманда яхши кўринмасди. Йирикроқ тўда самолётга чиқиладиган эшик томон силжиди. Авиакомпания ходимлари уларни бу йўлдан қайта-

ришга ҳаракат қилиб, қизил, пушти-нафармон, ҳатто ноёб сариқ-яшил чойни тўкин қилишга ваъда берди, фақат кубаликлар билан фарзандсиз медал олганлар бир оз сабр қилса бўлгани.

Улкан тўда бақир-чақир қилиб, айблашга тушди, кичик гуруҳ орқадан пусиб келди, самолётга чиқиш эшиги бузилди, туманни бақир-чақиру чақмоқ тутиб кетди, бир тасаввур қилинг, баъзи аскарларнинг силласи қуриган, бошқалари ерга ётиб олиб, ўқ отяпти, қочган ким, йиқилган ким, ўлим шарпаси кезарди. Ўрмалаган, жойидан турган ва яна қочган ким.

Яна бир шовқин — реактив моторлар шовқини пайдо бўлди. Уч-тўртта кубалик билан уч-тўртта фарзандсиз медаль эгаси самолётни ўт олдирган бўлса керак! Ҳисобчи билан ганалик қиз бир-бирини қучоқлаб, қўрқоқлигидан уялиб йиғлади, лекин улар голиб чиққанларни кўриб, ҳаяжонга тушишди.

Моторларнинг товуши узоқлаша бошлади, албатта, самолёт учиб йўлаги томон кетмоқда. Шовқин тобора кучая борди, учоқ ҳавога кўтарилган бўлса керак, сўнгра метеоритнинг гумбурлашига ўхшаш портлаш овози қулоқларни батанг қилди, портлаш оловининг ёруғи бир лаҳза ҳаммаёқни ёритиб юборди ва ўша ёруғда самолёт назорат минорасини бориб урилганини кўриш мумкин бўлди.

Ҳисобчи билан ганалик қиз яна бир-бирини қучиб, йиғлайди, лекин эндиги йиғисида на ҳаяжон ва на надомат бор. Улар бир-бирини тили калимага келмай ушлаб турарди, бошқаларнинг қичқириқлари, дод-войлари атрофни тутди, мўғул болакай эса яшириниб олган ўриндик остидан уларга тикилди.

Бир лаҳзага ҳамма кўзлар юмилди. Очилганда авиакомпания ходимлари эшик тузатаётган, ойнадан таш-

қарида яна аскарларнинг қораси кўриниб қолган, лекин улар жуда кам ва пароканда эди. Қолган кичик гуруҳлар жой-жойига қайтиб келиб, ҳудудини кенгайтириб, ҳар бир йўловчига иккитадан ўриндиқ талаб қила бошлади.

На қаҳвахона, на бирор ресторанда егулик ёки ичимлик қолади, қолган делегатлар йиғилиб, ўзаро келишиб олди-да, солиқсиз моллар дўконини ўмара бошлади. Ўлжа: шоколад, шампан виноси ва сигарет ҳаммага тенг бўлинди. Туман яна қуюқлашди. Шоир ноутбукини олиб, узундан-узоқ ёза бошлади, гондураслик кампир ўзи томон эгилганини кўриб, ёзувини қўли билан яширди, авиакомпания ходимлари хушxabарни эълон қилди: кубаликлар билан медаль олган кишилар бошқа самолётда учмоқчи бўлибди, қолган йўловчилар туман кўтарилиб, электр қуввати узатиш тикланиб, карантин ниҳоясига етиб, назорат минораси тикланиши биланоқ учиб кетар экан.

Қутиш залидаги аёлларнинг бари бирдан ой кўради, тампон бир шиша, кейин икки шиша, сўнгра эса бир қути шампан нархига чиқиб кетди. Ҳар бир кичик гуруҳга мансуб эркаклар бир жойга тўдалашиб, худкушликни муҳокама қилади. Совуқ жондан ўта бошлади, қоронғи тушиши билан ошиқча ўриндиқлар ўтин қилинди. Китоб дўконигадаги жавонлар ёқиш учун майда бўлакларга бўлинди, сотувчи дастлаб қаршилиқ кўрсатди, лекин дўкон суғурта қилингани эсига тушиб, четга чиқиб турди. Ҳар бир гулхан секин ёнди, лекин эрталаб ўғирлик содир бўлгани — «Малборо» билан «Рентс» йўқолгани тўғрисида даъволар кўзгалди.

Тарвузи қўлтиғидан тушган делегатлар учрашди, бельгиялик имло бўйича танлов ўтказишни таклиф қилди, лекин ўлгудай калтакланди. Ганалик қиз канадаликка бундай вазиятга тушиб кўрганини, аҳвол ҳадемай бундан

ҳам баттар бўлишини, одатда бунақа нарсалар яхшилик билан тугамаслигини айтди. Қиз канадалиқдан, қўлингиздан бирор фойдали иш келадими, деб сўради.

— Мен қарз мажбуриятининг молиявий битимлар тузишга таъсирини таҳлил қилиш бўйича катта мутахассисман.

— Бошқа иш ҳам қўлингиздан келадими?

— «Ҳаво шари», яъни қарз тўловлари борган сари кўнаиб боришига зарур тайёргарликни кўриб қўйганим учун ҳам машҳур бўлганман.

Шундан сўнг нариги йўлакда юнон туркни «қўшув-ноль» ўйинида енгди ва Кипр масаласи қайтадан кун тартибига қўйилганини эълон қилди. Турк юнонни савалади, юнон эса — туркни. Иккови икки томонга туриб олиб, бир-бирини муштлай, кикбоксинг ва тэквондо қила, чимчилай, тигиллай ва тимдалай кетди, аскарлар самолётга чиқиш эшигини тегиб ағдарди, уларга қўлига ўриндиқларнинг ёнаётган тирсакқўйгичини, «Моет е Шандон» шампан виноси шишасининг синган бўлакларини ушлаб олган йўловчилар ҳужум қиларди, ганалик қиз ҳисобчини бурчакка судраб бориб, унинг олдига кўндаланг бўлиб ётиб олди, автоматлардан ўқ отилиб, гранаталар улоқтирилди, бақир-чақир, дод-вой эшитилиб, сўнгра ўртага жимлик чўкди.

Ганалик қиз бошини кўтарди. У ҳисобчидан, соғмисиз, деб сўради, у, соғ бўлсам керак, деб жавоб берди. Иккаласи бирдан ўрнидан туради. Қиз ўнг билагидан қаттиқ яраланди, ҳисобчи ярани шарфи билан боғлади. Чанг-тўзондан бошқа қимирлаган жонзот йўқ. Улар кутиш залидан юриб ўтди, нариги чеккадаги девор ёнида бир қўлида уяли телефон, иккинчисида юмалоқ мева ушлаб турган бола ҳайкалига ҳеч нарса қилмабди, лекин стаканлар чил-чил синган, аскарлар бўғиб ўлдирилган, гиламлар йиртил-

ган, йўловчилар пичоқ еган, супургиларнинг дабдаласи чиққан, авиакомпания ходимларининг эса ичак-чавоғи бошига салла бўлган — ҳеч ким, ҳеч нарса омон қолмаган.

Ҳисобчи гондураслик кампирнинг устидан ҳатлаб ўтаётиб, суриниб кетди, унинг калласи чайқалиб кетди, у кампирнинг кўзи билан оғзини ёпиб қўйди, чап тарафидан енгил инграш эшитилди, қараса, шоирнинг кўкрагидан қон оқиб ётибди, яланг оёқлари куйиб қорайиб кетган, оёғининг ҳар бир панжаси учидан тутун чиқарди.

— Ўша айтганим шу бўлди, — деди шоир.

— Нима айтганингиз?

— Печка устида қовурилаётган кўфтанинг ҳиди.

— Лекин бу ерда ҳеч қандай кўфта йўқ-ку.

— Бор. Бўлиши керак. Бу фақат кўфта бўлиши мумкин.

Ҳисобчи шоирни қўлларига олиб, бошини силкитди, шундан сўнггина у бу шоирнинг куяётган танаси ҳиди эканини англади. У болгарга, гапингиз тўғри, ҳақиқатан ҳам бу кўфта, энг зўр қовурилган кўфта, ҳадемай уни дастурхонга тортгани официант келиб қолади, деди. Болгар бош иргаб, жон берди. Ҳисобчи уни ерга ётқизди.

Зал ёришди ва ҳар томондан ёруғлик тушди — электр қуввати пайдо бўлди. Телевизорлар миллий крикет командаси ниҳоят янги формага эга бўлганини эълон қилди. Ганалик қиз омон қолган яна бир киши — мўғул болакайни топиб олиб, сочидан шиша синиқларини тозалаб ташлади ва уни опичлаб олди.

Радиокарнайдан гапираётган киши томоғини қириб олиб, уларнинг самолёти озроқ муддатга кечиктирилганини хабар қилди. Бир-икки қаттиқ зарба овози эшитилди, мўғул болакай бир бармоғи билан кўрсатди. Ҳисобчи билан ганалик қиз ўша томонга қаради. Дераза роми ортидан аллақандай баҳайбат ва қўнғир нарса кўринди.

Улар самолётга чиқиладиган эшик томон юрарди. Кўз олдларида ердан ярим футча¹ баландликда осилиб турган ротанг пальмасидан тўқилган сават гавдаланди. Халқоб арқон иккала томонга ҳам буралди. Фақат ҳаво шарри, тепада турган улкан, юмалоқ ва сариқ зич бир нарса кўзга ташланди, улар саватнинг бир зумда ерга тушгани ва ўрнашганини кузатиб турарди.

— Сиз менга ҳаво шарлари бўйича мутахассисман деб айтувдингиз, — деди ганалик қиз.

— Менми? Йўқ, йўқ, ҳаво шарри эмас. Қарз тўловлари борган сари кўпайиб боришини айтувдим. Бу...

— Тўғри, лекин...

— Овураки.

— Майли, нима бўлса, бўлди...

— Менинг собиқ эрим.

Ҳисобчи у имлаган томонга қаради. Улар томонга дароз, қоп-қора, тишидан тирногигача қуролланган, кайфиятидан на ғазабли ва на тушкун экани билинадиган киши юриб келарди. У жасаддан бошлаб ҳайкалу китоб дўконигача тинтиб кўрди, кейин самолётга чиқиш эшигига кўз қирини ташлади.

Ганалик қиз саватга чиқиб олди-да, мўғул болани унга қўйди ва қўшгич-айиргични тусмоллаб босди. Назорат чироғи ёнди. Ганалик қиз ёрлик ёзувини ўқиди ва ёнаргини ўт олдириб, ҳисобчига қаради. Қуюқ туман ичидан кимнингдир оператор режими билан чаққонлик ўртасидаги фарқ тўғрисида бақириб гапиргани эшитилди.

Ҳисобчи саватга кирди, мўғул бола келиб унинг ёнига турди. Ганалик қиз оғир юкни саватдан чиқариб ташлади. Сават кўтарила бошлади. Ҳисобчи мўғул болага қўрқин-

¹ Фут (инглизча) — узунлик ўлчов бирлиги, 30,48 см. — Тарж.

чли жойи йўқлигини айтиб, иссиқлик ўлчагичи, баландлик ўлчагичи, тепага кўтарилиш тезлигини ўлчагични уриб қўйди-да, улар нимани кўрсатиши билан қизиқди ва унчалик муҳим нарсалар бўлмаса керак, деб умид қилди.

Эшикдан саркарда кўринди. Ҳисобчи арқонлар орасида тебранарди. Саркарда бақирди, йиқилди, ўтинди. Ҳавони кўфта ҳиди тутиб кетди. Сават совуқ ва нам кулранг бўшлиққа кўтарилди, саркарда эса йиғлади, нишонга олди, ўт очди, ўқи хато кетди — бу ҳаракатларининг ҳаммаси ўзига ярашарди.

НАТИЖАЛАР ВА ТААССУРОТЛАР

Унга биринчи назар ташлаганимда кўрганим якка кичик кўкрак эди. Рентген экранида ялт этиб кўринди. Контраст ёритилган. Шунчаки ишора, кўкрак суяги қаршисида ёғли тўқима бўртиғи. Ёнида — унинг эгизи. Барча аёллар кўкраги каби асимметрик. Хаяжон ҳосил қилишдан анча йироқ.

Странински, Алисия: илк кўрганимда исмини худди шу шаклда кўрдим, компьютерлашган тиббий карта устидаги ёрликда. Бу исм қиймани йўғон бармоқлари билан хамирга ўраб пирог тайёрлаётган поляк бувимни, свитеридан Болтиқ денгизининг анқиб турадиган ҳидини, «*Hej, góralko, nie bijicie siij. Ma góralka dwa warkocze podziekicie siij*», деб хиргойи қилиб сонларини қимирлатишини ёдимга келтирди.

Мен билиб олган бошқа ахборот: Ёши 32 да; турмуш қурмаган; илгари кўкраги безовта қилмаган; болалари йўқ; пенициллинга аллергияси бор.

Кўрганим: туз йиғилаётганини билдирадиган оддий чизиқлар.

Яна кўрганларим: Юқоридаги микрокальцификация массасининг шундай ортида оқ масса ҳосил қила бошлаган бир нарса. Зичлиги нотекис, ўнг кўкракнинг чап чорагида.

Саратон тўғрисида: Шу сўзни айтинг, ўша заҳоти одамлар тасодифан, қандайдир сир тўғрисида сўзлай бошлайдилар. Асосан у қандай пайдо бўлиши тўғрисида тахмин юритилади. Аммо киши унга йўлиқса, беморлик қандай ривожланиб боришини айтиб бериш соҳа мутахассисларининг важ-корсонларига қарамай, мўъжизали тузалиб кетиш тўғрисидаги ҳикояларга қарамай, аниқ фан соҳасига киради. Ҳатто мен ҳам рентгенолог бўла туриб, ким ўнгланиб кетади-ю, ким ҳаётдан кўз юмади, айта оламан, шунинг учун бемор тобора кучсизланиб бориши ва сўнг поликлиникага келмай қўйиши ажабланарли ҳол эмас.

Нималарда адашганман: уч йил илгари врачлар ўзи билан гўрга олиб кетсин, деб қолдирган сон суягидаги катта ўсимта туфайли қадамлари кичрайган, ҳар олти ойда келадиغان саксон икки ёшли Иккинчи жаҳон уруши фахрийсининг ҳамон тириклиги мени ҳайратга солади. Бошқа томондан, болдирининг ўзидаги мушак бошқаларнинг оёғида бўладиганидан кўп ўн олти яшар футбол ўйинчиси бўлган қиз. Уни ўткир лимфобластик лейкомиядан ҳам бирон ери зарарланмай тузалиб кетадиган соғлом болалар қаторига қўшса бўларди. Ҳамжиҳатлик юзасидан барчасининг сочи қирилган бир тўда дўстлари билан бир неча ойда бир марта келиб кетарди. Улар хонага деярли югуриб киришарди, улар учун ўлим ҳатто касалхонанинг ертўласидан ҳам йироқ бир нарса эди. Бироқ бир йилдан кам муддатда суякларидаги шилимшиқ нарса бошига йўл топди, мияси шиша бошлади, юрганда чайқаладиган бўлди, аввал таёқ тутди, сўнг ходуюкка ўтди, ҳатто ходуюкнинг тўрт оёғи титроқ қўллари учун етарли даражада мустаҳкам бўлмагандек эди. Онаси кўрик кунини белгилаш учун қўнғироқ қилмай

қўйди, бир йил ўтганда унинг врачига қўнғироқ қилдирдим ва ҳужжатлар жилдини «ҚАЗО ҚИЛГАНЛАР» деб белгиланган жавонлардан бирига олиб қўйдирдим.

Рентгенолог нима қилади: Ник, етти яшар ўғлим, вақти-вақти билан шуни тушунтириб беришимни сўрайди. Касал одамларнинг суратларини кўраман, дейман унга. Бир марталиклари бўлади: суяк синган, чиққан, эти узилган, зотилжам билан оғриган кўкрак рентгени. Аммо кўпинча мен безарар ўсма, тўқималар зарарланишини ва саратонни қидираман. Ташхисни тасдиқлаш мақсадида биопсия тавсия қиламан. Тўқималар зичлигининг кўринишларига қарайман. Рентгенологнинг маҳорати зарарсиз нарса ва нимани олиб ташлаш ёки нур билан йўқотиш кераклигини ажрата билишдан иборат.

Йиллар давомида аёлимни қунт билан текширардим, бусиз у билан ёта олмасдим. Одатдаги жойларни босиб, уч бармоғимни доирасимон ҳаракатлантирардим. Собиқ хотиним кўнгли тоза, ҳазилни тушунадиган Лилян ўз кўкрагини тутиб берарди, нозик тери остида хатарли шишларни пайпаслаб ахтараётганимда қўли билан косачадек қилиб турарди.

Ташхис қила олмаган нарсаларим: апрель ёмғирида йўлларнинг сирпанчиқлигини, «Равенс» қўшимча вақтда «Титанлар»га 17–20 ҳисоби билан ютқазганда Балтимор ҳайдовчиларининг сабрсизлигини, 95-шоссенинг Рассел кўчаси эстакадаси яқинидаги, кутилмаган, мантиқсиз бурилишини, компаниясининг соат ўн бирдаги янгиликлари учун яна бир тунги репортажни топширганидан кейин Лиляннинг кўзи чарчаганини. Чарм ўриндиққа чўкиб ўтириш, тормоз қизил чироқларининг уммони устидан назар ташлаш, хаёлининг

Никнинг учинчи туғилган кунини нишонлаш зиёфатига кетиши, зарба унинг чиройли бош чаноғини эзиб ташлаши қанчалик осон бўлган экан.

Нимага тайёр бўлишим керак эди: қайғуга, шафқатсиз бўлишига.

Бир неча ой давомида Ник кечки янгиликларда Лилиан чиқишини кутди. Лилианнинг ўрнига тайинланган — ақлни шоширадиган даражада хотинимга ўхшаган, малла сочи елкасига тушадиган аёлни кўрганида телевизорга қараб «Ойи» деб, қичқириб юборди. Кун давомида кўпинча вакуум тозалагичга ёки йиғилиб қолган кирларни машинага солишга қўл урганимда неча марталаб «Ойи», деб талаб қилар эди. Мен уни фасллар ўзгариши, илонларнинг пўст ташлаши, капалак ва қурт яшаётган ҳар бир нарса ўлим ҳукмида эканлиги тўғрисидаги суҳбатлар билан овутишга ҳаракат қилдим. Мен болани дарё томон олиб тушдим, ойисидан қолган барча нарсага «хайр» дедик ва ниҳоят болага тушунтириш мумкин бўлмай қолганда, кундан кунга кечкурун телевизорни ёқиб, виртуал онаси билан уйқуга кетишига қўйиб бердим. «Ойингга “хайр” дегин», дердим унга янгиликларнинг охиригача кўзини юммасликка ҳаракат қилганида. У калта, уйқудан кучсизланган қўли билан телекомпаниянинг Линда Жоунсига хайр ишорасини қиларди. Ёлғондакам онасини «Яхши ухлаб туринг» дей ўпганида сочлари электрдан тикка бўларди.

Балки осон йўлни танлагандирман. «Ойингга уни яхши кўришингни айт», дердим. Шунда у кун билан нималар бўлганини тушуниб бўлмас қилиб бола тилида айтиб берар, ҳар қандай йўл билан муҳаббат изҳор этар ва ҳеч қанақасига бажариб бўлмайдиган нарсаларни ваъда қилишини сўрарди.

Бир неча ой ўтгач, у бир якшанба куни эрта билан хориган овозда: «Ойим қачон уйга келадилар?» деб сўради. Кўзларига тик қарашга бор кучим билан ҳаракат қилиб: «Ойинг телевидениедан кета олмайди, ўғлим», дедим. У Лилиан учун, айниқса, яхши нарса қилганида, масалан Лилиан столга ўтиришидан анча илгари ёрмасига сут солиб берганда, ёки кафтида ярим эриган «эм-энд-эм»ни таклиф қилганида Лилиан уни эркалатган сўзлар билан атадим.

Ник Лилианни телевизор ичидан қидира бошлади. У пуштигина бармоқлари билан телевизорнинг ичини очмоқчи бўлди.

Дўстларим маслаҳат берган нарсалар: Қўй, бу нарсаларни. Айниқса уйланган дўстларим сохта ғайрат билан: «Баримиз буни қизиқтириб туришимиз керак», дейишарди. Улар менга хушомад қилардилар, ҳазрати эркак Шон, аёллар жонининг офати дердилар. Улар аёллар ички кийимини соатбай намойиш қилувчи модель билан менинг қисқа алоқамга ҳавас қилардилар. Аммо автоҳалокатдан сўнг хотинларидан огоҳроқ бўлишди.

Алоқаларга ўтиш: Бу амалга ошириб бўладиган туюларди, деярли. Аммо қайғунинг тугаши билан хушвақтликнинг бошланиши орасида аниқ чегара йўқдек кўришарди. Биринчи учрашувларда юрагим гуп-гуп уришини кутган эдим. Романтик ҳиссиётларга йўл бердим. Янги дазмолланган кўйлақлар кийдим. Атир сепдим, ичимда капалаклар қанот қоққанини сездим. Аммо Таня билан, ҳатто модель билан, вужудимни титроқ босган яқинликдан кейин, бир нарса бир сурат, тасаввур, сезгилар хотираси босиб келарди. Ник кириб келмаслиги учун Лилиан билан мен худди ўсмирлар шовқин билан қовушганда бетиқларга кўмилардик. Бунинг устига мен ҳамма вақт

орқамни оғир ўгириб олардим, Таня эса бармоқлари билан орқамни қоқиб, тушунаман, мен бировга жудолик тўғрисида гапириб беришим керак, янгидан бошлашим керак, дерди.

Алисия Странински келганида: КТ натижаларини олишга шахсан ўзи келиши мени ҳайрон қолдирди. Одатда мен натижаларни тўғри врачга юбораман. Алисиянинг бўйи ажабланарли даражада паст — атиги беш фут атрофида эканидан ҳам ҳайратландим. Аммо бундан ҳам қизиги, шунчалик ғайрат-шижоатни кўришга тайёр бўлмаган эканман. Ёноқлари қизил, бундан у доим ноқулай аҳволга тушгандек кўринса керак. У гўё ҳеч қачон болалик чоғидаги тўладан келган танасидан қаддини ростлаб чиқа олмаган кўринади. Қўл-оёқлари бақувват, дарахт чопа оладиган ёки музлатгични сура оладиган даражада гавдали бўлган кекса аёлларникидек. Ундан бироз долчинни эслатидаган ҳид келади. Миямдаги ягона фикр, кўкраги кичкина тўла аёлни кўрмаганман.

— Саволларингиз бормиди, мисс?

— Ҳа. Буни тушунтириб берсангиз.

Ҳеч бир бемор ёзган хулосам тўғрисида мени сўроққа тутмаган. Одатдаги иш тариқасида маълумот ва хулосалар қайд қилинади. Тавсия бераман, текширув таклиф қиламан. Мен ваъдалар бермайман ва ҳеч нарсани муҳокама қилмайман. Фалончига охириги палладаги мия саратони ташхиси қўйилди, деб ёзаман хулосамда. Янги нафақага чиққан эр-хотинга енгиллаштирадиган терапия тўғрисида гапириб берадиган одамлар — онкологлар. Кўзлари ёшга тўла ота-оналарга нима учун ҳозирги тиббиёт фарзандларини қутқариб қола олмаслигини тушунтириш уларга қолган.

Аммо Алисия хулосамни шундай олдимда ўқимоқда. Гарчи мен укамнинг туғилган кунини унутиб қўйсам-да, Ник билан бирга ўйнайдиган болалар ота-оналарининг исмларини кўпинча тўғри айтолмасам-да, Алисия ўқиётган сўзларнинг ҳар бирини у билан бирга айта оламан.

Натижалар: Ўнг кўкракнинг пастки чаи чорагида диаметри 5 см келадиган ёмон ўсма. Инфилтрацияли канал карциномаси, 3 даражали. Ўн уч ёрдамчи лимфа тугунларнинг иккитасида метастатик карцинома. Эмчаклар зарарланиши кузатилмайди. Иккинчи кўкракнинг нономал катталашуви белгилари йўқ.

Хулоса: 3-босқич инвазив кўкрак карциномаси.

— Яъни, бу нима дегани, — деб сўрайди Алисия. Ёноқлари аввалгидан имкони йўқ даражада иуштироқ.

— Докторингиз билан гаплашишингиз керак бўлади.

— Сиз докторсиз-ку, тўғрими? — деб сўрайди у. Мен эса буни тўғри дейман.

— Бугун жума. Мени бутун дам олиш кунлари куттирмоқчимисиз? Душанба эса байрам.

Унинг фикрига яна қўшиламан. Чехрасида нимадир бор, муайян чорасизлик, бу менга тушунтириб бўлмайдиган тарзда музқаймоғини тушириб юборган Никни эслатади. Нима учун ён босганимни яхши билмайман, аммо патология хулосасининг асосий муҳим жиҳатларини тушунтириб бердим, бунинг барчасини ҳазм қилиб олишини бир дақиқа кутдим. Чехрасида ҳеч нарса ўзгармади. Айтган нарсаси:

— Нима учун бунчалик аминсиз? Суратлардан холосми?

— Биопсиянгиздан ҳам.

— Тушуняпман. Кичик бир игна шуларни айтиб бера оладими?

— Ҳа.

— Каналларимдами?

— Кўпинча шу ердан бошланади.

— Мен ҳеч қачон кўкрак билан эмизмаганман.

— Болаларингиз борми?

— Йўқ. Аммо фикримча, бу буни истисно қилади.

— Шарт эмас. Сиз докторингиз билан гаплашингиз керак.

Бир зумдан сўнг у:

— Хўш, бу нима дегани, ахир? Энди нима бўлади, демоқчиман?

— Докторингиз билан гаплашинг. У энди нима қилишингиз кераклигини мендан яхшироқ айтиб беради.

— Тўғри. Сиздан буни сўрамаслигим керак эди. Раҳмат. Тушунтириб бердингиз, яхшилик қилдингиз.

Бир ҳафта ўтди. Алисия тўғрисида ўйламадим, аммо ҳар куни эрталаб ишга шўнғир эканман, бир нарсани кутгандек бўлардим.

Кейинги марта келганида:

— Ҳой, — деди менга Алисия, бошига сариқ парка кийиб олган аёл. Мен тушликдан қайтаётган эдим, югуришга мажбур бўлдим, чунки ёмғирпўшимни ресторанда унутгандим. — Сиз рентгенологсиз.

— Салом, — дедим мен унга таниб олишимдан аввал. Унинг ёноқлари илгаригидек қизил эди, аммо сариқ кийим кийган, у Никни ваннага тушириш учун ишлатадиган пластик ўрдакларнинг бирига ўхшарди.

— Яқинда биринчи марта нур билан даволанишга бораман, — деди у. — Сиз ҳақ эдингиз, деб ўйлайман. У еримда бир нарса бор, бу яхши хабар эмас.

— Омадингизни берсин, — дедим унга. Шунда кўп йиллар давомида тиббий таълим олган кишидан яна қандай ўринли, далда берувчи нарсани кутиш мумкин бўларди, деб ўйлаб қолдим.

— Касалхоналарга нима бало бўлган? Даволашнинг турли муолажаларини бошқа-бошқа одамлар бажарар экан. Сизни кўрарман, деб ўйлаган эдим, аммо онкологик нурлатишни бажарадиган радиолог билан учрашдим.

— Гапингиз тўғри. Ҳаммамиз бир қилиқни ўрганган маймунлармиз, шекилли.

У кулмади. Кўзимнинг қири билан бармоқлари орасидаги сигаретани илгадим.

— Биласизми, буларни ташлашингиз керак.

У менга «олинг» ишорасини қилиб, деди:

— Бундай гапларни фақат чекишни ташлаганлар айтади. Сиз мажбурият юзасидан айтяпсиз.

Бунга ҳеч нарса дея олмайман. Ёмғир томчиларининг мулойим тақ-тақини ўрнимизга ишимизни бажаришга кўйиб бердик. Нам тортган «Кэмел» тутунини тортар эканман, ўпкамни куйишдан эҳтиёт қилишга ҳаракат қилдим.

* * *

Кун охирида машина қўйиш жойидан чиқиб кетаётганимда ёмғир тугаб теварак-атроф ғира-шира эди. Алисияни бир қарашда танидим. Сариқ паркаси ғира-ширада ҳам ёрқин кўриняпти. У автобус бекатида ўтирибди, ёмғир намини тортиб олиши учун тагига тахланган газета солинган.

— Алисия, — деб чақирдим. Овоз қаердан келаётганини тушуниш учун унга бир дақиқа керак бўлди. У машинанинг очиқ ойнасини кўрди, қия боқиб тикилиб қаради. У яқинлашиб, қочиб кетиш масофасини сақлаб туриб бо-

шини мен томон энгаштирди. — Бу мен, Шин, рентгенолог. — Ўзимни бундай таништиришим ғалати бўлди.

— Салом, — деди у жойидан жилмай.

— Ёмғир ёғяпти. Қаерга кетяпсиз?

— Уйга. Морел Паркка, — жавоб берди у.

— Мен ўша тарафга кетяпман, — таклиф қилдим мен, аммо у жавоб бермади. — Хўш, истасангиз, ўтиринг.

Алисия аста машинага ўтирди, ўриндиққа маҳкам ўр-нашиб олибгина оёғини тортиб олди. Биз парковкадан сукут сақлаб чиқиб кетиб йўл ҳаракатига қўшилиб кетамиз, шундагина даволаниши тўғрисида сўраш фикри келади хаёлимга.

— Аҳволингиз яхшими?

— Айтганларидек ёмон эмас. Гарчи биринчи мартаси энг осони ҳисобланади.

— Шундай дейдилар.

Онда-сонда йўлни айтиб турганига қараб ҳайдадим, қатор турган уйлар кварталига етиб борганимда ранги ўчиб бораётган сариқ бир уйнинг олдида:

— Шу ерда, — деди. Биз олдимизга тикилиб сукут сақладик.

— Яхши уй.

— Ичкарида ҳеч нарса йўқ. Яқинда кўчиб келдим. Бироз таъмирлаш ниятим бор эди.

— Шундай ҳам жойида кўринади, — дедим мен. Томдан осилиб турган тарновнинг ёнидан оқиб тушаётган сув гирдобига қараб турганимни кўрди. Кулиб юбормаслик учун лабини қисиб олди.

— Тузалиб кетинг, — дея олдим мен аранг.

— Раҳмат, — деди у. Мен эса буни олиб келганим учун айтяптими ёки ўхшамаган хушомадим учунми, билмай қолдим.

Унинг иккинчи марта келиши: Алисиянинг келиши мен учун тасодиф бўлди, чунки аввалги текширувдан кейин фақат бир ҳафта ўтган эди. Формадаги, «Охирги текширувдан кейинги ўзгариш» деган жой ёнида «Тери ости мастэктомия» деб қинғир ёзилган эди. Ҳақиқатан, кўкраги кавланган эди, эмчаги сақланган, аммо тўқима кам қолганди. Шундай бўлса ҳам вақти-вақти билан текшириб туриш талаб қиладиган эт қолган эди.

— Аҳволингиз яхшими? — сўрадим мен, вазиятни осонлаштиришга имконим бўлмай, бу кўкракларидан қолганини шиша пластиналар орасида сиқиб қўйиш олдидан бир, икки ёқимли сўз айтишга уриниш бўлди. Алисия касалхона кийими очилиб кетмаслиги учун икки четини қисиб турибди.

Кўкракларини бирин-кетин пастки пластинага ўрнатишига ёрдам бердим.

— Узр, шиша совуқ, — деб, уни огоҳлантирдим. Аппаратни ёқдим ва компрессорни ишга туширдим. Охири, озгинагина ёғни пластиналар орасида ёйиш учун қўл билан сиқишимга тўғри келди. Алисия буни мардона кўтарди, бир-бир чехраси буришди. Бошқа аёллар, бунчалик оғриқ келтирмайдиган бу жараёнда, кўкраги катта аёллар бақариб лаънатлар айтади.

— Биласизми, бунчалик нозик бўлмаган пайтда келсангиз енгилроқ кечарди, камроқ оғрирди. Ой кўрганингиздан кейин бир ҳафта ўтиб, — дедим мен кийимининг боғичларини боғлашга ёрдам берар эканман.

— Раҳмат.

— Бугун ўзингизни ёмон ҳис қилишингиз мумкин. Жуда ёмонлашиб кетса, тайленол ичинг, — мен беморларимни

хамма нарсага тайёрлайман. Касаллик уларни қандай қилиб тамом қилишидан бошқа хамма нарсага.

* * *

Никни азага тайёрлашнинг ҳеч иложи бўлмаган эди. Бир куни кечқурун Лилиан уйга қайтмади, холос; онаси ўлим тўшагида ётмади. Ҳар йили, Никнинг тугилган кунинда, Лилианнинг кули дарёга оқизилган куннинг йиллигида Патапскога бориб Лилианни зиёрат қиламиз. Ундан кейин биз чизбургер егани борамиз, Никка менюда бор нарсаларни олиб бераман. Бултур у икки луқма орасида: «Демак, ойим шу атрофда сузиб юрган экан-да?» деди.

Бу мен учун ҳеч қутилмаган гап бўлди. Жавоб топгунимча бир муддат газли сувимни ҳўплаб туришимга тўғри келди.

— Ойинг ҳеч қачон қутига солиб қўйилишини истамаган эди.

— Дада, — эътиборимни тўлалигича қаратмагунимча бошқа ҳеч нарса демади. — Менинг кулимни ҳам тарқатиб юборишса бўладими?

— Ҳой, бу бола айтадиган гап эмас, — дедим қатъий оҳангда. Официант қиз ёнимизга келганида бизга бананли музқаймоқ олиб келишини сўрадим. Мен ҳатто шоколадли пироженое, Ник энг яхши кўрганини албатта еймиз, дедим. Ник: «Ойим нега кетиб қолишлари керак бўлди?» деб сўраганида ҳеч бир сабаб кўрсата олмайман. Унга ваннада чўмилиб, кириб ухлашини буюраман. Пижамачалари сал этагида кўринмай кетаётганини кузатаман, шу қадам босиши ўғлим қадди-қоматини ҳам аниқ эслай олмайдиган онасининг юришига жуда ўхшаб кетишига ҳайрон қоламан. Қуёш нури бошига қия тушган пайтларда

ўғлимга қарашга ботинмасдим, чунки сочи Лилианнинг сочидек товланарди.

Лилианни дафн қилганимдан кейин мен ҳатто ўлгудек ёмон кўраман, деб қасам ичишга тайёр бўлган нарсалардан ҳам қутула олмаётганимни сезиб қолдим. Диванга бавил қилиб қўядиган кучук бир куни: «Қара, адашиб қолибди. Белгиси йўқ» деб, гўё бор керакли изох шундан иборатдек, терьерни етаклаб кириб келган Лилианни эслатарди. Ваннахонага қўйилган хушбўй гулбарглари ҳатто қизил кукунга айланганидан кейин ҳам ташлаб юбора олмадим. Дераза тоқчасида қатор турган жажжи кўғирчоқлар сериз ва фрамбауз ўрнига ичидан кичик пластик сюрприз чиқадиган тухум шаклидаги шоколадни ҳаддан танқари еганимиз Бельгияга сафаримизни эслатарди. Лилиан кўққисдан супермаркетда навбатда турганимда шундай гавдаланган кўринмасин, соқолимни олаётганимда ваннахона кўзгусида кўриниб қолмасин, уйқуга кетишга ҳаракат қилганимда ўрин ёнига оҳиста қадам босиб келмасин, деб шаҳарнинг бошқа қисмига кўчиб кетишга мажбур бўлдим.

* * *

Биз учун одат бўлиб қолган нарсалар: Энди мен Алисини ҳар куни кўриб турибман. Радиация онкология бўлими хонам ёнида бўлгани туфайли мен уни уйига олиб бориб қўяман. Мадори йўқ аёл учун жамоат автобусини кутиш, автомобиль газларини ютиш, ўтириш учун қалашиб турган одамлар орасидан ўриндиқ ёнига ўтишнинг ҳеч имкони йўқ. У менга жон-дили билан раҳматлар айтади.

Муолажаларини жадаллаштиришди, шунинг билан у нур билан даволанишга қўшимча равишда химотерапия

муолажасини олади. У озиб кетяпти, кўпроқ танаси озмай, кутилмаган қисмлари — бўйин ва тирсаклари озиб борди. Болдир ва тиззаларида тери осилиб қолгандек кўринади.

Бензин пулини олмайман, Алисия гарчи ўзи учун ҳеч нарса олмаса-да, кофе ва кекс олайлик, деб тўхташга қаттиқ туриб олади. Ёзга қараб кетганимизда, кўрфазга ҳайдаб борардик. У ўзи чикаголик, океан ўпкамини очади, дейди. Химотерапия туфайли териси қуёш нурида қораядиган бўлган, шунинг учун биз машинада ўтирамыз, ойнасини туширамыз, океан ҳисси шабада билан кириб келади. Бу ишқий учрашувлар эмас. Булут қўёшни пана қилган пайтларда соҳилда сайр қилиб музқаймоқ еймиз. Кейинроқ, жуда мадори қолмаганда, машинада ўтириб югурувчилар ва велосипедлар олдимиздан визиллаб ўтганини кузатардик.

Қизиқ, Лириан узоқларга етиб бордими, Атлантика океанини кезиб ўтдими, жанубга, Кариб денгизига сузиб бордими? Денгизларда нарсалар ғалати йўллар босиб сафар қилади. Балки Лирианнинг баъзи қисмлари дунёнинг ҳамма ерига етиб боргандир. Бир марта денгиз контейнеридан ўйинчоқ ўрдаклар тушиб кетгани тўғрисида ўқиган эдим, бутун Жанубий Америка, Шимолий Европа ва Африкада пляжларда кунларини ўтказадиганлар денгиз чайкалари орасида ўрнашиб олиб, тўлқинларда чайқалиб турган огзи қулоғида бўлган тумонат сариқ ўрдакларни кўрдилар.

— Чикагода нима қилардингиз? — Алисиядан сўрадим мен кечқурун сайрга чиққанлар тўда-тўда бўлиб кела бошлаган пайтда.

— Нима эканлигини сиз айтинг. Мен буларни қилдим. Мен энага бўлдим. Бузуқнинг котибаси бўлиб ишладим. Яппилар кучукларининг тўдасини айлантитардим. Анн Сазерсни танийсизми?

— Долчинли булочками?

— Фабрикада ишладим.

— Ростданми?

— Сифатни кафолатлаш. Долчинли булочкадан кўп еганман.

Шунинг учун ҳалигача ундан долчин ҳиди келадими, деб ҳайрон бўлдим.

Алисия ўзини яхши ҳис қилган пайтларда қорни оч қоларди. Бугун хот-дог егиси келяпти. «Саратон билан оғриган аёлга овқатни кўп кўрмассиз?!» Ёқтирган одамнинг илтифотидан фойдаланишга ҳеч иккиланмасди. У икки сосиска устига аввал кетчуп, хантал, кейин бижғиган карамни устма-уст тахлади. «Кетард! Олинг!» — у мени заиф елкаси билан туртди, мен қисқагина кулгуга йўл қўйдим. У узумли сақични чайнаяпти — кўнгли айнашида ёрдам берадиган бир нарса, дейди у — шунда вақти-вақти билан тиш ва тили орасида бинафша ранг бир нарса кўриб қолардим.

— Ўғилчангиз қаерда бўлади? — сўради у курси олдидаги стол ёнига ўтирар экан. — Айтмоқчиман, сиз унга қарамаган пайтларингизда унга кимдир қарайдими? — У сақични кафтига чиқариб олди, мен эса бошқа ҳеч нарсага диққат қила олмайман, чунки у сақични нима қилди, деб ўйлайман. Бошимни стол тагига суқиб, бармоқлари билан эзаяптими, деб қарагим келди.

— Қаерда, коллежлар бор, энагалар бор, — дедим мен. У қониққан кўринди.

— Мен тухумимни музлатиб қўйяпман. Ҳали ҳам аниқ нарса эмас, лекин тухумларни сақлаб қўйиш мумкин. Биласизми, кейин уруғлантиш учун. Ҳозир химиядаги кўп аёллар шундай қиляптилар.

— Ақлли иш.

— Бундай экан, тухум одамдан тортиб олинади, кейин суйилтирилган азотда муаллақ сузади.

— Чакки эмас кўринади. Никнинг илмий лойиҳаларининг бирига ўхшайди.

— Ўғлингиз ажойиб бола бўлса керак. Болалар ажойиб бўлади.

— Аксарият ҳолларда.

— Бола кўришга ҳали вақтим кўп бўлади, деб ўйлардим.

Нима дейишни билмай турдим. У мен сувга тикилиб турганимни кўриб, деди:

— Имкониятим бор эди, биласизми. — У табассум қилди. — Иш чаппасига кетиши ҳеч гап эмас экан.

Алисия очофатларча чайнайди, фақат вақти-вақти билан огзининг четидан кетарднинг пушти аралашмасини артишга ўзини уринтирарди. Унинг хурсанд бўлганида мафтункор бир нарса бор эди, аммо тез ўтиб кетарди. Ҳатто бу уни бетоб бўлса ҳам, икки соатдан кейин ҳамма ҳаммасини қайт қилиши мумкин бўлса ҳам, фурсатдан фойдаланиб қолишни биларди.

Унга Таня тўгрисида айтиб берганимда, у хайрон қолди. Керилиб гапиришга ҳуқуқ берадиган нарсаларни солиштирамиз. У бир марта катта банкадаги майда конфетлар сонини топиб икки минг доллар ютиб олганини айтди. Бунга мен бир пайт сийнабанд билан лозимчалар орқасидан кун кўрадаган аёл билан учрашиб юрганимни айтдим. Алисия унинг суратларини истаб қолди. «Бўлмаган гап,» — деди у. — «Бу дунёдаги энг эски ёлгон».

Кейинги ҳафта давомида мен «Мейси» варақлари орасида Таняни қидирдим. У аёллар ич кийимлари бўлимида модел бўлиб намойишларда мунтазам иштирок этарди. Энди эса у, афтидан, ўша фирма учун бизнес костюмларни намойиш қилишга ўтган кўринади.

— Ҳазиллашяпсиз, — деди Алисия скрепка билан маҳкамланган варақларни қўлига тутқазар эканман. Бугун биз кечки қўёш нурлари кунни бир-бирига ўтиб кетадиган зумрад ва пушти рангларга бўяшини кўриш учун бошқа пирсга ҳайдаб бордик.

— Мен кино йигитлариданмасман.

У ялт этиб табассум қилди.

— Ҳақиқий романтик. Ўхў. Бу ўшами?

— Қийин бўлмади.

— Ё, худо! Умримда кўринишим бундай бўлмаган. — Алисиянинг кескин озиб кетиши билан чуқур жойлашган кўзлари энгаги томонга тушиб кетгандек кўринарди. Сийраклашиб кетаётган сочи ҳозир мис рангда. Варақларни охиригача кўрди. «Бундан одамнинг юраги сиқилади. Биласизми, ҳеч қачон бундай кийим киймаганман.»

— Нима демоқчисиз?

— Биласизми, мен ҳеч қачон ўзимни чиройли ҳис қилмаганман. Сочи, териси бенуқсон ўша қизлар каби. Йигитлар билан ноз-карашма қиладиган ўша қизларга ўхшаб. — У мен бир нима демоқчи бўлиб оғзимни балиқ сингари очиб-ёпаётганимни илгади. — Касал бўлганимнинг биттагина яхши томони — ниҳоят оздим.

— Эслайман, — давом этди у мен ҳеч нарса демаганимдан сўнг. — Онам олиб боргин, деб зўр бериб ундаган оила дўсти билан талабалар балига борган эдим. Ҳақорат-ку, а? Яхши, дедим мен, эй, бундан фойдаланиб қолай. Ҳеч бўлмаса чиройли қора кўйлакли бўламан. Улар шунақа башанг, деб ўйладим. Шоҳона. Лекин, албатта, мен ўша лопиллаган қирмизи нарсани ола олардим. Бундан мен баҳайбат бир олчага ўхшаб қолдим! Кечанинг ярмини ҳожатхонада ўтказдим. Шундай ҳожатхонада йўқ бўлиб кетишни истардим.

— Бундай деманг, — дедим мен, Алисия менга бир нарса-ни кутгандек боқди. — Ҳеч қачон бундай ўйламанг. Сиз гўзалсиз, — дедим мен бир ондан сўнг.

Алисиянинг юзи қандай очилиши, кўзларининг қандай нам бўлиши, тўсатдан унинг йўқ бўлиб қолишини чидаб бўлмайдиган нарсага айлантирди. Ўйлаб қолдим, гўзаллик қандай турли шаклларда кўриниши мумкинлигини англамаган эканман.

* * *

Туғилган кунига Алисия ўзини уйининг ортидаги ҳовлида барбекю билан сийлади. Ник билан келишимни қаттиқ талаб қилди. Ўғлингиз билан танишишни жуда-жуда истардим, у ерда бошқа болалар ҳам бўлади, қистади у. У дамланадиган бассейн ва батут тайёрлабди.

У ерга борганимизда, болалардан фақат эгизак чақалоқлар бор эди. Одам ўн кишидан кам, ҳаммаси қўшнилари. Алисия бир патнис хот-дог кўтариб ошхонадан чиқиб келди. Эгнида сарафан, бошида ҳошияси энли шляпа. Пардози сўлғин, икки чизиқ ингичка қизил лаби билан менга табассум қилди. Қулоқдан қулоққача ёйилган сепкиллари энди кўрибман.

— Ҳой, болакай, — деди у, Ник унга гулдаста тутқазганда. — Сеҳргар экансан-ку! Брауни пирожнийсини яхши кўрасан, деб эшитдим. Қани, топ-чи, нима қиляпмиз! У Никка суюқ хамирни аралаштиришга рухсат берди. Ник бармоқларини ялади, Алисия атрофда ўралашиб боланинг ёноқларига шоколад сурди. Печни ёқиб шоколадли пирог кўтарилишини кузатиб туришди.

Биз дастурхон атрофида ўтирган пайтимизда Ник ҳовлида чошиб юрди. Батутда ақл бовар қилмайдиган қилиб

сакради. «Ажойиб, — дейди Алисия. — Хаётингизда шу бо-
ла борлиги ажойиб бўлса керак. Яна йиғилишим керак.
Жиянларим Чикагода. Болалар атрофимда югуриб юри-
шини соғиндим». У сигаретни ёқди. — «Нега ҳаётимни
шунча вақтга тўхтатиб қўйган эканман, тушунмайман.
Биласизми, ҳозир мен бирон дақиқанинг бекорга кетиши-
ни истамайман. Доим қилишни истаган ҳамма нарсаларни
қилипман, чунки нимани кутишим керак? Қандингни ур».

— Қандай нарсалар, — деб сўрадим.

— О, у, Жанубий Тинч океани. Ўша саёҳат видеоларини
кўрдим. Доим ўша ерларга боришни хоҳлардим.

— Яна нима? — сўрадим мен. Унинг яқин орада узоқ ҳаво
саёҳатига отланиб чиқишини тасаввур қилиш ҳам қийин.

— Хўш, ким биландир яқинлашиб қолишимиз, билма-
дим. — У сигаретасини сандалети билан босиб ўчирди. —
Шу, нега ҳаёт давом этишини ҳеч ўйламадингиз. Била-
сизми, ҳақиқатан давом этишини? Айтмоқчиман, Никка
ҳаётида кимдир керак бўлиши мумкинлигини ўйлама-
ганмисиз?

Худди шу гапни эшитгандек, Ник биз томон югуриб
келди, Алисиядан у билан бирга батутга сакрашни илти-
мос қилди.

— О, Ник, сакрай оламанми, билмайман, — деди у. —
Видео кўргинг келмаяптими? Денгиз қароқчиларининг
оролига ҳеч борганмисан. — Ник гапидан тўхтади, кўз-
лари катта очилади. — Жанубий Тинч океанда нималар
бор, биласанми? Какао дарахтлари. Шоколадни ўша ердан
олиб келадилар. — Ник зар қоғозга ўралмаган шоколадни
тасаввур қила олмаслигини кўриб турибман. — Мен ўша
ерга бормоқчиман. Даданг рухсат берсалар, балки ҳамма-
миз борсак бўлармиди? Хоҳлармидинг? — деди Алисия
кўзини қисиб қўйиб.

Қайтиб кетаётганимизда Ник Алисиянинг нима-нимасини яхши кўришини айтиб кетди. «Унинг бассейни менга ёқди. Сакрайдиган нарсаси ёқди,» — деди у. «У шоколадли пирогларни ҳаммадан яхши пиширади.»

— Кейинги шанба куни яна келсак бўладими? — ўтинди у.

— Балки, Ник.

— Хоҳлаган пайтимда келишим мумкин-а, — деди.

— Ўйлаб кўрамиз.

— Нега ўйлаб кўришимиз керак? — деб сўради у қўзичоқ маърашига ўхшаган овоз билан. Орқа кўриниш кўзгусида кўзларида ёш пайдо бўлганини кўрдим.

* * *

Уч ойлик текширув кўрсатганлари: Кузда Алисия текширув учун келди, худди шунчаки бир гурунг қилгани келгандек кувноқ.

— Шу дам олиш кунлари яна бир йиғин ўтказаман, — деди у, беморга формаларни тўлдиришга ёрдам бераётганимда ёнимга лип этиб ўтаркан. «Ишлар қалашиб ётибди», деб тушунтирдим.

— Яхши, албатта, — тараддудланди у. — Унда бошқа пайт? — сўради у ёрдамчи уни олиб кетишга келар экан.

Интерн аппарат ёнида Алисияга ёрдам берганда аёл ўзини озгина бўлса ҳам ноқулай сезгандек кўринмади. Бегонанинг қўллари кўкрагини у ён, бу ён тўғрилаб қўйяётганда сесканмади. Бу танаси фан объектига айланган, доктор, ҳамшира ва лаборантлар олдида қайта-қайта кийимини ечган аёлнинг ҳатти-ҳаракати эди. Баданини туртишган, онкологлар муҳокама қилган, муздек асбоблар билан текширишган, фақат клиник иборалар билан тас-

вирлашган. Кийимини эгнида тўғрилар экан, мен сийна-бандига бир назар ташладим. У оқ экан. Бурмаси йўқ. Қўтариб қўйиш, бир-бирига тортиб қўйиш учун ҳеч қандай мослама йўқ. Оддийгина.

Лаборант пленкаларни чиқарар экан, унинг ёнида турдим. Янги масса вужудга келаётганда кўзимни юмиб олгим келади, чунки ана у, унинг сонида, қайта нурланиш ва кимё ҳужумига қарамай униб келаётган қайсар ўсма.

Янгиланган хулосани тақдим этаман: Чап сон суягининг ифода этилмаган остеолитик метастази.

* * *

Унга нима демоқчи бўламан: Сизни сақлаб қолиш керак. Агар бу нарсаларни сиздан юлиб олишга қодир бўлсам эди, лимфа билан қонингизда муаллақ кичик захар ҳужайраларини элаб олиш имкониятим бўлса эди.

* * *

Энди нима бўлади: Суяклар оғрийди. Ҳамда скелет аста-секин перфорацияланади.

* * *

Бу янгиликни айтиш учун ўзим унга қўнғироқ қилдим. У:
— Менга дангал айтаверинг, док, — деди.
— Мени бундай деб чақирманг.
— Хўп, Шин. Менга ташлайверинг. Қанчалик ёмон бўлди, айтинг.
— Тарқалапти. Зарбани юмшатишнинг иложи йўқ. Суякларингизга ўтиб кетибди.

— Тушундим.

— Муолажаларингизни кучайтириш керак бўлади. Докторингизга телефон қилиб бўлдим. Бундай бўлиб туради. Уларда ҳар қандай асоратлар учун дори бор. — Беморларим тез-тез айтадиган: «Саратонга қарши туриш 99 фоиз руҳий вазифа», деган гапга ўзимни ишонтирдим.

— Ажойибсиз-да. Никни яхши кўраман, деб айтиб қўйинг. Уни жуда ҳам кўргим келяпти.

* * *

Ундан нимани яширдим: Бу босқичдан фақат 10–20 фоиз киши чиқади. Оёқдан кейин саратон тосга йўл топади. Сўнг ўпкага, кейин нафас сиқилади. Ундан кейин жигар териси саргайиб шишади. Ниҳоят Алисияда овқат ея олмаслик даражасида озиш юз беради. Ундан кейин мия.

Янги муолажалари бошланиши билан мен Алисияни уйига олиб бора оламан, чунки у куннинг иккинчи ярми бошларида келиб кетади. Аммо касалхонада унга назар ташлаганимда, юзида саргиш ранг кўраман. Ёноқларининг думалоқлигидан асар ҳам қолмаган. Баданига кетмакет киритилаверган дорилардан қорайган териси қуриб қолган. Уни мен йиллаб давом этган қурғоқчиликда қуриб қақшаган Африка ерига ўхшатаман.

Бугун у бошига ғаройиб бир рўмол ўраган. Баҳор келишини эълон қилаётган ғалати маъбудага ўхшайди, фақат унда шодмонликдан из ҳам қолмаган. Ёмғир ҳақида у-бу айтиб ўтирдик, у сочи тўкилаётганлигини ҳазил қилиб айтади.

— Ноумид бўлмаслик даволайди, шундайми? — сўради у.

— Ҳа, бу муҳим.

— Эй, бирон кун бейсболга боришга нима дейсиз. Ник жон дерди, шундай эмасми?

— Ҳа, уюштиришимиз керак, — дедим мен, оҳанг эса бунга амин эмаслигимни билдириб қўйди.

Алисия қисқагина кулиб қўйди.

— Шон, — деди у. — Бирон нарса қилиб қўйдимми? Айтмоқчиманки, ҳаммамиз ажойиб чиқишаётган эдик.

— Бу бошқа нарса.

— Унда нима?

Тепаликдан тушар эканмиз бир дақиқа сукут сақладик. Бир неча қадамдан сўнг у деди:

— Қўйинг, бунга бас кела оламан.

— Бу шунчаки... — дедим, аммо гапни тугата олмадим.

— Шунчаки нима? — У қатъият билан тикилди. — Нима? — деб сўради у кескинроқ оҳангда.

— Гап Никда. У ёпишиб оляпти.

У яна изоҳни кутиб юзимга диққат билан қаради. Мен кўзимни олиб қочдим. — Уни яна бир марта жароҳатлашни истамайман. — Овозимдаги қатъият ўзимни ҳам ҳайрон қолдирди.

— Оҳ, тушундим. — У рўмолининг учини буради. — Оҳ, энди сизни тушундим.

— Алисия. — Қўлини ушламоқчи бўлиб қўлимни узатдим, аммо у ўзини олиб қочди.

— Йўқ, ҳечқиси йўқ. Ҳечқиси йўқ. — Биз касалхонадан чиқиш жойига етиб олдик, у ойнаванд эшикни ташқарига очиб ташқарида ёмғир ёғмаяптими, деб қаради. — Кўришармиз, — деди сўнг. У кетганда, ортидан фақат лойда ботинкасининг изи қолади.

Бир ойдан кейин телефон қўнғироғи мени уйготиб юборади.

— Бу Эд. Алисия Странинскининг собиқ эриман, — деди йўғон овоз.

— Собиқ?

— Собиқ эр. Гиз. Уйғотиб юбордимми? Ухлаган бўлишингиз мумкин, деб ўйламабман.

— Йўқ, йўқ. — Мен кечгача қандай ишлаганимни туншунтира бошладим. — У яхшими? — деб ғулдурашни эпладим. Кўзойнагимни топа олмасдим.

— Унчалик эмас. У йиқилиб тушди, док. Сон суяги синди. Фавқулодда ҳолларда боғланадиган кишилар рўйхатида сиз ҳам бор экансиз.

Кўзойнагимни тақиб олдим, хона бирдан равшан кўринди.

— Эр? — деб сўрадим тиниқроқ овоз билан.

— Хўш, неча йиллик гаплар.

* * *

Машинадан чиққунимгача қор аралаш ёмғир ёғаётганини билмадим, нам тортган кийимим танамга муздек ёпишди. Ойна тозалагични ҳам ишлатишни унутибман.

Тез ёрдам хонасида ҳамшира менга Эдни, Алисиядан анча катта кишини кўрсатди. Йигирма-ўттиз ёшлар чамасидаги аёл унинг кўлидан тутиб туради. Кўриниши қаровсиз, бу хонадаги кўпчилик каби, аммо унга келганда, ҳеч қандай фавқулодда ҳолат бўлмаса ҳам у худди шундай кўриниши мумкин туюлди. Қўнғир сочи қуш уясидек, эгнида кўкраги узра «PARANOID» деб ёзилган «Қора шанба» футболка эди. Футболкасининг кутилмаган жойлари: киндик атрофи, елкасидан пастроғи, ўмрови яғир эди. У қўлимни қатъият билан сиқиб, раҳмат айтади.

— У қандай?

— Бизга ҳеч нарса дейишмади, фақат «кутинг» дейишяптиди. — Ёш аёл бошини қимирлатиб қўяди. У коллеж ўқувчисидан катта бўлиши мумкин эмас.

— Айтган бўлса эди. Ҳеч хабарим йўқ эди. — Эд бошини узоқ вақт қашлади. — Худога шукр, рўйхатларида мен бор эканман. Бир биримизни соғлиққа вакил қилган эдик. Аммо никоҳда бўлган пайтимизда эди. Ана сизга Алисия. Режалаштириши яхши. Режаларни бажаришда унча яхши эмас.

Биз кичик суҳбат қурдик. Эд социологиядан дарс бераркан. У Алисия билан бир йилдан камроқ вақт никоҳда бўлган. У бола истаган. Алисия эса истамаган. Биз об-ҳаво ҳақида гаплашдик.

— Албатта, бу менинг ишим эмас, чоғи, аммо мен сизни унинг докторисиз, деб ўйладим. Сизни уйғотишим керак эмас эди. Д-р Шон, деб ёзилган эди, шу, сизга қўнғироқ қилсам яхши бўлади, дедим.

— Мен рентгенологиман.

— А-ҳа, — деди Эд, боши қотган кўриниб. — Уни рентген қилгансиз, шундайми?

Ниҳоят бизни Алисияни кўргани олиб киришганда, у оёқлари орасида ёстиқ билан ётган эди. Уни жарроҳлик бўлимига олиб кетишди, сон суягини мурват билан бир бирига маҳкамлашди.

— Ҳай, қандай, — дейди у, ҳеч биримизга мурожаат қилмай. У Эдга қаради ва деди:

— Кўрганим яхши, — қўлини менга силкитди. — Ақлимга сиғмаяпти, икковингиз шу ерда сизлар, — деди у уялиброқ, гўё биз унга кутилмаган зиёфат уюштиргандек.

Эд унга ўзи дарс бераётган янги коллеж ҳақида ахборот берди. Мен уларга Никнинг ҳаллоуин кийимида тушган суратларини кўрсатдим. «Шу десам, сизни расм йигити қилиш учун кичкина бола керак экан-да», — деди Алисия. Эдга шаклларни тўлдиришга ёрдам бериш учун қоламан,

аммо суяги синик, оғриқдан қийналаётган, металл мосламалар қўйилган Алисияни аравачада олиб кетишларидан аввал кетаман. Вазиятга ярашадиган тарзда хайрлашишни ҳеч қачон уддаламаганман.

Мартда Алисия яна узоқроқ жойлашган метастазларни текшириш учун келди. У аравачада кириб келди. Ўтирган ҳолда ҳам гавдасини кўтара олиши гумон кўринади. Лабларида ранг йўқ, ёрилган. Қисқа суҳбатимиз давомида у қийналиб нафас олди. У Ник яхшими, деб сўради, мен вақт топиб бандарга боришимиз, хот-дог олиб ейишимиз керак, дедим. «Албатта», деди у ифодасиз. Бироздан сўнг, Алисия рангпар қўли билан «хайр» ишорасини қилиб, мулойимгина «хайр» деди. Мен ўзимни қозғолар билан банд қилиб кўрсатди, бошимни ирғитиб, миннатдорчилик билдирган бўлдим. Кутқара олмайдиган беморига қарашдан бош тортган онкологни «бағри тош» деймиз. Хотинининг қийналишини кўрмай, деб қочиб қоладиган эрни «қўрқоқ» деймиз. Тос текширувига келган эллик беш ёшли эркакка рентген этаklarини қаттиқроқ ташлаб қўяман. Картасини шарт-шарт varaқлайман.

* * *

Акс ҳолда кун аъло бўлар эди: Эд иккинча марта қўнғироқ қилганида, ажойиб, чарақлаган июнь куни эди. Ник кундузги бейсбол лагерига боришга рози бўлди, мен эса ёзнинг қолган кунларига режа тузиш билан бандман — Литл Лиг, Камден Ярдсга асраб қўйилган мавсум чипталари, Ҳерши Паркка саёҳат, у ерда Ник шоколад осмонни кашф қилиши мумкин бўлади. Бу Ник Алисия ҳақида сўраганидан бир ҳафта кейин эди. Намгарчилик, ёки шариллаб қуядиган ёмғирдан ҳеч бир аломат йўқ эди,

мен машинада ўтириб пешиндан кейинги ўйиндан сўнг йўл ҳаракати камайишини сабр билан кутаётган эдим. Бутун Балтимор учун бу мутлақо оддий кун эди.

Эдни касалхона палатасида учратдим, ёлкасини уқалаётган жувон ёнида. Қишдаги ўша дугона эканлигига амин бўла олмайман. Қўл бериш учун у ўрнидан турди. Кўнгли чўккан.

— Келганингиз учун раҳмат. Биладан, у шу ерда бўлишингизни истаган бўларди. У сизни дўст деб ҳисобларди. Бу ерда унинг таниш-билишлари йўқ.

Кўзлари ёшга тўла. Дугонаси қўлини тап-тап уриб қўяди, Эд «ҳаммаси жойида» дегандек қўлини кўтарди.

— Сиз яқинлар рўйхатида эдингиз. Режали-саранжомли деган эдим-ку уни. Телефон рақамлари ботартиб ёзилган. Хўш, танишлари унчалик кўп эмас экан. Бу ерда ни-ма, қандай қилиш керак, чақача тушунчам йўқ, — деди у, бўм-бўш коридорни қўл силтаб кўрсатар экан. У ерда антисептик, илдиз билан юлиб олинган, йўқ қилиб юборилган бир нарсаларнинг яққол иси бор.

Бир неча кун ертўла лифтидан хонамгача узок йўл босиб бораман, у ўликхона тортмаларидан бирида турли захри қотил кимёвий моддалар ҳидини таратиб ётганини биладан.

* * *

Дафн этиш кунидан аввалги кеча ўтказилган маърака Янги замоннинг Эд ташкил қилган нарсаси. Бу очик тобутдаги майит билан видолашув маросими эмас эди, аммо мен барибир тобутнинг ўзи, Алисиянинг болалигидаги ёки саломатлиги яхши кунларида Эд билан тушган суратлари йўқлигига ҳайратландим.

Эд Алисияни эслатаган нарсаларни олиб келишни ҳаммадан сўраган эди. Бирон нарсани ташкил қила олмадим, келаётганимда долчинли булочка топа олмай, Даниш пишлоғидан олдим. Бир аёл альманах кўтариб пюпитр олдига келди. «Алисияда ақл ғиж-биж эди,» деди у виқор билан, одамлар чапак чалди. Бир эркак бамбук таёқни олиб: «Алисия турган-битгани куч эди», деди. Яна бир аёл «Мазахчини ўлдириш»нинг нусхасини байроқ қилиб кўрсатди. «Қайсар шумтака қизимизга», деди у хонадаги гув этиб кулиб юборган кишиларга. Одамлар менга қизиқувчан назар ташлаб қўяётган пайтда мен «Данкин Донате» халтасини кўлимдан чиқармайман.

Маросим тугаганида Эдни таъзия билдирган одамлар ўраб олди. У мени кўрди, «Эҳ, кадрдон док. Кела олганингиз зўр бўлди», деди.

— Ўтказиб юборишим мумкин эмас эди. Яхши бўлди. Айтмоқчиман, мақсадига кўра. — Биз Эд бир неча кишиларга бош ирғитиб турган пайтда бир дақиқа сукунатга чўкдик. — Суратлар йўқми?

— Алисия шундай бўлишини хоҳлаган эди. У ҳеч қачон кўзга ташланадиган аёл бўлмаган. Ҳеч қачон кўринишини диққатга сазовор, деб ўйламаган.

— Бирон хизмат борми, — сўрадим мен.

— Йўқ, йўқ. Шундай ҳам шунча кўп ҳаракат қилдингиз. Раҳмат.

Ташқарида машина кетидан машина чироғини ёқиб уни тўхташ жойидан илон изи бўлиб узоққа олиб кетаётган пайтда мен чаккамни «Камри» ойнасига босиб совутаман. Ўт олдириш калитини бурай деб турганимда Эд мени тутиб олди. У бошини энгаштириб машинанинг ичига қаради.

— Аслида, Шон, бир катта ёрдам кўрсатсангиз девдим. Мен бу ерда жинни бўлиб қоламан. Ойиси учиб келяпти,

ундан кейин, тоғавачча-холаваччалари ҳам келади, албатта уларни олиб келишим керак. Шу атрофда яшар экансиз, эрта билан мана шуларни дафн уйига ташлаб ўтолмайсизми? Бу унинг кийимлари.

— Қандай хизмат бўлса, марҳамат.

Кейин у, бир нарсани эслаб қолгандек, ёрилди:

— Шу ҳам мумкинми, онаси маъракага келмади? Бизларни ҳиппи, деб ўйлайди, чамамда. Ана сизга миссис Странински. У мендан нафратланарди, ўша назари паст кампир, — деди у узокқа тикилиб.

— Хавотир қилманг. Тушундим, Эд.

— Ҳа, эртага, «Фьюнерал Кинг»га бора олсангиз, жуда яхши бўларди. — У қўлимга нарса соладиган пакетни тутқазди.

* * *

Коллеж семестрининг охирлаб қолганини сезмай ҳам қолибман, дам олиш кунларида бола билан ўтиришга ҳеч кимни топа олмадим. Моррел Парк дафн уйига орқа ўриндиқда ухлаб қолган Ник билан бордим. У ҳашаматли готик уйғониш даврига хос уй шаклида, таноб-таноб сайқал берилган бог ва бинони акс эттирувчи ҳовузлар устида қад кўтарган кўргон. Дафн ташкилотчиси «Фьюнерал Кинг» номи билан кенг танилган, диққатни ўзига тортадиган киши эди. «Фьюнерал Кинг», қисман дафн бизнессида монополияга эга, қисман телевидение рекламасида: «Сиз севганларга биз шоҳона хизмат кўрсатамиз,» деб ваъда бериб чиқади.

Қўнғирокқа Фьюнерал Кингнинг ўзи чиққунча анча вақт ўтди.

— Ҳамдардман, ҳамдардман, — деди у йўғон овоз билан.

— Раҳмат. — Пакетни унга тутқазаман. — Бу мисс Странински учун.

— Аҳ. Леди Странински. Киринг, киринг, марҳамат. — Қабулхонага бир неча қадам босиб кираман, машинадаги Никни кўрсатаман. Биз Ник лабини ойнага босиб лунжини пуфак балиқдек шиширишига қараб турамиз.

— Кечирасиз, Сиз...

— Унинг радиологи. Дўсти ҳам эдим. У... — ғулдурлай бошладим мен, аммо у бир неча пиллапоя пастроқда, бир муздек, металл столда ётгани, баданидан суюқликлар чиқариб юборилган, юзи эса упаланиб унга ношоён ранг берилганлиги тўғрисидаги фикрни ҳазм қила олмайман.

— У деярли тайёр, — деди Фьюнерал Кинг, кафтини қўлимга қўйиб. — У ҳозир яхши ётибди.

У охири кунларда қанчалик яхши ётган бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўйладим. Эд оғриққа қарши дори-ларнинг карахт қилиш таъсирини максималлаштириш учун лозим бўлган даражада кўпайтиришни билганмикан, деб ўйлайман. У оёқларини илиқ сувга ботирганмикан, чойшабларини кунига икки марта алмаштирганмикан, яраларини силаганмикан, охири онларини бир мунча чидаб бўладиган қилганмикан, деб савол бераман ўзимга. Алисия умрининг охири ҳафталарида энг асосий истакларини — қақшаган оғзига муз қириб беришни, морфиндан яна бир томчи, ҳар икки-уч соатда оёқ-қўлларида бири бошқасини босиб қолганидан бўшатиш учун ўрнида ҳолатини ўзгартиришни билдиришга қодир бўлмаган. Сўнгги нафасининг сирли ритмини тинглаш учун мен ўша ерда бўлишим керак эди.

— У деярли тайёр — деди Фьюнерал Кинг далда берувчи баритон овоз билан. Унинг овози менга узоқ-узоқлардан етиб келаётган туюлади. — Ҳамма нарса бормикан,

шунни текшириб кўрмоқчиман, холос. — У пакетни кавлади. — Хўш, қарасак, сиз бир нарсани унутибсиз... ички кийимини. Ҳечқиси йўқ, — деди у ҳайрон бўлиб қараб қолганимда. — Сиз биринчи эмассиз. Шу нарсаларни одамлар одатда унутиб қўядилар. — У менга кўрсатиш учун пакетни очади. Унда оқ шляпа ва қўлқоп, ёнида кўк кўйлак — 50-йилларнинг тўла жамланмаси. Эднинг эси жойидами, деб ажабландим. Ҳатто нейлон пайпоқ бор эди, ички кийим эса йўқ. — Биз одатда эҳтиётдан бир мунчасини сақлаб турардик, аммо, маъзур тутасиз, шунчалар банд эдикки, ҳозир вақт танг бўлиб қолди. Қарши бўлмасангиз, баъзи кийимларини олиб келсангиз, қолганини ўзимиз қила оламиз. — У эътироз билдиришимнинг олдини олди.

— Маслаҳат берардим, бир чақиримча нарида гипермаркет бор. Хавотир қилманг, — деди у яна. Ўша пайтда мен даҳшатга тушгандек кўринган бўлсам керак. — Бундай нарсалар доим бўлиб туради.

* * *

«Викториас Сикрет»да Ник каттакон фаришталар қанотини тақиб олишга ҳаракат қилди.

— Ҳой, ширин бола, — қичқирди сотувчи аёл. — Булар ўйин учун эмас. — Кейин у мен томон бурилди. Атирининг ҳиди ўзи яқинлашишидан аввал димогимга урди.

Мен узр сўрайман, у эса оғзи қулоғида табассум билан деди:

— Ҳамма болаларга ўша нарса ёқади. Бирон бир нарса керакми?

— Ҳа, мен ич қийим қараяпман. Яна, сийнабанд.

— Ҳа, албатта.

— Бу бошқача бир нарса бўлиши керак.

— Албатта. — У кўргазманинг бир қисми бўлган духоба айикчани кўлидан тортаётган Никка бир қараб қўйди. Юзим ифодаси билан, тўхтат, деган ишорани қилдим.

— Йўқ. Жуда ҳам бошқача бир нарса. Гўзал аёл учун.

— Яхши, бизда кўп махсус нарсалар бор. Мана булар бор, масалан, — деди у, кўлида «стринг» лозимчани тутиб. — Булар ҳозир жуда модада.

— Бизга башанг бирон нарса керак.

— Бирон бир рангни ўйлаб қўйганмисиз?

— Ўйлаб кўрай-чи. Кийими кўк.

— Яхши, мана бу ёрқин кўкка нима дейсиз? — Кўлида камтарона сатин ич кийим жанламаси. — Башанг, аммо гўзал. У шуни кияди. — Сотувчи аёл бразилиялик, деб тушунтирган озгин, шаҳват уйғотувчи моделнинг катта плакатига ишора қилди. — Кўз қамашади, — деди у ўзига. Жамланма сотиб олдим, модель кўз-кўз қилиб турган, пайпогини ич кийимига тақиб қўйишдан бошқа вазифаси йўқ кўринган тасмани ҳам пакетга солдирдим. — Ҳам қулай, ҳам ораста, — завқланди сотувчи аёл. — Бадан лосьонидан олмайсизми? Бунинг номи — «Амазонка маъбудаси». Тропик ўрмон ҳиди келади. — Ҳеч қачон тропик ўрмонни ҳидлаганми, деб сўрамоқчи бўлдим, аммо кичик идишда лосьон олдим.

Бир кунга, ўйладим мен, Алисия, сиз Моррел Парк, хотдогдаги кетард, кичик кўкраклар маликаси бўласиз.

Эйрин Кайл

САДОҚАТ

Америкадаги мактабга чиққан илк кундаёқ Глиннисларнинг синфи ёмғир чувалчанглари ёриб, улар устида тажриба ўтказишни бошлади. Ҳали эски мактабидалигида, тўртинчи синф ўқувчилари елим идишда олиб келинган молнинг кўзини текширувдан ўтказганди. Аммо бу ерда чувалчанглар махсус идишда келтирилмади, балки тушликдан кейин ўқувчиларнинг ўзи ҳовлидаги майдончадан чувалчанг излаб топиши, сўнг уни ваннахонада яхшилаб ювиб келтириши лозим бўлди. Глинниснинг янги муаллими уни тиши қинғир-қийшиқ, тиззасининг кўзи доғ-дуғ кўнғир тусли чақага тўлган Леора Фауст исмли қиз билан шерик қилиб қўйди. Қолганлар ҳам аллақачон шерик-шерик бўлиб олганди.

Ўша кун эрталаб Глинниснинг дадаси ишга кетаркан қизини янги мактабга ташлаб ўтди. Онаси улар билан бирга боришдан бош тортганди. «Америкалик болалар мактабга қурол олиб келишади», дея у Глинниснинг пешонасидан ўпиб қўйганди огоҳлантиргандай бўлиб. «Шу боис биронтасининг жиғига тегмасликка ҳаракат қилгин». Дадаси эса айти шу шаҳарда ўсиб улғайганди. Йўл бўйи у эсига тушган нарсаларга изоҳ бериб келди: «Анави шина омбори илгари музқаймоқ сотиладиган дўкон эди, мана

бу кичик боғ бир пайтлар жуда катта истироҳат маскани бўлган, ҳов анави банк ўрнида авваллари ҳам банк бўлиб, номи сал бошқачароқ эди», тушунтиради дадаси.

Бутун синф Садоқат Қасамёдини айтиш учун оёққа қалққан маҳал Глиннис ўз партаси олдига келиб ўтирди. У бошқалар каби бундай қасамёд қилолмаслиги, башарти шундай қилса, хоинлик саналиши, мабодо Англияда бу ишдан воқиф бўлишса, боши кетиши мумкинлигини ўқитувчисига тушунтиради. Бунга жавобан Мисс Глен бошини сарак-сарак қилган кўйи «Ихтиёринг, биз бошини кетишини истамаймиз, шундайми, болалар?» деди. Глиннис Леора Фауст билан шерик қилингунича ҳеч ким у билан гаплашмади.

Глиннис Леора китобидаги кўрсатмаларни ўқишини кузатиб турди. Орқа партада бир бола пичоқ билан чувалчангининг тит-питини чиқарди. «Ҳой, Мэри Поппинс!», дея Глиннисга пичоқ ўқталди у.

У дарҳол ўзини олиб қочаркан, сочини Малика Леяни кига ўхшатиб бир тутам қилиб ўрилган икки қиз бу ҳолдан кулиб юборди. «Жереми!», дея ўшқирди улар, Глиннис бўлса зўрма-зўраки илжайди, бу қўпол ҳаракатни ҳазилга йўйишга уринди. Эски мактабида тарбияси бузуқ болалар учун ертўлада алоҳида синфхона бўларди, аммо ҳатто ўша ерда ҳам ўқувчиларга пичоқ олиб юриш учун руҳсат берилмасди.

Бу ерда эса тартиб деган нарса йўқ чамаси, янги мактаб, зарғалдоқ рангли гиламчалар тўшалган могор босган йўлаклар, тушликда истеъмол қилинувчи шилта гамбургерлар — буларнинг бари Глиннисга ҳечам ёқмаётганди. Ёмғир туфайли ўйин майдончаси қора лойга дўнар, хо-нага киришдан аввал синф ўқувчилари оёқ кийимини ечиб, уни эшик ёнига қалаштириб ташлашига тўғри кел-

ларди. Шу боис кўникмаганликдан кўнгли беҳузур бўлиб кун бўйи ифлос пайпоқда юрган Глинниснинг аъзойи баданига совуқ ўтиб кетди. Англияда ҳар доим оёқ кийимида бемалол ичкарига кирса бўларди.

— Мана буни текшириб кўр, — деди Жереми Малика Леяга ўхшаган қизларга ва пичоғининг учи билан Леора Фаустга ўқталиб. Леора диққатини китобига қаратиб ўтирар экан, Жереми чавақланган чувалчанг бўлагини унинг бошига отди. Бўлак митти сосиска мисол осилиб, сочига ёпишиб қолаётганига қарамай, Леора буни сезмасдан ўқишда давом этаверди.

Мисс Глин эса синфни айланиб, саволларга жавоб қайтарди, тажрибани текшириб кўриш учун икки букилиб парталарга эгилди. Ўзига яқинлашаркан, Глиннис нафас олмасликка уринди. Кимдир айтиши лозим. Албатта Жереми афтини бужмайтириб, Леорани огоҳлантирмади. Унинг сочларида ўлик таначалар осилиб турибди ахир. Глиннис Малика Леялар, албатта, нимадир дейди, дея ўйлади. Эски мактабида қизлар доим ўғил болаларга қарши бўлишарди-ку.

Мисс Глен Глинниснинг шундоққина орқасида тўхтаб, сочи қойилмақом қилиб ўрилган қизлардан бирининг шокиласига қизил рангга бўялган тирноғини теккизди. «Меган Ар ва Меган Си», деди у. «Икковингизнинг соч турмагингизга ҳар доим қойил қоламан-да». Глиннис миқ этмади. Айтиш керак, ҳозир айна пайти. Мисс Глен улар томонга ўтди.

— Сочимизни ойим турмаклаб қўядилар, — деди Меганлардан бири. — Меган Си дарс бошланишидан аввал келади, ойим иккаламизга ҳам вақт ажратади.

Меганлар яна ўз ишида давом этди. Мисс Глен эса тезда ўтиб кетди. Глиннис муаллима Леора сочидаги ёғли

ва силлиқ чилвирсимон чувалчанг танасини пайқамаслиги учун кўзини партага қадади. Ахир бу ер Америка бўлса. Бирор киши чурқ эта олмайди.

Глиннис билан дадаси ўша кунни кечки овқатни ер экан, онаси стол олдида ўтириб, тамаки тутатиб, қоғоз стакандан қизил вино ҳўпларди. «Овқатингни емайсанми?» — сўради дадаси.

— Менга бу ернинг овқати умуман ёқмайди, — жавоб қилди онаси ва унинг олдида тутун бурқситди. — Ҳамма нарсадан пишлоқ ёки шоколад таъми келади.

— Бу шунчаки шўрва-ку, — деди дадаси.

— Айтишга осон, жавоб қилади онаси. — Бундай бўлмагур нарсани ейвериб, бадбўй ҳиди ўзингга ҳам уриб қолган. Икковингизга ҳам.

Глиннис қошиғини столга қўйиб, кифтини ҳидлаб кўрди. Уйдан янги бўёқ ва гилам тозалашда ишлатиладиган модданинг ҳиди келарди. Ҳовли эса нам тупроқ исига тўлиқ эди. Аммо унинг кифтидан одатий исдан бошқа нарсанинг ҳиди келмади.

Дадаси хотинининг гапига кулиб қўяркан, кўзини тез юмиб-очади.

— Салгина ижобий фикрлашга ўргансак-чи? Хўш, сен нима дейсан, Глиннис? — у қизга қошини чимиради. — Мактабда нима гаплар, бирор нарса айтиб бер бизга.

Глиннис Жереми Леоранинг сочига улоқтирган чувалчанг ҳақида оғиз жуфтлагани ҳамано, дадаси қўлларини кўтарганча «Йўқ-йўқ, яхшироқ бирор нарса айтиб бер», дея ўтинди.

Глиннис жимиб қолди. Дадаси эса ундан кўзини узмай, пластмасса қошиғини қоғоз ликопчасининг четига оҳиста урди. «Йўқ, бирор нарса эслолмаяпман», деди у охири.

— Муаллиманг жуда ёқимтой аёл экан, — деди дадаси, онаси эса бунга жавобан маънодор томоқ қириб қўяди. — Шундай эмасми?

Глиннис бу ҳақда ўйлаб кўрмаган чоғи, аммо унинг навирида мисс Глен анча келишган аёл. У қари ҳам, семиз ҳам эмас, ёхуд унинг тукли катта холи ҳам йўқ. «Албатта, — деди у. — Жуда чиройли аёл.»

Шу гапни айтаркан, онасининг бўйнидаги томирлари таранлашганини, лаблари атрофидаги териси ингичка тортганини пайқади. «Жуда яхши, — деди у Глинниснинг дадасига. — Бунинг учун «Худо Американи паноҳида ас-расин», дейишинг керак.

* * *

— Вакилликсиз солиққа тортиш. Бу нима дегани ўзи? — сўради онаси Глиннис ювиниш учун тоғорада ўтираркан. У онасига жамиятшунослик фанини тушунтиришга уринди. Улар, америкаликлар, ўз уруш-қиргинларини, улар ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришни, бу ҳақдаги фильмларни томоша қилишни, уларнинг китобда тасвирланган суратларига қарашни яхши кўришади. Мактабга чиққанининг биринчи кунндаёқ Глиннис Жорж Вашингтон, қизил шинелли Британия армияси ҳамда «Британлар хужумга ўтди!», дея ҳайқириб қишлоқдошларини бош кўтаришга чақирган Пол Ревер тўғрисида ҳамма нарсадан хабари бор эди.

— Сен бугунга келиб буларнинг бари тугаган деб ўйларсан, — деди онаси унга. — Чой учун бир оз кўпроқ пул олсанг бўлди, қарабсанки, яна ўзингни уларнинг рўйхатида кўрасан.

— Мисс Глен бу воқеалар содир бўлганига жуда кўп вақт бўлган деб айтди, — тушунтирган бўлди онасига Глин-

нис. — У Америка бизни иккита катта урушда асраб қолган, шу-шу биз қайтадан яқин дўст бўлиб қолганмиз, — деди.

— У ўзини роса содда қилиб кўрсатади-да, — деди онаси Глиннис томонга салгина эгилиб, унинг ҳўл сочини тўғноғич билан бошининг устига танғиб қўяркан. Улар икковлон биргаликда ўтказадиган бундай онларни онаси «қизлар соати» деб атар, гарчи дадаси ҳеч қачон эшик қоқиб уларни безовта қилмаса ҳам, ҳар эҳтимолга қарши онаси доимо эшикни ичкаридан беркитиб оларди.

— Ўзингга бирорта ўртоқ топдингми? — дея сўрайди онаси ваннахонадаги ойнаванд столга суянаркан.

Глиннис ҳар хил овқатнинг ҳиди ўрнашиб қолган бўлса деган ўйда баданини совунли чўтка билан қаттиқ ишқалайди. — Битта қиз бор экан, — деди у. — Биз чувалчангни биргаликда ёриб кўрдик.

Онасининг юзига дарҳол муз югурди.

— Кўрқманг, бу тажрибани табиатшунослик дарсида ўтказдик, — деди Глиннис. — Мисс Глин иккаламизни шерик қилиб қўйди. Онаси кўзларини юмиб, билинар-билинмас жилмайди. «Шундай демайсанми? Демак, унис ҳисоб эмас. Бундан чиқди ҳали ҳеч ким билан дўстлашмабсан-да?» У ўрнидан туриб, жинси шими ва свитерини ечди, уларни полга ташларкан, «Сал нарироқ сурил, мен ҳам ёнингга тушаман», деди.

Онаси орқа тарафидан ванна ичига сирғалиб тушаркан, Глиннис кўксини тиззасига яқинроқ келтириб олдинга сурилди. У қизининг орқасини ишқалаб қўяди. «Мактабинг қанақа экан, сенга ёқдимми?» сўради онаси. Глиннис онасининг оёқлари ва кўксига суяниб, орқа томонга сирғалди.

— Уларда қўл кўтариш деган тушунча йўқ экан, — деди у. — Бирор кимса мен билан гаплашай ҳам демайди. Синф хонасидан бўлса ҳидланган оёқ иси келади.

— Ўзи ҳамма ерда шунақа шекил, — деди онаси ва Глинниснинг бошидан ўпиб қўйди. — Уйимизни роса согиндим.

— Мен ҳам, — жавоб қилади қизи.

— Мен ахир ўша ёқда туғилганман, — пичирлади онаси.

— Мен ҳам худди шундай, — деди қизалоқ.

Онаси ҳўл бармоғини Глинниснинг қулогига теккизди ва бармоқ учи билан солинчагини аста ишқалади. «Ўқитувчинг кимга ўхшайди?»

Глиннис ўйлашга уринади. «Унинг сочи, кўзи қора, — жавоб қилди у. — Тирноғи қизилга бўялган ва ҳар доим жилмайиб туради».

Курак суягига тегиб тураркан, Глиннис онасининг кўкраги пастга-тепага тушиб чиқаётганини ҳис қилди. «Бугун сен билан ётсам майлими?» сўради онаси. Глиннис бош ирғади. Онаси Глинниснинг елкалари оша ўтқазиб ҳўл қўллари билан уни кучоқлаб олди. «Ҳеч ким сени менчалик яхши кўролмайди», деди у меҳри ийиб кетиб.

— Биладан, — деди Глиннис.

Онаси қўлларини чалиштириб, бошини олдинга ташларкан, Глиннис шундоққина қулоги орқасида унинг нафас олишини сезиб турди. «Энди сен менга шундай деб айт», ўтинди онаси.

— Ҳеч ким сизни менчалик яхши кўра олмайди, — қайтарди Глиннис.

* * *

Мактаб ошхонасида навбатда турганларга шоколадли сут кўпинча етмай қолади. Шу сабабли ҳам биринчи бўлиб навбатга туриб олиш мусобақа тусини олганди. Мисс Глен бу борада очиклик бўлиши тарафдори. «Бугун, — деди у синфга мурожаат қилиб, исми “М” ҳарфи билан бошла-

нувчи ўқувчилар биринчи бўлиб навбатга туриши мумкин». Меган Ар ва Меган Си чапак чалиб, эшик томон югурди ва пушти кроссовкаларини оёққа илишга тушди. Глиннис қўлини иягига тираганча кутишдан бошқа чора тополмади. «М»дан кейин исми «Б» ҳарфи билан бошланувчилар, сўнг «Х» билан бошланувчиларга навбат тегди. Бутун синф навбатга турди, Глинниснинг кўнглида ҳўл қум тўлдирилган қоп мисоли аллақандай ғамгинлик ғимирлади. Аслини олганда у шоколадли сутни сираям хуш кўрмайди.

Мисс Глен «Л» ҳарфига навбат берганда, Глиннис партасидан аста сиргалиб чикди ва Леора Фаустнинг орқасига бориб турди. Муаллима болаларни йўлакка бошлаб чиқаркан, Глиннис шошилиб туфлисининг боғичини тўғирлашга тушди.

— Вой-дод, бир пой туфлим қани? — дея айюҳаннос солди Леора. Мисс Глен дарҳол юришдан тўхтади. — Кимдир туфлимни ўғирлабди!

Муаллима қатор охирига келиб тўхтади, олхўридай ёрқин лабларини чўччайтириб «Леора, — деди ҳоргин овозда. — Ҳеч ким туфлингни ўғирлагани йўқ. Тезроқ бўлақол, сени деб ҳамма тушликдан кеч қолмасин».

Леора йиғидан аранг ўзини тийди. Ҳамма нигоҳини унга қаратган. Айни пайтда йиғи билан бирор нарсани ҳал қилиб бўлмайди. «Туфлимни тополмаяпман», дейди у паст ва ночор оҳангда.

Мисс Глен кўзларини юмиб, бармоқлари билан пешанасини артди. «Болалар, Леоранинг туфлисини ахтаришиб юборинглар», деди у шифтга қараб уҳ тортаркан.

Жереми бир пой туфлини ахлат солинадиган саватчадан олиб, унинг ипидан ушлаганча Леорага қарата улоқтирди. «Кимдир буни ахлат деб ўйлаган бўлса керак», деди у.

Мактаб ошхонасига қатор бўлиб боришаркан, йўлак узра «Леоранинг туфлиси микробга тўла! Орқага қайтариш

йўқ!» деган қийқириқлар янгради, туфлининг «микроблари» қўлма-қўл бўлиб олдинги қатор томон кетди. Глиннис ҳали туфлисини оёгига илишга улгурмай ликиллаб бораётган Леоранинг орқасига кетиб борарди. «Микроб» Леорага етиб борганда, улар тўхташади. Леора ўз микробларини Глиннисга узатиш учун қайрилмади.

Ошхонада Глиннис тушликни ёлғиз ўзи қиларди. Унинг орқа тарафидаги столда Меган Ар наклейка ёпиштирилган пушти хатжилдларни тарқатиб ўтирарди. «Бу туғилган кун кечасига таклифнома, — деди бирга ўтирган қизларга қараб. — Ойим лойли ниқоблар билан бодринг сотиб олмоқчи, бемалол ниқоб қилишимиз мумкин бўлади.»

— Сизлар туғилган кунингизга ҳар доим роса яхши тайёргарлик кўрасиз-да, Меган, — деди қизларнинг бири.

— Биладан, — жавоб берди Меган Ар. — Аммо уни ташкил қилишнинг ўзи бўлармиди, ойим бу йил туғилган кунимизга кўпчиликни чақиришимизни истамаяпти. Буни сир тутишимиз керак.

Қизлар илжайишди, Меган Ар бўлса паст овозда «Баъзи бировлар бундан хафа бўлмасин дейман-да», — дея шивирлади.

Бунинг учун бировни айблашдан осони йўқ. Кечани ўтказишни режалаштириш жараёнида ота-отаналар унга неча кишини таклиф қилиш, хонага неча киши сиғишини айтиб ўтишган. Глиннис бу мактабга қатнашидан бирмунча илгари, чамаси бир неча ҳафта аввалроқ Меган Арнинг ойиси тегишли сонни айтиб бўлган, рўйхат аллақачон тузилганди. Глиннис оппоқ сутдан ҳўплаганча столда бир ўзи ўтирар, тезроқ қўнғироқ чалинса-ю овқатини четга суриб, тезроқ синфга қайтишни истаб бетоқат бўларди.

Дарсдан сўнг уйга қайтган Глиннис каравотида оёғини чалиштириб ўтираркан, жавон қаршисига онаси ялангоч

тик турарди. Янги уйларидаги барча жавонларнинг эшиги ойнаванд бўлганидан, Глинниснинг онаси дадаси ишдалиги пайтида шу ойналарга солиб ўзига қарашни ва оро беришни хуш кўрарди.

— Мактабимизда ҳаммага зикналик қиладиган битта қиз бор, — деди Глиннис онасига. — Ҳатто муаллима ҳам ундан безор.

Онаси ойнага ўзини тутаркан, бироз буришиб қолган қорнидаги терисини тортиб-тортиб кўрди, кейин эса уни яна ўз ҳолига қўйди. — Ўзи баъзан шунақа бўлади, — деди у. — Баъзи одамларга ўзи шундай туюлса керак-да. Тўғриси, онасининг шу одати, яъни бироқ нарсани ҳал қилиш қўлидан келмаса дангал айтиб қўя қолиши Глиннисга жуда маъқул келарди.

— Нега бунақа? — сўради Глиннис. Онаси бўлса елка қисди.

— Айрим одамлар буни жуда осонликча бажаради, — деди у. — Улар одамларга зикна бўлиб кўринишни жуда нормал ҳол деб билишади.

Глиннис буни ўзича тушунган бўлди. Эски мактабида овқатланишдан аввал ҳам, имтиҳондан аввал ҳам баланд овозда ғийқиллаб дуо ўқийдиган — Масих у, Масих бу дегандай бир қиз бўлгучи эди. Аммо ҳеч ким унинг тўғриси бирор марта бўлсин ахлат қутисига улоқтирган эмасди. Ҳеч ким унинг микробларини ён атрофга тарқатган ҳам эмас. «Шундай бўлса ҳам, нега унинг бирорта ҳам ўртоғи йўқ?» сўради Глиннис онасидан, онаси дарҳол у томонга қаради.

— Менинг ҳам бирор дўстим йўқ, — деди у.

— Уйда дўстингиз бор-ку, дўстларингиз жуда кўп.

— Йўқ, — деди онаси қўлларини кўкраги устига қўйган ҳолда уларни аста баданига босаркан. — Дўстим йўқ.

Глиннис тирноғи билан туфлисига ёпишган лойни кўчирди. — Жуди-чи? — дея сўради у лойни чойшабдан нарига черта туриб. — Рейчел, Линда ва ё кўчамизнинг нариги тарафидаги Кейти Бел ким бўлмаса? Улар сизнинг дўстларингиз эмасми?

— Йўқ, энди улар ҳам дўстим эмас, — деди онаси. — Менинг бу дунёда дўстим қолмади ҳисоб.

Онаси уларни «қизлар» деб чақиради. Улар болаликдан бирга ўсишган, битта мактабга қатнаб ўқишган, бир хил кўшиқ эшитиб, ўхшаш одамлар ҳақидаги ўхшаш ҳикояларни айтиб катта бўлишган. Глиннис тушдан кейин мактабдан уйга қайтганида доимо уларни орқа тарафдаги айвонда тамаки тутатиб, жимжимадор қадахларда коктейл симириб ўтирган ҳолда кўрарди. Муҳим нимадир айтмоқчи бўлишса, ўзаро «қизлар» дея мурожаат қилишарди. Глиннис онасининг тиззасида ўтирган кўйи унинг муздек қадахидagi коктейлдан оз-оздан ҳўилар, қизларнинг энди ёши ўтиб қолган собиқ йигитларию илк бўса онлари, ва ё ўзлари билган қартайиб, семириб кетган, қашшоқлашиб қолган ёхуд оиласидан ажрашган аёллар ҳақидаги ҳикояларга қулоқ тутарди. Улар гапга тушиб кетишса, гоҳ бир-бирларини тўлдиришар, гоҳ ўзаро гапларини бўлиб, эски тафсилотлардан кўшишар, биргаликда ҳангомалар тўқишар, Глиннис мутлақо беҳабар бўлган номларни, жойларни ҳамда маънисиз сўзларни айтиб қийқиришарди.

Ойисининг дугоналари Глинниснинг дадасини «америкалик» деб чақирришар, у ишдан қайтганда ошхонадаги стол атрофида у билан навбатма-навбат рақсга тушишарди. «Қандоқ бахтли кишисиз», дейишарди қизлар дадасига қарата радио садосига муқом қиларкан. «Америкалик аёллар зил-замбил ва семиз бўлишади. Улар огизларини ланг очиб кавшайдилар». Бундай пайтларда дадаси улар-

ни урушган бўлиб кўрсаткич бармоғини ликиллатарди. Глиннис билан онаси бўлса қўлини оғзига қўйиб куларди.

— Сени олиб қочишидан кўрқмайсанми? — сўрашарди қизлар Глинниснинг онасидан, у эса эри асло бундай қилмаслигига ваъда берган бўларди.

— Нега энди улар сизнинг дугоналарингиз бўлмай қолди? — сўради Глиннис ўша пайтларни эсга олиб. — Нима, бу ёққа кўчиб келганимиз бунга сабабми?

Онаси ойнадаги аксига тикилиб қаради, бармоқлари учини лабларига теккизиб, кўзларининг остидаги ботиқликка аста босди. — Дадангдан сўраб кўр-чи, — деди у. Глиннис ўрнидан турди.

— Нега ўзи бу ерга келдик? — сўради у.

Онаси бошини қуйи солди, оёқлари учида турган кўйи тиззаларини бир-бирига яқинроқ сурди. — У алдади, — деди онаси. — У мени алдади.

Глиннис ўзича ўйлади. Битта кичкинагина алдов у қадар муҳим бўлмаслиги керак ахир. Модомики биргина сабаб шу экан, балки улар бу ерда туришлари шарт эмасдир. Қолаверса, улар ҳали юкларини очиб, жой-жойига қўйишгача йўқ. «Балки у қилган ишига пушаймон бўлар, — деди Глиннис тиззалаган кўйи. — Чин дилдан пушаймон бўлса-чи, демоқчиман. Худди мен илгари узум шарбатини гиламга тўкиб юбориб, буни уйимизни тозалайдиган аёлга тўнкаганим каби. Балки бу ҳам шунақадир!»

— Афсуски, ундай эмас, — жавоб қилди онаси. — Асло ундай эмас.

У ойнадан Глиннисга қаради. — Сен ҳам сапчишни бас қил, қизалоғим, чунки биз орқага қайтаётганимиз йўқ.

Глиннис чўккалаб ўтирди, онаси эса бармоқлари билан кўкраги учини чимчилаганча сал баландроқ кўтараркан, «Мен хунукманми?» деб сўради.

— Асло, — жавоб қилди Глиннис, онаси бўлса хўрсинди.
— Шундоқ дегин, — деди у. — Сен ҳам худди менинг ўзимсан.

* * *

Кечки овқатга онаси уларга қоғоз ликопчаларда пишмоқли макарон тортди, ўзи эса тамаки тутатганча, қоғоз стаканидан ичимлик симирди. Дадаси таомдан катта бўлак олиб оғзига соларкан, жуда зўр дегандай бош бармоғини юқорига қаратди. «Қойил!» деди у, онаси вишиллаган симон томоғини қириб қўйди. «Сен овқатланмайсанми?» сўради у хотинидан, у жавоб қайтармагач, қўлларини бир-бирига уриб, ишқалаган ҳолда «Жуда соз!» деди жилмайиб. «Унда Глиннисдан мактабдаги янгиликлар ҳақида бирор нарса эшитақоламиз, қани».

Глиннис бирор нарса дермикан деб, онасига қаради, ammo онаси бошини тепага кўтариб, тамакининг ҳалқасимон тутунини шифтга пуфлади.

— Мактабимдаги энг уддабурро қизлар Меган Ар ва Меган Си экан, — деди Глиннис. — Улар сочларини чиройли турмаклашади, пуштиранг туфли кийишади, синфдаги ҳар бир ўқувчи улар билан ўртоқ тутинишни истади.

— Яхши экан-ку, деди дадаси.

— Мана шу жумада Меган Арнинг туғилган куни бўларкан, у шу кунни нишонлаш учун «уйқу-уйқу» кечасини ўтказмоқчи, фақат ўзига ёққан энг яхши қизларни таклиф қилмоқчи.

Онаси бошини қиз томонга қаратди. — Қандай яхши уйқу-уйқу ўйини! — деди у стол устига қўлини тираб. — Менга бу ўйин жуда ёқарди. Ичагимиз узилиб-узилиб кунлардик!

— Ажойиб, — гапга қўшилади дадаси, аммо онаси унинг гапига парво қилмади.

— Биз ухлаб ётган бирор дугонамизнинг бармоғини илиқ сувга тикиб қўярдик, у бўлса ўзини ўзи жиққа ҳўл қиларди.

Онаси бошини пастга қаратиб куларкан «Ўша қиз уйқудан турганда, биз уни ташқаридан қулфлаб қўярдик, у эшик қўнғироғини чалиб, ҳамманинг кўз олдида уй бўйлаб юриб ўтишига тўғри келарди», — деди.

— Дўстларингизни ҳам шундай қилармидингиз? — сўради қиз. Онаси бошини қимирлатиб: — Йўқ, ҳарқалай яхши қизларга унақа ҳазил қилмасдик, — дея жавоб қилди.

«Ўзи нега бирор кишига унақа қилардингиз?» деган саволига онаси кўзини ўйнатиб, «Вақтичоғлик қилиш учунда» деб жавоб қилди.

— Вақтичоғлик ҳам эви билан-да, — деди Глиннис, дадаси эса елкасига маъноли йўталиб қўйди.

— Балки сенга бундай қилишмас, — деди онаси, — сен яхши қизсан-ку.

— Мени таклиф қилишгани ҳам йўқ-ку, — деди қиз. Дадаси бошини кўтариб:

— Нега ахир? — деб сўради.

Глиннис макарон тўла ликопчасига кўзини пирпиратиб:

— Чунки мен ҳали янгиман, — деди.

Дадаси стол устидан қўлини чўзиб, уни қизининг қўлига қўйди. — Бундан буён янги бўлмайсан, — деди у қизининг қўлларини сиқиб. Глинниснинг томоғига бир нима тикилгандай бўлди. У кўзларини юмиб, бошини эгганча дадасининг қўлига қўйишни истади.

— Сен ҳам Меганларга ўхшаган бўлишинг мумкин эди, — деди онаси. Глиннис бошини кўтариб унга қарайди. — Охирги сониягача. Аммо даданг ўз фикридан қайтди.

— Бу нима дегани? — сўради Глиннис.

— Ҳа-я, — гапга қўшилди дадаси. — Бу менга нонуштани эслатди. Тухумлармиди, яна нимадир бор эди. Билмайман. Аммо менга Глиннис деган исм ёқарди.

У Глиннисга қараб жилмайди: — Нима, бу исм туфайли омадли эмасман деб ўйлайсанми?

Онаси Глинниснинг қўли дадасининг қўлидан аста сирғалиб чиқиб тиззасига тушаётганини кўрди.

Кечки душ қабул қилиб бўлгач, ўша куни Глиннис ўз каравотида онасининг радиодан қувноқ, гўзал мусиқа ахтариб, мурватни айлантираётганига қараб ўтирди. «Тирноғингни бўяб қўяйми?» сўради онаси. Глиннис керакмас дегандай бош тебратди. Кўнглида ўзининг бемаъни исмига нисбатан аллақандай қониқмаслик ҳисси уйғонди.

— Роса чарчадим, ойи, — деди у, аммо онаси тирноқ бўяйдиган лак солинган шишачани чайқалтираркан: — Қўйсанг-чи, буни қўлингга қўйиб олсанг, роса очилиб кетасан, деб уни ҳоли жонига қўймади.

Келаси кун тушлик пайтида Глен хоним тирноғини пуштига бўяганлар энг олдинги сафга туриши мумкинлигини эълон қиларкан бодом шакл кўзини Глиннисга аста қисиб қўйди. Бутун синф чуқур хўрсингандай бўлди. Меганларнинг иккалови ҳам тирноғини бўямаган экан.

Глиннис патнисини олиш учун кутиб турган маҳал орқасида кимдир питирлаб турганини сизди, ўгирилиб қараркан, Меганлар навбатдан ташқари чиқишга уринаётганини кўрди. — Янги қиз-ку бу, — дея шивирлади Меган Ар ва уни ўзига жалб қилиш учун қўлини силжитди. — Бизгаям шоколадли сутдан олиб бер, — деди Меган Ар қўлини олдинга чўзиб. Глиннис узатилган пулга қаради.

Бундан ҳеч бир яхшилик чиқмайдиган кўринади. Агар Глиннис пулни оладиган бўлса, Меганлар уни заиф, ҳаммага эгилиб кетаверадиган қиз экан деб ўйлашлари мум-

кин. Мабодо олмаса, қизлар уни бутун умр ёмон кўриб қолиши эҳтимоли бор. Меганлар кўзини лўқ қилиб турарди, қолган бутун синф ҳам нима бўлишини диққат билан кузатарди. Иккита йўл бор: ё душманга айланиш, ё хизматчига. Глиннис қайси бири ёмонроқ эканини билмасди.

Леона Фауст навбатдан чиқаркан кўзлари катта-катта очилиб, жиддий тусга кирди. — Бундай қилиш қоидага тўғри келмайди, — деди у Глиннисга. — Бу фирромлик ва қоидага қарши ишдир.

— Бировларнинг ишига бурнингни суқма, — деди Меган Си, Леора эса Глинниснинг қўлидан ушлади.

— Унга итоат этишинг шарт эмас, Глиннис. Мисс Глен онангни мактабга чақиртириб, сени ташвишга қўйиши мумкин.

Леоранинг тирноқлари тирсагига тегаркан Глиннис уларнинг силлиқ ва совуқ эканини ҳис қилди, у шу лаҳзада қўлларини Леоранинг митти елкасига қўйишни жуда-жуда истади. У Леорани «хавотир олма, ҳаммаси яхши бўлади», дея тинчлантиришни хоҳлади.

Бироқ Меганлар бир-бирига қараганча кўзлари билан овозсиз ўзаро нимадир деган бўлишди. Бу худди Глиннис илгари ўз онасининг дугоналарига қилган муомаласига ўхшарди: бўйин аста чўзилди, қошлар чимирилди, лабнинг бир учи беўхшов бурилди. Яна бир лаҳза кутилса, кечикилган бўларди. Шу сабаб у зудлик билан нимадир қилиши шарт.

— Тегинма, — деди Глиннис Леоранниг қўлини четга суриб. — Қўланса микробларинг менга керакмас.

Леора энтикиб нафас чиқарди. — Айтиб бераман, — деди у, аммо овози билинар-билинемас, худди кўкрагининг ич-ичидан чиқаётгандай жудаям секин эшитилди. — Ҳаммаларингни мисс Гленга айтиб бераман.

Меган Ар қўлини белига тираб даканг хўроз мисол олдинга чиқди ва «Ундай бўлса биз ҳаммамиз сени ёлғончига чиқарамиз», деди. Леора бошини қуйи солиб, эски кўнғир туфлисига қаради, Глиннис эса Меган Ардан пулни олди. Бир сонияда ҳамма қайтадан қатордаги ўз жойини эгаллади.

— Мен деярли Меганларнинг бирига айландим, — деди Леора унинг столига келиб ўтирганларга қарата. У қизларнинг ҳар бирига шоколадли сут узатди. Меган Си унга шубҳаланиб қаради.

— Деярли дегин? — сўради у.

— Бу от менинг онамнинг дунёда энг яхши кўрган исми, — деди Глиннис қизларга. — Аммо дадам бу исмни охирги дақиқада ўзгартиришга қарор қилган экан.

— Ойинг нега уни бундан қайтармаган? — сўради Меган Ар. — Ахир у сенга шу отни қўйишни жуда-жуда истаган экан-ку?

Глиннис бир оз ўйга толди, сўнг «У онамни алдаган», деди. — У буни онамга айтмай, билдирмасдан ўзгартирган, онам ҳам бундан кеч хабар топган.

— Афсус, — деди Меган Ар, аммо ўзи Глинниснинг боши узра қўлини силкиб ҳар доим ўзи билан бирга ўтирадиган қизларни имлади.

— Онам ҳалигача бундан эзилиб юради, — деди Глиннис. — Фақат онамгина мени Меган деб чақиради.

— Роса кўпайишиб кетдик-ку, — безовтланди Меган Ар атрофдаги стулларни санаб. — Сал сиқилишиб ўтиришга тўғри келади.

Стул атрофи тўлиб кетди. Қизлар «уйқу-уйқу» ўйинини муҳокама қиларкан, Глиннис тирсагига таяниб жимгина ўтирди. «Дадам Рокфеллер қисқичбақасини пишириб бермоқчи», дея мақтанди Меган Ар. «Бу мен энг яхши кўрган таом».

— Нима, қисқичбақа дейсанми? — сўради Глиннис. Меган унга ўгирилиб қараркан:

— Нима, сен бу нималигини билмайсанми? — деди ажабланиб. Глиннис қизарган кўйи:

— Мени дадам қисқичбақа пиширмайди, — деди у. Столнинг бир бурчида ўтирган Меган бўлса унинг устидан кулди.

— Ундай бўлса, демак сен кўп нарсадан бебахра қолгансан шекилли.

Глиннис овқатига қаради. Қовурилган жўжа аралаш жигарранг ва қуюқ қайлалани таомни патнисининг чеккасига суриб қўяркан, атрофидаги қизлар байрам куни ҳазил телефон қўнғироқлари қилишу Меган Ар онасига қайси фильмларни ижарага олишини олдиндан айтиб қўйишини режалаштиришди.

— Эски мактабимда биз бунақа байрамларда бирор қизнинг қўлини иссиқ сувга солиб қўйиб, уни ўзини-ўзи шалаббо қилишга мажбурлардик, — деди Глиннис. Бутун синф ялт этиб унга қаради.

— Ўзини-ўзи шалаббо қиларди? — сўради Меган Си. — Худди иштонини ҳўллаб қўйгандайми?

Глиннис бош ирғади. «Биз биронта қиз ухлаб қолишини кутардик, сўнг у ўзини, иштонини шалаббо қилиб бўлгач, унинг устидан қулфлаб қўярдик». Орадаги шундай бир улугвор лаҳзада Меганлар Глиннисга анграйганча қараб қолди, Глиннис бўлса гўё истиқбол эшиклари ўзи учун ланг очилиб кетганини ҳис қилди. Мана энди у теннис ўйинида кийиладиган пушти ранг оёқ кийими сотиб олади. Сочларини қойиллатиб турмаклайди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳикояларга тўла «Континентал Меган»га айланади-қўяди!

Глиннис уч тарафлама телефон қўнғироқлари-ю синфдаги ёзишмаларни фараз қиларкан, Меганлар бир-бирига

қараб, бармоқларини уриштирди. Глиннис ўпкаси иккита бужмайган пуфак мисоли бўм-бўш бўлиб қолганини ҳис қилди. Нечта ҳикоя билишининг, неча бор ошхона қондаларини бузганининг аҳамияти йўқ энди. Шу столда ўтирганча бундан буён ҳар куни тушликка олган овқатини охиригача ейиши, ҳар бир ўйин-кулги кечасига бориши, ҳар қандай суҳбатга қўшилиши мумкиндай эди. Аммо у ҳалигача бу қизларни улар ўзаро бир-бирини билгани каби яхши била олмай ҳалак.

— Биз ҳам шундай қилишимиз керак, — пичирлади Меган Ар. — Кимни шундай қилсак бўларкин-а?

— Сув чиндан ҳам иссиқ бўлиши шарт, — деди Глиннис. — Акс ҳолда бундан ҳеч нарса чиқмайди.

— Топдим. Леора! — деди Меган Си. — Леорани бир бопламасак бўлмайди.

Глиннис патнисдаги овқат солинган идишини у ёқдан бу ёққа сураркан, қолган қизлар Меганларнинг онасини яна битта кишини таклиф қилишга рухсат бериши учун қандай кўндириш ҳақида бош қотирарди. Улар Леора жамиятшунослик дарсини ўзлаштиришга ёрдам берди, деб айтишди. Балки шунда рухсат берар, ким билсин. Меган Ар ўрнидан туриб, Леора якка ўзи ўтирган стол олдига келди.

Глиннис буни кўролмади. Леора Фауст деганлари кичик жуссали, галати қарашли, сочлари кир, тирноқлари ўсиқ беўхшов қизча экан. Аммо у Глиннисга бирон ёмонлик қилган эмас. Леора синфдаги ҳамма қизлар унга қарши қандай фитна ўйлаганидан асло хабари йўқ. Глинниснинг онасими, Меган Арнинг онасими, уларнинг барчаси ҳаётдан ўз улушини олган. Уларнинг ҳаётига бегона киши суқилиб кириб, ҳамма нарсани ҳе йўқ-бе йўқ остин-устун қилиб юборган. Кунларнинг бирида Глиннис онаси икко-

ви ўз дадасининг кўчанинг нариги тарафида яшайдиган Кейти Бел билан бир ресторандаги деразага яқин жойда овқатланиб ўтирганини кўриб қолди. Шундан кейин улар бу ерга кўчиб келди. Парча-парча, қийма-қийма бўлди ҳаммаси. Эски қалъа ер билан яксон бўлди. Глиннисни бўлса мана шу янги дунёда қолдиришди. Глиннисни кўп нарсадан бебахра қолди деган Меган Ар унчалик ҳақ эмасди. Бу бепоён дунё худди ҳар замон ўзлари бебахра қолаётган нарсалар хусусида хаёл сураётган бегоналарнинг шунчаки йирик гуруҳига ўхшаб кетарди.

Дадаси Глиннис кечки овқатга ҳар доим ҳам «поп-тарт» деган овқат еёлмаслигини айтди. Пишлоқли сендвичининг нонини олиб, пишлоғи устига туз ва қалампир сепди.

— Куни билан ишладим, — деди у хотинига қарата. — Ақалли баъзи қутиларни очиб, жойлаштирсанг бўлармиди. Ҳеч бўлмаса бирон иссиқроқ таом пиширсанг бўларди балки.

Онаси чурқ этмади. У қоғоз стаканини кўксига тақаганча мусиқа эшитаётгандек оёқларини ликиллатиб ўтирди. Глиннис жойида ўтираркан ўроғлиқ «поп-тарт»ини тиши билан очишга уринди. Дадаси унга қараркан: «Сенга буни ема дедим-ку, — деди. — Кечки овқатга буни емагин, Глиннис».

Глиннис онасига қаради ва унинг нима қилиш кераклигини айтишини кутиб мўлтиради. Онаси эснаб, қоғоз стаканни икки қўллаб ушлаганча, ўтирган жойидан туриб, аста ошхонадан сирғалиб чиқиб кетди. Глиннис энди дадасига қараб, оғзи кичрайиб, жаҳли чиққанча ўзига қаттиқ тикилиб хўмрайиб турганини кўрди. Глиннис қоғозни қайта очишга уринаркан, дадасининг кўзларига тик қаради. Дадаси бошини сарак-сарак этганча танбех берган бўлди, Глиннис бўлса ундан кўзини узмади. У оғ-

зини секингина поп-тартга тўлдириб, лунжи шишганча уни чайнай бошлади.

Дадаси ўрнидан турганини кўриб, Глиннис ҳозир келиб мени уради деб ўйлади. Дадаси қўлини кўтарди, қизнинг оғзидаги лукма оғизда тош қотгандай, шағал ва лойга дўнгандай бўлди. Аммо дадаси қизини чертмади. Бунинг ўрнига у столга қаттиқ муштлади. Зарбдан стол зир титраб, туз-қалампир солинган идишчалар четга отилиб, сочилиб кетди. «Лаънати! Жин урсин!» дея ўшқирди у.

Унинг товуши ўчса ҳам сўзлар хонада муаллақ қотгандай жаранглаб тургандай бўлди. Ҳатто деворлар ҳам бу сўзларни совуқ ва ўрмаловчи тутун каби тутиб турарди. Глиннис пастга, стол атрофига сочилиб кетган туз ва қалампирга қаради. У дадаси ошхонадан чиқиб кетгандан кейин ҳам у ерда узоқ қолиб кетди, митти тирноқчалари билан ёйилиб кетган туз ва қалампирни ажратиб, идишчаларга солди, тузни тузга, қалампирни қалампирга қўшди, улар ўз ўртоқлари билан бўлгани яхши, дея ўйлаб шундай қилди. Йўқса, улар кўрқиши мумкин, дея ўйлади Глиннис.

* * *

— Жума осмонга сапчидиган кун! — дея қичқирди Жереми дарс бошланмасидан илгари ўйин майдончасида. Леора Фауст мультфильм қаҳрамони бўлган қурбақа расми туширилган юбка кийган, ўғил болалар арғимчоқ атрофида чувалашиб уни пойлашди, бармоқлари билан юбканинг почасини кўтариб, Леоранинг оқ рангли колготкасини очиб, шўхлик қилишди.

— Бас қилинглар! — дея бақиради Леора пилдираб айланганча болаларни асаларини ҳайдагандай нари итариб. — Тегинмаларинг менга!

Жереми қотиб-қотиб кулди: «Жума қанақа кунлигини билардинг-ку. Юбка кийишинг керакмас эди бугун», — дея жаҳлини қўзитди Леоранинг.

Леора тезда нари кетди, нам ўтлоқни кесиб ўтиб синфга ура қочди. Пахтали шим кийган Глиннис Меганлар билан бирга ғиштин деворга суянади, ҳамма юбкалари ҳалиям қайсидир қутида уйнинг бир бурчида очилмай ётгани учун Худога шукр қилди.

— Леоранинг онаси байрамда бизникига келиши мумкинлигини айтди, — деди Меган Ар дарсга қўнғироқ чалинаркан. — Ўша иссиқ сув ҳангомасини бизга эслатиб, роса зўр иш қилдинг-да. Сениям байрамга таклиф қила олсам қанийди, буни жуда-жуда истаяпман, рости.

Глиннис уларнинг орқасидан синфга кирди. «Ишончим комил, байраминг жуда қизиқарли бўлади», деди у мулойимгина бўлиб. Аммо боши худди бўйнида турмаётгандек лиқиллайди, оёқ-қўллари бўшашиб, оғирлашди. Тушгача икки қўлини бошига тиргак қилиб ўтирди. Қорни совуқ ва нам увадага ўхшаб қолди, у муштини қорнига ботириб кўрди, ҳали очикмаганлига ошқозонини ишонтиришга уринди. Онаси ўтган куни у туз-қалампирни ажратиб бўлгунича донг қотиб ухлаб қолибди. Ювинишга эриниб, каравотга оҳиста чиқаркан, онасига яқинроқ сурилиб ётганди. Бутун тун бўйи мижжа қоқмай, бир томонда қорнининг қулдираганига, иккинчи томонда якка ўзи каттакон ётоқхонада ётган дадасининг паст, бўғиқ хуррак отишига қулоқ тутиб чиққанди.

Танаффусга қўнғироқ чалинганда Глиннис Меганларнинг ортидан эргашди, бироқ мисс Глен уни олдига чақирди. «Бугун бир оз ғалати кўринасан, нима бўлди сенга?» — сўради муаллима. Глиннис шошиб кўйлаги тоза-кирлигига, туфлисини тўғри кийганига эътибор қарат-

ди. — Сочингни тўғирлаб қўйсам нима дейсан? — сўради мисс Глен. Глиннис бармоқлари билан сочининг орқасини ушлаб кўрди. Глиннис мактабга кетаётганда онаси ҳалиям уйқудан турмаган, унинг ўзи сочини французчасига турмаклашга ҳаракат қилганди. Бармоқлари толиб кетгунча сочини тўғирлаган бўлди, аммо турмак нотўғри, эгри-бугри ва тўзғиган бўлиб чиққанди.

Глиннис муаллимаси сочини чиройли қилиб тарагунча роз туриб берди. — Мана, тайёр бўлиб қолди, — деди у Глинниснинг сочига фарқ очаркан. — Ватандан йироқда яшаш роса қийин бўлса керак-а?

— Шунақага ўхшайди, — жавоб берди Глиннис. Аммо у Англия, эски мактаби, аввал яшаган уйи ҳақида ўйлашни истамасди. Бундан нима ҳам чиқарди энди? Барибир ортга қайтиб кетолмайди-ку.

— Албатта, бу ер ҳам сенинг учун ватан, — юпатган бўлади мисс Глен.

Глиннис миқ этмади. Муаллима билан тортишиш одобдан эмас ахир.

— Даданг америкаликми? — сўради мисс Глен. Глиннис «ҳа» дегандай бош ирғаркан, муаллимасининг қўллари сочларини майин тортқилаётганини ҳис қилиб турарди. — Демак, сен ҳам америкаликсан, сенда иккита фуқаролик мавжуд. Бу нима деганини биласанми?

Глиннис жавоб бермади, мисс Глен бўлса оҳиста уҳ тортиди:

— Бу сен алоҳида аҳамиятга эга қизсан дегани, — деди. — Сенинг иккита ватанинг бор. Бу мактабдаги ҳамма боланинг биттагина мамлакати мавжуд. Менимча, биз бир-биримиздан кўп нарса ўрганишимиз мумкин.

Глиннис муаллимаси Бетси Рос байроғининг қоғоздан ясалган вариантини ёпиштириб қўйган ахборотлар доска-

сига қараб турди. «Уруш бўлса нима қилардик? — сўради у. Сўзлар унинг оғзида ҳилвираб ва шалдираб қолди. — Худди илгаригидай-а?»

Мисс Глен резина лентани Глинниснинг сочига айлан-тириб боғлади.

— Сен ҳечам ташвиш тортмаслигинг керак. Бундан буён уруш ҳеч ҳам бўлмайди. — Сўнг у Глинниснинг елкалари-ни аста сиқди. — Мана, тайёр бўлди.

Глиннис сочи текис ва юзи атрофида таранг тортилиб турганини сезди, гўё у оғзини орқага тортиб, кўзларини катта очик ҳолда ушлаб тургандай. «Раҳмат», деди у хурсанд бўлиб. Аммо синфдан чиқаркан, Глинниснинг томоғига аллақандай шубҳа тиқилгандай бўлди. Назарида, «ҳечам» деганлари ҳаддан ортиқ узоқ вақтни ифодалаш учун ишлатилади чамаси.

Ташқарида Глиннис Меганларни излашга тушди. Улар маймун ҳайкалчаларнинг олдида ўйнаётган экан. Глиннис уларнинг олдига боришдан аввал майса устида чайқалиб ўтирган Леора Фаустга кўзи тушди. «Нима қилди, тобинг йўқми? — сўради у қиздан. — Мисс Гленни чақирайми ё?»

Леора эса тиззалаган кўйи бармоқлари билан нам ўтларни юлаберди. Бошини кўтариб, Глиннисга қараркан, унинг юзи қип-қизариб, йиғидан шишиб кетгани сезилди. «Тугмачамни йўқотдим, — деди у ҳиқиллаб. — Куйлагимнинг тугмачасини йўқотиб қўйдим».

— Бунақа йиғлоқи қиз бўлмагин-да, — дея юпатди уни Глиннис атрофга қараб Меганларнинг уни кўрмаётганига ишонч ҳосил қиларкан. — Тур ўрнингдан.

— Энди нима қиламан? Сен менга уни топишда ёрдам беришинг керак, — уввос солди Леора. У ҳўл ва лой кўли билан Глиннисга ёпишди, унинг қўлларини тутганча «Илтимос, Глиннис, топишиб юбор», дея ёлворди.

Истаган нарсаи шу холос. Агар Меганлар Глиннисни Леора билан бирга турганини кўриб қолса, уни шу ерда бўлишни истаяпти, деб ўйлашади. Улар Глиннис нима қилишни танлаб бўлди, деб гумон қилишади. «Битта тугмачага шунчами?» сўради Глиннис, бунга жавобан Леора овозини баттарроқ кўтариб уввос солди.

Унинг жазаваси тутиб, ерни тепкилади. Хўл майса қўлларига чиппа ёпишди. «Йўқ-йўқ-йўқ, — деди у. — Илтимос, етар энди, бўлди қил.» юпатди Глиннис. Кўз ёшлари юзини ювиб тушди, кўзини артиш учун кафтининг орқа томонини ишлатаркан, пешанасидаги намлик ва кир-чирни баттар чаплаб ташлади. Глиннис уни бу ҳолатда ташлаб узоқ кетолмади.

— Ойим ўлдиради мени! — чинқирди Леора, Глиннис эса Меганлар томонга хуркиб қаради. У сал энкайган бўлиб майсаларга қараётгандай кўрсатарди ўзини.

— Балки тугмачанг синфда тушиб қолгандир, — деди у. — Партангнинг атрофини қарадингми ўзи?

Леора бошини қимирлатди, тиззасида питирлаганча орқасидаги майсани титкилаб. «Болалар куйлагимдан торткилашганди, — деди у. — Мана шу жойда эдим ўшанда. Тугмачам шу ерда бўлиши керак! — уввос солди у бўғиқ овозда. — Илтимос, Глиннис, уни топишимга ёрдам берақол».

— Овозингни чиқарма унда, — пичирлади Глиннис. — Ҳаммани ўзингга қаратмагин-да.

Кўзининг қири билан Глиннис баскетбол майдонида ўйнаётган болалар шу томонга қараётганини кўрди. Қулоғи қизариб кетди. Қўллари билан куйлагининг олд тарафидаги энг пастки тугмачасини пайпаслашга тушди. Уни узиб олиш учун кўп куч сарфлаш шарт эмас. Битта силтаб тортса, қўлга илиниб чиқади. Глиннис кўйлаги-

ни узиб олай деб турди, «мана, ол, йиғлоқи бўлмай кетув солишни бас қил», дегиси келди. Бу лаҳзаларда Леора тирсагига тиралди, унинг қоқ суяк умуртқаси тортилди.

— Энди байрамга бора олмайман, — деди Леора, Глиннис бўлса жим қотди. — Уйқу-уйқу байрамига илгари ҳечам мени таклиф қилишмаганди.

Глиннис тугмачани бош ва кўрсаткич бармоғи билан силаркан: «Ҳечам бормаганман, дегин? — дея сўради. — Бирор марта ҳамми?»

Леора ерга қарайди. «Аллақачон совға ҳам олиб қўйгандим, — бурнини тортди у. Глиннис кафтидаги тугмачани маҳкам сиқди, Леора эса бир қўлини кўксига қўйганча унга орқа ўгирди. — Мен унга хилма-хил соч турмаклашни ўргатадиган китоб совға қилмоқчийдим. Шу билан бирга, рангли ленталар, ялтироқ тўғноғичлар ва бошқа керакли ашёлар ҳам бор эди. Буларни Меганларнинг онаси қизларининг сочини мактабга кетишидан олдин турмаклаганда асқотади, деб ўйлагандим.»

Леора битта тиззасини кўтарди, юбкаси оппоққина сонларини ёпиб турарди. Глиннис хижолат чекан мисол юзини бошқа томонга бурди. Наҳот Леора ҳеч нарсани тушунмаса? Наҳотки Леора ўзига бирон марта яхши сўз айтмаган Меган Ар осмондан тараша тушгандай уни тугилган кунга таклиф қилаётганига ҳайрон бўлмайди? Йўқ, бунинг ўрнига у қувонганидан унга совға ҳам тайёрлаб қўйибди.

Глиннис кафтидаги тугмача ипакдай силлиқ бўлиб қолганини сизди. Бу ҳеч нарсага арзимайдиган матоҳ, рости, шунчаки бир парча пластмасса холос. Глиннис Леорага қаради, унинг лой оёқларига ёпишган юбкасига, буралган поча остидаги ички кийимга кўзи тушди, дабдурустан Леорани ёмон кўриб кетди. Уни шунчалик заиф ва нота-вон эканлиги учун кўргани кўзи қолмади. Глиннис қўли-

даги тугмачани маҳкамроқ сиқди. — Тугмачангни энди тополмасак керак, — деди Леора.

Дарсга қўнғироқ чалинганда, Леора ўрнидан қалқди, оёқларига лой ва ўт-ўлан чаплаб олганди. Бирин-кетин синфга киришар экан, мисс Глен уф тортиб, Леорага ишора қилди. «Мунча исқирт бўлиб кетмасанг. Бор қизларнинг хонасига, афту ангорингни тўғирлаб кел», — дея буюрди.

Глиннис оёқ кийимини эшик олдида ечиб, бошини қуйи солди. Партасига томон юраркан, қўлини очиб, тугмачани ахлат қутисига ташлади.

* * *

Дадасининг машинаси тўхташ жойига яқинлашиб келганда, Глиннис мактаб автобусини кутаётган эди. «Ишга бормадингизми?» сўради у дадасидан.

— Келақол, — имлади дадаси. — Ёмғир шивалай бошляпти, чоп.

Глиннис машинага ўтирди, туфлисидаги лой машина полига тушди. «Биргаликда овқатланишга нима дейсан? — сўради дадаси. — Фақат иккаламиз. Ресторанга бориб, истаган нарсамизни буюришимиз мумкин.»

Глиннис қорни тимдалаётганини сизди, иссиқ ва кичик дўкончадан қовурилган картошка-ю десертга пишлоқли пирожний олишни хаёл қилди. Аммо бирданига эсига янги уйда ёлғиз ва яланғоч ҳолда ўзини кутиб ўтирган онаси тушди.

— Уй вазифамни қилишим керак эди, — баҳона қилди у.

— Бугун жума-ку. Дам олиш кунлари бемалол қилаверасан, — жавоб берди дадаси.

— Вазифаларим роса кўп. Келаси ҳафта «Фуқаролар уруши» мавзусини ўтарканмиз.

Дадаси хўрсинди: — Майли, нима ҳам қилардим, — деди у.

Уйга киришаркан, халатининг ипини боғлаганча Глинниснинг онаси меҳмонхонага ўтиб кетди. Вино ичган чамаси, лаблари пушти рангга бўялганга ўхшайди. «Бу ерда нима қиляпсиз?» сўради у.

Дадаси йўлакда почта қутисига келган хатлар билан танишди. «Тушдан кейин ишдан рухсат сўрадим. Глиннисни биратўла мактабидан олиб қайтдим», деди у.

Онаси қоғоз стакан четини чўқилаган бўлди, сўнг «Сочингга нима қилди?» — деб сўради. Глиннис сочини онасига кўрсатаркан: — Мисс Глен турмаклаб қўйди, — дея жавоб қилди.

— Жуда чиройли қилиб қўйибди, — гапга аралашди дадаси бошини кўтармай.

— Битта тугмачамни йўқотиб қўйдим, — деди Глиннис онасига ва нимчасининг пастки қисмини кўрсатди. — Мактабда тушиб қолибди шекилли.

Онаси куйлакка қараб: «Уни ташлаб юборақол». — деди. Сўнг бошини кўтариб уларга қараган эрига жилмайиб: — Даданг янгисини олиб беради, — дея қўшимча қилди.

Телефон жиринглади, Глиннис ота-онасини ёлғиз қолдириб, гўшакни кўтариш учун остона томонга юрди. Меган Ар қўнғироқ қилаётган эди.

— Глиннис, — деди у, — Леоранинг ойиси ҳозиргина қўнғироқ қилди, у туғилган кунимга кела олмас экан.

Глинниснинг юраги қаттиқ уриб кетди: — Битта тугмачани деб онаси унга рухсат бермаганига ишониш қийин, — деди Глиннис. Меган Ар чурқ этмади.

— Нима дейсан, тушунмадим? — деди Меган. — Леора касал бўлиб қолибди. Ойиси шунақа деди-ку.

— Касал дейсанми? Мактабда бир чиройли юрувди-ку.

— Мен ҳам ҳайронман. Аммо кимни нима иши бор? Мен онамга сен ҳақингда гапириб бердим, синфимизга янги келганингни, бироқ ажойиб қиз эканингни айтудим, Леоранинг ўрнига сени келақолсин, деб айтди онам. Қалай, яхши қилибманми?

Глиннис маъқуллаган бўлди. Балки Леоранинг чиндан ҳам тоби қочгандир. Нам майсазорда типирчилайвериб анча қолиб кетди-я бечора. Агар касал бўлса, ўзини ўзи ҳўллаб қўйгандан кейин унинг устидан қулфлаб қўйиш ишни баттар ёмонлаштирган бўларди.

— Биладан, сени кеч таклиф қиляпман, — деди Меган Ар. — Агар хоҳласанг, онам сени машинада олиб кетишимиз мумкинлигини айтди.

Глиннис қайтиб ота-онасининг олдига борганда улар аввалги жойларида қимирламай туришарди. Онаси бир қўли билан халатининг ёқасини тўғирлаганча бошқа қўлида қоғоз стаканини ушлаб турарди. «Меган Ар қўнғироқ қилибди. Бугун кечқурун туғилган кунига мени таклиф қилмоқчи экан, — деди у онасининг қўлидан тортқилаб. — Шошилмасак кеч қоламиз. Ҳали совғаям ахтаришимиз лозим».

Онаси ранги ўчганча унга қаради. «Кечаси билан ўша ерда бўласанми? Туни билан-а?» безовта бўлди у.

— Ахир бу уйқу-уйқу байрами-ку, ойи, — жавоб берди Глиннис, онаси бўлса лабини тишлаганча:

— Билмасам, — деди бир қўлини пешонасига босиб. — Боришингни унчалик хоҳламаяпман. Глиннис нимадир дейишга огиз жуфтлади, аммо шу заҳоти дадаси уни бўлди.

— Нега? — сўради у. Глиннис билан онаси унга қаради. — Нега боролмайди, деяпсан?

Онаси бошини қимирлатиб, ичкарига йўналди. Глиннис билан дадаси унинг орқасидан кирди. «Мен бу одам-

ларни яхши билмайман, — деди онаси. — Қизимнинг бегоналар билан бирон жойга боришини истамайман».

— У ҳолда улар билан танишишингиз мумкин, — деди Глиннис. — Танишиб олсангиз, уларни бегона санамайсиз.

Онаси лабларини тишлади. — Сенинг шу ерда бўлишингни хоҳлайман, — деди у паст овозда. — Мен билан бирга қол.

— Унақа қилмасанг-чи, — қизишди дадаси паст, аммо жиддий оҳангда. — Қиладиган ишинг бўлса ўзинг удда лайвер, аммо Глиннисга тегма.

— Нима ҳақида гапиряпсан, — сўради онаси эрига қараб.

— Энди мана шу ерга уйим-жойим деб қара. Бундан кейин шу ерда яшаймиз ахир.

— Бунга ким айбдор? — сўради онаси башараси бужмайиб хунук тус олган ҳолда. Глиннис дадасига ўғирилди, унинг гавдаси тўғирланиб, елкалари кенгайиб кетганга ўхшарди. Қизнинг тиззалари қалтираб, оёқ-қўли бўшашди.

— Бир кечага холос-ку, — пичирлади қизнинг лаблари, бироқ уни ҳеч ким эшитмади.

— Айбдор ўзинг эмасмисан? — деди дадаси Глинниснинг онасига қараб. — Ўзинг бирон жойга кўчиб кетишимиз керак дегандинг-ку. Мен қолайлик деганимга қарамай, ҳечам кўнмадинг.

Қиз онасига қаради. Унчалик ҳам тўғри эмас, ўйлади у. Унчаликмас.

Онаси бошини баланд кўтарди, кўзлари қисилди:

— Сен билан Кейти Бел айбдорсизлар ҳаммасига, — деди у қизишиб. — Шунча гапдан кейин қандоқ қилиб у ёқда қолишим мумкин эди?

— Бу ҳақда гаплашиб олдик-ку, — деди дадаси паст овозда. — Ҳаммасига нуқта қўймадикми? Мен аллақачон бундан ўзимга хулоса чиқарганман.

Онаси иягини кўксига қўйди, кўлидаги қоғоз стакан бужмайиб қолгунча маҳкам сиқди. «Ҳамма нарсани қўлдан чиқарвординг, — пичирлади у. — Уларга менинг устимдан кулишга қўйиб бердинг.»

Дадаси жим қотди. «Ҳеч ким устингдан кулгани йўқ, — деди у юмшоқроқ гапиришга уриниб. — Улар сенинг дўстларинг эди-ку. Ҳеч қачон сени мазах қилишмайди улар».

Глинниснинг онаси йиглай бошлади, дадаси унга яқинлашиб, аста қўлидан тутмоқчи бўлди. Аммо онаси дарҳол қўлини силтаб тортди, стакандаги вино девор аралаш полга тўкилиб кетди. Онаси тўкилган жойга қараркан, стакани полга улоқтирганча ичкари хонага югуриб кириб кетди.

Глиннис билан дадаси доғ бўлган жойга қаради. «Борақол, — деди дадаси, — ойингдан хабар ол, қизим.»

Глиннис онасини ётоқхонага излаб кирди, аммо онаси у ерда эмас экан. У йўлак томонга қараб онасини чақирди, бурчакларга мўраллади. Қайтиб дадасининг олдига бориб, унга ойисини орқа эшикдан билдирмай чиқиб кетибди, дея айтмоқчи бўлди, лекин аввал ваннахонага ҳам бир мўралагиси келди. Эшик қия очиқ ичкари эса қоронғу. Эшикни каттароқ очаркан, ваннахонанинг кафел қопланган полига чироқ нури тушди. Сал нарироқда бўлса, қоронгида ванна ичига ўтириб олган онасининг қораси кўринди.

Сирғалиб ичкарига кираркан, Глиннис туфлисининг учи онасининг полда қора кўлмак каби ёйилиб ётган ипак халатига тегди. Онаси қип яланғоч ҳолда тиззасини кўксига тираганча бўм-бўш ванна ичида ўтирарди.

— Ойижон? — шивирлади Глиннис. Лекин онаси аста қимирлаб, боши тиззасига эгилган кўйи жим ўтираркан, қайрилиб ҳам қарамади. — Ойи, тузукмисиз?

Онаси жавоб бермади, қимирламади ҳам, миқ этмади сира. Қоронгида баданининг ранги кўкимтир тус олди,

тўзгин сочлари орқасига тушиб турди. Глиннис бир муддат унга қараб туриб қолди. Ана онасининг қўллари, ана оёқлари, кичкина елкалари. Глиннис онасининг баданини жуда кўп марта кўрган, уни беш қўлдай билади. Ҳар бир қаричи, ҳар бир бўғинидан хабардор. Аммо айни дамда ваннахонада тураркан, Глиннис онасига термулиб боқди, лекин ҳеч нарсани ҳис қилмади. Гўё онаси бегона кишидай. Худи Глиннис бу кишини умрида ҳеч қачон кўрмаган. У секин ташқарига чиқди, эшикни ёпиб, онасини қоронғуда ёлғиз қолдирди.

Глиннис орқага қайтиб, дадасини чўккалаган ҳолда қоғоз сочиқ билан полдаги доғни ишқалаётганини кўрди. Қизил вино гиламда қора тусга кирди, қаттиқ-қаттиқ ишқалагани сайин қоғоз сочиқ уводадай майда-майда бўлиб кетди. Бундай қилиб тозалаб бўлмайди, ўйлади Глиннис, аммо ҳеч нарса демади.

— Ойинг яхшими? — сўради дадаси унга қарамай.

— Яхши, — деди Глиннис. — Шунчаки бир оз ўзи якка қолишни истабди.

Дадаси доғни кетказолмай қийналаркан, Глиннис унинг ёнига чўккалаб, қоғоз сочиқ парчаларини гиламга маҳкам босганча доғнинг устидан у ёқдан бу ёққа юргизди, сочиққа шимилган қисмини айлантириб артишга уринди, доғ батамом кетмаётганидан афсусланди.

Ташқарида уйга яқинлашиб келаётган машинанинг кучсиз тариллаган товуши эшитилди ва машина эшиги тарақлаб очилди. Глиннис елкасини дадасининг елкасига теккизди, қўлини унинг қўлига қўйди.

— Туғилган кунга олиб кетишга келишди. Борсам майлими, дадажоним?

ОТЛИҚ

*На юлдуз, на ойга иши бор,
Шамол тинмай турса ҳам эсиб,
Уст-боши ҳўл бир отлиқ бедор
Елиб борар тунларни кесиб.*

Гарчи соат энди тўртдан ошган бўлса-да, атрофга қоронғилик чўка бошлаган, шамол коллеж ҳовлисидаги дарахтлар шохини тебратиб эсаётган эди. Энг яқин шох Жанет Мурнинг кабинети деразасини хотира сингари қаттиқ-қаттиқ тирнай бошлади. Отлиқни ёдига ташқаридаги бўрон солдими ёки қаршисида турган бадқовоқ болакайми? Эсига тушган сатрлар эри Роббининг ўғли Маркусга ҳар сафар у уйқуга ётишидан олдин ўқиб берадиган болаларбоп шеър мисралари эди; гарчи у шеърни илк марта ўн йилгина аввал, университет аспирантурасида ўқиб юрган кезлари эшитган бўлса ҳам, негадир болалик хотираларини кўзгаб юборди. Энди у тунлари ёнидаги Робби ухлаб қолса ҳам, уйқу бермас — *Уст-боши ҳўл бир отлиқ бедор, Елиб борар тунларни кесиб* — баъзан ярим тунда ҳалиям қулоғида жаранглаб турган шеър шовқинидан уйғониб кетар эди. Миясида тинимсиз чарх ураётган ўша сатрлар чиндан ҳам уйқусининг бир бўлагимиди? Сўнгра ўша отлиқ унинг

ўнгдаги хаёлларига ҳам кириб келди. Ўзи дарс берадиган Нью-Ингланд коллежи орқасидаги ўрмонда кетаётиб, жини суймайдиган ва шафқатсиз икки ҳижоли ямбга — *на юлдуз, на ойга иши бор* — мос, от сингари лўкиллаб юраётганини сезиб қолди ва кўққисдан ўрмон қолиб, чек-чегарасини йўқ қабристондан ўтаётгандай дили хуфтон бўлди.

Ҳаш-паш дегунча олдинги жаҳлу мағрурликдан асар ҳам қолмади. Ўша туйғулар пардай енгил ва тиниқ эди. Жанет, бунга ҳаққим бор, деб ўйлади. Дарсларига кеч қолиб келган ўқувчилар эркак ўқитувчилар дарсларидагидан кўра аёл ўқитувчилар дарсларида кўпроқ ёлғон гапирганидан, юзинг-кўзинг демай, сен ҳам ўқитувчимисан, деганидан, семестр охирида улар ўзига ўртача баҳо қўйганидан жаҳли чиқар ва тўғри қилар эди. Ўлганнинг устига тепган қилиб, бўлар-бўлмас нарсани талаб қилганлари-чи? Бир инсон улардан, аёл ўқитувчиларга нисбатан адолатсизлик қилмаяпсизларми, деб сўрадимиз? Ҳеч ким «ҳа» деб жавоб бермаслиги, мабодо ёлгонни аниқловчи асбобга улаб кўрилса, ҳаммаси синовдан эсон-омон ўтиб кетиши аниқ.

Ҳатто ҳозир Жанетнинг олдида қайиқсимон ботинкасини пайпоқсиз кийиб олиб, бир оёғини ҳарбийларнинг олабула «Ж. Кру» ҳимоя шимидаги тиззаси устига чиқариб олган кўйи ҳалиям кеккайиб ўтирган мана бу турқи совуқ Жеймс Кокс ҳам ўтиб кетиши мумкин эди, лекин Жанет уни бу ҳуқуқдан Мосуво қилди. У Жанет ўзига тутқазган машинкада терилган икки бет нарсани гўё уларнинг ўхшашлиги одам боласининг қўлидан келмайдиган ишдай ёки бўлмаса булутсиз июнь осмонидан минглаб қурбақа ёққандай ясама ҳайрат билан ҳижжалар ёки ўзини ҳижжалаётгандай қилиб кўрсатар эди. Биттасининг юқори ўнг бурчагига Жеймснинг оти ёзилган, иккинчисини эса ўзи тўрт йил бурун Жанетга берган эди.

Жанет кафедрадаги энг қалин дўсти Тони Хоуп кўш-ни кабинет эшигини қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетганини эшитди. Тонига кўчирмачини тутиб олганини ва бу ишни муҳокама қилмоқчи эканини айтганида, мен ҳар эҳтимолга қарши ташқарида тураман, деди. Шу кунларда ўқитувчи зотининг пайтавасига қурт тушган. Танг аҳволда қолган талаба қизлар баъзан эркак ўқитувчиларга, «бўнак» тўлаб қўйганмиз, деб даъво қилса, икки оёғи бир этикка тиқилган талаба йигитлар аҳён-аҳёнда аёл ўқитувчиларга уруш эълон қилиб қолар эди. Лекин Жеймс Кокс жуда кеч қолган эди, Тони эса икки нафар битирувчи талабаси билан учрашгани марказий паб — қовоқхонага кетган эди. Тони қошсимон равоқли эшикда пайдо бўлиши билан Жанет, ҳаммаси яхши, ишорасини қилди, Тони буни, кетсам ҳам бўлар экан, деб тушунди. Эҳтимол, шундай қилгани ҳам дурустдир.

Жанет коридор охиридаги икки табақали эшик қарсиллаб ёпилганини эшитгандан сўнг хатти-ҳаракатлари кескин ўзгариб қолган талабасига кўз қирини ташлади. Ясама ҳайратдан асар ҳам қолмабди. Энди у сўнгги раундларда калтак еган курашчидай «шилқ» этиб стулига ўтириб қолди, воқеа шундоқ кўз ўнгида рўй берди ва ури-нишлари беҳуда экани миясига тепиб қолди. Кўзи бир со-ния Жанетнинг кўзи билан тўқнашди. Кўпроқ тикилиб турганида Жанет кўзини олиб қочиши тайин эди, аммо деразани тирнаётган дарахт хаёлини бўлди ва ҳовлидаги хазон барглар мўъжазгина довул гирдобида чархпалак бўлиб айланаётганини кузатди.

У олдин ҳам ёлғон гапирганмиди? — ўз-ўзига савол берди Жанет. Мўйлаби сабза урмасиданоқ ёлғон гапиришни одат қилиб олганмикан? Энди бунинг аҳамияти йўқ эди. Олдинлари ёлғон гапирмаган бўлиши мумкин, лекин ҳозир унинг дарсида алдагани фош бўлиб қолди.

Курс ишини топиш учун тўрт йиллик ҳужжатларни титкилашига тўғри келди. Шу арзимас ишга сарфланган соатларни, айни чоғда, Шукронадан икки кун олдинги қисталанг вақтини айтмайсизми? Излашга қанча вақт кетишини била туриб, шу ишга қўл уриб нима қиларди? Барибир Жанетга қатъият етишмади. Курс иши таниш туюлди, лекин мавзую режаси ўхшаш бошқа курс иши билан адаштираётган бўлиши ҳам мумкин-ку. Хўш, у ҳақ бўлиб, ўша иш бировдан кўчирилганини аниқласа, биров, отангга раҳмат, дейдими? Фикрларни яхши эслаб қолишини билгани учунми? (Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлар эди.) Бир талабани ёқтирмагани учун ўзини оқлашми? (Бунга сабаб кўп эди.) Жеймс бутун семестр давомида синфдаги бадқовоқлиги, эътиборсизлигию ўжарлиги билан дарсга халақит бермадими, бу ҳам етмагандай, коридорга чиққанларида кечирим сўрашга ўхшаш гаплар билан, эзмалик қилмоқчи эмасдим, деб ҳоли жонига қўймай минг тусга кирмадими? «Лекин сен эзмасан» — сентябрдан бери шу гап Жанетнинг тили учидан кетмайди.

Жанет хато қилган бўлиши ҳам мумкин, чунки у ўзини йўқотиб қўйди — олдинги мақтанчоқлигидан асар ҳам қолмади. Жеймс анча вақтдан бери дўхтирнинг кабинетиде ташхис чиқишидан кўрқиб ўтирган, уни қўлига олгач эса енгил тортган беморга ўхшар эди.

— Шундай қилиб, — деди у ўхшаш саҳифаларни қайтиб Жанетга узатар экан.

Жанет у гапни давом эттириш-эттирмаслиги аниқ бўлгунча кутиб турди.

— Нима шундай қилиб?

— Гапимни тушундингиз, тўғрими?

Сўнгра у бошмалдоғи билан кўрсаткич бармоғини тўппонча қилди-да, қувурини чаккасига тираб, тепкини

босди ва бошини кўринмас ўқ келиб теккандай чайқатиб юборди. Албатта, Жанет бу ишора эканини тушунди, лекин у ҳалиям йигитнинг, номига бўлса-да, ўзини ўлдирмоқчи бўлганидан ўзига кела олмай турар эди.

— Бунинг сабабини билсак бўладими? — деди у ниҳоят.

— Жуда осон бўлган. Огайниларимда шунақа файллар бор.

— Профессорлар ҳам шундай қилади.

У яна Жанетни кутишга мажбур қилди ва:

— Нима қил дейсиз? — деб сўради.

Бу дангал ва оддий савол Жанетни эсанкиратиб қўйди. «Нима қил дейсиз?» эмиш.

У елка қисди.

— Бунақа нарсаларни ўшалардан оламан, бўптими?

— Хўш, улар сенга нимани бераётган экан?

— Буни ўзлари ҳал қилади, хўпми? — деди у суҳбатга икун ясаб, жойидан турар экан.

Эркак зоти бунча сурбет бўлмаса, деб ўйлади Жанет. Уйи қуяй деб турибди-ю, сир бой бергиси келмайди.

— Нима десангиз, шу.

Жеймс эшикка етганда Жанетга орқа қилганча гапиришдан тўхтади, худди бир нарсага қулоқ тутгандай бошини у томон ўгирди. Гапи Жанетни ҳайрон қолдирди.

— Маслаҳатимми? Ушлаб ўтириб нима қиласиз?

Сўнгра у чиқиб кетди.

* * *

Бундан ўн йиллар муқаддам Жанет таниқли ёзувчи Маркус Беллами билан илк суҳбати бўладиган куни эрталаб дорулфунун кампусининг чанг, йўл ҳам солинма-

1 Кампус (ингл.) — университет ҳудуди, талабалар шаҳарчаси.

ган, узоқ, фақат аспирантлар ўзига эп кўрадиган «Ф» тўхташ жойига машинасини қўйди-да, жануби-гарбниги лоҳас қилувчи иссиғида кампуснинг бир чеккасидан Замо-навий ва роман тиллари факультетигача яёв юриб борди. Ўқитувчиларнинг машинаси турадиган тўхташ жойи кўчанинг нарига тарафида жойлашган эди. У Белламининг алмисоқдан қолган «Мустанг»да келганини, қўр тўкиб юришини, катта-катта қадамлар билан уловдан узоқлашаётганини, машинаси устини эса очиқ қолдирганини кўрди. У шу атрофда бирор таниши бор-йўқлиги, ўзига қараб турган-турмаганини текшириб олди-да, «Мустанг»ни кўздан кечириш учун кетаётган йўлидан бурилди. Ана, уни қаранг! Олдинги ўриндиқ аудиокассеталарга тўлиб кетибди, кўпчилигига жаз мусиқаси ёзилган экан, кўзи бурчакдаги қутига ҳам тушди, унда ҳам ўн-ўн беш чоғли кассета бор эди. Очиқ-сочиқ ётибди. Кассеталарини биров ўғирламаслигига қандай ишонди экан? Маркус Белламини ҳамма танийди — у кафедрада отнинг қашқасидай барчага таниш домла эди — шунинг учун, обрўйим — ҳимоячим, деб ўйлаган бўлса керак-да... Балки «Ф» тўхташ жойига камералар ўрнатилгандир. Жанет бирорта ҳам камерани кўрмади, аммо ўрнатилган бўлиши мумкин-ку. Тушдан кейин момоқалдиروق бўлади, деган гап бор эди. Беллами обрўси мусиқа ўғирларининг юзини тескари қилиши билан бирга табиат ҳодисаларининг ҳам олдини олишига ишонганмикан?

Жанетнинг олдида курс ишлари танлови дарси, Ҳенри Жеймс ижодига бағишланган семинарни ўтиши, дам олиш кунларини горат қилиши мумкин бўлган бир гарам курс ишини баҳолашни бошлаши шартлиги сингари серташвиш кун турганига қарамай Беллами билан учрашуви ҳақида ҳам ўйлашга мажбур эди. Туш-

лик пайтида Робби Жанетга, намуноча куйиб-пишмасанг, деб танбех берди, кун чўзилгандан-чўзилавергач, боши айлана бошлади, оғриб ҳам қолгандай бўлди. Ўша куни тушдан кейин Робби ҳам Беллами билан учрашди, Жанет ўзи билан унинг учрашуви бир-бирига тақалиб қолмаганидан хурсанд эди. Беллами у билан Роббини эр-хотин деб ўйлагани аниқ, лекин ўзига қолса, ҳеч кимга тегишли бўлгиси йўқ эди. Жанет ушбу илк суҳбат чоғидаёқ муҳокама қилиниши кутилаётган курс иши мавзусидан четга чиқишига ҳожат йўқлигини англади. У бунинг учун кўп вақт сарфлади, гапирадиган гаплари кўп эди. Жанет гаплашиб олишларига кўпроқ вақт қолиши учун тушдан кейинги энг сўнгги суҳбат вақтини банд қилди. Белламининг кабинети коридордаги энг каттаси бўлиб, уни улкан ва олов ёнадиган камин безаб турар эди. Жанет у ерга кириши биланоқ хаёлига келган нарса, семестр яхши тугаб, дам олиш кунларида, эҳтимол ўзини гуриллаб ёнаётгани гулхан олдига — нима деса экан — брендигами ёки ромгами, бўлмаса, вино билан тухум аралаштириб тайёрланган ичимликками таклиф этишар, деган фикр бўлди. Балки чўлда ушбу орзуга эришадиган совуқ ҳеч қачон бўлмас, аммо мияга келган фикр ҳузурбахш эди. Кабинетнинг қолган қисми ердан шифтгача бўлган жойни эгаллаган тоқчалардаги китоб ва даврий нашрлар билан тўлиб тошган эди. У, бир мўъжиза рўй берсаю шунга ўхшаш кабинетга эга бўлиб қолсам ҳам ўзгармасам керак, деб ўйлади. Белламига ўхшаб бу китобларни қутиларга жойлаб, ҳар икки йилда кўчиб юриш учун одам қанчалик жинни бўлиши керак? У ушбу кампусга кўчиб келиши биланоқ, бу ерда қанча тура оларди, кейин қаерга кетар экан, бошқа ишга ўтишига кўндирши ҳам осон бўлмаса керак, қабилидаги гап-сўзлар болалаб кетди. Беллами ин-

глиз тили ўқитувчилари — айниқса, у зўр, бунинг устига, занжи бўлса — ҳаммага кераклигини яхши билар, баъзи талабалар у икки йил кейинга ҳам таклифлар олиб, тарозига солиб кўра бошлаганида шивир-шивирга тушиб қолар эди. Жанет шунинг учун ҳам унинг тадқиқот олиб боришга шошар эди. Белламининг пролетариат адабиётига оид дарсларига одам сизмай кетарди. Ҳатто лингвистикаю бадиий ижод билан шуғулланувчи талабалар ҳам унинг дарсига киргиси келар эди. Шундай қилиб, бун тун бошли курс ҳаяжонда эди.

Беллами Жанетни эшик олдида самимий табассум билан қарши олди, аммо ўтиришга улгуриб-улгурмай тўнеиллади:

— Мур хоним, мен ҳамиша дангал гапиришни ёқтираман.

Шошиб қолган Жанет мингирлаб, бемаъни гапни гапириб юборди. У, ўзим ҳам сизни дангал гапирса керак ёки дангал гапирса қани эди деб тахмин қилган эдим ёки — энг ёмони — мен ҳамиша ишимни ҳалол ва қаттиққўллик билан баҳолаганларидан хурсанд бўлганман, деди.

— Жуда соз, — деди Беллами унга курс ишини қайтариб берар экан. — У ёмон ёзилмаган, мақола сифатида чоп этишга тавсия қилса бўлади. Лекин жиддий хавотирим бор.

Бу гап тўери эди. Кеча у курсдошларидан бири Белламининг ҳозиргина топширган курс ишлари етмагандай, қўлига нима тушса, ўқишини, олдин бошқа курсларни ўқитганда ҳам шундай қилганинани гапириб бераётганини эшитиб қолди. Жанет қулоқларига ишонмади — жинни-пинни бўлмаган одам шунчаликка борадими — лекин икковининг ўртасидаги столда устига ўзининг оти ёзилган катта кўк «Гредюэйт Офис» папкаси ётар, унда ол-

динги семестрларда топширган курс ишларидан камида ўнтаси бор эди. Ё Беллами, жиддий хавотирим бор, деганда уларнинг ҳаммасини назарда тутдимикин? Ўша курс ишлари Жанетни дастурнинг энг иқтидорли талабаси бўлиб танилишига сабаб бўлган бўлса-я?

Жанет Беллами қўлига тутқазган курс ишини кўздан кечирди, аммо муқовасида ҳарфли баҳони кўрмади. У бу нима эканини билар, чунки ўзи ҳам биринчи курс талабаларининг курс ишларига баҳо қўйган эди-да. Паст баҳони ҳам, мақтовни ҳам бегона кўз тушмаслиги учун охирги саҳифага ёзиб қўярди. Қилаётган иши нотўғри эканини билиб турса-да, Беллами ҳам эринчоқлик билан шундай йўл тутганмикан, деган хаёлда охирги бетни очди, лекин у ерда ҳам ҳеч вақо йўқ эди. Бошқа курс ишларига ҳам ҳеч қандай баҳо қўйилмаган. Белламининг курс ишида «маслаҳат бериш керак бўлган кўп жойлар»га кўзи тушган бўлса, нега лом-мим демади?

— Хавотир? — деди Жанет ниҳоят. Лекин узоқдан эшитилгандай галати овози йиғламсираб ва қўрқув оҳангида чиқди.

Беллами ўрнидан турди-да, китоб тоқчаларини кўздан кечара бошлади ва унинг саволига бирдан жавоб бермади. Жанетга орқа ўгириб олгани унинг ўтакасини ёрай эди.

— Ҳалиям тушунтиришига ҳаракат қиляпман, лекин кўрсатиб берган маъқулга ўхшайди...

— Курс ишим яхши бўлса керак деб ўйловдим, — деди у таваккал қилиб. — Анча вақтимни олувди.

Шу гапни гапирганига ўзи ҳам ишонмади. Бўлмаса, ўқувчиларига, бирор ишга сарфлаган вақтингизнинг қадри йўқми, деб неча марталар айтган.

— Албатта, яхши ёзгансиз, Жанет. Синчковлигингиз кўриниб турибди. Ҳеч бир нуқсонини йўқ. — У юқори тоқча-

лардаги китоблар билан даврий нашрлар яхшироқ кўри-
ниши учун бир қадам орқага тисланди. — Лекин уларни
сиз ёзмагансиз.

— Нима демоқчи эканингизни тушунмадим, — жавоб
берди у зўрага ютинар экан. — Бу билан кимдандир кўчир-
гансан, демоқчимисиз?

— Эй парвардигор, йўқ, Ўзингизни босиб олинг.

— Аслида, — гапини давом эттирди у ҳалиям орқа ўғир-
ганча, — ўғирликнинг иши осон эди. Ҳеч бўлмаса нимани
яхши кўришингизни билиб олар эдим, ҳозир эса ёзганли-
рингиздан сизни тополмай хуноб бўляпман. Бу олдинги
курс ишларингизга ҳам тегишли. Сиз йўқ одамга ўх-
шайсиз... Ҳа, мана топдим!

У излаётган журнал энг юқори тоқчада экан. Роб-
би, Беллами найнов одам, баскетболни яхши ўйнайди,
деб айтган эди. У алмисоқдан қолган ва бўйчан одамларга
нисбатан ишлатиладиган сўз учун ўзи айбдордай узр сў-
раб гапирди. Беллами ўша журнални олиш учун стул-
га чиқишга мажбур бўлди. Стулдан қайтиб туша солиб,
«Америка адабиёти» журналининг йигирма йил олдинги
сонини икковининг ўртасидаги столга қўйди-да, жойи-
га ўтирди.

— Лекин... мен борман, — деди у иттифоқо бундай
дейишга ҳаққи йўқдай ишончсизлик билан. Беллами
уни «мен йўқман» дейишга кўндиришга уриниб кўрар-
микан? Қўлидан келармикан?

— Албатта борсиз, — деди у. — Мана шу вужуд ичи-
дасиз.

У «вужуд» сўзини шундай орзиқиш билан талаффуз
қилдики, Жанет камин билан унинг олдида турган чарм
диванли хонада ўтирганидан хавфсираб қолди. Ваҳолан-
ки, бугун эрталаб душдан чиқаётганда мана шу суҳбат-

ни тасаввур қилиб, қалбида ажиб бир ҳузур туйган эди. Лекин жинсий яқинлик ёки «ёндим-куйдим»лар хаёлига ҳам келгани йўқ. У каминни ҳам, диванни ҳам эмас, сон-синоқсиз суҳбатларнинг биринчиси яхши ўтишини, Беллами ўзига худди у Белламига маҳлиё бўлгандай мафтун бўлишини тасаввур қилди. Беллами дарсларида Жанетга эътибор қилгандай кўринар, аммо бу курсдошларига бўлган эътибордан тирноқча ҳам зиёд эмас эди. Беллами бирровни яхши кўришини билдириб қўймасликнинг ҳадисини олган эди. Суҳбат чоғида ҳадеб қулоқни динг қилавермай, яхши ишлай олишингизни кўрсатишингиз мумкин эди. Бугун ҳам шундай бўлишига Жанетнинг ишончи комил эди. Эҳтимол, суҳбат тугагандан сўнг Беллами уни битирувчи талабалар кунда-шунда бўлган ва Роббининг гуруҳи якшанба кечалари мусиқа чалган «Солт Дог»га пиво ичиши учун таклиф қилар.

— Мен, — деди у эҳтиёткорлик билан ҳўл кафтини диваннинг ёстиғига артар экан, — адабий танқид дегани шу бўлса керак, деб ўйловдим. «Т» йўқ бўлиб кетмасмикан? Баҳснинг ўзи аҳамиятли эмасмикан?

— Биз ҳам шуни ўргатамиз-да, — ён берди у. У кўзойнагини ечиб, шишаларини дастрўмоли билан арта бошлади. Аслида кераги йўқ эди, бу қувликдан бошқа нарса эмас, деган фикр ўтди Жанетнинг хаёлидан. — Менга ҳам шуни ўргатишган, бир пайтлар ишонганман ҳам. Лекин ҳозир ҳам ишонаман дея олмайман. Биринчи шахс олмоши шусиз ҳам мавжуд бўла олади. Аммо олмошнинг ортида ёзувчи турмайди.

— Нима демоқчи эканингизни унча тушунмадим — деди у шу сўзни иккинчи марта ишлатаётганини фаҳмлаб қолиб. Эй Худо, унча тушунмадим, дедими? Мабодо биринчи курс талабаларидан бирортаси шунақа деб ёзгани-

да дафтарнинг ҳошиясига «Аниқроқ ёзсангиз бўлмайди-ми?» деб танбеҳ бериши турган гап эди.

— Тўғри, ёзувчи баҳсга аралашиши керак эмас, — Беллами унинг гапига қўшилди, — бироқ бу у йўқолиб кетиши керак дегани эмас-ку?

Бу сафар Жанет ўзини қўлга олди. Учинчи марта ҳам «унча» дейиши фалокат билан тенг эди.

— Керак дегани эмас, дейсизми?

— Яхши, орқароққа қайтайлик. Нега Дос Пассос ҳақида ёздингиз?

— Унинг ижодига қизиқар эдим.

— Лекин нега? Нега қизиб қолдингиз?

Жанет ноқулай аҳволга тушди-да, жаҳли чиқиб кетди. Беллами олдинлари ҳам унинг гапини бўлиб қўярми-ди? Тушунтиришига имкон бермас эдими? Ёки саволида бу эътироз бормиди?

— Сиз ўзингизга алоқаси бўлган мавзунини танладингизми? Ёки билиб олганингиз «қизиқар эдим» бўлдими?

Албатта, Белламининг жўшиб кетишига Дос Пассоснинг отини эшитгани сабаб эди, лекин Жанет ўзича буни суҳбатга яхши туртки бериши мумкин бўлган нарса, деб тушунди. Адабиётни ўрганишининг ўзи суҳбат эмасмиди? Ёзувчи билан китобхон, китобхон билан ўқитувчи ўртасидаги қанчадан-қанча суҳбатлар эмасми? Нега Беллами яқиндагина бошланган суҳбатга норозилик билдиряпти? Беллами бундан бирор наф чиқмайди, деган хулосага келиб қўйдимикан? Бундай хулосага келишига нима сабаб бўлди экан? У Белламининг гапларини эслаб қолиши учун хотирини жамлашга уриниши баробарида ундан ҳафсаласи пир бўлмаслиги учун, бу айнан Белламининг фикри, деган фикрни хаёлидан ҳайдашга ҳаракат қилар эди. Аммо, «Бу курс ишингизда нима демоқчи бў-

ляпсиз?»), «У ҳаётингиздаги қайси эҳтиросдан келиб чиқади?», «Ота-онангиз нима қилган?», «Хусусий мактабда ўқиганмисиз ёки давлат мактабида?» қабилдаги янги-дан-янги саволларни эшитгандан сўнг Жанетнинг зардаси қайнаб кетди. У курс ишининг ўзига хос жиҳатларини муҳокама қилиш, мавзунини кучайтириш учун профессорнинг таклифларини олиш, ҳатто ундан ёзгани хом-хата-ла эканини эшитишга ҳам тайёрланиб келган эди, лекин Беламининг курс иши қолиб — худди ёзгани ҳеч нарсага арзимайдигандай — унинг ўзи ҳақда гаплашгиси келди. Бу Жанетга, кийимларингизни еч, дегандай гап эди.

— Менга қаранг, Жанет, — деди у. Афтидан, унинг хафа бўлганини сизди. — Тўғриси, энди мен сизга берадиган нарса қолмади. Ақллисиз, жуда қизиқувчансиз, оғир меҳнатдан қочмайсиз. Синчковлик билан ўқийсиз, синтез қила биласиз, маълумотлардан яхши фойдаланасиз. Агар олимлик қилмоқчи бўлсангиз, ишни шу йўсинда давом эттиришингиз мумкин. Бу — яхши хабар. Лекин ёзганларингизда бошқотирманинг сўнгги бўлаги етишмаяпти. Ёмон хабар шуки, у энг катта бўлак, уни ҳар ким ҳам топа олмайди.

Бошқотирманинг катта бўлаги ҳалиям етишмайди-ми? Жанетнинг бунга ишонгиси келмади. Бошқа ўқитувчилари, сен унга яқин турибсан, мақолаларингизни илмий журналларда чоп қилдирсанг ҳам бўлаверади деб айтган эди. (Беллами ўша журналларнинг муҳаррирларини шахсан танир, бир оғиз сўзи...) Ўша бўлак «катта» бўлса, нега топилмайди? Чоп этиш керак бўлганда пулнинг бети-га қараб ўтириладими?

У баъзи галати мақтовлардан сўнг бир нарса етишмаётгандай ноқулай аҳволга тушмаганмиди? Гоҳида, уларни аҳмоқ қилишида устаси фаранг бўлиб кетдим, деган ис-

теҳзо хаёлидан кечмаганмиди? Ўша ҳозир Беллами мазал қилаётган нарса эмасмиди? У Жанетнинг мақоласидан бирор нарса топа олдими? У аллақандай ёзганларидаги эҳтирос, шахсий дахлдорликдан баҳс очди — Жанет буни яхши тушунар эди — лекин уларда ўша дахлдорлик бўлмаган бўлса-чи? У эгалик қилган, бошқа ўқитувчиларни эса завқлантирган нарса, бор-йўғи, восита бўлган, ҳозир қилаётган ва қўлидан келадиган нарсаси саёз бўлса-чи? «У тутиб бўлмас матоҳми, — Жанет ўзининг қўрқоқ ва болаларга хос овозда гудранганини эшитиб қолди. — уни топмагунча ишларим юришмайдим?»

— Йўқ, юришиб кетади, — деди Беллами Жанетни тинчлантиришга ҳаракат қилиб. — Фақат бундан яхшироқ бўлиши қийин.

* * *

Лекин бу икки нарса ўртасида ўхшашлик бўлиши қийин, деди у ўзига-ўзи ҳовлига кириши билан. Бу митти овсар Жеймс Кокс ҳам кўчирмачи, ҳам товламачи эди. Беллами, мақолангиз ўзингизники эмас, деб айтганидан сўнг Жанет у нима демоқчи бўлганини ўйлади. Йўқ, йўқ. Унинг Жанетнинг курс иши ҳақидаги хавотири ноаниқ, мавҳум ва хаёлий, айти чокда ўзининг Жеймс Кокснинг иншосига оид эътирози эса аниқ ва равшан, айблов тарзида эди. Майли, бўлар иш бўлди. Уйга жўнаш керак.

Жанет машинаси турган жойгача бўлган йўлнинг энди ярмини босиб ўтиб, талабалар клуби эшиги олдида етганида шундоқ боши устидан шувиллаб учиб ўтаётган ликопчага чап бериш учун эгилишга мажбур бўлди. Одатда бунақа нарсалар парвози тугагач, бирор жойдаги сарғайиб қолган ўт устига тушиши, юзасидан сирғалиб бориб,

бир четда тўхтаб қолиши керак эди, аммо бу ликопча ҳовли ҳавосини уюрма қилиб ташлаган шамол кучи билан (*шамол тинмай турса ҳам эсиб* сатри бехос эсга тушади) унинг устидан учиб ўтиб, юқорилай бошлади.

Жанет дастлаб уни, кимдир атайлаб (Жеймс Кокс бўлмасин тагин?) менга қарата отди, деган ўйга борди, аммо қайрилиб қараб, уни икки юз ярд — бир саксон метрча тепаликдаги кутубхонанинг чироқ нури тушаётган зинапоясида турган икки талабадан бири отганини тушунди. Кимдир ликопчани зинапояда қолдириб кетгану ўша йигит, шамолнинг кучи билан қаергача учиб бора олар экан, деган хаёлда отган бўлиши мумкин. Ликопча зинапоя шаклидаги кўкаламдан пастга, шағалтошли йўл томон учиб кетаётганини кўрган Жанет йигитнинг «Тўхта!» деб бақирганини эшитди. Ликопча ўтиб кетаётган юк машинасининг олд ойнасига тарақлаб урилди. Машина йўл четига чиқиб тўхтади, ё шаҳарлик ёки бўлмаса «Ерсув ва хизмат кўрсатиш»да ширкатидан бўлган ҳайдовчи машинадан тушди-да, Жанетга қарата «Ҳой!» деб бақирди.

— Ҳа, тўғри, — деб Жанет тепаликдагиларни койиди, лекин у ҳайдовчини нотўғри хаёлга боргани учун айблаб олмас эди. Анча узоқда — кутубхона зинапоясида турган икки йигитни ҳисобга олмаса, бўм-бўш ҳовлида ундан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Сизни нима жин урди? — У киши нима гаплигини билмоқчи бўлиб бақирди, лекин овози шамолда зўрға эшитилди.

— Тинтиб кўришингиз мумкин, — деди у ва ҳайдовчининг авзойидан шу ишни қилишдан ҳам тап тортмаслигига кўзи етгач, шартта ўнгга бурилди-да, Марказий пабга элтувчи талабалар клуби зинапояси томон юриб кетди, аслида ўша жойга боргиси келмас, сабаби спиртли ичимлик

ичиш ёшига етиб қолган талабалар ёки — энг ёмони — кафедродош вайсақи ҳамкасбларига қўшилгиси келмас эди. У Шукрона кунидан олдинги сешанбада тушдан кейин ўша паб худди ҳовли сингари деярли бўм-бўш эканини кўриб, анча енгил тортди. Битта улкан стол атрофида бир гуруҳ талабалар ўтирар, унинг чорак қисмини эса спиртли ичимлик ичишдан баҳс ўйнаётганлар банд қилган эди. Залнинг нариги бурчагидаги кабинани эса Тони Ҳоуп билан унинг юқори курс талабалари эгаллабди. Талабалар сабоқ тугагани учун қоғозларни нарса тўла рюкзакларига тикаётган эди.

— Эсларингдан чиқмасин, — деди Тони уларга. — ...аралашмаган ҳолатда уни иккала йўл билан ҳам топа олмайсизлар. Кийшалайинг, кийиб ўтийлайинг, чиқшалайинг, чиқиб ўйналайинг.

Бу насиҳатни тушунган талабалар унинг гапига қўшилиб, бош ирғаб қўйди-да, кабинадан чиқиб, Тонини Шукрона куни билан табриклади.

Жанет скамейкага сирғалиб ўтирар экан, деди:

— Аралашмаган ҳолатда эмиш. Жуда ғалати маслаҳат бўлди-ку?

Тони маслаҳатига Жанет ғариоддий тус берганидан мамнун қиқирлаб кулди-да, умидвор бўлиб турган Жанетнинг олдига ҳали ишлатилмаган стаканни суриб қўйди ва кўзада қолган ичимликни унга қўйди.

— Нуқтаи назар аралашмагани, — дея тушунтириш берди у. — Худди кучли хотирага ўхшайди. Ёзувчи четга чиқиб қолади. Фақат қаҳрамонлари нима иш қилаётгани ва нима деб гапираётганини қоғозга туширади, лекин уларнинг фикрлашини, истакларини очиб ташламайди. Ҳукм чиқармайди. Мутлақо холислигича қолади.

— «Кийшаларинг, чиқшалайинг-чи?»

— Отам соқовроқ эди. Ҳайдовчилар емакхонасига борганимизда биз болалар машинадан тушиб, атрофда югуриб юрар, ҳар доим машина эшигини қарсиллатиб ёпар эдик. Унинг тоқати тоқ бўлгач, кийшалайинг, кийиб ўтийлайинг, чиқшалайинг, чиқиб ўйналайинг, деб бақирар эди. Хайриятки, энди ўша «кийшалайинг, чиқшалайинг»дан қутулдик.

— Талабаларим шу гапни тушунди, дейсанми?

— Ҳа, уларнинг бу гаплардан хабари бор.

— Ижодкорликни ўргатиш ҳам қаллобликдай бир гап, тўғрими? Клубга қандай аъзо бўлсам бўлади?

— Нима, сенинг отанг ҳам соқов ўтганми?

— Йўқ.

— Шуниси чатоқ-да. Афсус. Талабаларингга ўзинг ҳақингда гапириб берасанми?

— Йўқ, мен адабиётдан дарс бераман, шекилли? Қизиқ-қизиқ бадий асарлар бор-ку. Шахсий ҳаётимдан ҳикоя қилишимдан олдин ишим чаппасидан, ҳа-ҳа, бутунлай чаппасидан кетиши керак бўлади.

Жанет бундай ўзини олиб қочиш бутун бошли маданиятга зид эканини жуда яхши билар, аммо дардини дастурхон қилишга, дарсларни Опра شوусига айлантдиришга, адабиётни ўрганишни бунақа майда-чуйда нарсаларга сарфлаб қўйишга ва керак-кераксиз ўринларда ўз таржимаи ҳолини гапириб бериш билан талабаларда қизиқиш уйғотишга ҳеч қандай рағбати йўқ эди. Менинг ногирон ўғлим борлигини билармидингиз? (Ҳа, бор.) Қани, мен эрим билан охириги марта бирга ётганимиздан бери орадан қанча вақт ўтганини топинглар-чи! (Шама ҳам тайёр: анча бўлган эди!)

— Сиз одамлар ҳамма нарса ёзилиб бўлган деб ўйлайсизларми? — Тони эътироз билдирди. — Толстойми? «АС Уикли» ғийбат журналими? Ё яланғоч суратларми?

— Бўлди, бас.

— Сен барҳаёт асарлардан сўзлаб беришни яхши кўрасан.

Бу пайтда хизмат кўрсатган профессор Том Ньюхауз майда катакли матодан тикилган шляпасини зинапоя супа-сидаги илгакка илаётган эди. Етмиш ёшида пенсияга мажбурлаб чиқарилган Ньюхауз Жойс ижодига бағишланган семинар дарслари ўтар, шунинг учун ҳам талабалар ўрта-сида (хушфеълиги учун) машҳур, аммо ҳамкасбларининг (ўқиганларини нотўғри талқин йўли билан танқид қилгани учун) уни кўргани кўзи йўқ эди. У оёқларини икки букар экан, кўз ўнгида ҳафсалани пир қилувчи манзара пайдо бўлди — оппоқ тепа сочи тикка бўлиб кетибди.

— Ҳар кунгидай ичиб олганга ўхшайди, — деди Тони синчковлик билан.

— Унақа қилма, — деди Жанет Тонининг унга тақлидона чайқалишини кўриб, профессорни химоя қилар экан. — Балки у бизни пайқамаётгандир.

— У сўққабош, Жанет, — деди Тони.

— Бу ерга келганда сенга тирғалмайди-ку, — деб эслатиб қўйди Жанет унга.

— Ҳали шуни гап деб юрибсанми? Гирт ёлғон-ку, — жавоб қилди Тони.

Сал олдинроқ, семестр чоғида бир жувон Ньюхаузни, юзсизлик қилиб у ер-бу еримдан ушлади, деб айблаган эди. (Тони «Юзсизлик қилиб»ни ўша заҳотиёқ эслаб қолди. «Ўша сўзни жон-жон деб қайта-қайта эшитар эдим».) Жабрланувчи Ньюхаузнинг кимгадир айтаётган гапини эшитиб қолгач, ундан фойдаланмоқчи бўлган, деган тахминдан сўнг «аёлшунос» профессорнинг бўйнидаги айблов олиб ташланди. Барибир кимдир қари таканинг югурдак қўлини тийиб қўйиши керак эди-ку.

— Бундан ташқари, — гапини давом эттирди Тони. — сен ўтирибсан. Ўрнингдан тура кўрма. Турмасанг тегмайди.

— Буйруқми бу?

— Йўқ. Биласан-ку, буйруқ-муйруқ деб майдаллашиб ўтирмайман.

Бармен Ньюхаузга бир кружка пиво узатди. Бу, гарчи профессор пивони талабалар ўтирган столга узатишни ният қилган бўлса-да, яхшилик аломати эмас эди. Хотини бундан ўн йил бурун ўлиб кетган, уйи билан машинасининг қарзларини тўлаб бўлган Ньюхауз битирувчи курс талабалари орасида саховатпешалиги билан ном чиқарган эди.

Жанет Тони билан гурунг қилиб ўтирганимни Ньюхауз кўрсаю шояд ошиқча пивоҳўрликдан ўзини тийса, деган ниятда олдинга эгилди ва тирсакларини ҳўл стол юзасига тиради.

— Танаффус вақтида бирор жойга бормоқчимисан? — деб сўради Жанет. Тонининг сўнгги дарсдан сўнг ҳайё-ҳўйт деб Нью-Йорк ёки Бостонга жўнаб қоладиган одати бор эди. Илк марта кўришганида Жанет уни аёлларга хуши йўқ бўлса керак, деб ўйлаган, лекин бундай эмас экан. У чиндан ҳам коллеждаги «тегсанг, тўкиламан» деб юрган аёл ўқитувчиларнинг, баъзи маъмурият ходимларининг бошини бир-бир айлантириб чиқибди, яқинда, бир қорол хотин билан ҳам дон олишиб юрибди, деган миш-миш ҳам эшитди. Айни ҳол унда, нега шу вақтгача менга қизиқиш билдирмади, деган таажжуб уйғотди. Тўғри, у эрга теккан эди, аммо Тони бирор марта унга астойдил шама қилиб, қўз ҳам қисмади.

— Йўқ, ҳеч қаерга бормайман, — деди Тони уни ҳайрон қолдириб. — Ютада турадиган укам хотини билан меҳмонга келган — ана сенга ишонмасанг.

Жанет бар томонга қарашга журъат қилиб, бармен Ньюхаузга иккинчи кружкани узатаётганини кўрди.

— Уканг борлигини билмаган эканман.

— Бир-биримизни унча йўқлайвермаймиз, — деди Тони. — У ҳам, жиккаккина хотини ҳам — чин мормон. Мен уларнинг йўриғига юришга юрмайман. Улар Янги Англияда Шукрона куни қандай байрам қилинишини ўз кўзи билан кўрмоқчи, лекин бу ишни ҳушёр ҳолатда қилиб бўлмаслигини тушунмайди. Ўзинг билан қариндошларинг-чи?

Жанет байрамдан ҳафта бўйи ҳайиқиб юрди, энди ўйлаб қараса, байрам куни соатларини Коксинг курсиши жойланган файлларини қидириш билан ўтказиш унинг юрагини увиштирган бўлса ажаб эмас. Ишга овунгани яқинлашиб келаётган даҳшатли ва охири кўринмас кунни ўйлаб, асаби бузилишининг олдини олди. Робби учаласига бир дунё овқат пишириб беради. Уни иккови ейиши мумкин, Маркус эса ҳар куни еган овқати — қовурилган пишлоқ сандвичини ейди. Шунда ҳам Робби това тагига ёпишиб, у ер-бу ери куйган пишлоқни кўчириб олса. Хуши келмаса — айни шу аҳволга тушиши шубҳасиз — ҳеч нарса емайди.

Доимий кўрадиган кўрсатувлари берилмай қолса, жаҳли чиқиб, ўзини қўярга жой тополмай қолади. Ўтган йили Майси универмаги шарлари томошасидан хафа бўлди ва шундан сўнг ўзини босиб оладиган бўлди. Жанет ёнида бўлмаса яхши. Маркуснинг кундалик ҳаётига бирор нарса аралашмаса, ўзини яхши тутди. Иш кунлари онасининг уйда бўлиши оромини бузар, ҳамма нарса ўрнига тушиши учун у кетиши шартдай эди. Робби буни ёлғон дер, ҳатто, Маркус сени яхши кўради, деб қасам ҳам ичар, Жанетга ҳам шу керак эди. Врачлар, Маркусга ўхшаган болалар

фақат отаси ёки онасини яхши кўриши мумкин, деб огоҳлантирган ҳам эди. Бунақалар одатда онасини яхши кўради, аммо Маркус бундай қилмади. Жанетга, кўнглингизга олманг, бу гап сизга тегишли эмас, дейишди, лекин фарзандининг она қолиб, отасини танлаб ўтириши унга тегишли бўлмай, кимга тегишли бўлади? Шунинг ўзи *тегишли* дегани эмасми?

— Янааааа! — дея бақирди Ньюҳауз улар томон юрар экан, кўлида тутиб олган кружкаси четидан пиво тўкилди. У нариги кружкани талабалар ўтирган стол устига қўйди. Ньюҳауз у билан Тони ўтирган кабинага Жанет ўтирган томондан сирғалиб кирди, бечора ундан елкаси ғишт деворга бориб теккунча нари силжиди.

— Нимангизни яхши кўришимни биласизми, Мур? — Ньюҳауз талабалар, ҳамкасблар — ҳаммасини бирдай фамилиясини айтиб чақирар, деярли ҳар гапида бир сўзга бақириб, алоҳида урғу бериши одамнинг энсасини қотирар эди.

Ҳа, деб ўйлади Жанет, тана тузилишим сизга ёқади. Ньюҳауз ҳеч қачон унинг юзидан кўзини узолмас, ҳозир ҳам еб қўйгудай тикилиб қолган эди.

— Мурнинг қаерини яхши кўришимни биласизми? — деб сўради у Тонидан Жанет унга жавоб бермаганидан сўнг.

— Албатта, — деди Тони. — Ҳаммамиз яхши кўрадиган нарсани-да.

Ньюҳауз Тонига мастона кўз қисиб қўйди-да, Жанетга суқланиб тикилди.

— Унинг хаёли бузуқ.

— Ҳали шу хулосага келдим денг? — деб сўради Жанет. Буни эшитган Ньюҳауз аланглаб қолди, истехзоли кулги кўтарилди.

— Нима демоқчи эканингизни тушундим, — деди у. — Бу билан хаёлинг бузуқ демоқчисизлар, шундайми? — У Тонига бурилиб қаради. — Бу хонимнинг рақс тушиши менга ёқади демоқчи эдим.

— Ҳаммамиз ҳам шунисини яхши кўрамиз, — деди Тони.

— Сиз ҳеч қачон рақс тушганимни кўрмагансиз-ку, профессор Ньюҳауз. — Жанетнинг етти йил бурун коллеж ўқитувчилари қаторига келиб қўшилгандан бери кўпчиликнинг олдида рақс тушмаганига ишончи комил эди.

— Бу ҳақда кўп эшитганман, — деди у гапини тасдиқлашиб олиш учун Тонига қарар экан. — Бундан ташқари, одамлар ҳикояларингизни мусиқа тинглагандай эшитади. Бу хонимнинг ичида мусиқаси бор.

— Уни қўядиган ажойиб тоқчаси ҳам бор, — қўшимча қилди Тони.

Ньюҳауз бу изоҳни обдан ўйлаб кўрди-да, Жанетга юзланди:

— Энди бу гапни мен эмас, у айтди. Демак, гуноҳим йўқ.

— Гапингиз тўғрига ўхшайди, — деди у. — Фақат шу сафар қарашингизга рухсат бераман.

У кружкаларни тўлдириб келди.

— Раҳмат, — деди у яна кўзини Тонига тикар экан. — Зап замонлар бўлди-да, одам одамга қараб ҳам бўлмай қолди-я.

Ньюҳауз Тонининг ўзидан «юзсизлик қилиб, у ер-бу ерни ушлаганлик» айбловини олиб ташлаш ҳайъатига аъзо бўлганини кечиролмаётган эди. Ўша ҳайъат ўлганининг устига тепган қилиб унга ҳиссиётни жиловлашдан сабоқ олишни тавсия этса бўладими?

— Ҳа, бу бир бошоғриқ бўлди, — унинг гапига жон-жон деб қўшилди Тони.

— Икковимизнинг бир талабамиз бор, — деди Ньюхауз худди Тони Хоупдан бекитиқча ва у эшитиши керак бўлмаган сирни айтмоқчидай Жанет томон энгашар экан. Унинг тирсаги Жанетнинг чап кўкраги ёнига келиб қолди.

Буни сезган Тони ишшайиб қўйди.

— Ана у.

Ньюхауз унга ўша талабани кўрсатиш учун кўрсаткич бармоғини олдинга чўзди. У юмалоқ стол атрофида ўтирган талабалардан бирини — гарчи у орқа ўгириб ўтирган бўлса ҳам — таниди.

— Кокс. — Ньюхаузнинг овози гумбирлаб кетди. — Жеймс Кокс. «Дублинликлар» тўғрисида энг зўр курс иши ёзган — бунақасини ўқимаганман.

— Сизнингча, уни ким ёзган? — сўради у.

— У ўша курс ишини чоп этиши ҳам мумкин эди, — гапида давом этди алкоголь миясига тепган Ньюхауз. Сўнгра у деди: «Бу билан нима демоқчисиз? Албатта, Жеймс Кокс ёзган-да.»

— Бўпти.

Энди Ньюхауз ўзини Жанетдан четроқ тортди.

— Нега Коксдан гумон қиляпсиз?

— Сиз гумон қилмасангиз бўлди, — деди Жанет паст овозда Ньюхауз ҳам овозини пасайтирар деган беҳуда умид билан.

— Менинг ҳеч қандай гумоним йўқ. Сиз нега гумон қиляпсиз?

— Матбуотга чиқараман деб талабалардан йиғиб олган курс ишларингиз кўпми? — деб сўради Тони тўғри хаёлда.

— Сиз, — деди Ньюхауз. — Бунга аралашманг. Мен нега Коксдан гумон қилишим кераклигини мана бу хонимдан сўрамоқчиман.

— Балки гапим нотўғридир, — деди Жанет унга.

— Албатта, нотўғри, — деди у кружкасини қўлга олганча кабинадан сирғалиб чиқар экан. Юзи лавлагидай қизариб кетган эди. — Гапингиз ёлғон, ёлгондан ҳам баттар.

Сўнгра у Тонига ўтирилди.

— Сиз ҳам.

— Нима дейсиз, Том?

— Сиз ўйинга тушишни билмайсиз.

Ньюҳауз шундай деб орқасига бурилди-да, ёлғиз ўзи пивоҳўрлик қилиш учун бар олдига қайтиб борди.

— Ёлғондан ҳам баттар нима бўлиши мумкин? — Тонидан сўради Жанет Ньюҳауз товуш этишилмас жойга кетгандан сўнг.

* * *

Айни пайтда Жанет Замоनावий ва роман тиллари факультетидан чиқиб келди, осмон таҳдидли даражада қорайган, чўл шамоли чақмоқларга тўла ёмғирдан дарак бериб эса бошлади. Яхши, деб ўйлади Жанет. У Белламининг кондиционер ишлаб турган кабинетида пўртана қўпаётганини сезмади, буни Беллами ҳам сезмаган бўлса керак. Аке ҳолда усти очиқ «Мустанг»и томон оёгини қўлга олиб югуриши, ёмғир кабинети деразасини чертган маҳал кеч бўлиши турган гап эди.

Жанетнинг қўлида «Америка адабиёти» журналининг эски сони бор эди. Беллами Жанет ўқисин, деб унда чиққан иккита мақола саҳифаларини букиб қўйибди. Биттаси аспирантлик чоғида ёзган илк мақоласи экан, ўзининг ҳисоби бўйича эҳтиётсизлик оқибатида унда камида олти хато ўтиб кетган, орадан йиллар ўтиб қилдан қийиқ ахтарадиган маълумот йиғувчилар хатоларни Белламининг юзига солгани етмагандай, ўша ха-

толарни — беэиён ёки арзимас бўлса-да — гўё кечирилмас деб билар эди. У Жанет мақола камчиликларига қарамай, чоп этишига арзирди, дейишидан умидвор эди, лекин айтиб ўтирмади. Жанет эса ўзидан билиб, Белламининг буюкликка, коридор охиридаги энг зўр кабинетга, «Ф» тўхташ жойидаги «Мустанг» машинасига эришишига куч берган ҳиссиёт белгиларини излаб кўриши керак эди.

У Жанетга ўқишни тавсия қилган иккинчи мақола муаллифи Патирусия Анастасио эди; Жанет ушбу мақолада (Беллами бу ерда яна таъкиддан кўра имо-ишорани маъқул кўрди) меҳнатталаб, аммо зерикарли илмий фаолиятга хос беназир, айнаи чоқда майдалиги аниқ (аёлларники экани шубҳасиз бўлган) фазилатларни — тиришқоқлик ва ташкилотчилик қобилияти, икир-чикирларга эътиборни — топиши керак эди. (Синчиклаб ўқиб чиқиб, синтез қилсангиз, маълумотларни қандай тартибга солишни билиб оласиз.) Ҳақиқатан ҳам эркак кишининг такаббурилиги дунёни бузади. У ўзини Теннисоннинг хари-тага тушмаган сувларда қўрқмасдан сузиб юрган Улис-симан деб ҳисоблайди, айнаи чоқда Жанет (бошқа қизлар сингарими?) Телемак мисоли уй илоҳаларига сидқидилдан хизмат қилганича орқада қолади. Бўпти, Телемак қиз бўлмай қўя қолсин, бироқ Беллами қарашларининг мағзи бўлган жинс билан боғлиқ ноҳолис нуқтаи назарни ҳатто оқтанли киши билдирса ҳам одамнинг тепа сочи-ни тикка қилиб юбориши аниқ эди. Беллами бундай гапни занжининг оғзидан эшитиш қанчалик ёмон эканини яхши билиши керак эди-ку.

Энг қуйи зинапояда ахлат ташланадиган металл чела-лак бор, Жанет журнални унга ташлаб юборишдан зўрға тийилиб турар, бунга сабаб бўлган нарса ўша журнални

«Мустанг»нинг олд ўриндигига ташлаб қўйиш фикри эди. Журнал ҳаво очилганда эркакнинг димогига ўхшаб шишиб кетган бўлади. Мабодо Беллами кейинчалик бирор нарса деса, Жанет унга бу ишга дахли йўқлигини айтувди, мақолалардан нусха кўчириб олиб, журнални эгасига қайтарганман, дейди. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолди, Беллами Жанетни саволга ҳам тутмади.

«Ф» тўхташ жойига етиб келганида ҳам Жанетнинг ҳаяжони босилмаган эди, бинобарин, у ерда кўзи тушган егалати манзарадан довдираб қолди. Белламининг «Мустанг»и ёнида бир-бирига мос бўлмаган ёрқин ранглардаги кийим кийиб олган бир болакай турар эди. Унинг хумдай калласидаги сочи қиртишлаб олинган, қўллари худди кўринмас арвоҳлар билан олишаётгандай тинмай айланар эди. У яқин борганда бола қўрқинчли тарзда увиллаб юборди. Агар кўзлари юмуқ бўлмаганда уларни лўқ қилиб, Жанетга тикилиши турган гап эди, шунинг учун ҳам унинг кўнглидан, бола мени машинага яқинлаштирмайди, деган бемаъни ўй «йилт» этиб ўтди-да, миясига қаттиқ ўрнашиб қолди. У ақлдан озган, эси паст жинга менгзар, Белламининг машинасини унга яқин турган Жанетдан ҳимоя қилиш нияти борлигини билдирмоқчи бўлаётган эди.

Албатта, булар лаҳзалик таассуротлар эди. Жанет кейинчалик нима ва нега бундай бўлганини миясида тиклашга уриниб кўради. Бола қўрқитувчи арвоҳ эди, унинг қўллари ҳозиргина электр заряди олгандай тақир бошига муштлар эди. (У бу билан агар Жанет машинага яқинроқ келса, унга ҳам шундай мушт тушираман, демоқчи бўлдимми?) Лекин у бола томон илк, гайришхтиёрий қадам ташлар экан, ҳақиқатни, яъни унинг кўр эканини, қаттиқ эсаётган ва қум билан қўшиб яна алламбалолар-

ни учириб келәйтган шамол уни қўрқитиб, мўлжалдан адаштириб қўяётганини билиб олди. Унинг оқ ҳассаси «Мустанг»нинг бампери тагида ётар эди. Нега ҳақиқатни билиб олгандан сўнг ҳам миясига ўрнашиб қолган — бола бировни қўрқитмоқчилигию ўз жинларини Жанетнинг вужудига жойламоқчи бўлгани ҳақидаги — нотўғри таассуротни қувиши қийин бўлди?

Сўнгра кимдир қўшғич-айирғичини бир четга отиб юборгандай унинг увиллаши ҳам, айланма ҳаракатлари ҳам тўхтаб қолди ва бошини баланд кўтарди. Жанетнинг яқин турганини сездимикан? Жоду ишлатмоқчи бўлдимизми? Жанетга кейинчалик у афсус қилиб юрадиган бир истакни тортиқ қилмоқчимизми? У аста-секин Жанет томон бурилди, кўзлари юмуқ бўлмаганида унга тик қараб туриши аниқ эди. Бола бошини орқага ташлаб «Илтишимоссссс!» деб увиллагунча икки оёғини ёзган кўйи тош қотиб тураверди.

Увиллашга жўр бўлиб, ёмғир ёға бошлади, Қошига келиб тушган йирик томчи Жанетни ҳушига келтирди ва югуриб кетди.

* * *

Жанет гараждан ўтиб уйга келдию елка сумкасини девордаги қозикқа илди, бундан кўрган Робби кулиб қўйди. Маркус унинг ёнида, диванда ўтирар эди. Улар мультфильм томоша қилаётган экан. Бундан Роббининг кўнгли чоғдай эди. Маркуснинг юзи хотиржам, одатига кўра отасининг қулоғи солинчагини бошмалдоғи билан кўрсаткич бармоғи орасига олиб уқалаб ўтирар эди. Жанет билан Робби кўп нарсалар қатори шу масалада келиша олмайди. Робби эса, ўғлимизга солинчакнинг ёқиб қолгани

яхши бўлди, дейди. Жанет Маркус ўзини ёнига йўлатмай қўйганини улғайиш аломатига йўйиб юрди, аммо у ҳалиям ўзига ҳеч кимни яқинлаштирмаётганини, Роббининг солинчагини эрмак қилиб олганини кўриб, хавотирга тушиб қолди. Бу гапни эрига айтса, у врачларнинг қайта-қайта тайинлаганларини эслатди.

— Қолаверса, — деди у, — фақат ўнг қулоғимга ёпишиб олганига эътибор қилдингми? Мен уни диваннинг бошқа тарафига ўтказмоқчи бўлдим, фойдаси бўлмади. Фақат ўнг қулоққа ёпишиб олган.

— Менинг қулоғим эсига ҳам келмайди.

— Чунки кун бўйи ёнида мен бўламан-да. Олдида ўтирганингда сенга ёпишиб олар эди.

Жанет, менимча, унақа эмас, деганида эри:

— Буни ҳеч қачон бизга айтмаса керак, — деди.

Робби бу гапни ҳеч бир истехзосиз айтди. У бу ҳаётидаги кўп ичир-чикирнинг бири бўлгани учун ажабланмай қўйганга ўхшар эди.

У аспирантурада Жанетдан бир курс қуйида ўқиди. Ҳаммага ёқар, лекин илмий иш ёқлаётганлар орасида истеъдоди чала аспирант бўлиб танилган эди. Бошқалар магистрлик ишини бошқа жойларда ҳимоя қилди, аммо Робби эски аъзолардан бўлгани учун «Печак лигаси»¹нинг бирор қобилиятли аъзоси ортга чекинган сўнгги дақиқида имтиҳонга қўйилар эди. Унга ҳар семестрда камида бир марта, дастурни ўзлаштирмасанг бўлмайди, деб эслатиб туриш керак эди. Жанет синов муддати билан коллежга ўқитувчиликка ишга олинган пайтда Робби маҳаллий нотижорат ташкилотларига грант олиш учун дастур

1 «Печак лигаси» — АҚШ шимоли-шарқидаги энг обрўли коллеж ва университетлар гуруҳи. — *Тарж.*

ёзиб бериб юрди, у бу ишни уйда Маркусга қараб ўтириб бажарар эди. Жанет бир йил олдин синов муддати давом этаётган, кейинчалик коллеж мукофотига сазовор бўлган китоб устида тинмай тер тўкаётган пайтлар эр-хотиннинг ишлари ажрашар даражага бориб қолган эди, лекин ҳозир унинг иши тинч, ишлари яхшилик томон ўзгара бошлади. Улар Маркусга тушгача қараб турадиган одам топишди, Робби энди диссертациясини ёзиб тугатиши мумкин эди, лекин бу ишга хоҳиши бўлмади. Ўзи, коллежда менинг ихтисосим бўйича одам бор, шунинг учун ёқлашимдан нима фойда, деб баҳона қилиб юрди. Агар Жанетга тадқиқот университетидан яхшироқ иш таклиф қилиб қолишса, ҳамма Робби хотинига ошиқча юк бўлади, деб ўйлаши аниқ. Жанет, ўзинг шугулланиб юрган аччиқ ичакдай чўзиб юришдан ёмон йўқ эди. Лекин бу Робби эди.

— Грант ажратилди, — деди у Жанетга Маркусни тирсаги билан секин туртиб қўяр экан. — Қани, силжи, биродар. Ойингга жой берайлик. Бугун куни оғир бўлганга ўхшайди.

Жанет эрта қайтиши керак бўлган куни кеч қолган бўлса ҳам, ойинг кеч келди, деб айтмади.

— Яхши, — деди у Роббига. — Энди мен ўзгармоқчиман. Қанақа грант? Неча пул экан?

— Замонавий санъат институти. Етмиш беш минг. Бошлари осмонда.

— Шунақа бўлиши ҳам керак-да. Табриклайман.

Шундан сенга қанча тегди, деб ўйлади Жанет. Нега арзимаган чақага ишлаб, одамларни бир қоп семиртириб, алданиб юрибсан?

У ётоқхонада иш кийимини ечди-да, жинси шимини кийди. Ташқарида ёмғир ёға бошлади. Ётоқхонанинг жалюзи пардалари тушириб қўйилганига қарамай, у шамол

деразага олиб келиб ураётган ёмғир томчилари овозини эшитар эди. Нега у от чоптирар, чоптирар тинмай?

* * *

Нега Жанет «Ф» тўхташ жойига қайтиб келди? Шунда боланинг ишлари жойида эканига ишонч ҳосил қилмоқчи эканини кўнглига тугиб қўйгани эсига тушиди. Агар у ҳалиям афтодаҳол бўлса, полиция чақиради — полиция дегани бундай вазиятларни изга тушириб юбориш учун маош олади-ку. Жанет шуни билиб турган бўлса ҳам қизиқувчанлиги хавотирдан устун келди. Кўчани кесиб ўтаман деб машина тагига тушиб қолган бўлса-я? (Бу Жанетнинг хатоси бўладими?) Ёки сўқир бола газаб билан (Жанетнинг ундан қочиб қутулмоқчи бўлгани оқилона иш эканининг исботи сифатида) кейинги йўловчига ташландимикан?

Орадан ўн дақиқа чоғли вақт ўтди, Жанет ўша бола кимнингдир назоратида эканини кўришдан ажабланмади. Лекин ўша киши Беллами эканини кутмаган эди. У (баъзи сабабларга кўра ёшироқ кўринар эди) боланинг тирсагидан ушлаб, сув тўлиб қолган йўлнинг нариги бетига ўтиб олишига ёрдам бераётган эди. Жанет машинасини уларнинг ёнидан ҳайдаб ўтишни ўйлади, лекин Беллами уни таниб қолган бўлса-чи? Беллами машинаси борлигини билармиди?

— Жанет, — деди Беллами Жанет уларга етиб олганида, — сиз халоскорсиз.

У болани машинанинг пассажирлар ўтирадиган тарафига олиб ўтди ва олдинги ўриндиққа ўтиришига ёрдам берди ва:

— Унинг беэиён эканини кўряпсизми? — деди.

— Барака топинг, — дея мингирлади бола. Ўзи ёмгирда турган Беллами уни яхшилаб ўтқазиб, хавфсизлик камарини тақиб қўйди.

— Барака топинг.

Жанет ҳам шу шукронага қўшилдимми? Бола уни танимагандай олдинга қараб ўтирар эди. У машина ўзи юриб кетяпти деб тасаввур қилдимикан ёки Жанет тўхташ жойидан кетиб қолишидан олдин ҳиди димоғига урилиб, ҳозир ўша тароватни танидимикан? Миясига яна бир фикр келди. Боланинг кўзи хира бўлса ҳам кўрса-чи? Балки шунинг учун ҳам ўзи тарафга қарамагандир.

— Мана, — деди Беллами боланинг биллагидан ушлаб, қўлига ҳассасини тутқазар экан.

— Раҳмат сизга.

— Уильямни «Ньюман» марказига олиб бориб қўйиши керак, — деди Беллами, (у боланинг отини ҳам билар эканда?), сўнгра ўзи орқа ўриндиққа ўтирди, сочидан биллур томчилар томар эди.

— У ер қаерда?

— Гленн кўчасидан ўннга буриласиз. Икки мавзедан сўнг чап томонда, — деди Беллами Жанетга. У католикмикан? Акс ҳолда «Ньюман» марказини қаердан билади? У буюк Белламининг тиз чўкиб ибодат қилаётганини тасаввур қилишга уринди.

Ёмгир тинмай қуяр, лекин шамол пасайгани учун энди тик ёгаётган эди.

— Машинангизни ёпиб қўймоқчимисиз? — деб сўради у «Мустанг»ни кўрсатар экан.

Беллами Жанетга қайси машина уники эканини билгани учун қизиқсиниб, эҳтимол, ҳайратланиб қаради ва шарақлаб кулиб юборди ва:

— Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, — деди.

— Тинчликми? — қизиқсиниб сўради Робби.

Робби хотинининг каравот четида ўтирганига раҳми келган кўйи эшикда турар эди, Жанетнинг кўнгли айнигандай бўлди, гўё ўтмиш билан ҳозирги кун қоришиб кетгандай эди.

— Йиғлагинг келяптими дейман?

Жанет ўрнидан турди ва кийим-кечак жавони олдига бориб, тўқима кўйлагини олди ва бошидан ўтказиб кийди.

— Йўқ, ўзим шундай. Фақат бир кўчирмачиликни билиб қолдим.

— Бунақа ишларнинг томошадан фарқи йўқ, — деди Робби. — Ўзи тан олдими?

Жанет бош ирғади.

— Бу ҳам етмагандай, Том Ньюхаузга дуч келиб қолсам бўладими?

У воқеа Марказий пабда бўлганини тилга олмади. Робби улар ажрашай деб юрганда баъзи кечки зиёфатларни айтмаганда ҳеч қачон уйдан бошқа ерда овқатланишмаганини айтиб шикоят қилгани-қилган эди. Жонли мусиқа — кампус жойлашган завод шаҳарчасидаги хизмат ҳақи арзон барларда бир пулга қиммат гараж ансамбллари чалган бака-банг блюз ҳам, талабалик йилларида ўзи ижро этгани ҳам — ҳамма-ҳаммаси жону дили эди.

— Энди билсам, кўчирмачи талабам ундан ҳам сабоқ олиб юрар экан, Том эса ўша боланинг Жойсга бағишлаб ёзган курс ишини оғзидан кўймайди. Ўша курс ишини яхшилаб ўрганиб чиқинг, десам мендан хафа бўлади.

Роббининг қовоғи уюлди.

— Нега бундай қилдинг?

— Нимани айтяпсан?

У елка қисиб қўя қолди.

— Йўқ, нимани айтяпсан?

— Жаҳлинг чиқмасин. Университетда ўқиган йилларимиз эсимга тушиб кетди. Роҳиба хотинлар гап талашганини кўргани кўзим йўқ эди. Душанба куни тушдан кейин бирор дарсимда ишкал чиқса, сешанба куни эрталаб ҳаммаси устимдан мағзава ағдариши аниқ. Бу адолатдан эмас-ку.

— Илк дуч келган роҳибани таппа босганинг билан ишкал тўғри бўлиб қолмайди-ку.

Робби яна елка қисди, одатдагидай, қармоққа илинги-си келмади.

— Бирор овқат пиширайми ёки пиццага чиқиб келайми?

— Қайси бўлса ҳам майли.

— Унда пицца бўла қолсин. Маркус ҳам мен билан бирга боради. Пиццоли емакхонаси — унинг жону дили.

Ростдан-а? Буни қандай айтасан? Лом-мим демай, албатта. Робби Маркусни ўзи билан бирга олиб кетишига бирдан-бир сабаб шу бўлмаса керак. Ҳарқалай, Жанет билан бирга ташлаб кетгандан яхшироқ-да.

* * *

— Менимча, бу сирларнинг сири, — деди Беллами кейинчалик.

Беллами болани «Ньюман» марказига олиб кириб кетаётганда Жанет машинада кутиб ўтирди, сўнгера у Белламини сув билан тўлган «Мустанг»и ёнига олиб келиб қўйди. Жанет «Х» тўхташ жойи томон югурган бўлса ҳам у ерга етиб боргунча уст-боши шалаббо бўлди, энди кўйлагидан баданини кўриниб қолаётганини сеза бошлади. Беллами буни кўрган бўлса ҳам билдирмади.

— Бошқа одам, масалан, Уильямга айланиш нима ўзи? Ўшанда одам нимани ҳис қилади, демоқчиман. Адабиёт. Ҳаёт. Улар бизга озгина рўшнолик беради-да, чанқоғимизни ўн чандон орттиради.

Ҳеч бир жавоб бўлмагач, у Жанетга бир назар ташлаб, яна нигоҳини бошқа томон бурди.

— Узр, бугун сизни роса сарсон қилдим, — деди у. — Одамлар кимлигини билгим келади, лекин баъзида бу менинг ишим эмаслигини унутиб қўяман.

Даф бўлинг, ўйлаётгани эсига тушиди унинг. Илтимос, гапирманг, даф бўлинг. Унинг кўр болага меҳрибонлиги Жанетнинг адолатли газабини сўндирди, бир ҳисга эҳтиёж сезган ботини бўшаб қолди, ҳаққи бўлган нарса ҳақида эса ўйлай олмас, бундан фақат тушкунлик мустасно эди.

* * *

У ўкириб йиғлар, тинмай титраётган бадани анча вақт тинчлана олмади. Фақат ўзини босишга уринмай қўйгандан сўнг ўзгача енгиллик сезгандай бўлди. Бу ҳол қанча давом этди? Ярим соатдан кўпмиди, каммиди, билолмади, Робби билан Маркус пицца олиб қайтиб келиб қолиши мумкин эди. Унга ётоқхона ойнасидан қараб турган қони қочиб, шишиб кетган ва пардоз-андозсиз юз ўзиники эканига ишониш қийин эди. У Робби ёки Маркус кўргиси келган юз эмас эди. Ўғли Маркуснинг газабу қўрқувдан ўзга ҳиссиёти йўқдай туюлар, лекин бошқаларнинг газабу қўрқуви кўпинча кўнглини чўктирар эди. Жанет улар қайтганидан сўнг ҳам шу аҳволида уйда ўтиришни истамади.

Улар машинада келадиган йўлдан чекинаётган Жанет ўзлари яшайдиган кўчанинг охиригача бориб, чапдаги

Коллеж авенюсига бурилмагунча қаёққа кетаётганидан беҳабар эди. Эсини еб қўйдими? Кампусга қайтиб келиб, нима иш қилмоқчи эди ўзи? Жеймс Кокс билан дўстлари кетиб қолганига анча бўлган, паб ёпилибди. Аммо у ҳозир Жеймсга нима дейишини, олдинроқ нима дейиши кераклигини билар эди. Қўққисдан Шукрона байрами туғашини кутиш кераклигини ўйлаб юраги сиқилди. Дарслар бошланишига ҳали анча бор эди. Жанет на эсидан чиқара, на соғлом ҳолига қайта ва на руҳий мувозанатини тиклай олар эди. У мавжуд вақту имкониятдан фойдаланиб, айтмоқчи бўлган сўзларни айтмасликка ўзини кўндириши керак эди. Шу чоғда Жеймсдан ҳам кўра, ўзининг фойдасини кўзлаб, тўғри деб билган нарсасини, яъни одобсизлик бу йигитга хос эмаслигини, фақат одат бўлиб қолганини, одатдан эса воз кечиш зарурлигини айтиши керак эди. Вақтида этак ёпиб олинса, бир марта ёлғон гапирган одам қаллоб бўлиб қолмайди. Жеймс янги ҳаётни янги мақола ёзишдан бошлаши мумкин. Ҳадеб ҳаммининг эсидан чиқиб кетган илмий жамоага мансуб аллақандай биродарнинг эмас, Жеймс Кокснинг ҳам ўз мақоласи чиқсин-да. Эҳтимол ўшанда Жеймс Кокс мақола ёзишда ўзининг эринчоқ, ёмон мутахассис, бадқовоқ ёки жангари бўлмаган ўрнини топиб олади. Балки ҳозирча топа олмаётгандир.

— Орқага чекинманг, — деб маслаҳат беради у Жанетга. Жанет минбаъд бундай қилмайди, керак бўлса, Жеймсни тушунишга мажбур қилади.

У Марказий пубга етиб келганида Жеймс Кокс билан дўстлари кетиб қолган экан, буни кўргач, юрагини оғир алам ҳисси қоплаб олди. Бу ҳам етмагандай, Том Ньюҳуз ҳалиям бар ёнида турган экан. У Жанетнинг ичкари кирганини кўрмади. Ҳозир секин чиқиб кетса, чол унинг

келганини билмаслиги аниқ. Биров сезиб қолмасидан бурун хайр-хўш қилмай чиқиб кетиш ҳаётда ҳам қўл келади. Тони гапириб юрадиган атама қанақа эди? *Аралашмаган ҳолатда*. Аралашамсанг ўзинг ҳам йўқ бўлиб кетасан.

— Мур, — деди Ньюҳауз Жанет унинг ёнидаги бар стулига келиб ўтиргач. — Қайтиб келибсиз-да.

Ньюҳаузнинг табассуми ё Жанет бир-икки соат бурун ўзининг жаҳлини чиқарганини унутгани, ёки уни кечирганидан далолат эди.

— Том, Шукрона кундаги зиёфатимизга қўшилмайсизми? — Жанет гапираётган гапини ўзи ҳам эшитди.

У Жанетга кўз қисиб қаради, лекин бирдан жавоб бермади.

— Нима овқат билан меҳмон қилмоқчисиз?

У қаттиқ кулиб юборди.

— Нима овқат билан меҳмон қиласиз деганингиз нима-си?

— Сомелье! — у барменни чақирди. Хонимга битта стакан келтиринг. Тозасидан. Бу киши профессор Мур бўлади. Профессор Мурни танийсизми? Танилиб келаётган юлдузимизни-я?

Бар ортидаги йигит стаканни унинг олдига қўйди, уни Ньюҳауз тўлдириб қўйди, тошириб ҳам юборди.

— Айтмоқчи бўлган нарсам шуки, мен таклифларни тарозига солиб кўраман. Адашмасам, қовурилган *парранда* гўштини дастурхонга тортасизлар, шундайми?

— Ҳа, курка.

— Ичига *у-бу нарса тўлдирилган* курка бўладими?

Жанет, ҳа, деди. Шундай бўлса керак, деб ўйлади ўзича.

— Қизилча ҳам солинадими? *Ширин картошка-чи?*

— Вой, нега солмас эканмиз?

У Жанетга кўзи узоқни кўра олмайдиганларга хос хайрихоҳлик билан муомала қилди.

— Бўпти унда. Булардан сўнг пирог тортилади, тўғрими?

— Сизга қанақа пирог ёқади, Том? Қанақасини ёқтирасиз?

— *Майизли пирог.*

— Ҳазиллашяпсизми?

— *Қовоқлиси* ҳам бўлаверади. Соат неча бўлди?

— Пешинми?

— Мен нима олиб борай?

— Майизли пирог. Чиндан ҳам майизли пирог егингиз келган бўлса.

Жанет яна бар стулидан тушгандан сўнг у деди:

— Кетяпсизми? Ҳозиргина келган эдингиз-ку.

— Робби билан Маркус пицца олиб келгани кетувди. Уларга бир оғиз айтиб қўйиш эсимдан чиқибди, шунга...

— Сиз билан пайшанба куни кўришамиз.

— Сизни огоҳлантириб қўяй, — деди у Ньюҳаузга томоғи бўғилаётганини сезиб. — Ўғлимнинг кайфияти яхши бўлган, ёмон бўлган кунлар бор. Агар кайфияти бузуқ бўлса, борганингизга пушаймон бўласиз.

У бар стулидан гурс этиб тушиб, Жанетни қучди. Аёл қаршилик қилмади.

— Сиз яхшисиз, Мур.

Айни пайтда Жанетнинг профессионал ҳаёти икки олим: бири қатор китоблари классик даражага етиб қолган машҳур танқидчи, иккинчиси эса меросини спиртли ичимликлар ва ёлғизлик билан барбод қилмаслик учун курашаётган шу ерлик жаноб Чипс билан бир қаторга қўйилаётган эди. Бир-бирига мутлақо ўхшамаган, аммо туғма саховатпеша кишилар. Иккаласи итни ҳам, битни ҳам отанг яхши, онанг яхши, деб ўзига ром қилиб ол-

ган, аммо Жанетнинг улар ҳақида бош қотиргиси келмас эди. Беллами Жанетни огоҳлантирмоқчи бўлди. Унга Жанетнинг савияси баланд экани ҳам, совуққонлик билан ишонтира олиш қобилияти ҳам, ўзини издиҳомдан четга олишда адабиёт ўқитишдан фойдаланаётгани ҳам маълум эди. Ҳатто у эр-хотин ҳаёти қандай кечишини, Жанетнинг эри билан бўлган тортишувларнинг ҳаммасида ютиб чиқишини олдиндан кўра олган бўлса ажаб эмас.

— Узр, — деди у ниҳоят Том Ньюхауз уни қўйиб юборгач. — Кўринишим бир ҳол бўлса керак.

— Кўринишингиз тузук, — деди у ён берар экан. — Менинг ҳам кўринишим тузук. Ҳаммамизнинг афт-ангоримиз тузук. — Бир оздан сўнг қўшимча қилди. — Шундай қилиб, Жеймс Кокс ўша мақолани ёзмаган денг.

— Э-э, билмадим. Балки шундай қилгандир, — ён берди Жанет. — Лекин, менимча, бу ишни қилмаган.

Айбловнинг олдингисидан фарқи йўқ эди, аммо бу сафар у бошқача эшитилди ва Ньюхауз уни қабул қилгандай туюлди.

— Жин урсин, — унинг айтган гапи шу бўлди.

— Сиз бир гапни тўғри айтдингиз, — деди Жанет унга. — Мен яхши рақс тушаман. Ёки тушар эдим. Кириш имтиҳонларини топширганимдан сўнг Робби факультет ўқитувчиларини бунга бирга «ювиш»га таклиф қилди. Ўша куни унинг ансамбли мусиқани роса берилиб чалди ўзиям. Мен уларга қўшилиб Жефферсон Эйрплейннинг «Бир одам бор севмоғим учун» қўшиғини куйладим.

Ньюхауз на қўшиқ ва на ансамбль ҳақида тайинли бир гап эшитган эди. Унинг Грейс Сликк билан Жанет ҳақидаги ўйлардан кўнгли бўшаб кетди.

— Мотоциклчилар клубидаги зиёфат эрталаб соат учда тугади. Мен барнинг устига чиқиб ўйнаб бердим.

— Роса зўр бўлган бўлса керак-а? — деди у. — Афсуски, у ерда мен йўқ эканман.

— Ҳа, сизга насиб қилмаган экан, — деди Жанет.

— Ҳой, — деди у Жанетнинг пешонасидан ўпар экан. — У ерда бўлмаганим ўша воқеани эсламайман, дегани эмас.

Жанет уйга қайтиб келса, Роббининг машинаси йўлнинг чеккасида турибди. У машинадан тушгач, ошхона деразасидан эри билан ўғлини кўрди. Робби пицца қутисини очаётган, Маркус эса нафасини ичига ютганча кўзини юмиб турибди. Робби айтганидек, жону дили бўлган пиццахонани икир-чикиригача хотирасида жонлантираётган эди. Балонинг ўзи, деган фикр ўтди унинг хаёлидан. Бу ҳақда ўқиган эди, яқинроқ боришга юраги дов бермади. У ҳамиша Тангрининг Исо тимсолида одамларга кўриниш бериши ошиб-тошиб мақталганига шубҳа билан қарар эди. Энди у турган жойига туриб қолишга мойил эди, у билан эри ва фарзанди ўртасидаги ошхона деразаси Жанетни улардан, уларни эса Жанетдан асраётган эди.

У кириш имтиҳонларини топширган, бар устига чиқиб ўйнаган кечада Беллами ҳам бор эди, мотоциклчилар бари ёпилгач, барчаси юк машиналарининг тўхташ жойига кўчиб ўтиб, қуюқ нонуштага буюртма берди. Улар овқат келишини кутиб ўтирган пайтда фақат бахтиёр, маст аспирантлар қайси шеър энг зўр эканидан баҳслашиб кетди. Бирор шеърни зўр дейишнинг бирдан-бир йўли уни бошдан-оёқ ёддан ўқиб беришинг, шундан сўнггина унинг буюклигига далиллар келтиришинг керак эди. Робби Жанетни ҳам ҳайратга солиб, «Кубла Хон»ни бошдан-оёқ ўқиб берди ва олқишларга

кўмилиб кетди. Белламига навбат келганда «Шамол-ли тунлар» шеърини ёд айтди, болаларга атаб ёзилган бу шеърни Жанетдан бошқа ҳамма ёд билар эди. У шеърнинг болаларга аталган тушкун, ямб ҳижосида ёзилганини айтиб, столни чала бошлаганидан унда турган стаканлар сакраб кетди, у шеърни ўқиб тугатганида бутун гуруҳ кулиб юборди.

— Бўлди, бўлди. Энди тушунтириб берсин, — деб туриб олди кимдир. — Энди бизга нима учун бу шеър шу вақтгача инглиз тилида ёзилган энг зўр шеър эканини тушунтириб бер.

— Чунки, — деди Беллами кўққисдан жиддий тортиб ва кўзларини катта-катта қилиб, — мен бу сўзларни бақириб айтаётганимда отам тирилиб келгандай бўлади.

* * *

Беллами келаси йили кетиб қолди, тахмин қилингандай, «Печак лигаси»га қайтиб кетди, аммо кетишидан олдин Жанетни илмий ишни ёқлагандан сўнг бериладиган нуфузли стипендияга тавсия қилди, бу илм пўртаналарида қолган у билан Робби учун паноҳ бўлган бандаргоҳ эди. Нега у бундай қилди? Балки Робби учундир. Жанет, Беллами ўша куни тушдан кейин бўлган томошани, яъни Жанетнинг кўр кишидан қочиб кетмоқчи бўлганини ўз кўзи билан кўрган, деган қарорга келди. Демак, у Жанетнинг қўрқоқлигини юзига солмаган экан-да. Бундан чиқди, Беллами ҳам Том Ньюхаузга ўхшаб, стипендияга тавсия қилиш орқали Жанетнинг ишлари юришиб кетишига умид қилган экан-да? Агар ўша Беллами ишонган нарса бўлса, Жанет унинг ноҳақ эканига ишонч ҳосил қилиши мумкинми? Жанет эрта-

си куни Беллами унга шунча йил олдин бериб турган журнални топади, унда Жанет ўжарлик қилиб ўқимаган мақолалар бор ва у ўша мақолаларда нималар ёзилганини билар эди. Жанет Белламининг журналидан ҳаммалари билган, ҳар бир сўзидан нафаси уфуриб турган Белламининг ўзини топади. Муаллиф — унинг ўзи. Адабиёт ва ҳаётдан нимани ўрганганини, бошқа нарсаларни ҳам ўрганишга чанқоқлик сезганини топади, айтишу чанқоқлик одамларни унга ошуфта қилар эди. Робби Жанетнинг Белламига бағишланган таъзияномасини «Таймс» журналида ўқиб йиғлаб юборди, ўша йили у коллежга синов муддати билан ишга жойлашган эди, Робби эса Белламининг хотирасига ўғлини унинг номи билан атамоқчи бўлди. Жанет ўзининг, Роббининг оиласида қўйилиб келган бошқа отларни айтиб кўрди, лекин гап уқтира олмади.

— Маркуснинг нимаси ёмон? — у Жанет таслим бўлмагунча шу саволни такрорлайверди.

Жанет бошқа бир мақолада Беллами унинг мақолаларидан фақат бир нарса топганини билиб олади: мавхумият. Мавхум ёзувчи. Кўланка. Арвоҳ. «Лекин мен борман», деб оёқ тираб туриб олди у ўша куни гўё Беллами бунинг тескарисини уқтирмоқчи бўлаётгандай, аслида у Жанетни ўзини ҳурмат қилиш, бирор нарсага эришиш ва ниҳоят, бирор нарсани кашф қилиш сингари қўл билан тутиб бўлмас сўнгги нарсани топишга ундар эди. Ҳа, гарчи ўша иккита мақолада нима ёзилганини билса ҳам, уларни ўқиб чиқади. У Белламидан кўп нарса қарздор. Беллами унга бир вазифа қолдирди — шуни тугатиши керак. Шундан сўнг у ўзини тинч қўйишига ишонади.

Робби ошхона деразасига тикилиб қаради. У Жанетнинг машинаси ичкарига кирганини ўз қулоғи билан эшитган

эди, лекин унинг қоронғи ва нам ҳавода ташқарида нима қилиб турганига ҳайрон бўлди. У уч кишига дастурхон тузади. Бу кеч улар пицца ейди. Жанет эртаси куни майизли пирог нима эканини билиб олади. Шундан сўнг ҳаммаси бир бўлиб Шукрона кунини нишонлайди. Ундан сўнг нима бўлишини ким билади дейсиз?

БИР ИЛОЖИНИ ҚИЛСАНГИЗ-ЧИ

Аскарлар Маргаретни назардан қочирмай турдилар. У сепоясини ва устидан кийишга олган иккинчи пончони кўтариб чайқалиб юрарди. Аскарлар унинг шунчалик яқинлашиб келишига йўл қўйганлари балки об-ҳаво туфайли, ёки бир тур эрмак учун бўлганми, у беҳабар. Шундай бўлса-да, улар Маргарет сим тўр бўйлаб оғир қадам ташлаб келаётгани ва «ЎТИШ ЙЎЛИ ЙЎҚ. ҲУКУМАТ МУЛКИ. СУРАТГА ОЛИНМАСИН», деган белги яқинида жойлашаётганини кузатяптилар, деб тахмин қилайлик.

Сентябрь ойи зах, ниҳоятда зах бўлди. Ҳамма ёқда ёмғир ёғар эди, қорайган, сирпанчиқ хазон Маргарет оёқ кийимининг тагига ёпишарди. Оёқ кийим, балки, Каролайнники эди, Веллингтон фирмаси маҳсулоти, уни Маргарет катта хонага олиб кирадиган йўлакдаги девор жавонининг орқасидан топди, бироз илгари Ҳарри шундай ҳавода Маргарет қаерга отланаётган экан, деб ҳайратланиб хотини у ерни титкилаётганига боқар эди.

Маргарет, қўлида оёқ кийими, ўгирилди.

— Ёмғир ёғяпти, — деди Ҳарри яна бир бор.

Товушнинг анчагина пардаларида қулоғи эшитмайдиган Ҳаррининг овози сўнди, гўё акс-садога ёки бош ирғатишга умид қилгандек.

— Ҳеч қаёққа, — деди Маргарет, чунки у ерни ҳеч қаер, ёки хоҳлаган ер, ёки номаълум бирон бир ер, деса бўлар эди: у ерга тигиз йўллардан соатлаб юриб, сўнг далалар оралаб шундай ҳам хира манзарани янада хиралаштирган шивалаб ёғаётган ёмғирда бориларди. Ўша-ўша эски нарсалар ва ҳоказо — макка далалари, силос, Дэниел фирмаси нўхатини раклама қилувчи титилиб кетган билборд, нўхат Калифорниядан янги олиб келинади, аслида бу ер Делавер штати, соя макони. Яна ўрдаклар, куз овининг қизгин палласи — шивалаётган ёмғирни овчилар милтиқларининг варанглаши ёриб туради.

Маргарет машинасини симтўр тагидаги зовур ёнида тўхтатди. Тўрда ит боғлайдиган ҳалқа, ваҳоланки, у ерда ит йўқ, фақат қўриқчилар минораси, самолётлар қўниш майдони ва самолёт кутаётган аскарлар бор. Лекин бу тўғри эмас, аслида. Жой кенг, шаҳардек кенг, казармалар — казарма дейиладими? — юк машиналар ва тубсиз йўлаклар, яна, албатта, ухлаётган болалар, пиёда аскарлар болалари — ёки бу ердагилар денгиз пиёдаларими? — икки қаватли турар жойлар лабиринтида, Маргарет машинадан тушган жой, зовур, қўниш майдони, самолётлар қўнадиган жой яқинида. Буни Маргарет биледи. Қолганини — болалар борлиги, нима, ким, қанча, унвонлар, ким кимга бошлиқ — булар ҳақида, ростини айтганда, ҳеч қандай тушунчаси йўқ.

Маргарет сепояни лойга ботириб ўрнатди, пончони эгнида тўгрилади. Бугун у ушлаган еридан узиб олмоқчи. У, ҳатто, узилган этни сезаётгандек бўляпти; қаршилик қилаётганини ҳис қиляпти: у — Маргарет Мориси, Керолайн ва яна бир, раҳматли, болакай Жеймснинг онаси; Ҳарринг хотини. У камерани ўрнатиб объективни самолётлар қўнадиган тарафга қаратади. Самолётлар ғарбдан келади,

у шуни аниқлаган, Маккадан келади, аксарият майитлар байроққа ўралган, баъзилари тор яшиқларда олиб келинади.

* * *

— Ё, худо, ойи — деди Керолайн биринчи бор ҳибсга олиниш ва жаримадан сўнг. — Ҳаётни қабул қилинг.

— Катта бобонгнинг отаси от емини еган; овқати шу бўлган. У сўкинса, узр ўрнига тупурарди. У бу мамлакатга овқат учун келган, бу бор гап.

— Қайси шамол учирибди? — деди Керолайн.

— Америка, бунда бир маъно бор эди.

— Ноқонуний бўлган.

— Бу озод мамлакат.

— Қўйинг, — деди Керолайн.

Она-бола Керолайннинг ошхонасидаги стол атрофида ўтиришар, Керолайннинг эғнида иш учун мўлжалланган кийим-бошларидан бири, сигаретаси ўн ёшида Жеймс лойдан ясаб берган шаклсиз кулдонда тутаб турар эди. Керолайннинг болалари бошқа жойда эдилар, ётоқларининг ёпиқ эшиклари ортидан баланд-баланд овоз билан буйруқ берар эдилар ва ҳатто ёнингизда турсалар ҳам, баданлари бенуқсон эмас, илгари қандай бўлганлари кўришиб турар эди; ўй-хаёлга чўмсалар, бу жуда-жуда чуқур ўй бўлар эди.

— Унга овоз берганимни айтмаслигим керак эди, — деди Керолайн.

— Ўзим тушуниб олардим.

— Қоидаларга риоя қилиш керак, — деди Керолайн. — Ёки шунақароқ. Ҳар ҳолда, қоидалар бор. Бу қонун. Бундан ташқари, бизнинг ишимиз эмас. Сизнинг ишингиз ҳам эмас.

— Кимнинг иши, — деди Маргарет. Бунга Керолайн бир тоифа жавоб бера бошлади.

Маргарет бир муддат қулоқ солди, сўнг эшитмай қўйди; бошқа нарсаларни ўйлаб кетди: бир оз илгарироқ Керолайн тўр олдида у билан ёнма-ён турган, қизи белги кўтарган ёки жила қурса чапанича хитоб қилган бўлар эди деб, ишонишини истарди. Аммо бу Керолайн Молия даҳасида ўша ишга киришидан аввал бўлган эди. Куриб кетгур даҳа, деб атайди уни Керолайн, аммо пули яхши, дейди. Катта пул.

— Ойи?

— Эшитаётувдим, — деди Маргарет.

— Хаёлингиздан чиқаринг, — деди Керолайн. У тирноғи, ўша тирноғи билан стол қопқоғини тақиллатди, шунда қўнғироқ чалди — нарса олиб келишди — шу билан суҳбат тугади.

— Овқат пайти, — деди у эшиклар томон қараб.

* * *

Гурс, гурс, гурс.

Аскарлар кузатиб, тўйдилар. Улар, ўрдаклар диёри, расман Делавер, гарчи кўпчилик тарихда қийналса-да биринчи штат бўйлаб машаққат билан қадам ташлаш мақсадида минорасидан пастга тушмоқдалар; ботинкалари овозини эшитиш мумкин, ёки қурбақалар овозими? Лой, ботқоқ. Тезда улар Маргарет олдида бўладилар. Маргарет улар катталашиб келаётганларини тасвирга оляпти; дарвозанинг қулфини очиб ташқарига чиқаётганларни тасвирга оляпти, юзларида ифода йўқлигини тасвирга оляпти. Муаммо шундаки, Маргарет ўзини улардан нафратланаётган қилиб қўрсатишигина мумкин.

— Салом, миссис Мориси. — буни Маргарет Твидлди¹ деб атайдигани айтди.

Аёл қаддини ростлади, пончони тўғирлади.

— Эслатмоқчимиз, сиз тақиқланган ҳудудга киряпсиз. Сурагга олиш ҳам ман этилган.

— Бугун мен қаршилик кўрсатаман, — деди аёл сепояга таяниб.

Улар қўлларини кўксига қўйганча туришди. Тўрт жуфт, одатдагидек; тўда; гуруҳ; балки бўлинма, ёки булар полк-микан? Йўқ, полк каттароқ бўлади, полкда одам кўп бўлади. У аскарлик пайтларни, Жеймс нарсаларнинг аниқ тартибини — сержантдан лейтенантгача, капитандан подшоҳчагача — тушунтиришга уринган эрталабки пайтларни эслашга ҳаракат қилди, унинг жажжи жангчиларига уй билан битта ғалати мақсадлардаги гуруҳ-гуруҳ тартиб берилган бўлар эди. Маргарет уларга ҳамма жойда дуч келарди: улар пайпоқларга ҳужум қилган, теннис столига чиқаётган бўларди. Пластик қўйма жангчиларнинг қуролларини аниқ ажратса бўлар эди, юзларининг эса шакли йўқ, ажратиб бўлмас. Маргарет кимдир пешонасини ёради деб, уларни ўғлининг ётоғига бадарға қилганида, Жеймс шашқатор йиғларди.

— Бу одатдагидан катта жарима дегани, миссис Мориси.

У тўнка, албатта, бошқа томондан, Жеймсининг ёшидаги йигит, унга раҳми келади кишининг.

— Қаршилик кўрсатаман, — такрорлади у. «Индамаслар»дан бири қўлини чиқариб лой даладан ўтишга ёрдам бермоқчидек бўлди. Маргарет билиб турибди, улар унинг бир нарса қилишини кутишяпти. Шартта ўтириб олса-

¹ Льюис Керолнинг «Алиса ойна ортидаги маконда» эртагининг бир бирига ўхшаган икки персонажи Tweedledum ва Tweedledee калваклардан бири. — *Таржимон изоҳи.*

микан, хаёлидан ўтказади Маргарет, сўнг ўтириб олди, бу қўпроқ энгашиб олишга ўхшади, бу ҳол қанчалик кулгили эканлигини, қанчалик кичкина кўринишини Маргарет биледи. Гавдалироғи энгашиб, унга ёрдам беради. «Ана энди», деб ўйлади аёл, гарчи буни қилишдан, аскар қўлининг юмшоқ жойини, бошмалдоқ билан кўрсаткич бармоғи орасидаги этни тишлаб олишдан олдин шунга журъат этганини ўзи ҳам тушунмади.

* * *

Керолайн (у поездда келган бўлса керак) ҳибсхонанинг кутиш хонасида Ҳаррининг ёнида ўтирибди, қайси бирининг сўзи ўтишига шубҳа йўқ. Қизимиз атомни парчалаб ташлайди, деган эди бир марта Ҳарри. Биз уни «Женерал электрик»ка бериб турсак бўлар экан.

«Кечирасан, азизим», деди Маргарет Ҳаррига паст овозда. Ҳарри унга қўй кўзлари билан қаради, сўнг Керолайн икковини ташқарига олиб чиқди.

Чарақлаб турган қуёш нуридан уларнинг кўзлари қисилади:

— Ҳавога қаранглар, — деди Маргарет, бехосдан. — Қандай ажойиб!

Керолайн машинасининг эшигини очди-да:

— Ўтиринглар, — деди.

Уйга етиб олгунча индамай бордилар, радионинг тугмасини босишди, шовқин, шовқин, яна шовқин, ўчиришди, яна қайтарилди, сўнг уйга олиб борувчи таниш йўл, уйнинг кўча томонидаги эшиги, даҳлиз, ошхона. Керолайн чой дамлаб, оила йиғинини бошлади. Одатда Жеймс ўтирадиган жой ҳозир бўш, Маргарет кириб келди, Керолайн Масъулият ва Обрў ва Тўғри Хулқ, ва яна, Оғизда-

ги Микроблар, ва Ватанпарварлик, аммо асосан, асосан, асосан, Она, Ноқулай Аҳвол тўғрисида гапираётган пайтда атрофда айланиб юрди.

— Илтмос, — деди Керолайн. — Мен нима қилишни билмай қолдим.

Маргарет Керолайнни қўлига олиб тебратишни истайди, Керолайн уйқусираган, бош кийимда, ранги бир оз саргиш. Керолайн кап-катта бўлган; бўйи онасидан ҳам баланд, икки марта эрга тегиб ажрашган, яна миллионер, унинг ўзи айтди. «Мил-ли-о-нер», деди у.

— Дўстларингиз қаерда, ойи, — сўради Керолайн.

Маргарет елкасини қисди. У сўнгги пайтларда дўстлар тўғрисида ўйламай қўйди, чоршанба куни «Шер перфекшин» гўзаллик салонига боришни ҳам ўйламади; сочлари тўзғиган, оқарган, тирноқларида кутикулалар ўсиб кетган.

— Узр, азизам, — деди у. — Бас қилдим.

Шундай аҳволга қандай тушиб қолдим? Аввал Ёш эдим, деб ўйлайди Маргарет. Кейин Севги келди: бир тиниб-тинчимас, мис рангли Рух. Ҳаррини Жорж Вашингтон кўпригида машинани айлантриб, орқага юришга кўндирган ўзи эмасмиди? Леонард Наннинг истеъфога чиқиши-чи? У малла парик билан сунъий инжу тақарди, тост нонини ҳула-хупа халқасида айлантриб, тиззасигача туширарди. У ҳамма нарсани таваккалга, ёки, тўғрироғи, муайян эркакларга қўйиб берарди. Роберт Кеннеди нишонга олганлар орасида эмасмиди? Никсонни охиригача қўллаб-қувватлаган эмасмиди?

Энди эса ғазабдан кўзига ҳеч нарса кўринмай кетди; жаҳл уммони (ҳа, уммони) кутилмаган пайтларда кўтариларди, гўё уни қўшилаётган ва камаяётган, аксарият ҳолда камаяётган, ички бир ой тортгандек.

Биринчидан, масъулиятни соқит қилайлик: Маргарет Фожеада ҳеч кимни йўқотмади, Жеймс ҳам қаҳрамон эмас, оддий банда, ўлими (тахмин бўйича) қаҳрамонларча эмас: қон саратони — ва ҳоказо, ва ҳоказо, ва ҳоказо — битта хужайра ёниб битди — ва ҳоказо — сўнг яна биттаси — ва ҳоказо, ва ҳоказо — қоқ суяк ва пай қолгунча, Жеймсининг ўпкаси механик равишда кўтарилиб тушарди, сунъий нафас асбоби ўчирилгунча ҳуштак чалиб турди. Худо ёр бўлсин. Бу Маргарет кимнидир танийди, кимнидир танимас эди, дейиш учун айтилмаяпти; бу у барчамиз Тақдир Ҳукмида яшашимизни, Аниқ Таҳдидлар борлигини, Ёвузлик аралашини, Ҳаёт тарзимизни кўпоришга уринаётганлар борлигини унутди, дегани эмас.

Шундай бўлса ҳам, савол беришса, Жеймсининг вафоти унинг 9 сентябрида бўлди, дерди у.

— Ҳар биримизнинг ўз 9 сентябримиз бор, — дерди у. — Нима дейсиз?

* * *

Қирс, қирс, қирс.

Кейинги гал Твидлди бошқалардан ажралиб, унинг ёнига ёлғиз келяпти, қўли бинтланган, Гавдали, нарироқда, ёрдамга шайдек бўлиб турибди.

— Огримадими? — дейди унга Маргарет. — Заҳарли эмас эканманми? Юқимли касалим йўқми?

— Белгини ўқишингизни сўрар эдим, миссис Мориси, — дейди Твидлди.

— Бу эркин мамлакат, — деди Маргарет.

— Буткул эмас, — деди у. Аниқ, Норозилар ва ёки Жинной Жинниларга Қандай Муомала Қилиш тўғрисида дастуруламаллари бор.



— Жасадларнинг менга қизиғи йўқ, — деди Маргарет. — Ёввойи ҳаёт учун бу ердаман.

— Суратга олиш тақиқланган, — дейди у.

У кузнинг қизғиш ранглари фонида қаддини ростлаб аниқ ажралиб турибди, камуфляж кийимида бирон бир кайфият сезилмайди, ёлғиз қиш мавсумига тақаб кўйилган. Агар аскарнинг кўзларига боқа олса эди, ўша кўзларда мушкilot ифодасини кўрар эди, Маргарет бунга амин, аммо кўзлар нурни қайтарадиган линзаларга ўхшаб турибди, холос, ва ҳар ҳолда, Маргарет янглишяпти: у ўз вазифасини бажаряпти.

— Шарафли кунми? — деди Маргарет, аммо у гап қайтармади.

Яъни, уларни отса бўлади, аммо суратга олиб бўлмайди-ми? Менингча, бу кулгили, — деди у Гавдалига. — Ҳали ҳам огрияптимми?

Маргарет лой теккан қўллари билан фотоаппаратни ушлаб олди, гарчи аппарат бўйнига тасма билан осилган бўлса-да.

— Сиз тақиққа риоя қилмаяпсиз, миссис Мориси. Бу ҳукумат мулки.

Маргарет Твидлдининг соясида ерга чўкади, қўллари кўкрагида.

— Швецияда бундай гаплар йўқ, — деди аёл, ўтирган еридан тепага кўз қирини ташлаб. — Киши хоҳлаган жойида кемпингда тўхташи мумкин. Рухсат этилади. Бутун мамлакатни пиёда айланиб чиқиши мумкин, киши, хоҳласа, бирон кимса «хусусий мулк», деб айтолмайди. Буни демократия деган бўлардим, сиз нима дейсиз?

Маргарет тепасида тоғдек гавдали одам турибди — дарахт ва буталар нақш ташкил қиларди — ёруғликни қайтарадиган кўз ойнаги чўққидаги тошдек, узоқдан

қор ёки сув бўлиб кўринадиган манзарани томоша қилиш жойи; чарақлаб турган қуёшда ёрқин, ҳеч нарсага дахли йўқ. Маргарет у қўли билан Индамасларга, қўли бинтланган Гавдалига ишора қилаётган пайтда кутиб турибди. Уларнинг ҳаммаси Маргаретдан чарчаган ва зериккан, бу аниқ. Улар олға қадам ташлайдилар, кишанларининг қулфини очиб-ёпадилар, шиқиллатиб очадилар, шиқиллатиб ёпадилар, шу кезде бошқа жойда бўлишни истайдилар. Ҳатто Твидлди пешонасидаги терни ўлгудек чарчаган одамдек артади. Маргарет у ўзини қандай тасаввур қиляпти экан, деб ўйлайди, у ўзини ким деб билипти — барчамизни худо билади нималардан: ҳеч нарсадан, ҳамма нарсадан; фотокамерали кекса аёлдан ҳимоя қилаётган аскарми ёки давлат арбобими? У барчамизни ҳимоя қилади, у почта маркаси ёки байроқ каби; сотиб олинадиган ва сотиладиган белги, автомобиль бампери ёки регби ўйинчисининг дубулгасига ёпиштирадиган ёпишқоқ тасмали бир нарса — Райт Эйд ташкилотининг катта қутисида ўттиз етти цент ёки бир доллар туради.

Кишан ўйлаганидан тор экан, у ўзининг хаёлига келган ягона қўшиқни: «Ажойиб назокат»ни хиргойи қилган ҳолда туриб, ўзи нақадар кулгили кўринишини, қўшиқ бугундан қолганини, ҳатто эски замонники бўлиб қоганини билди: Тинчлик. Маргарет буни Керолайнга айтишни ўйлайди, бирон йўл билан тушунтиришни: қилмоқчи бўлган нарсаси — ҳақиқий бир нарса қилиш, дейди у, ҳақиқийга яқинлашув бўлмаган бир нарсани қилиш.

Бу ерда иккимиз, дейди у, барчамиз: аскарлар, норозилик билдираётганлар, бошланган саҳнаданмиз; шунинг учун ҳатто ўзимнинг майлим...

Керолайн гапини бўлди:

— Нимага?

Жарима тўланди, ҳолбуки бу гал бармоқ излари олинди.

— Хоним, — деди Твидлди Керолайнга, — Онангизга айтинг, оғзига қулф солиб юрсин.

— Бўлишга, дейди энди Маргарет, бўлишга.

— Ёки бўлмасликка, — дейди Миллионер.

— Қачон ҳамма нарса ҳақиқий бўлмай қолди, — дейди Маргарет.

— Жеймсни бунга аралаштирманг.

— У...

Керолайн қулоғини бармоғи билан беркитди; у, гўё яна саккиз ёшар қизга айланди: сочи ўрилган, оёғида гольф пайпоқ, олтита тиши йўқ, Поуп шеърини айтгандан кўра сақичдан пуфак қилиш осон эди, ҳолбуки Жеймс, қалбида ўқитувчи, бундай қилишга бир неча хафта уринган эди.

— Бу менга бари бир, ойи. Айтмоқчиманки, бари бир эмас, аммо баъзида киши аввал ўзини ўйлаши керак.

— Овора бўласан.

— Нима? — Керолайн қулоғини очди.

— Биладан, дедим.

— Нимани биласиз?

— Сенга бари бир эканини биладан.

Пуфак ёрилади, иш чиқмади. Жеймс сақични Керолайннинг сочидан ўзи тозалаб олди, шундай бўлса ҳам Маргарет уни бир уришиб берди, ҳам тароғи билан «мана, ёйсан», деб кўрсатиб қўйди. Жеймс буларнинг барчаси «Ҳиссиётлар банкаси»га солиб қўйди, бу банка аввалги ҳаётида шивитли тузламалар банкаси эди.

Мен БИР НАРСА ҚИЛИШГА уриндим, холос. Мен унга сақичдан пуфак чиқаришни ўргатаётган эдим, жаҳлингиз чиқди, бошимга солиб юборишингиз мумкин эди.

— Мен бир нарса қилишга уриндим, — деди Маргарет, ваҳоланки Керолайн кечки овқатга спагеттидан бошқа яна нима қилиш мумкин, деб илҳом келишини кутаётган эди. — Тушунишга ҳаракат қилаётганинг ҳам йўқ. Ҳамма нарсасиз. Суҳбат, масалан, фикрга яқин нарса бўлган бошқаларнинг фикридан ва ҳоказо ва ҳоказо ўзлаштирилган фикрга яқинлашув, холос. Барча нарса яқинлашув бўлган бир пайтда, ҳақиқий қарашга эга бўлишга уриняпман, холос.

Лекин бу гап тўғри эмас, аслида. Ўлим яқинлашув эмас. У мутлақо ҳақиқат; уни ўзгартириб бўлмайди, абадий — ҳеч ниманинг яқинлашуви. Маргарет ўшанда, дастлаб база, казармалар, ҳарбий галактикани топганда шунини кўрмадимми? Қаерга кетаётган эди? Энди эслай олмайдим. Йўлини йўқотган эди, машинани ҳайдаш билан банд, радио тугмаларани босавериш, ички овозини босириш учун худо билсин нималарни муҳокама қилаётган эркак ва аёллар овозини тингларди. Ички овозни ишлатинглар, дерди у болаларига, яъни тинчланинг дегани. Мулойим айтарди. Ҳозир ўзининг овози эса дод дерди; сочини юларди.

У қатор кетаётган жипларни кузатар эди, шоссенинг бошқа тарафида бошқа машиналар билан бирга тўхтади; соя далалари, макказор, жануб ёки бошқа бирон ерга йўл олган ғозлар учбурчаги, шундай ортида чуғурчиқлар чириётган хазонни титаётган ва ўгил бола, ҳамма болалар қиладигандек, шиша оғзидан ичаётган ёки чекаётган ёки синдиришни кўзлаб чўнтаги тўла тошларни шишага отаётган ташландиқ молхона: кимса билмас овлоқдаги қоровул миноралар ва турар жой иморатлари ва уйлар ва почта идораси мажмуасини ўраб турган олтибурчак қилиб тўқилган сим тўр олдида кутиб турган мактаб авто-

буслари каби қатор-қатор жипларга ҳайрат билан тикилди. Марказда самолёт жойлашган эди, ниҳоятда мураккаб нарса, қаноти тахланган, думи қайчиланган — учадиган бирон нарсадан кўра кўпроқ паккига ўхшайди — ундан жасадларни олиб чиқаётган аскарлар, майитларни олиб кетиш учун қабул қилиб оладиган оилалари ҳақиқат, ўлганлар сингари.

— Бу яқинлашув эмас, — деди Маргарет. — Ўша ахмоқ беркитишга бети йўл қўйган нарса шу: алғов-далғов орасида ягона ҳақиқий нарса, — деди у, бир муддат илгари соусли банкани иссиқ сувга тутиб туриб таслим бўлган, Маргаретга орқа билан турган, аммо, чамаси, қулоқ солиб турган Керолайн учун ҳаммасини номи билан айтишга ҳаракат қиларди.

Энди у ўгирилди, қўлларидан сув томарди.

— Гапингизни эшитяпман, ойи, — дейди у қопқоқни очар экан; у санчқи билан бир спагеттини қайнаб турган сувдан олиб Маргаретга узатади. — Finito?¹ — деб сўрайди у.

* * *

Маргарет Жеймсни тушида кўряпти. Бу тушда Жеймс Кейп Кодда (роса йиллар бўлган эди-да) қирғоққа урилаётган тўлқин кўпигидан бошдан оёқ ҳўл, танаси ялтироқ, чиқиб келяпти; қандай бўлса, шундай эди, жавонмард, китоб ўқишни ёқтирган, онасига ёзган хатларда китоблардан парчалар келтирган йигит. Баъзи нарсаларни онаси ёқтиради, деб амин бўлган, бу нарсаларда унинг дидини тушунади, деб ёзган эди у бир марта.

1 «Бўлдимми?» — итальянча. — Таржимон изоҳи.

* * *

«Онажон, унинг исми профессор Бёрнз¹, худди устидан кулгандек, чунки у мўркондек тутунни бурқиратиб чекади ва ҳатто чекмаганида ёндирилган сигаретани кулоғига қистириб қўяди. Айтишадикки, бир марта сочига ўт тушган, шунда маърузасида тўхтаган жойидан адашиб, семестрнинг қолган пайтида жадвалдан бир дарс олдин кетаверган. У бироз ғалатироқ, аммо уни ёқтираман ва унинг фани мен энг яхши кўрган фан. Романтик шеъриятни ёқтираманми, ёки у романтик шеърият тўғрисида гапириб беришини ёқтираманми, билмайман. Балки мен шунча йил давомида романтик шеърият ҳақида гапириб келиб, ҳали ҳам кўз ёш тўкадиган кишини ёқтирарман, билмадим. Ҳа, у йиғлайди. Ҳар ҳолда тунов кунин Вордсворс тўғрисидаги маърузадан кейин йиғлади. Бир неча қиз уни овутигани тушди; балки, бу бир шўхлик эдими (ҳа-ҳа).»

* * *

Ана у! Маргарет туши тўғрисида ўйлайди. Қаранг, ана у! У чўмилаётган эди — шум така — шунча пайт!

Маргарет ўғлининг ортида ёпирилиб келаётган тўлқинлар шовқини, парчаланиб кетишини эшитяпти, аниқ эшитяпти. У ўғли яна ўзини тезобликка отади, деб қўрқади; неча марта унга айтган эди, оқим уни бир неча чақиримга олиб кетиши мумкин, деб! Йўқ. Ўғли унинг олдига юриб келяпти, ортидаги қуёш нури кўзни қамаштиради.

¹ Инглизчада «бёрнз» «ёняпти» деган маънони билдиради. — Таржимон изоҳи.

Унинг ўзи ҳам кўзни оладиган йигит, бирон суяги синмаган, ҳеч қаерини тузатиш, тикиш керак эмас; юраги бақувват. У дори ичмайди, Маргарет шуни айтиши мумкин; «ҳа» деган жойига белги қўйиш керак бўлган катаклари сон-саноксиз қайта-қайта тўлдириладиган формага у ҳамма вақт «йўқ», «йўқ», «йўқ»! деб ёзади. Май ойидаги алвон лола кўриниш бўлса ҳам, ўгли кўриниш эмас, ана шунда бир киноя бор: Ўғли бор!

Маргарет мулойим, қарийб оғриқдан уйғонади. Кечанинг улкан шафқатсиз ўйини бу: кечаси ёлғиз, безътибор уйғониш. У хоҳласа инграши ёки йиғлаши мумкин — Керолайн уйига кетиб бўлган, Ҳарри уйқуда кар бўлиб қолади, анчадан бери ёругликдан кўзини сочиқ билан ёпиб қўйиш одатини чиқарган. Маргарет тиззасига таяниб унинг нафас олишига қарайди, у Маргаретнинг болаларининг отаси, умридаги улкан севги. У ўз пуфагида конотга учиб кетмоқда. Пуфак, аёнки, ёрилади, шунда у, қолганлар каби, кетади.

Қаерга?

Шуларнинг бир кўринишига, балки, дейлик, чиғаноқ чирмовига, барглар рангига, қўл ишорасига; шу ерда, биروق чуқур ботинда.

Бир куни Жеймс ундан нимага ишонишини сўради; паймонаси битаётганда, ёки шунга яқин, у эслайди. Маргарет шунда ёлғон гапирган, шекилли; у ўғлига кўпиртириб гапирганга ўхшайди.

— Ҳеч нарсага, — деди у, аччиқланиб. — Мутлақо ҳеч нарсага.

Ўғли дераза ёнида стулда ўтирар эди. Маргарет шолрўмол билан келган-кетганлар учун эшикка яқин қўядиган сули печенье кўтариб келган эди.

— Ажойибсиз-да, ойи. Шуни айтмоқчи эдим, — деди у.

— Раҳмат, жоним, — деди Маргарет, бир кўпроқ гапиришини, бир гапдан тўхташини хоҳлаб. Маргарет ўғлининг кровати ёнида турар эди, у шу ерда туришни ёқтирарди. У ҳатто шу хонани ёқтирарди, ёки шунга ўхшаш, бу қават тинч, ёруғлик ўнг томондан тушганда унча баланд бўлмаган томлар ортида кумушранг бўлиб товланган дарё кўринади, бу фаслда кўпроқ шундай бўларди. Куз фасли эди; қуёш паст, оғаётган эди. Ўглига тик боқиш нега шунчалар қийин бўлаётганини у тушунтириб бера олмасди.

— Ҳаддан ошаётганингизни кечираман, — деди ўгли.

— Худога шукр, — деди Маргарет.

— Янглишяпсиз, деб ўйлайман, — деди у.

— Биринчи мартами?

— Янглишган чиқсангиз, қайтиб келиб ойнани тақиллатаман, — деди у. — Менинг «ҳа, қалай?» деганим, деб ўйланг бу ҳақда.

* * *

Ойнани тақиллатгандан ҳам ортиқ бўляпти; «ҳа, қалай?». Шамол эсишида ҳам кўшимча маъно бор. Қаердандир ваҳима босган болалар яна бир нарсаларга қулоқ тутмоқдалар — кавалерия, пиёдалар, артиллерия — Жеймс унга нималарни ўргатган эди? Ҳеч нимани. Ҳамма нарсани. Номлар бир маррага йигилиб келди, худди юрак уришдан тўхтаганда қон йиғиладигандек, аппарат тўхтаганда. Аппарат тўхтади.

У ўрнидан туриб кийинади, деярли англамаган ҳолда. У энди бир нарса ёзиши ҳам керак эмас. У ҳалпиллаган кийимини устига ташлаб чиқади, бўш камераси эсидан чиқади — Бу худди кинодагидек бўлди, деди у Керолайнга.

Аскарлар тасмани ўраб чиқариб, ахлатга улоқтирдилар! Улар, яна тишлаб олмайсизми, деб бақирдилар! — сумкасини ҳам унутди, «универсал»ига миниб, лой йўлдан санғиб юриб уни шоссе томон бошқарди. Бу пайтда ҳаракат кам, у хоҳлаганича тезликни ошириши мумкин, ўтаётганида макка далалари ва сояпоярлар уни қутлайди; охиروقибат унинг ягона иттифоқдоши, манзара, далаларнинг қора лойи. Ҳукумат мулки, лаънат, деб ўйлайди у.

Унинг фаралари у бурилган томонда ўрмонни ёруғликка чўмдиради: ёввойи, шона каби зич ўсган, кавакларида чирмовуқ ўтлар билан ўқ учликлари топилади; бунинг барчаси мана шу ғалати, қиёмат шамолида тўзияпти. Дарахтлар ортида болалар бўлиши мумкин, гўрдан чиққан мурдалар, Франкенштейнлар ва шарпалар билан вампирлар териси суягига ёпишган, титроқ қўлларини силкитиб, мен бу ерда, йўқ, бу ерда, дейди. Албатта, уларни Маргарет улоқтириб ташлайди; қўниш майдонининг прожекторлари улоқтиради: фавқулодда вазиятларда, шубҳасиз, ҳавони лаҳтак-лаҳтак қилиб кесаётган паккилар, оилалар ўликларнинг ягона гувоҳлари.

Майли, у нимани режа қилган эди? Суратларни кимларга кўрсатар эди? Ҳарригами? Керолайнгами? Ёнида йўқ дўстларигами?

Қоровул минораси ёнида машинани тўхтатиб қўйиб, эшикни шапатилаб уради. Пўлат зина ой нурида ярақлаб, дарахт шохлари орасида уйчага ўхшаган қоровулхонага элтарди. Маргарет ойнада нафас изини кўра оларди, ҳаво шунчалик совуқ эди, қоровулхона унча баландда эмас эди; ёки қировми; Маргарет биларди, у ўша ерда, агар тепага чиқса, уни топарди.

Қачон у Маргарет излайдиган болага айланди?

Радио гапиряптими? Уйга хат ёзаяптими?

Маргарет у қаерлик эканини, мактабда нималарни ўқиганини билишни истайди. Ёш болалигида чизган расмларига қизиқади, дейиши мумкин унга Маргарет. Бошланғич мактабдаги, хатто боғчадагисига. Доиралар чизишдан бошлаганми? Ўша доиралар! Кейин секин-аста, йўқ; буни у ўз болалари билан дўстларининг болалари ва хатто невараларида кузатган. Доиралар йўқ бўлиб кетади, бориб-бориб. Умидсизликка тушма, дейиши мумкин унга. Ҳаммада шундай бўлади.

У мактаб ошхонасида қаерда ўтирганини билишни истайди — кўзга кўринган болалар биланми, ёки алоҳида, Жеймсига ўхшаб, сендвичи китоб халтасидан тушиб қолар, оқ нондаги тюна балиғи ёки, балки, ер ёнғоқли сарриёғ. Онаси хатча ҳам қўшиб қўярдимикан? «Сени яхши кўраман» ёки «Ҳей, тойчоқ!» Балки у рағбатлантириб қўйишга муҳтож бўлмаган ўғил бўлгандир; балки ўз ўзича бинойидек юргандир. Диди унча ривожлантирилмаган — Маргарет шуни пайқаши мумкин — талаблари катта эмас. Бор нарсага қониқарди, маҳрум бўлгач — шикоят қилмасди. У режалар тузган — яшаш режаларини, вазиятлардан чиқиб кетиш, бирон нарса қилиш, омон қолиш.

Поездларга қизиққанми? Бирон чолгуни чалганми?

Маргарет тўр олдида ичкарига қараб турибди. Ҳаммасидан ёмони, Маргарет унга бўлак юлдузларни ажрата олмайди, дейиши мумкин; биттасини топдим, дегунимча, у кўздан ғойиб бўлади, орбитадаги метал ёки транспорт воситаси. Йўналишимни белгилаш учун ҳеч бир муқим нуқта қолмади, дейиши мумкин. Қандай қилиб яна бирон истак билдиришим мумкин?

Сен жавобгар эмассан, дейиши мумкин Маргарет. Бизлар сенга қилганларимиз уят. Биз барчамиз уялишимиз керак.

«Сен биз, барча бошқаларга ўхшайсан,» — дейди у.
«Сен Бирон Нарса Қилишга уриняпсан».

Буни Маргарет баралла айтдимиз, ёки пичирладимиз. Энди аҳамияти йўқ. Дафъатан чарчоқ сизди, кетиши кераклигини англади. У уйга келган йўлидан қайтади, ўша эски нарсалар ва ҳоказо орасидан ҳайдаб ортга, Харри ёнидаги қонуний жойига қайтади: Маргарет Мориси, Кералайн ва яни бири, раҳматли, Жеймснинг онаси.

«Гормон, қургур», дейди у Кералайнга, тушунтирган-дек бўлиб.

«Мен ҳам уни соғиняпман», дейди Кералайн, узр сўраган-дек бўлиб.

— Хайр, — дейди Маргарет уларга, баранг-баранг ту-файли ҳеч ким эшитмаса ҳам; кузда овчилар ўлжага айниқса ўч бўладилар.

| | |
|---|-----|
| <i>Муаллифлар ҳақида маълумотлар</i> | 5 |
| Жозеф Эпштейн. Укагинам Илай <i>(Фахриддин Низомов таржимаси)</i> | 17 |
| Беверли Женсен. Дафн маросими <i>(Фахриддин Низомов таржимаси)</i> | 61 |
| Рой Кесей. Кутиш <i>(Фахриддин Низомов таржимаси)</i> | 107 |
| Стелар Ким. Натижалар ва таассуротлар <i>(Шоаҳмад Муталов таржимаси)</i> | 129 |
| Эйрин Кайл. Садоқат <i>(Аъзам Обидов таржимаси)</i> | 161 |
| Ричард Руссо. Отлик <i>(Фахриддин Низомов таржимаси)</i> | 193 |
| Кейт Уолберт. Бир иложини қилсангиз-чи <i>(Шоаҳмад Муталов таржимаси)</i> | 235 |

Америка ҳикоялари

Нашр этувчи – А. Арапов

Дизайн – К. Абиджанов

Босишга рухсат этилди 01.03.2011й.

Адади 2 200 нусха.

ISBN 978-9943-17-035-3

SMI-ASIA: 100000, Тошкент, Х. Олимжон майдони, 3б-2а
www.smi-asia.uz

Mega Basim босмахонасида чоп этилган.
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey
www.mega.com.tr

